

Зулфия

асарлар

Камалак

# Зулфия

АСАРЛАР

УЧ ЖИЛДЛИК



Учинчи жилд

## Камалак

Хотиралар  
Очерклар  
Сухбатлар  
Таржима



Тошкент

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1986

Ўз2  
3—91

### Зулфия

Асарлар: 3 жилдлик. 3-жилд: Камалак: Хотиралар. Очерклар. Суҳбатлар. Таржима.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.—432 б.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия «Асарлар»нинг учинчи жилдига муаллифнинг хотира ва очерклари, адабий мақола ва суҳбатлари киритилди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ёзувчиларининг турли анжуманлари ҳақидаги чизгилари ҳам шоиранинг жўшқин ижтимоий фаолияти ҳақида тасаввур беради. Шунингдек, китобдан А. Гинзбургнинг «Там-там садолари» драмаси таржимаси ҳам ўрин олган.

Зульфия. Собрание сочинений: в 3-х т. Т 3. Радуга: Очерки и воспоминания. Литературные статьи. Беседы. Перевод.

Ўз2

4702570200—180 29—86  
М 352 (04)—86

---

I

Юрагимга яқин кишилар



## ҲАЁТ ВАРАҚЛАРИМ

Яна баҳор, мангу ёруғ фасл. У назаримда нимпушти либосда юргандай. Йўқ, йўқ, бирданига шундай эмас. Олдин юракларимизни бу муъжизадай баҳор соғинчи тўлдиради. Биз кунлар, сўнг соатларни интиқ санаймиз. Кейин дарахтларнинг нозик новдаларига митти куртакчалар тошади. Улар бахмалдай барг бўлиб ёзилади. Кейин бодом, ўрикларнинг бошини оппоқ пушти туманлардай гуллар чулғайди. Сўнг жимлик ва олмаларнинг хушбўй атирлари меҳнатга уйғотган илиқ тупроққа ёйилади.

Баъзилар йилнинг тўрт фасли ҳам баҳор бўлишини хоҳлайдилар. Менимча, баҳор билан доим бирга бўлсам, унинг келиши бу қадар ширин туюлмас эди. Одамзод баҳорга бу қадар интиқ бўлмасди.

У йилда бир бор келган фасл бўлгани учун ҳам шу қадар суюкдай, тансиқдай.

Эс-эс биламан, болалигимда куртакларнинг баргга айланганини ўз кўзим билан кўргим келарди. Тушларимда бу ҳолатларни неча-неча бор кўрганман; жажжи муштан ҳам жажжироқ куртакчалар жилмаяди, жилмайиши япроқларга айланади, япроқчалар ҳадемай ёйилади ва шамолда рақс туша бошлайди.

Ўнгимда эса қайрағочлар, толлар қарши-сида шу мўъжизани кўриш учун соатлаб пойлардим, бирданига куртакчалар яшил-қизғиш йўргагини ечиб ташлаб, ҳилпираган япроқ бўладигандай туюлаверарди, қарайверардим, қарайверардим. Кўзларим оғригунча термулардим. Дугоналаримнинг чақиришлари, онамнинг мулойим овоз берганлари, акаларимнинг ёлғондакам дуқ-пўписалари менга сира ҳам кор қилмасди.

Лекин бари кутганларим беҳуда кетарди. Куртак менинг йўқлигимда япроқ бўларди. Улғайганимда киноплёнкаларда бу ҳолатни кўп бор кўрганман. Лекин у мени ортиқча ҳайратга солмасди. Бу — менинг болалигим, хотирамга гўзал сувратдай ўрнашиб қолган болалигим. У ҳозиргига унча ўхшамаган кўҳна Тошкентнинг маҳаллаларидан бирида ўтган. Ҳовлимиз мўъжазгина эди. Эрта баҳордан кеч кузгача хушбўй ва хушрўй гуллар очилиб ётарди.

Мен онамнинг кенжаси эдим. Онам! Йиллар ўтган сайин мен бу мўътабар зотни яхшироқ таниб бораётгандай бўламан. У тобора менинг юрагимга яқинроқ келиб, жон-жонимга сингийди.

Баъзан ўзим билан ўзим танҳо қолган кезларимда хотирам қатларидан ҳатто овозлари келаётгандай бўлади. Шеър ўқишларини кўп севар эдик, қандайдир эркаловчи, майин, муסיқий, маънили... Онам кўпроқ ўғил болаларни ўстирган. Ўғил бола тарбияси қийин бўлади, аёл кўп ўғил ўстирса, сержаҳл бўлиб қолади, деган гаплар қулоғимга чалинган. Йўқ, менинг онам овозини сира баланд кўтармасдилар. Мен уларни тинглаётганимда пок, ором-

бахш бир оламга киргандай ҳис этардим ўзимни.

Онам биз фарзандларнинг «нега?», «нима учун?» тарзидаги саволларимизга сабр-қаноат билан, жуда мароқли, мулойим жавоб қилардилар. Ўша овоз, энди билсам, мени дунё кенгликларига бошлаган сўқмоқ экан. Энди билсам, онамнинг битта ўзлари ҳозирги замон болаларига ҳар хил ахборот берувчи ўнлаб манбалар ўрнини босар эканлар. Агар истеъдодим бор бўлган бўлса, унинг чашмаси—онам. Агар адабиёт аҳлига бир кафт дон янглиғ шеърӣ ҳосил тутган бўлсам, унинг уругини қалбимга аввало онам сочганлар.

Оиламиздан ёзма эсдаликлар, сувратлар қолмаган ҳисоб. Фақат болалигим жуда беғубор, бахтиёр ўтганлиги учунми, бу эсдаликлар, бу сувратлар менинг ёдим дафтарига яхлит ёзилган.

Тўғри, биз бой яшамасдик, осон ҳам яшамасдик, фақат гўзал яшардик, тинч яшардик. Уйим деганда кўз олдимга онамнинг мулойим, дониш нигоҳларидан сўнг чопқиллаб оқаётган ариқ, шовуллаб куйлаётган тераклар келади.

Тўрт акам бор эди, бири биридан кўркам, кучли, мард йнгитчалар... Онам ҳаммамизнинг кўнглимизни олишга улгурардилар. Отам уйда кам бўлардилар. Лекин мен уларни ҳам жуда ёрқин эслайман. Улар кийимларининг у ер-бу ерида чўғ изи, ҳорғин кириб келардилар, доим олов иси келарди отамдан. Отам пўлат қуювчи эдилар. Мен отамнинг чўғдай пўлатни истаган шаклга сола олганларини, ундан турли буюмлар ясаганларини, бундан роса ҳайратга тушганларимни ҳам кечагидай эслайман.

Мана шулар менинг бахт деб атаганларим: юлдузлар ҳақида эртақ айтувчи онамнинг овози, отам, унинг қўлида жилмайиб тургандек қизғиш чўғ, ерга урса, кўкка сачрайдиган акаларим—маҳалланинг ўсмир болалари... Ажойиб дўстлар эдик. Мен ҳозир уларнинг бори тўғрисида ҳам, йўғи тўғрисида ҳам севиб, ҳар бирининг ўзига хос қилиқларини сўзлаб беришим мумкин.

Мен яқинда Америка ёзувчиси Бенжамен Спокни ўқидим. Унда маънавий бой, пок ҳаёт бағридаги болалик—ғўзал болалик эканлиги ҳақида ҳам гап бор. Бунга мен ўз кўрган-кечирганларим сабаблими, жуда ишонаман.

Болалик ва ўсмирлик ҳақида жуда кўп яхши китоблар ёзилган. Лев Толстой, Аксаков, Герцен, Алексей Толстой, Горький... ҳаммасининг болалиги ҳар хил даврда, ҳар хил кишилар орасида ўтган. Ҳар бириси бошқа тақдир. Ғафур Ғулوم, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорларнинг ҳам умрнинг бу тўнғич фасли ҳақидаги асарлари бор.

Мен эса ҳанузгача ёзмаганман. Лекин ёзгим келади. Баъзан шеърларимга ўша шаффоф кунларимнинг парчалари оқиб киради. Лекин у бир томчи, холос. Балки, болалигим, уни беаган яқинларим ҳақида китоб ёзиш бахти менга ҳали насиб этар...

Техникумга ўқишга киргач, кўз олдимда ҳаётнинг яна бошқа бир саҳифаси очилди. Бу саҳифа сўзлари энди қўшиқ авжларидай шиддатли эди. «Ҳужум» деб аташарди бу даврни.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент майдонларида гулханлар ловуллаб ёнарди, унга қўшилиб паранжи-чачвон ҳам ёнарди. Давр қайноқ, давр руҳи сингган юраклар ҳам қайноқ эди.



Алвон рангли жанговар шнорлар, митинглар, доим гавжум аёллар клублари, ликбезлар... Мана энди, бу даврдан хотирамга ўрнашган жонли тасвирлар...

Кейин илк шеърый тўпламим босмадан чиқди. Юпқагина, лекин унинг менга берган қувончлари, қанотли туйғулари бор оламча! Уни «Ҳаёт варақлари» деб атабман. Энди билсам, у дунёга айтган илк сатримнинг илк сўзларидай гап экан. Бу йилларда менинг ҳаётимга яна бир қувонч тўлқини кирди. Бу—Ҳамид Олимжон эди. Унинг азиз исми фақат менинг ҳаётим саҳифаларигагина эмас, республикамиз адабий ҳаётига ҳам ёзилган. У иқтидорли шоир, ёзувчиларни орқасидан эргаштира олиш кучига қодир бўлган ташкилотчи инсон эди.

Ҳамид Олимжон менинг учун талабчан устоз, меҳрли дўст эди. Шеърларимни илк бор ҳаяжондан титраб, унга ўқирдим. У аёвсиз таҳрир этарди. Йиллар ўтди, йилларнинг бири билан қўшилиб, Ҳамид Олимжон ҳам кетди. Энди мен сатрларимга унинг нигоҳи билан қарашни ўргандим. Ҳали-ҳануз менинг жуда кўп қораламаларим иш столим ғаладонларида айнан шу нигоҳдан ўтолмай, қолиб кетади.

Сўнгра эса менинг ҳаётимга йўллар, Иттифоқимиз ва дунёнинг турли тарафларига тушган йўллар кириб келди. Йўллар билан қадрдон дўстлар, турли эл ҳақида сўйловчи турли тилдаги китоблар. Мен уларни варақлашни жон-дилимдан севаман. Чунки бу китобларда халқ руҳининг бир қисми, халқ хотирасининг бир қисми яшайди.

Шеърят! Бу ҳаётимнинг барча саҳифалари, азиздан азизим, оғриғим, шодлигим, содиқ

дўстим, сирдошим менинг. У ҳаммага азиз!  
Мен бунга сафар чоғларимда кўпроқ инондим.  
Одамлар чинакам шеърга ишонади, унга суянади,  
уни интиқ кутади, малҳам деб билади!  
Шеърят—инсоннинг маънавий эҳтиёжи. Мендан  
кўпинча ҳаётимнинг энди ёзилажак варақларидаги  
шеърлар ҳақида сўрашади. Мен айтолмайман,  
ахир, келгусида муҳаббат ва яна ҳоказолар  
ҳақида шеър ёзмоқчиман, деб бўлармиди? Асло!

Шеър бу — чақмоқдай оний туйғу. Унинг  
сувратини чизиб улгурсанг — улгурдинг, йўқса  
етмиш икки томирингга сим-сим оғриқ солиб  
юраверади.

Баъзан умуман ёзолмай қоламан. Кўнгил  
дунёга бир тола ёруғлик тушмайди, ўша кунлар.  
Шеър мени бутунлай ташлаб кетгандай,  
бутунлай ғариба бўлиб қоладигандай ташвишга  
тушаман. Йўқ, қай бир бахтли фурсатда  
менинг шодлигим — шеърим яна келади! Ҳамма  
танаффусларда шундай ҳолатни бошдан  
кечираман.

Менинг умрим варақларида қийноғидан ҳам,  
шодлигидан ҳам қувониб юрганам яна бир  
бебаҳо бойлигим бор. Булар — фарзандларим,  
ўғлим, қизим. Улар ҳозир ўзлари ота-она,  
бир-бирига ўхшаб-ўхшамаган фарзандлар  
тарбия қилишмоқда. Баъзан Ҳулкар гапираётганда  
ундан онамнинг майин овози эшитилгандек  
бўлиб кетади. Улуғбек неварамнинг ўткир  
нигоҳларида баъзан Ҳамид Олимжоннинг қарашларини  
кўргандай бўламан.

Шунда мен дунёда ҳеч нарсанинг изсиз кетмаслигига,  
фақат у бир кўринишдан иккинчи кўринишга  
ўтиб яшашига чуқурроқ ишонаман. Менинг,  
ота-онамнинг, Ҳамид Олимжон ва

унинг аждодлари қони тиниб қолмаслиги умиди менга куч беради.

Мен яна бир нарсага қаттиқ умид қиламан. Йиллар ўтаверади, ер юзидаги ҳаёт бундан ҳам гўзаллашаверади, унда бугунгидан ҳам яхшироқ инсонлар — руҳи бой одамлар яшайди. Агар ўша кишилар ҳам меннинг бирор сатримни эсга олсалар, ўша сатр улар учун керакли бўлса, қалбининг бўш бир нуқтасини тўлдирса... Қаламимга шу умид куч беради. Зотан, шу илинжсиз ёзишнинг кераги йўқ! Шоир фақат бугуни учун шоир бўлса, бўлмагани яхши!

1978

## У ЯШАШНИ СЕВАРДИ

Ҳамид Олимжон ҳақида хотиралар

Одимлаб ўтганим — йиллар ва йўлларга хаёлан қайтаман. Бу йўллар ва йилларнинг бирон лаҳзасини ҳам беҳаяжон, лоқайд эслай олмайман. Ҳар бир дақиқасида қувончу изтироблар, топиш, йўқотишлар, дийдорлашиш, айрилишлар бор. 1932 йил... Бу сана менга ёш ва ўтли, шиддатли бўлиб кўринаверади. Балки, бу ўша пайтдаги туйғуларим, кечинмаларим билан боғлиқдир?..

Мен Ҳамид Олимжонни илк дафъа ўша йилда кўрганман. Биз—йигирма чоғли адабиёт ихлосмандлари — семинар машғулотларига йиғилардик. Машғулотларни Ҳамид Олимжон билан Уйғун бошқарарди. Уларнинг ўша пайтдаги фақат ўзига ишонган кишидагина бўладиган босиқ, мағрур, кучли қиёфалари мени ҳозиргача ҳайратга солади. Улар ўзларини ниҳоятда эркин тутарди.

Биз ҳар бир сўзига, ҳар бир сатрига мафтун бўлиб, сўзларини муъжизадай билардик. Ўзимизни улар олдида анча нўноқ ҳис этардик. Балки, бу уларнинг кун сайин кўз ўнгимизда улғайиб борган шуҳратлари туфайлидир, деб ўйлайман энди.

Улар билан бир хонада ўтириб, шеър, ижод

ҳақида сўйлаша олганимиздан ҳам ғоят бахтиёр эдик.

Устоз билан шогирд бемалол ўтириб шеър устида баҳслашадиган, ижобий маънода мусобақа қиладиган бугунги кунда менинг бу таасуротларим бир оз ғалати туюлиши мумкин. Бироқ ўша пайтда мен ва атрофимдаги барча сафдошларим айнан шундай ҳиссиёт билан яшаганимиз — ҳақиқат.

Мен уларни ўша пайтда шундай ҳайратга, шундай ихлосга лойиқ эдилар, деб ўйлайман. Йигирма икки, йигирма уч ёшлардаги сиёсий, адабий етуклик, замон нафасини чуқур ҳис этиш, билим кўламларининг ниҳоятда кенглиги, ҳозиржавобликлари, сафарбарликлари — барча-барча фазилатлари менга шундай хулосага келиш имконини беради.

Яшириб ўтирмайман: Ҳамид Олимжон илк кўришувларданоқ кўзимдан кўнглимга ўтди. Мен жуда ёш ҳиссиётим билан унинг кенг қалби, улкан иқтидорини туйдим.

Давр мураккаб эди. Баъзилар ўзи билан ўзи, баъзилар эса атрофидагилар билан баҳслашарди. Қурилаётган янги замон машаққатлари, шиддатлари орасида унинг келажагини жуда ёрқин тасаввур этиш ва ишониш ҳаммага ҳам бирдай насиб бўлавермас эди.

Ҳамид Олимжон эса ишониш тугул, бошқаларни ҳам ишонтира олиш қобилиятига эга эди. Унинг ғоявий позицияси жуда аниқ бўлгани каби нутқи, сўзи, шеъри билан бошқаларни чорлаётган йўли ҳам жуда ойдин эди. Шу сабабданми, ҳар бир чиқиши ҳамманинг ёдида сақланиб қолар, гапирган гапларини анчагача эслаб юришарди.

Ҳамид Олимжон айёрликни ёмон кўрарди. Суҳбатдошининг юзига тик қараб, кескин ва қатъий гапирарди.

Шу сабабми, Ғафур Ғулом ҳазил аралаш:  
— Мен Ёзувчилар союзида биттагина Ҳамидга сўз дея олмайман. Шундай гапирадими, ҳаммасига қўшилмай иложинг йўқ,— деб юрардилар...

1934 йил республика журналларидан бирида шеърим эълон қилинди. Эртасига Карл Маркс кўчасида Ҳамид Олимжонга дуч келдим.

— Шеърингизни ўқидим,— деди у ошкора меҳр билан.— Яхши. Нимагалигини айтайми? Шеърда қалбингизнинг суврати бор, бир парчагина бўлса ҳам. У ўзингизнинг қалбингиз. Худди шундай давом эттириш керак. Риторикасиз, ҳақиқатни ёзиш зарур. (Мен ўша пайтларда «риторика» тушунчасини ғира-шира англадим, лекин бу ҳақда индамай қўя қолдим).

Ўшанда мен уйимизга юриб эмас, учиб келдим. Келибоқ йўл бўйи туғилган туйғуларимни қоғозга туширдим. Мен бу шеърни шундай енгил, тўлиб-тошиб ёздимки, юрагимга аллақандай афсонавий бир қудрат кириб олиб, фикрларим, қўлларимга куч бахш этаётгандай эди. (Бу «Баҳор кечаси» деб аталган шеърим бўлса керак.)

Мен ижодкор учун биргина илиқ нигоҳ, илиқ сўз қадри нечоғлик баланд эканлигини ўша пайтда англаганман. Кейинчалик ҳаёт йўлларимда жуда кўп ёш ижодкорларга сўз айтишимга тўғри келди. Мен уларга ҳалол, лекин катта меҳр билан сўз айтишга ҳаракат қилдим, бу Ҳамид Олимжоннинг илк сабоғи туфайлидир.

Менинг акаларим партия ходимлари эди. Улар ўз эътиқодлари, ишларига ғоятда содиқ одамлар эди. Лекин Ҳамиднинг дунёқараши жуда кенг эди. Бу кенгликни ўзи шудгор қилиб, дон сочиб, ҳосил кўкартираётган деҳқон каби заррама-зарра ва тинимсиз ҳолда яратган деб ўйлардим. Шоир вафотидан сўнг ундан қолган азиз излар — саҳифа-саҳифа қораламалар, конспектлар, битган ва битмаган асарларни варақлар эканман, ўша пайтда жуда тўғри ўйлаганимни сездим. Ҳамид Олимжон кичкинагина, бир нутқ учун ҳам анча китоблар варақлаганининг гувоҳи бўлдим. Ҳар бир нутқини қайта тайёрлаганини кўрдим...

Бир оз олдинга ўтиб кетдим, шекилли. Бизни Карл Маркс кўчасида илк учрашувдаги каби шеърят ҳақидаги фикрлар, адабий кечалар тобора яқинлаштирди. 1935 йили тўйимиз бўлди. Мен яйраб яшардим. Инсон чинакам севиб, севилганда атрофидаги барча қийинчиликлар ушоқ бўлиб кўринади. Тўрт фасл ҳам баҳор бўлиб кўринади. Мен ўша пайтда шундай руҳда эдим.

Ҳамид Олимжон фақат сеvimли киши сифатида меҳр, эркалаш билангина эмас, дўст сифатида катта ғамхўрлик ва талабчанлик билан қарарди. У аввало ўз-ўзига жуда талабчан инсон эди. Мен унинг ўзи белгилаб қўйган иш интизомига темир қонун каби амал қилганига ҳали-ҳануз ҳайрон қоламан. Бу фазилат — инсондан катта прода, катта бардош талаб қилади, ахир.

Ҳамид Олимжоннинг кундузлари ҳам ниҳоятда ишчан ўтарди: йиғилишлар, адабиёт ҳақидаги баҳслар, китоблар, дўстлар билан

учрашувлар... Шулар орасида ҳам бари бир ижод учун имкон топарди. Одатда, саҳарда туриб ёзарди. Ҳамид Олимжон бирор сатр шеър ёзмаган кунда ўзидан жуда норози бўлар, ўша кунни умри ҳисобига қўшмай, ўчириб ташлагиси келарди, назаримда.

Бундан шоир кеча-кундуз мук тушиб ишлар экан, деган хулоса чиқмаслигини истайман. Ҳамид Олимжон яшашни жон-дилидан севарди.

Тогда юрар оҳу бир жувон,  
Сочини тарайди шаббода.  
Менга бугун яқиндир осмон:  
Булутлардан тепамда пода...

Ёки:

Кўзларимда ёнар учқунлар,  
Зилол сувга ой эди сирдош,  
Ялтирарди, доим товланар,  
Ой нурига чўмилувчи тош...

Бундай гўзалликдан жунбушга келиб ёзилган шеърлар Ҳамид Олимжоннинг чинакам туйғулари эди. У ҳурликка чиққан ҳаётнинг ҳар бир дақиқасига, она Ватаннинг бир қарич бўлиб ердан кўтарилган гиёҳидан сервиқор тоғларигача асл ошиқ эди. Ва бу гўзалликлардан баҳраманд бўлишни ҳам биларди. Дам олиш кунлари у меннинг уй ишлари билан ўралашишимни ҳохламасди. Кўпинча шаҳар ташқарисига бошлаб кетарди.

Ҳамид Олимжон театр, кино, музика янгиликларини диққат билан кузатарди. Яхши фильм, спектакль, концертларни қолдирмай кўрардик.



Мен ўша пайтларда: «Столга ўтирди, дегунча ёзаверади. Қайдан бу куч, илҳом?» деб таажжубланардим. Энди билсам, жаҳон, рус ва ўзбек классик, замонавий адабиётини ўқиш, ўқибгина қолмай, уларни таҳлил қилиш, фикрларини ён дафтарига ёзиб қўйиш, халқ оғзаки ижоди билан астойдил шуғулланиш — бу машғулотларнинг бари шоир ижоди учун доимий озиқ бўлиб турган экан. Ҳамид Олимжон шунча ишлар орасида менга ҳам астойдил ёрдам берар эди. Ёшман, баъзан менга сонсиз китоблар, қоғозлар ичида кўмилиб ўтириш ёқимли туюлмасди. Бундай пайтларда — у мени илҳомлантириш йўлларини топарди. Эсимда, бир гал Самарқанд сафаридан ўзи билан Раъно Узоқованинг шеърларини олиб келди. Таъсирчан жойларини ўша кечадаёқ ўқиб берди. Сўнг: «Кўряписизми, аёлларимиз қандай ёза олади? Фақат жасорат, ирода керак, — деди-да, секингина қўшиб қўйди: — Биласизми, сиз яхшироқ ёза оласиз!»

Бу суҳбат менга катта туртки бўлди. Ҳамид Олимжон шеърларимни катта меҳр ва худди шундай талаб билан баҳоларди. У менга «Ижодкор учун ёзган нарсасидан бўлак ҳеч қандай имтиёз бўлмаслиги шарт», деган ақидаши сўзи, иши билан сингдирди.

Ҳамид Олимжон фақат менга эмас, атрофдаги барча кишиларга шундай эътиборли эди. Одамларни севарди. Мен буни бошқача ифода-лай олмайман, бошқача ифодаласам, хато бўладигандай туюлади.

Баъзан мен одамлар, жамоат ишлари унинг ҳаддан зиёд вақтинчи олмаяптимикин деб ҳам ўйлаб қолардим. Ҳамид Олимжон тўйимиздан сўнг талай фурсат узини тўла-тўкис ижодга

бағишлагани эсимда. Ушанда тез вақт ичида «Зайнаб ва Омон», «Ойгул билан Бахтиёр» каби йирик асарлари ва кейинчалик машҳур бўлиб кетган бир қанча шеърлари ёзилган эди. «Муқанна» номли драмасини ёзишга тайёргарлик кўрганди. Шунинг кўрганимдан сўнг: «Фақат ижод, адабиёт учун яралган экан бу киши», деган фикрга келганман.

Аммо унинг аввал фаол бир ижодкор, сўнг ёзувчилар союзи секретари сифатида олиб бораётган ишлари кўламини ҳис қилганимдан сўнг шеърят билан иш унинг учун иккита баб-баравар қон томиридай эканлигини англадим.

Шоир билан кечирган кунларимда мени ҳайратга соладиган лаҳзалар кўп бўларди. Мен Ҳамид Олимжоннинг кескин, зиддиятли даврда энг муҳим ишларни аниқ кўра олишига қўйил қолардим. Тинимсиз изланиш, ўзини бутулигича адабиёт, жамоат ишларига бағишлай олишига ва бундан заррача нолимаслигидан ҳайрон қолардим.

Умуман, бир одамда шу қадар куч, завқ-шавқ, меҳр-муҳаббат бўлиши менга ғайри одатий бўлиб туюларди. Яна шуниси ҳайратланарли эдики, шоир шунча улуғвор ишлар орасида ҳам ёшлигини, самимиятини бир лаҳза унутмасди. Ўзини сиполикка солмасди.

Ҳамид Олимжон урушнинг дастлабки кунларида ёзувчилар союзи раҳбари сифатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида иштирок этди. Бугунгидай эсимда, у йиғилишдан ниҳоятда ҳаяжонланиб қайтди.

— Мана бунинг йиғилиши даъватиди! Шу қадар ажойиб одамлар! Зўр одамлар! Бир бирларининг юзларига ҳато, камчиликларини

шартта-шартта айтишади. Менимча, ҳаммаси айтилган гапларни тўғри қабул қилишса керак, эртага гўё ораларидан ҳеч нарса ўтмагандай муомала қилишаверса керак. Биз ёзувчиларда-чи? Бировни танқид қилиб кўр, балого қоласан. Қанчагача кек сақлаб юради-ю! Биласизми, мен партияни энди яна ҳам чуқурроқ англагандайман! Ҳамма ишга масъул, ҳамма ишга жавобгар, ҳар қандай машаққатга ҳозир — мана, нима дегани партия!

Шу гаплари билан Ҳамид Олимжон ўзига нақадар ўхшарди!

Йўқ, бу гапни у ҳаммадан ҳамма гапни қабул қила оларди, дегандай тушунмаслик керак. Шоирнинг ҳаётда, ижодда собит қараши ва собит позицияси бор эди, ундан тоймасди...

Мен Ҳамид Олимжонни ўзим қандай тушунган, билган бўлсам, шундай айтиб берайман. Айтаяйман-у, у шу қадар аниқ, менинг сўз қолипларимга сиғадиган инсонмиди? Ахир, у туйғулари билан дарёдай тошқин, замзамали, шу туйғуни бир сатридаёқ ўқувчига юқтира оладиган беҳад таъсирчан шопр эди-ку, — деб ҳам ўйлаётман... Сўзлаганларимда қарама-қаршилиқ йўқми, деб шубҳаланиб ҳам қўяман.

Йўқ, йўқ! Ҳамид Олимжоннинг сафдош дўстлари ҳам шундай кўп қиррали, истеъдод эгалари эди. Ойбек шовқин-суронсиз бир маромда ёзар, лекин асарлари «шов-шув»га сабаб бўларди. Ғафур Ғулум бўғзига сўзлар тикилганда жуда тез ёзар, лекин асарлари доим бир хил бўлмасди.

Ҳамид Олимжон эса узоқ ўйларди. Кейин тайёр мисраларни қоғозга туширарди. Ба-

ри бир, жуда осон ёзилгандай бўлиб туюлган бу сатрларга шоирнинг қанча қувончлари, қанча оғриқ, дардлари сингани билиниб турарди. Кўпчилик лирик шоирларни «дарвеш» деб аташади. Йўқ, Ҳамид Олимжонни мен бундай демасдим. Шеърининг ўта фидойи меҳнаткаши эди, моҳир ишчиси эди. Бундай кишилар, халқ таъбири билан айтганда, чала қуриб, чала йиқмайдиган кишилардир.

Ҳамид Олимжон ўзининг илк шеърларигача ёд биларди. Соатлаб ёд ўқиса ҳам, унинг хотираси панд бермаслигидан ҳайратга тушардим. Ҳамид Олимжон менинг ҳайратимга ҳайрон қоларди.

— Ростдан мақтаяпсизми? Ахир, ёзма-симдан юлдин мен билан бирга қанча яшайди бу сатрлар. Содиқ дўстимга ўхшаб кечакундуз бирга бўлади. Одам бундай дўстини унута олармиди?

Иккинчи китобимни нашрга тайёрлаб юрган кезларимда баъзи шеърлардан сира кўнглим тўлмади.

— Нимага мен шеърларимга нуқта қўёлмайман? Ёзсам, ёзилаверади? — деб сўрадим Ҳамид Олимжондан.

У беғубор кулди.

— Сиз ҳамма гапингизни бир шеърининг ўзидаёқ айтиб тугатгингиз келади. Бунинг иложи йўқ-да. Биласизми, менимча, шеърининг охиридан бошлаб ёзиш керак.

Мен бу гапининг шоир учун нақадар керакли моҳиятини ўша пайтда тўла англамаган эдим. Ҳамид Олимжон эса ўзи айтганларига ўзи амал қиларди. У кетаётган, ҳатто кетмоқчи бўлган йўлининг қаричигача ол-

диндан таниш буларди. Шеърида ҳам шундай.

Ниҳоятда теран ўйлаб, келажакни кўзлаб иш қилиши фақат ижодида эмас, менимча, ёзувчилар союзида ҳам анча ижобий си-л-жишлар қилган.

Ҳамид Олимжон архивини кўришим жа-раёнида мен оддий қаламда ёзилган рўйхат-ларни кўрганман. Булар энг яхши ўзбек классик асарларимизнинг, ўша пайтлардаги энг талантли ўзбек ижодкорлари асарлари-нинг рўйхатлари эди. Рўйхатларда жуда кўп бўладиган ёшларнинг исм-фамилиялари бор эди. Ҳамид Олимжоннинг бевақт вафотидан кейин бу режаларнинг амалий ишга айлан-ганини — ўша рўйхатлардаги атамаларнинг рус ва иттифоқдош тилларга таржима бўл-ганини, тилга тушганини билдим ва шоир нақадар эзгу ишни бошлаб берганлигини туйдим.

Шоир ўша кезлари адабиётимиз учун яна бир хайрли иш бошлади. Фозил Йўлдош ўғ-ли, Пўлкан шоир ва бошқа халқ бахшилари-миз хотирасидаги дostonларимизни ёзиб олиш ишнини кун тартибига қўйди. Асарлар-нинг қувончи, дарди, ташвиши сингиб, тил-дан-тилга ўтган сайин бадний бўёқлари қуюқлашиб, бойиб келаятган ноёб бойлиги-миз шу тарзда ёзма адабиёт мулкига айлана бошлади.

Ҳамид Олимжон Ёзувчилар союзига маъ-мурий раҳбар эмас, маънавий ижодкор раҳ-бар эди. У адабий асарлар муҳокамасига «қимматли кўрсатмалар» бериш учун эмас, бир иқтидорли ижодкор сифатида иштирок этарди. Ўзбек адабиётида янги бир яхши

асарнинг дунёга келишини чинакам истарди, бунинг учун ҳеч нарсасини аямасди.

Шоир жуда-жуда бевақт вафот этди. Мен бунн, у менинг ҳаётдаги энг азиз кишим, фарзандларимнинг отаси бўлгани учунгина айтаётганим йўқ. Ҳамид Олимжон шу қалби, шу самимияти, шу истеъдоди, куч-ғайрати билан халқимиз, ёзувчиларимиз, адабиётимиз учун улкан ишлар қилиши мумкин бўлган инсон эди.

Мен шу туфайли ҳам бу ўлимга чидай олмайман, кўника олмайман!

Мен ўша куни фалокатни эшитиб, жонимга ўт кетиб, касалхонага чопдим. Бир лаҳзага кечикибман. Кейин менга бирга бўлган дўстлари гапириб беришди. У ўша лаҳзада бошида турган Усмон Юсуповга оғриқ билан аранг, бўлиб-бўлиб:

— Усмон ака, врачлар иложини қилишса... ёрдам беришсин! Ахир, ҳали иш жуда кўп... ёшман! — деган экан.

— Албатта, ўғлим, албатта, — деб Усмон Юсупов врачларга илтижо билан қарабди. Врачларнинг нигоҳи умидсиз экан...

Ҳамид Олимжон энг сўнгги дақиқаларига-ча шундай бўлганига, айнан шундай деб айтганига мен жуда ишонаман.

## МИРТЕМИР ЁДИ

### 1. ТИРИҚ ШЕЪРИЯТ

Мана, ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, Ўзбекистон халқ шоири Миртемир ўз қўли билан тартиб берган энг сўнгги шеър тўплами... Шоир бу янги, кейинги чоғларда ёзган шеърларидан жамланган китобини «Ёдгорлик» деб атамоқни орзу қилганди. Бу — чиндан ҳам, шарафли умрдан, олижаноб шеъриятдан, меҳнат, машаққат, шон-шуҳрат, ижодий изланишлар, ёрқин, етук, жарангдор сўз учун курашлардан ёдгорлик!

Хизмат тақозоси билан Миртемир оғанинг китобини, кўпроқ таржималарини таҳрир қилишга тўғри келган менга.

Уруш йиллари «Ўч» шеърлар тўпламини нашрга тайёрладик. Ватанни, халқни нечоғлик севганидан нуқул юракнинг фарёди, ғазаби, бонги, қаҳру ўчидан иборат бу китобни не даражада таҳрир қилганим ёдимда йўқ. Лекин машҳур қорақалпоқ эпоси «Қирқ қиз», кейин Пушкин, Шчипачевдан қилинган таржималар устидаги муҳаррирлик, катта шоир, зўр таржимон билан ишлаш — мен учун асар аслига ҳурматдан, маҳоратдан бир сабоқ бўлган эди. Миртемир оғанинг кам кишиларга муяссар бўладиган камёб фазилатлари ҳақи-

да гапираётирман. Ҳар сафар редакцияга шеър келтирганида: «Қоралаган эдим, назарингиздан ўтказинг! Кейин ишлаб бераман» дер эди. Бу шеърлар аксари қўйма мазмунга тўғиз, ёрқин ғоясига муносиб янги шаклда ҳароратланиб, жилваланиб турадиган пухта шеърлар бўларди. Бу шеърлар табиат манзарасидан баҳс этса, шоирнинг хиёл дағал, лекин мағзи тўқ халқ ҳикматли сўзлари билан тасвирланган, табиатнинг сеҳрли ранглари жилоланиб турган парчалар бўларди. Ҳар бир сўз қуюқ овозга тўлиб жаранглайди — бу ҳеч кимга ўхшамаган, танти, шоир ўмровли Қоратоғ ўғлони Миртемирнинг санъати эканини ҳамма дарров билади.

Ўзбек совет адабиётини катта майдонга олиб чиққан ва уни ривожлантириш йўлида хизмат қилганлар оз бўлмади бахтимизга. Шуларнинг бирларидан кейин, бошқаларидан олдин юриб, қилган хизмати салмоқдор Миртемир аканинг. Неча ўн йиллар мобайнида ҳақиқий заҳматкашлик билан ёзган асарлари — шоирнинг қоғозга тўкилган қалб сўзи маҳорат тевасида халқ ичига кириб, шеърят шинавандалари дилига сингиб кетади. «Мен бир шеър ёздимми, қайта унинг устида ишламайман», деб мақтанувчи шоирлар бор. Лекин Миртемир фарзандини ҳар учратганда, сочини ёки ёқасини тўғрилаб қўядиган, елкасига ногаҳоний қўнган мезонни ардоқлигина олиб ташлаб: бор, ишинг билан шуғуллан, дейдиган оталарга ўхшарди. Унинг халқ ичидан хизматда юрган китоблари кўп, самимият ва теран туйғулар, маҳорат ва меҳнат йўғрилмаси — уларнинг ҳар бири.

Мен шоирнинг илк сочмаларини қандай



севсам, латиф, дилбар лирик шеърларини, қўшиқларини шунча севаман, «Пойтахт» китобини улуғлайман. Ватан, партия, Ленин ҳақидаги «Янги шеърлар», «Излаганим», «Тоғдай таянчим» сингари салмоқли китобларини, ҳароратли юрак қўшиқларини завқ ва тасанно билан ўқийман.

«Қорақалпоқ дафтари», «Суврат» сингари асарлари ёзилибоқ, қўлма-қўл бўлиб кетди. Қорақалпоғистон нақ-нақ ёнимизга яқин бўлиб келди яна ҳам. «Суврат» лирик қиссаси севги ва ҳижрондай абадий туйғуларга ўқилган мадҳия ва марсиядай, ўзбек поэзиямизда воқеа бўлган қисса каби шуҳрат топди.

Катта тўлқин катта денгизда бўлади. «Ленин жилмайиши» китоби ҳаёт ва ижод йўлини ўтган чўнг шоирнинг катта, энг муҳим қўшиғи бўлиб янгради бизнинг дилларимизда. Меҳнаткашларнинг буюк доҳийси ҳақидаги бу шеърлар чинакам қайноқ муҳаббат, самимий миннатдорлик ва жўшқин илҳом маҳсули бўлиб кирди адабиётимиз хазинасига.

Миртемир таржимон шоир сифатида ҳам улкан мерос қолдирди. Унинг Пушкин, Руставели, Некрасовдан қилган таржималари шеъриятимизда воқеа бўлди.

Миртемир шеъриятининг қаттиққўл, талабчан, меҳри дарё боғбонларидан бири эди. Неча тоза ниҳолларни ўстирди. Қўлига қалам, умидини чироқ тутиб адабиёт майдонига кирган неча ниҳолларимизнинг ана шу ҳассос, сахий, танги устоз билан ифтихор қилишини биламан.

Миртемир ижодиёти совет шеъриятининг энг яхши хусусиятларини ўзига сингдирган ва ҳаммадан ҳам муҳими, ўзида мужассам-

лаштирган, десам хато қилмаган бўламан. Зотан, у доимо катта ижтимоий, поэтик мавзуларни кўтариб чиқди, янги замон кишисининг ички кечинмаларини жуда чуқур очди ва шеър ёзганда доимо ўз бўйнида улуғ бир диёрнинг қарзини ҳис қилиб, теран англаб ёзди. Шунинг учун ҳам, унинг қўшиқлари дўстлик, қардошлик, тинчлик, фаровонлик ғояларини тўлиб-тошиб тараннум қилди.

Миртемир — эл-юртнинг юрагида эъзозли, партия алқаган, халқимиз ардоқлаган шоир.

Унинг ҳар бир сатрида халқ бахтидан чексиз қувонч бўртиб туради. Унинг қўшиқлари шодиёна деб аталиши бежиз эмас. Миртемир шеърини ёшлик, яратиш, меҳнат завқларидан тўқислик топган, файзли бўлган шеърини каби замондошлар қалбидан жуда чуқур ўрни олгандир.

Ҳеч шубҳа йўқки, Миртемирнинг энг яхши шуъладор асарлари коммунизм ишига, коммунистик дунё қурувчиларининг маънавий қиёфаларини тарбиялашга хизмат қилажак.

Мен 1971 йилнинг ёзида шоирни республика алқаган юксак унвон билан қутлаб, шу сўзларни айтган эдим:

«Қелаверинг, йиллар, қўшиқлар! Ҳали шоир қонларида ёшлик шовқини, илҳом тўлқини, илк йиллардаги учқунларнинг гулхани ҳамма вақтдагидан ҳам баланд авжда. Заҳматкаш зако камолотнинг энг ёрқин чуққисида.

Партия ва давлатимиз заршунос, дилшунос халқ дилидагини ифода этиб, Сизни юксак унвон билан шуҳратлади камолот ёшингизда. Буюрсин Ўзбекистон халқ шоири деган

унвон. Сизга жуда ярашади, олис, ёрқин, янада чўнг қўшиқлар уфқига чорлайди.

Ҳа, юзга ҳали йўл жуда олис, севиқли ва муҳтарам шоиримиз Миртемир ога, бу йўлни ҳам худди ана шу суръатда, ана шу қудратда, яна шу санъатда меҳнат билан чўнг қўшиқлар ярата-ярата ўтмоқ сизга жуда ярашади».

Мен бу сўзларни бугун Миртемирнинг энг сўнгги, ўзи қўл урган қўлёзма китобни варақлаб ўтириб яна такрорлагим келди. Зотан, бу сўзларни, назаримда, абадий тирик шеъриятга қарата айтаётгандай бўлдим. Ҳа, Миртемир шеъриятига олис, баланд уфқлар ва чўнг умр беҳад ярашади!

## 2. БИР УМРЛИҚ ЭЪТИҚОД

«Меҳнат — шеър, нафосат ва яратувчи...

Меҳнат, мен сени қучай,

Юксакларга учай,

Шеър сочай!

Озодлик байроғи кулган озод элларда,

Гул богчаларда шеърят бўлгуси, шеър сочгуси — меҳнат...

Борлиқ тиз чўккуси меҳнат олдида.

Биз эса меҳнат хўжаси, иш болалари, меҳнат ботирлари!

Умид, ишонч-юрақларда, меҳнат, куч—бизнинг пулат билакларда!»

Бу Қоратоғ этакларида туғилиб, тоғлар орасидан сизиб чиққан жилға сингари адабиётнинг катта дарёсига кириб келган ўн олти ёшлиқ ўспирин шоир Миртемирнинг овози.

«Сиз қирлар этагида кўринган деҳқон оталар ооч эмас, ўт ооч билан ер чизганларини кўрганмисиз?»

Заводларга кирганмисиз, азамат машиналар... Билак мускулларини ҳаракатлантирган меҳнат қаҳрамонларини кўрганмисиз?»

Шу дилбар гўзалликларга кўз ташлайман мен,

Шу нафосатга боғланаман.

Суқланиб термуламан мен,

Завқ-лаззат топаман,

Шеърят ахтараман шунда.

Шунинг учун ёш қалбимдан отилган кўк-ламдаги куйларни, дардли қўшиқларни чин нафосат эгаси — эркин меҳнатга бағишлайман!

Олқишлайман!

Ҳурматлайман меҳнат қаҳрамонларини мен!»

Бу — ўша ўн олти ёшлик ўспирин шоир Миртемирнинг овози. Бу ўт қанотли, қуёш нафасли, янги, ҳайратли қўшиқлар — мамлакатда, Октябрь инқилоби ғалаба қозониб, бутун Русияда, бутун мамлакатимизда бўлгани сингари, кўҳна шарқ ўлкаси Ўзбекистонда ҳам янги давр бошланган замон қўшиқлари. Бу бутун маҳрумликлар, қоқликлар, қулликларни негиз-негизидан қўпориб ташлаган янги тузум — шўролар ҳукумати барпо бўлганига ҳали ўн йил ҳам бўлмаган, эндигина кекса қаддини ростлай бошлаган янги днёрнинг янги қўшиқларидир.

Уйғонишнинг дилбар, завқ ва саодатлари дилларни ҳаяжонга солиб, заҳил юзларни яшната бошлаган даврда яшаб, уни шеърга солиб юрганида, шоирнинг бобоси Миртемир-

ни қишлоғига — ўз бағрига чорлаб, «Соғиндим, кел, қўзичоғим» деб мактуб ёзади.

«Ўпка қилманг, азиз бобожоним. Сизча мен динсиз осиймен. Майли, бобо, мен Ленин йўлида, чин йўлда, ҳақ йўлдамен» деб жавоб қилади ўн олти ёшли ўспирин, совет шоири Миртемир.

«Борлиққа таралсин танбурум товуши,  
Бир болқиш яратсин ёш юракларда»,—

деб ўзининг чин йўлидаги юксак эътиқодини баланд пардаларда қатъий изҳор этиб шеърлар ёзади. Янги тузумнинг, янги ҳаётнинг, янги туҳфаларининг ҳаммаси ёрқин, аниқ ва оинларни, дилларни янгилаб кишиларни меҳнатга, катта жасоратларга илҳомлантиради.

Ўн олти ёшли ўспирин шоирда бундай буюк, бутун умрга етадиган мустаҳкам эътиқод қайдан? Ҳаётнинг энг гўзал мўъжизаси бўлмиш шеъриятнинг ўзига мафтун ва асир этадиган кучининг бу ўспиринда шу қадар ёрқинлиги, долғалилиги қайдан? Ҳаётдан, янги ҳаётга уйғонган халқдан. Шоирни ўраган воқелик, у яшаётган адабий муҳитдан, албатта ва албатта, туғма истеъдоддан! Унинг деҳқон ота-онадан бўлажак шоир бўлиб туғилишидан дир.

Бўш кўзадан ҳеч нарса олиб бўлмайди, дейдилар. Миртемир борлиғига гўзалликка шайдолик она қишлоғида гўдакликдан ёр бўлди. Ҳали туғилмаган шеърият илҳомларининг мурғак куртаклари унинг атрофга, табнатга тўлиб-тўлиб боқишида, ҳайратиданиш ота бошлади. Она алласи, бахши ўлани, чўпонлар найи, жилғалар қўнғироғи — барибари авжга чиққанда, ҳавода тўлиб-тўлиб

сайрайдиган муштдеккина қушлар овози, тонгдаги яйловлар манзараси мафтун этди. Бу мафтунлик унинг ғариб ҳаётини безаб, тасаввурини кенгайтириб юборди ва у қиргоққа сифмаган тошқиндай отилиб чиқиб, қайноқ ҳаёт қўйнига келди. Кейин шеърятнинг ҳаётбахш, ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган илҳомлари, жушқин адабий муҳит ўз қайновларига тортди.

Миртемир яшаб ижод этган давр ўзбек совет адабиётининг асосини яратган ва унинг алп заҳматкашлари бўлиб қолган Ғафур Ғулом ва Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Уйғун, Яшин ва Ғайратийлар янги замоннинг янги нашидаларини, янги замоннинг мураккаб жараёни ва унинг ҳаётбахш қудратини ўзида акс эттирадиган асарлар яратиб, халқ орасида танилган ажойиб кўтаринки давр эди. Яъни, адабиётда шовул кўтарилиш даври эди. Миртемир овози ҳам шу янги совет поэзиямининг куп овозли, ёрқин, юксак овозига ҳамоҳанг жаранглаб кирди.

Шеърятнинг гузал оламига шаҳдам қадамлар, эзгу мустаҳкам эътиқодлар, меҳнат ва яна меҳнат шиорини байроқ қилиб кирган шоирнинг қалами ярим асрдан зиёд меҳнатда бўлди. Йилдан-йилга, шеърдан-шеърга, китобдан-китобга, ана шу эътиқод умрининг асл мазмуни, ижодининг тамал мағзи, парвоз қудрати бўлиб уни маҳорат пиллапояларидан юксакликка олиб чиқаверди. Овози қалб дилнинг бир пардаси бўлиб, жаранглаб дилларга тобора чуқурроқ кириб борди. Миртемир йирик шуҳратли, суюкли, ардоқли шоир бўлиб ном қозонди.

Азим дарахт ҳам ниҳолдан етилади, ҳар

қандай ҳосил ҳам — уруғдан. Миртемир ижоди мевалари ҳам биз ўша ўн олти ёшлигида ёзилган шеърларида яққол пайқаганимиз — уруғларидан. У уруғлар тўқ, мағзида бир умрли ижодининг мундарижаси, кўламини, кенглиги бўлиб қолган буюк туйғулар тигиз.

Эркинлик туйғуси:

«Эрк бизники! Бахт бизники! Тонг қучоғидамиз!»

Ана шу эрк тонгини инсонларга зулматдан юлиб олиб берган инқилоб, шўролар ўлкасига олқиш бу.

«Қизил Москва, жаҳонни уйғотган Москва»га муҳаббат, бу Москвада кўтарилган Октябрь байроғининг порлаб турган қизил чечакка — байроққа садоқат туйғуси бу.

«Чўрилар йўқ, барча тенг, кечагина кир пардалар орасидаги чўрилар байроқ томошасида табассум этса... Янги дунё оналарга қучоғидан жой кўрсатса...» Шоир юраги завқ билан урмайдими?..

Халқлар дўстлиги тараннуми-чи? Ҳазар ва Эдил, Чинмочин ва ҳинд ҳақидаги мисраларчи! Шоир бизга туҳфа этган ҳар бир китобида унинг заҳматли ва заргарларча қилган меҳнатининг ҳар бир маҳсулини, ўша эътиқод ва туйғулар камолини уқамиз. Миртемирга хос ҳассослик билан чизилган мисралар ҳам, меҳнаткаш инсон ҳақида, станоклар айланиши ҳам — меҳнат, каналдаги сув тўлғониши ҳам — меҳнат, чаноқдаги пахта ҳам, дилларни ёндирган ва эркалаган муҳаббат ҳам — меҳнат! Зеро, шоир меҳнат тушунчасига чидам ва иродани ҳам, қувонч ва азиятни ҳам, эътиқод ва садоқатни ҳам йўғириб юборди. Ижодининг турган-битгани ҳам меҳнат эка-

нини ўзининг узун умрида қалами билан иш-ботлади. Ва бутун умр саноқсиз шогирдлари-га шундай таълим берди. «Мен — меҳнат бо-ласи!» демаганмиди шоир илк шеърларида.

Биз ўша ўн олти ёшлик ўспирин шоир ёз-ган илк сатрларида ҳаётимизнинг, асримиз-нинг энг буюк қудрати, бош йўли ва эътиқо-ди Ленин ҳақида ўқидик. «Мен Ленин йўли-да, ҳақ йўлдамен». Шоир ўзининг бутун сер-маҳсул ижоди, ҳаёти билан шу йўлга садоқ-тини тасдиқлади. Бизнинг кўпмиллатли со-вет оиламиздаги тенглигимиз, бахтиёрлиги-миз, ўктамлигимиз Ленин ҳақидаги тушунчага муштарак бўлиб кетди ва Ленин ҳақида энг кўп, яхши шеърлар ёзганлардан бири, ком-мунист шоир Миртемир бўлди. Бу шеърлар ҳаммаси шоир ижодига хос бақувват образ-лар, мустаҳкам қуйма мисралар, буюк доҳий сиймосига, Ленин тузган Коммунистик пар-тияга беқиёс меҳр, миннатдорлик туйғулари билан ярқираб, чақнаб турди.

Мана, партия ҳақидаги шеърдан бир парча:

«Сени улуглайман, монолит партия!  
Ёруғ шу кунимиз, порлоқ эртаимиз,  
Тоғни кўтаролган пўлат елкамиз...  
Сени улуглайман!..»

Туйғулар! Шеър—туйғулар фарзанди. Чу-қур фикрлар, ёниқ, самимий ҳислар фарзанди бўлади шеър. Ўша тўқ мағизлардан бошлан-ган эътиқод туйғуларининг кучга тўлиб бори-ши Миртемир Ватанга, партияга, онага, маҳ-бубга бағишлаган шеърларининг салмоғини, жарағини, қийматини белгилади, нуқул туй-ғулардан йўғрилган бу шеърлар Миртемирга



хос, унинг табиати, услубининг ёрқин намуналари Миртемир шеърни, Миртемир сўзи бўлиб қолди бизга.

Ун бир ёшида онадан узоқлашиб кетган шонрининг онага бўлган муҳаббати, дарду изтироб, ўкинчу ғашлик, ўтолмаган бурч нидоси...

«Опагинам, одам бўлдимми мен ҳам?

Йигит ёшимгача бир челақ сув келтириб бермаган бўлсам,

Ё ташналигингда бир коса шарбат тўлдириб бермаган бўлсам,

Ё нон ёпишинг учун,

Ҳатто бир йўла бир кун

Саҳродан ўтин орқалаб келмаган болангман!

Оғзингдан сўз чиқмай, елмаган болангман!

Сенинг арзимас бир юмушингни адо этолмаганим,

Сенинг бир ишорангга юз ўмбалоқ ошиб кетолмаганим,

Сени жиндек хушвақт қилгани,

Сени жиндек хушбахт қилгани,

Тагсиз жарлардан ўтолмаганим,

Сени сўнги йўлга ўзим узатолмаганим,

Тогдайдил, абадиятдайдил чексиз армон бўлиб қолди дилимга, Онагинам!»

Нақадар катта меҳру нақадар катта ўкинч, нақадар жароҳатли ва оташин шеър бу! Фақат Миртемиргина ёза оларди она ҳақидаги бундай армонли шеърни. Зеро, унинг болалиги, ҳаётидаги мураккабликлар ҳаяжонлантирган юраги шундай туйғулар билан тўла эди. Шонр ўзига таскин излайди ва уни иккинчи онага — элга, Ватанга хизмат билан оқлашда кўради.

«Элга хизматим, сенга хизматим эмасми, ахир,  
Эл мени фарзандим демасми, ахир!  
Рози бўл, одам саналай мен ҳам...  
Дунёга қайтиб келурман, лекин бошқа ўгил бўлиб».

Ҳа. Бошқа ўгил бўлиб, меҳрибон, садоқатли, бутун бурчларини фарзандлик, коммунистлик, граждандлик, шоирлик бурчларини меҳнати билан оқлаб, меҳнат билан шеър ёзиб, шеър сочиб кетди Миртемир ва эл ҳам уни шарафлади. Халқ шоири деб эъзозлади, юксак мукофотлар билан тақдирлади.

Уша илк туйғулар уруғидан ниш олган қардошлик, халқлар дўстлиги дарахтини интернационалист шоир ажойиб мевалар билан безади. Дафтар-дафтар шеърлар, таржималар... Рус адабиёти жавоҳирлари, грузин ва қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ ва яна қанча-қанча диллардан тилимизга кўчириб, дилимиз мулки қилиб берилган ажойиб асарларчи? Жамиятимизнинг қудратли, ҳаётбахш кучидан бири бўлган дўстлик туйғусини, дўстни бағри кенглик билан миртемирона улуғлаган асарларчи?

Муҳаббат! Муҳаббат туйғуси—Миртемирни ўша ўн олти ёшлик ўспирин шоир чоғидан то умрининг охиригача гоҳ ўтга, гоҳ сувга ташлаб, гоҳ суйдириб, гоҳ куйдириб келган илҳом манбаи! Дафтар-дафтар севги ҳақидаги шеърлар, қўшиқ ва лапарлар миртемирона севги баёни!

«Мен сени ишжитмайман

Ва лекин тинчитмайман...

Чарх уриб, бўзтўрғайдай бўзлашим бор бошингда,  
Эй, сочларинг тўлқини, тун сингари сим-сиёҳ;

Хол каби пайдо бўлгум ёноғинг ё қошингда,  
Эй, изларинг ғубори кўзларимга тўтиё...»

Нақадар гўзал сатрлар! Бундай шеърларни ёзгангина эмас, ўқиган ҳам ўзини беҳад бахтиёрлик, ҳузур огушида ҳис қилади. Шеър, зотан шундай: ўқиганники, англаганники. Шоир дардларида, шодликларида ўз дарди ва шодлигини кўрганники бўлиб қолади. Бу шеърлар меники ҳам, сизники ҳам. Шеър ёзган — бир карра, ўқиб англаган — икки карра шоир, деган эканлар. Бундай шеърларни ёзган шоир бахтиёр ва умри боқийдир. Бундай шеърларни англаб, ижодкорни бошига кўтарган заршунос халқ икки баробар шоирдир.

Миртемир ўспиринликда ёзган сочма шеърларидан бирида қуёшнинг эрка нурида эркаланган ажойиб қишлоқ манзарасини кўрамиз. Экинчи Бобо Турсун кетмонини қаттиқ чопиб, тер тўкиб, қора ер бағрини очиб, гавҳар ундирадир... Меҳнат—мушфиқ ва меҳрибон онаси, қишлоғи, саҳро ва чашмалар сингари Миртемир ҳаётининг ҳамишалик ҳамроҳи эди. Миртемирнинг камолидаги улуғлик, азизлик, ардоқлилик шу ҳамроҳга садоқати туфайли бўлди. Эли билан ҳамнафас, ҳамдard, ҳамқадам бўлиб, ҳаётдан, халқ донолигидан, ўзидан шеър йўғириб яшаган санъаткор Миртемирнинг маданиятимиз меросига қўшиб кетган гавҳарлари жилд-жилд.

Биз китоб жавонимизга яқинлашамиз. Севган китобларимиз орасида Миртемир китобини бугун яна қайтадан қўлимизга оляпмиз. Агар табиатда машъум ўлим бўлмаганда шоиримиз етмиш ёшга кирар эди. Халқига, элига, буюк коммунистик ғояларга хизмат қи-

либ кетган санъаткор ҳамиша тирик. Мен устозим асарларини такрор ўқишни илк ижодининг саҳифасидан бошладиму яна бир марта ҳайратда қолдим. Ёшликда берган кўнгилнинг нақадар буюк эътиқод эканлиги, бу Миртемир ижодида, ўзлари севиб айтадиган ибора билан таърифласак, аксиома экани ҳайратга солар эди менн.

Яна бир ҳақиқат—Миртемир ҳаёти бўш кўза эмас эди. Унинг асарлари—ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучук неъматини, аждодлар донолигини, халқимиз, жамиятимиз ҳаёти, тарихи, бугуни ва эртасидан таваллуд топган эди.

Бу ибрат бўладиган эътиқодга садоқат—ҳамиша истеъдодли кишиларга, улкан шахсларга, абадий яшаб қоладиган улуғ зотларга муяссар бўладиган бахт. Миртемир шундай инсонлардан эди.

*1984 йилнинг 24 ноябри*

## ШОИРА БУЛИБ УЛГУРМАДИ..

Мен Хадичахоним Сулаймонова ҳақида уйласам, қандайдир бир юксаклик, салобат қаршисида тургандай бўламан. Бу Хадичахонимнинг мулойим жиддий чеҳрасиданми, зукко донишмандлигиданми ёки турли-туман катта лавозимлар ва уларни бажариш йўлидаги босиқ, бир маромдаги меҳнатига танг қолганиданми — билмайман. Лекин шуни биламанки, мен халқимизнинг бу фарзанди билан ифтихор қилардим, ўзбек халқига уни берган тақдирдан миннатдор эдим.

Биз эллигинчи йилларга келиб қаттиқ дўстлашиб кетдик, бир-биримиз билан учрашув, шодликдан ташқари, бир маънавий эҳтиёжга айланиб кетди, назаримда, иккимиз бир-биримизнинг қайси бир жиҳатларимизни тўлдириб борар эдик. Хадичахонимнинг дилбарлиги, латофатидан ташқари мен унинг профессионал билимига қўйил қолардим. У билан суҳбатимиз узоқ бўларди. Бизнинг суҳбатимиз кўпинча ўтмиш ҳақида, шариат қонунлари ҳақида, унинг асосий негизи, социал моҳияти ҳақида борар эди. Бу менга жуда керак эди. Негаки, бу фан қатламлари сақлаган ҳақиқат сирларини Хадичахонимдек билиш учун камда умримнинг яр-

мини сарфлашим керак эди. Хадичахоним эса уни сахийлик билан менниг тафаккуримга, шууримга қуярди.

Унинг овози ҳали ҳам қулоғимда. Ҳеч кимда йўқ эди унинг овози — қуюқ, тиниқ, салобатли жаранглаган ҳар бир сўзини нақ қўлда тутиб, кўз билан кўриб туриш мумкин эди... У сўзлар ҳамиша хизматда: нимани ифода қилса, шуни бажарар эди — мен у сўзларни ҳозир ҳам кўриб тургандайман, нақ ўзига ўхшаган ёрқин, аниқ, яхлит, босиқ. Ишонч туйғулари ёритиб турган маънога тигиз. Зотан, унинг маъносиз ҳаёт кечирришга, қандайдир ўткинчи бир нарсага сарфлашга ўзи айтгандай, вақти йўқ эди. «Менинг бунга вақтим йўқ» деса, унга ишонардингиз. Негаки, ўлчаниб берилган соатлар, кунлар энг чиройли бахтдай ўтишга шошилар эди.

Бизнинг суҳбатларимиз соатлари ҳар иккимизнинг бир-биримизга меҳр, аёл дардига тўла юракларимизни бўшатиб улгурмай ўтиб кетганини ё бирга бўлган кунимизга шом чўкканида ёки тунимиз тонгга уланганини кўрганимизда илиққина афсус билан: «Шунча вақт бўлибди-я, билмабмиз», деб тарқалишар эдик.

Мен ўша суҳбатларни хотирлайман ва кўз олдимда озода, ёниқ латофат ва донишмандлик мужассами бўлган баркамол инсон туради. Унда ҳамма нарса табиий: қора ялтираш билан хиёл тўлқинланган сочларнинг турмакланиши, зулукдай қош, киприклардаги ўсманинг оқ юзига ярашиб турган жилваси, ҳамиша ўзига ёпишиб турган майин рангдаги кийимлар... жиддий суҳбатлари-

миздаги қатъий ҳаракатлар, муомала, мушоҳада, мунозаралар.

Мен ҳозир ҳам унинг азиз қиёфасини кўриб турибман: аёл бахти эркаламаган гўзал жувон, ёрқин истеъдодли арбоб, эзгу она!

Ҳа, эзгу она! У фақат биргина фарзандга она бўлди, лекин керак бўлиб қолса, бутун билими, шуҳрати, умри, орзуларини унинг бахти учун беришга тайёр. Қуюқ меҳр билан севди бу фарзандни.

Биз,— онамиз, салом-алиқдан кейин, табиӣ, фарзандларни сўраймиз.

— Шавкат қалай?— деб сўрайман.

— Шавкатжонми?

Хижолатдан ёнаман, «Шавкатжон» дейиш керак эди.

— Шавкатжонми?— дурдай ёшлар оппоқ, таранг юзини ювиб, тўкилади.

— Нима бўлди, соғми?— деб қўрқиб сўрайман.

Оқ булутдай майин рўмолча билан ёшларни сурта-сурта кулиб дейди:

— Шукур, соғ, ҳамниша шундай, отини эшитсам ўзимни тутолмайман, атрофдагилардан уяламан. Шунча яхши кўраман уни. Бахтим ҳам, дардим ҳам—шу. Ишда бўламанми, мажлисларда бўламанми, эсимга тушса, шундай тўкилиб кетади бу ёш қурғур... Мен оналик қалбим билан ҳаммасига тушунаман. Бу оналик бахтининг тўлиб тошганидан, фарзанд келажаги ҳақидаги орзунинг буюклиги ва ташвишнинг эзгулигидан. Шавкатжоннинг бўйи билан онанинг кўнгли ўсар эди. Бизнинг шунча яхши кўришимизни билишармикан?— дерди, иккаламиз ҳам юрак дафтаримизни тўла очганимиздан кейин:

— Ұзимиз ҳам шу ёшда билармидик?— дейман.

— Рост айтасиз, онам бечора менга меҳрибонлик қилаверсалар, бачканалик дердим, энди ўзим ҳам бачкана бўлиб қолдим чоғи!— дерди жиққа ёш кўзларини артиб.

Бу бачканалик эмас, буюклик эканини айтмаганимга ачинаман, лекин бу кўз ёшлар ҳаётга, келажакка, тақдирга лоқайд қарашини билмайдиган катта қалбнинг оддий тебраниши бўлгани учун ундан уялмаслик кераклигини айтганим эсимда. Юрак кўп нарсани сиғдириб, аламини кўз ёши билан тошириб яшайди.

Республика Олий суди раиси бўлиб ишлаб юрганида бир жинойатчининг хотини беш боласи билан унинг қабулига келганини, лекин эрини чиқариб беролмаслигини аёл тушунмаганини сўзлаганда ҳам кўзларида ёш бор эди. Кўз ёши — ҳамиша ҳам заифлик белгиси эмас. Мен унинг шодлик, ифтихордан, шогирдларнинг муваффақиятидан, республика ҳаётида, айниқса хотин-қизлар ҳаётида юз берган ёрқин муваффақиятлар ҳақида сўзлаганда ҳам бирдан қуюқ киприклар нам тортиб қолганини кўрганман, бу қувонч тошқини эди. Мен бу оқкўнгил ва катта қалбли дўстим билан ифтихор қилар эдим, биз ҳаммамиз ифтихор қилар эдик. Шундай туғма истеъдодларга қанот бўлган совет тузумимиздан миннатдорлик туйғулари жўшар эди менинг томирларимда: зотан, истеъдодли одамлар ҳамиша туғилган, лекин шарт-шаронт, ижтимоий тузум тақозоси билан улар намоён бўлмагани, айниқса, Хадичахонимганиниқ эди.



Ҳа, мен ифтихор қилар эдим: Тошкентдаги олий ўқув юртларининг катта-катта дарсхоналарида келажакнинг кўплаб ҳуқуқшунослари унинг лекцияларини мароқ билан тинглардилар.

Ҳа, мен ифтихор қилар эдим, Тожикистон Давлат университетиди Давлат имтиҳон комиссиясининг раиси, Москвада бир диссертантга оппонент, Қоҳирада ўтаётган халқаро учрашувда совет мамлакати вакили — барча-барчаси билан ифтихор қилар эдим.

Хотира! Менинг хотира қудуғини чуқур қазишимга заррача эҳтиёж йўқ. Хадичахоним ҳақидаги тасаввурларим тирик, нақ қўл билан тутиб кўз-кўз қилгудай, фақат тўлқиндай бир-бирини босиб келётган, лекин мен учун бирдай азиз лавҳалар кўплигидан бирмунчаларини териб олиш керак, холос.

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида доклад қилди Хадичахоним, иккимиз ҳам депутат эдик. Муҳим масалалар юзасидан ўзига хос бурролик, принципааллик билан оғир, мен севган қуюқ, ёқимли овоз билан сўзлади у. Унинг ҳар бир далили ҳақиқатдай вазмин ва ёрқин эди.

Мажлисдан кейин:

— Юринг бизникига! — деди Хадичахоним.

Мен раҳмат айтдим.

— Йўқ деманг, шеър ўқиб бераман, шеърлар ёзганман! — деди. Мен ҳайратда қолганимни сезиб: «Рост, чиндан» деди, унинг тиниқ юзларига гўё гулоб югурган, кўзлари хиёл хижолатдан пирпирар эди.

— Кетдик, албатта, ўқиймиз у шеърлар-

ни! — дедим ва энди уни ўзим эргаштириб кетдим унинг ҳовлисига.

Ҳар бир нарса эгасига ўхшайди деган бир ақида яшайди менинг тасаввуримда. Мана, ҳовли ҳам Хадичахонимнинг ўзига ўхшайди: саришта, ҳамиша сув сепилган ёлғизоёқ йўлкадан ўтиб борамиз. Бу кичик ҳовлида ҳамма нарса эгасининг таъбидан далолат беради: райҳон, жамбил, ўсма ва ҳамиша очилиб турадиган гуллар.

Мен шеърга шошиламан.

Катта хонада, катта столнинг қошида икки киши учун тузалган дастурхон олдидан кабинетга ўгамиз. Мен тезроқ шеърни талаб қиламан, у менинг шеърларимни қистайди.

— Менинг шоирлигим ўтмиш бўлиб қоладиган кўриняпти, сизни тинглаймиз, — дейман. Кулишамиз.

— Кулмайсизми? — деди, катта ёзув столдан қоғозларни олатуриб.— Ҳеч кимга айтмайсиз!

— Зинҳор! — деб сўз бераман.

Хадичахоним ўқийди. Шеърлар жуда оз. Аввал ҳаммаси бўлиб уч мисрадан иборат шеърни тўрт бор қотиб-қотиб кулиб ўқиб беради, кейингиси беш сатр.

— Уҳ-хў, шоир бўлиб кетинг-эй!

— Нима, чиқмаяптими?

— Йўқ, нега? Олимлар маълум ёшга борганда шеър ёзадиган бўлса, шоирлар ўша ёшга борганда нима қилади?

— Нима, бошқа олим ҳам шеър ёзадими?— деб кула-кула сўрайди.

— Мен кўз касалликларининг машҳур профессори Филатовни билар эдим. Бир достонини ўқиб берган эди. Янглишмасам, у Ис-

сиққул ҳақида эди. Қори Ниёзий домла-чи? Ҳамза Ҳакимзодага бағишланган катта анжуманда шеър ўқидилар-ку.

— Ҳа, ҳа, эсимда, — деди ўсмали киприкларининг намини артиб, — лекин мен у кишидай ёза олмасам керак.

Мен ўйлаб қолдим: бу табиий эҳтиёж. Йирик кишилар маълум ёшга борганда билими, кузатувлари, ҳаёт тажрибалари шу қадар қуюқлашадики, мияга сиғмай, юракка тигизлик қилиб қолади. Шеър эса — катта туйғу ва яхлит фикрларни қисқа, лўндагина ифода этишга, денгиз тўфонларининг қўпоровчи қудратини ихчам мисраларга қамрай олиш санъати. Улкан кишиларнинг донишмандлик чўққисида шеърга мурожаатларини шундай тушунаман. Лекин, бари бир, шеърхонлик вази менинг елкамга ортилар эди.

— Тамом, бошқаси хотирамда йўқ! — дердим. Лекин сиёсий, фалсафий, ҳуқуқшуносликка оид, қат-қат китоблар тўла салобатли жавонлардан шеърӣй мажмуалар дарров топилар, шеърхонлик давом этар эди.

Бу хонада фақат шеър тинглашганмизми?..

Ўзбек элининг шуҳратли фарзандларининг номи жаҳон қулоғига етди. Ҳадичахоним бу нотинч, ғулғулали жаҳоннинг кўп мамлакатларида бўлди. Яхшидан из қолади деганларидек, мен ҳам у ерларда бўлганимда, ўша излар дарров ўзидан хабар берар эди.

Қоҳирада ёки Шри Ланкада бўлганимда, яқинда бу ерда совет олими Ҳадичахоним бўлганидан сўзлайдилар. Шри Ланкалик машҳур ёзувчи Викрама Сингха ёки бош ми-

нистр Бандранаикахоним ҳурмат билан тилга олади унинг номини.

Японияда совет халқининг дўстларидан бири — тилчи, адабиётшунос бир профессор Хадичахоним билан танишлигини, унинг ниҳоятда сермазмун, чуқур билим ва камёб ақлидан далолат берадиган суҳбати ҳақида ҳайрат ва ҳавас билан сўзлади.

— Янглишмасам, у сизнинг ватандошингиз.

— Ҳа-ҳа.

— Совет Осиёси жуда камолга етибди, мен академик Сулаймонова билан учрашувни сира унутмайман! — деди.

Совет Осиёсининг камоли умумсовет халқи камолотининг биргина жилоси.

Ғоят ардоқли, ҳурматли, иззатли бу қурдошимнинг кечириб бўлмас даражада ҳаётдан тез кетгани юрагимни қиймалайди. Қанча орзу ҳавасга, вазифа ва бурчга тўла яшолмаган умр, кўрилмаган шодликлари кетди унинг кўксига. Жаҳонда ҳамма нарсадан азиз ва севимли Шавкатжонга ўзи истаган бахтини беролмай кетди.

Ҳамма ҳам кетади бу дуйёдан, лекин табиат шунча ҳусн ва тароват, шунча ақл ва заковат, шунча ҳуқуқ ва саодат бериб қўйиб, етдим деганда, йиқитиб кетиши катта бешафқатликдир.

Табиат қонунларининг ҳаммасини ўзгартиб бўлса эди, инсоният бутун фан-техника ютуқларининг ҳаммасини ҳаёт шаънига тўкиб бўлса ҳам, аввало бевақт ўлимни йўқ қилиб ташлар эди. . . Афсус!

Хадичахонимдек инсонга, дўстга алвидо дейиш нақадар оғир! Ўзбекистон Фанлар Ака-

демиясининг академиги, профессор, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, йирик жамоат арбоби бўлмиш Хадичахон Сулаймоновага алвидо дейиш нақадар оғир! Сийрак истеъдод эгаси, заковатли, оқила дўстимизнинг меҳнат ва муваффақият тўла, интилиш ва орзуларнинг уйқусиз тунлари ва тантанаси тўла, ҳақиқатга, халққа, партияга покиза виждон билан қилинган хизмат тўла ҳаётига хотима қўйиш нақадар оғир!

Йўқ, бундай ҳаёт тўхтамайди! Хадичахоним барҳаёт!

Азиз дўстимиз, сизни биз яхши билар эдик, севар эдик, пок номингизни, ёрқин хотирангизни сизга бўлган меҳр ва ҳурматга тўлиқ юрагимизда сақлаймиз, сизнинг ҳамма вақт ойдин ишончга тўла орзу ниятларингиз фарзандингиз ҳаётида, аллақачон олимлар бўлиб қолган шогирдларингиз фаолиятида, сиз билан бирга хизмат қилган ҳамкасбларингиз ишида, фанимиз тараққиётида, халқимиз юрагида яшашда давом этади.

Сиз ҳаётсиз, азизамиз!

## ЕРҚИН ЙУЛДА

*Илк ўзбек совет ёзувчиси — устозим  
Ойдин Собировага бағишлайман.*

### О черк

1922 йилнинг баҳори... Таътилдан кечиб, бутун ёз ўқишга қарор қилган озод хотин-қизлар — дорилмуаллимотнинг қалдирғочлари шу кунларда синовдан ўтмоқда.

Маориф комиссарлигидан келган имтиҳон комиссияси кечадан бери ўзбек хотин-қизлари учун биринчи очилган мана шу билим ўчоғи—дорилмуаллимотда! Шунинг учун кечадан буён ён атрофдаги кампирлар таҳликада.

Нима учун бу ерга эркаклар кирадиган бўлиб қолди. Бир гап бор...

Парапжили икки хотин секин-секин юриб тўғри қизлар ўлтирган хона деразаси олдига келди. Узун стол орқасида ҳалиги эркаклар билан бир қаторда икки аёл ҳам — дорилмуаллимотнинг жонкуяр муаллималари, меҳрибон мураббиялари Зоҳида Бурнашова билан Шарифа опа ўлтирар эди.

Ҳалиги хотинларнинг капалаги учиб кетди.

— Ана, кўрдингизми? Бугун муаллими эркаклар пинжида ўлтирибди, эрта-индин бу қизлар битта-биттасини топиб олади,— деди титраб кампирлардан бири.

— Гапирманг,— деди иккинчиси,— қизлар парда орқасида ўлтирибди, тек тулинг, гапларини эшитайлик...

Эркаклар олдидаги очиқ деразадан куз шабадаси қуёш илиқлигини олиб туради, имтиҳон олувчилар билан имтиҳон берувчилар ўртасига тугилган пардани — ёниб кул бўлишга маҳкум этилган асрлик асорат пардасини титратади. Қимнингдир қўнғироқдек, ёш товуши эшитилади. Ҳалиги икки паранжилик хотиннинг бутун вужуди кўз-қулоқ бўладию ўзлари дераза тагига ўтишади. Ғалати, ақлига сиғмайдиган сўзларни эшитади.

Бу озод қизларнинг жарангли янги гаплари бу аёлларнинг тасаввурига ёт эди. Ўзи яшаган тўрт девордан ўзга ерни чимматсиз кўролмаган, дунёнинг кенглигини ўзи яшаган жойдан иборат деб билган бу аёлларга озод қизларнинг табиатдан, жамиятдан баҳслари тамом тушунилмас эди.

Ташқаридан кирган шамолдан ўртадаги парда ҳамон титрайди. Шамол ўзининг сўнги умрини кечираётган асорат пардасини бузиб ташламоқчи бўлади.

Зоҳида Бурнашова Собировани имтиҳонга чақиради. Қизларнинг энг ёши, жингала қопқора сочларини иккита қилиб ўриб орқасига ташлаган, туйғун кўзли қиз ўрнидан секин туриб, тўғрига қараб турди — ҳаяжондан ранги оппоқ оқариб, лаблари титрар, кўзларида қандайдир журъатсизлик акс этар эди.

— Бу бизнинг шоира қизимиз, ёзма журналимизнинг муҳаррири — деди Зоҳида опа комиссия аъзоларига.

Ҳовлидаги хотинлар ёпиқ дераза олдида боришди. Чимматларини бошлари ўта орқага ташлаб, қизнинг сўзларига қулоқ солишди.

— Қизиқ, ўзимизнинг тилимизда гапира-

япти-ку, нега англаб бўлмайди?— деди бири-си.

— Мактаби ўргатган гаплар-да, ана татар муаллималар ўргатган, янги сўзлар, биз ўқи-маган бўлсак, қайдан билайлик!

Қанча-қанча янги гапларни эшитишди бу хотинлар, қизиғи шундаки, бу гапларнинг ҳаммасини ҳали ҳозир паранжида ўқиб юр-ган озод қизлар тилидан эшитишди.

Ёш совет ҳукумати қонунлаштириб қўйган ҳуқуқларни большевиклар партияси, Ленин кўрсатмаларининг мана шу очиқ кўнгилли, ишчан, самимий аёллар — дорилмуаллимот-нинг Зоҳида Бурнашовага ўхшаган комму-нист ўқитувчилари тилидан эшитиб ўрганиш-ди бу қизлар.

Бу қизлар — шундан кейингина ўзларини танидилар. Мана шу парталарда ўлтириб, ичкарининг асрлар бўйи хотин-қизлар оёқ-қўлини боғлаб ташлаган кишанларини бузиб чиқмай туриб ҳақиқий озодликка чиқиб бўл-майди, деган қатъий хулосага келдилар. Ма-на шу хулоса уларнинг курашларида йўл кўрсатди, шу курашларда жасорат бағишла-ди. Лекин бу йўлда катта тўғаноқ бўлган шариат ва урф-одатнинг илдизи ниҳоятда чу-қур. Ҳали у бизнинг Ўрта Осиё халқлари, айниқса, хотин-қизлар устида ҳукмронлигини қўлдан бермаслик учун жон-жаҳди билан ти-ришади.

Майса каби кўтарилаётган қизлар: майли, тош каби таъналарни отганича отаберсинлар, биз унинг устидан босиб-янчиб ўтганимиз-ўт-ган, деб ўйлайди. Бу янгиликлар олдида че-кинишга, йўқликка кетишга маҳкум бўлган эскиликнинг ўлим олдидаги талвасаси, улар



осонликча чекинадиларми? Бизнинг суръат билан ўсишимизни, катта кучга айланаётганимизни кўриб, ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун бор кучлари билан курашадилар. Буларнинг ҳаммасига қарши курашиш керак. Давлатимиз ҳам, партиямиз ҳам шуларга қарши кураш олиб боради.

Озодлик туйғулари билан бахтиёр бўлган бу қизлар мана шунинг учун паранжини ҳам ҳис қилмайдилар, улар бугун бўлмаса — эрта, эрта бўлмаса — индин албатта, уни тамом олиб ташлаяжакларини биладилар. Бутун қиш бўйи зах инларида ётиб, илк баҳорни кўриб чиқиб, қуёшга ўзини солган қушча болалардек яйрайдилар, баҳордай янги ҳаётнинг бутун борлиқлари билан сезадилар. Ҳали ҳақиқий озодликка чиқмаган дугоналарини ўз сафларига чорлайдилар.

Уша Собирова — шоира қиз Манзура ҳамма ўртоқлари учун куйлайди — шеър ёзади. Дугоналарининг туйғуларини ҳали ўз уяларидан учиб чиқишга журъат қилолмаган ўртоқларига етказиш учун куйлайди. Уларга ўзининг кичик, дадил қўлларини узатади:

Келинг, ўртоқ, бу кун бирга байрам қилайлик,  
Октябрнинг қўшиқларин бирга куйлайлик...

\* \* \*

1923 йил. Бу сафар дорилмуаллимнинг битиш имтиҳонини бераётган қизларнинг юзларида жиддият ва бахтиёрлик кўринади.

Уларнинг ҳаммаси очиқ. Ўзларини ўқитган муаллимлари ва маориф комитетидан

келган катта имтиҳон комиссияси аъзолари билан ўқувчилар ўртасида бултурги «асорат пардаси» ҳам йўқ. Ҳатто бу йил бир неча фаини эркак муаллимлар ўқитган. Эркакларнинг дорилмуаллимотга кирадиган бўлиб қолганидан ташвишга тушган аёллар ҳам, қатнаб-қатнаб, қизларини ардоқлаб, ўз оёқларидан қаридилар.

Бу суръат билан ўсиш, айниқса, бугун ҳамма қизларнинг ўзига жуда сезилди. Бу сезги уларнинг кўнгилларини кўтарди.

Имтиҳон тугагач, комиссия эшикдан чиқини билан қизлар ўринларидан турдилар. Имтиҳон муваффақиятлари билан қизларнинг ҳар бирини табриклаб, муаллимлари ҳам дарсхонадан чиқишди. Зоҳида опа ўзида йўқ шод эди. Қизларнинг ҳаммасини бирдан бир даста гулдек қучоғига олди. Қизлар қадрдон муаллимларини, муаллимлар эса ўзларининг биринчи қалдирғочларини — эртанги муаллима қизларини табриклар эди.

Зоҳида опа Манзуранинг жингала сочларини силади:

— Мен жуда хурсанд бўлдим, лекин нега шеърингни ўқиб бермадинг. Улар жуда кутинган эди.

— Шу шеърни ҳам ўқийманми, ёмон ёзилган,— деди камтарин қиз.

— Эрта бу ерда сизларнинг битириш тантанангизни ўтказамиз, эрта хотинларга, индин эркакларга; битирувчилар номидан сен нутқ сўзлайсан,— деди Зоҳида опа.

— Нима дейман, қўйинг опа, мен сўзломмайман. Робняхоним гапирсинлар.

Зоҳида опа ўз сўзида қаттиқ туриб олди:

— Йўқ, Манзура, сен гапирасан. Қайси

куни менга айтиб берган гапларингнинг ҳаммасини сўзлаб берасан.

Зоҳида опа дарсхонадан чиқиб, ўқитувчилар бўлмасига кириб кетди.

Манзураинг ингичка қошлари чимирилди. Унинг кўзларида чуқур хаёл қанотида сайр этаётгани яққол кўриниб турар эди.

Эртаси эрталабдан оналар, атрофдаги хотин-қизлар гурас-гурас бўлиб битирувчилар тўйига кела бошлашди. Кечагина бир бойнинг уйи бўлган мана шу катта боғда қизлар паранжисиз, қафасдан чиққан қушдек ҳамманинг кўзи олдида гул-гул ёниб юрадилар. Атрофдаги хотинлар пичирлашадилар, ҳаваслари келиб қарайдилар.

— Бу — совет шарқи тарихида биринчи маърифат тантаналаридан эди. Қанча курашлар эвазига етишилди бу тантанага...

Эртасига — эркаклар учун берилган тантанада Манзура Собир қизининг паранжи ичида сўзлаган нутқида мана шу сўзлар янгради: Озодлик, Биродарлик, Илм, Меҳнат. Бу нутқ эртасига бутун Тошкентга гап бўлиб кетди.

\* \* \*

Оппоқ қорли, бир-бири устида тургандай кўринган уйлар орасидаги тор кўчадан худди отни итаргандай арава чиқиб келди. Аравакаш чол отнинг тизгинини тортди. Аравада ўлтирган аёл паранжидан кичик қўлчасини чиқариб олдинги зиҳини маҳкам ушлайди. От сирғаниб мункиб кетса-я?

Икки қўлини жулдур қора чопонининг энгига тиқиб дарвоза олдида ўлтирган чол ҳам, дегрезнинг данғиллама ўймакорли дар-

возасидан чиқиб, босайми-босмайми деб кетаётган бой ҳам унга ўқрайиб-ўқрайиб қарайди. Ҳатто паранжида кетаётган аёл ҳам аравадагини кўриб, бошини кескин буриб қадамини тезлатади.

Ёруғликнинг говни билмайдиган кучлари нақадар зўр.

Мана шу аравада тўғрига қараб ўлтириб кетаётган йўл-йўл паранжили қизни ким танимайди. Лекин ҳеч ким бирон марта бўлсин унинг юзини кўрдими? Лекин унинг анов кундаги сўзлаган оташин нутқини ким унутди?! У — делегат қиз, делегат хотин-қизларни ҳамма танийди.

Булут нақадар қуюқ бўлмасин, қуёш у яширмоқчи бўлган ҳамма нарсани намоён қилади. Тонг тун эмас. Ўлкада тонг, октябрь тонги отган эди.

Эски Тошкентнинг қинғир-қийшиқ кўчасидан чиққан ҳаммага таниш арава, катта йўлга тушиб, Тахтапул томонга бурилади. Унинг ягона йўловчиси ҳам энди қўлини паранжисининг ичига олади. У гўё ўзининг ёш кўксини тўлдирган ёрқин ҳислар тўлқинида тебрангандай аравада секин чайқалади. Пахталигининг кўкрагида медаль; «Ўзбек хотин-қизларининг биринчи пионери Манзура Собир қизига» деган сўзли медаль. У ҳали юзларини паранжи тўсаётган юзлаб дугоналарини ўқитишга кетяпти.

Арава ғилдираклари бир маромда ғилдираб мактабни яқинлаштиради.

«Нима учун биз хотин-қизларни шу қадар ҳақоратлайдилар. Наҳот, тоғ-тош, ўсимлик баҳраманд бўлган қуёшдан бизни маҳрум қиладилар? Нур кўрмаган ўсимлик ҳам ранг-

пар, нимжон бўлади», деб ўйлади Манзура.

Билим ўларининг эшиклари очилиши бизнинг ҳаётимиздаги энг катта янгилик. Лекин мана шу янгиликка дадил қадам ташловчилар ҳали кам... «Жуда кам,— деб ўйлайди муаллима.— Буни тушунтириш керак. Қандай қилиб тушунтирилади?»

Манзуранинг ёш юрагида аллақандай тўлқин, ҳаяжон қўзғалиб, кўз олдида эски ва ўзининг тасаввурига сиққан янги манзаралар саф тартиб ўта бошлайди — бу иккиси ўртасида кескин кураш давом этади. Унинг юрагида дам меҳр, дам ғазаб тўлқинлари. Бу, мана шу қиш тонгида асорат тоши вазифасини йўқотиб, суврати қолган паранжи ичида озодлик куйчисининг илк куйлари туғилиши эди. Бу ўзбек совет адабиётининг хотин-қизлардан биринчи кашшофи ижоди шаклланишининг ибтидоси эди.

\* \* \*

1925 йил. Манзуранинг ўша даврда ўқишли — оқ-қорани таниган кишиларидан бўлган амакиси Хадрадаги сартарошхонада соч олдириб ўтириб, газетадан кесиб олиб деворга ёпиштирилган сувратларга кўзи тушди-ю, имони учиб кетди. Ўзбекистонда нашр қилина бошлаган «Янги йўл» газетаси — хотин-қизлар газетаси чиқа бошлаганига бир йил тўлиши муносабати билан ўзининг ҳаваскор мухбир, ёзувчиларнинг сувратларини босиб чиқарган эди. Бу учта сувратнинг бири Манзура эканини дарров таниди.

«Бу қандай шармандагарчилик,— деб ўйлади у,— акамнинг қизини нима худо урди.

Ана, тагига отини ҳам ёзиб қўйибди» деб ўти аланга олди.

Амакиси уйга келиб бу ҳақда отасига айтганда Манзуранинг кўзига дунё бир нафасда остин-устин бўлиб кетгандек кўринди. Гўё ўзи билан ташқаридаги янги ҳаёт ўртасига қалин девор қўйилаётгандай бўлиб кетди. У қаттиқ ташвишга тушиб қолди.

Табиатан жуда оғир ва камгап, ҳеч қачон фарзандларига қўл кўтармаган, ҳатто қаттиқ гапирмаган Собир ака укасидан далил талаб қилди. Собир аканинг запти қаттиқлигини билган ука далил келтиришдан қўрқди. «Бу жуда ёмон натижа бериши турган гап. Акам тушини тескари княди», деб ўйлади у.

Собир ака ўз қарорини Манзурага шундай изҳор қилди:

— Шу юрганинг қиммат бўлса, бу қилиқни бас қил. Бўлмаса, ҳамма наъман ийгиштирасан, ишни ҳам, кучани ҳам.

Манзура ҳеч нарса демади. Кўзидан тўкилишга тайёр турган ёшларини отасидан яширди. Меҳрибон бувиси олдига кирдию бутун ўпкасини, алам ва дардини кампир этагига тўкди... Йиғлади...

Шу кеча кўкнинг бутун юлдузлари унинг кўзида ботди, тунни бўйи ўйлади. Фақат аччиқ-аччиқ ўзини койиди:

«Нега суврат олаётганда қаршилик кўрсатмадим. Нимага оляпсан, қаерга олиб борасан, деб сўрамабман. Нега энди газетада чиқаришади. Энди нима бўлади: мени уйга тиқиб қўйсалар нима қиламан. Шеър ёзмай, газетага қатнашмай бўладими? Талабаларим-чи? Уларни ким ўқитади. Робияхоним ҳам, Тожихон ҳам банд — ўзларининг дарс-

лари, ишлари бор. Ҳозир қанча янги мактаб очилди, қанча муаллим бўлса ҳам камлик қилади. Бундай вақтда мен уйга кириб олсам, яхши бўладими? Нима қиламан? Ёзмай бўладими? Мен қуш бўлмасамки, ёзда куйлаб, қишда ухласам...»

Манзура ёстиқдан бошини узмай ёш тўла кўзларини ойга тутди. Ой булут орқасида эди. Манзуранинг дарди дунёси яна қоронғи бўлиб кетди. Ана, булутнинг чеккаларидан нурдан уқа пайдо бўлди. Ой булутдан чиқди, нурдор мағрур оқди... Майда увада булутлар яна унинг юзини ёпмоқчи бўлди, ёполмади. Ой баралла ярқиради. Манзуранинг дили ёришиб бутун хаёли унинг кетидан оқди. Кўксини туйғулар тўлқинлатди, кўзлари завққа тўлиб ойни кузатди: осмонда ой эркин, ҳаммаёққа нур сочиб, мағрур сузар эди. «Нурдан кучли нарса йўқ, ёруғлик зулматни парчалайди», деб ўйлади хурсанд ва шу манзара, туйғуларни қоғоз бетига кўчирди. Сарлавҳасига «Ой» деб қўйди.

Манзура дарсини тамомлаб, тўғри хотин-қизлар клубига борди. У ерда ўртоқлари билан маслаҳатлашмоқчи, агар бир йўл тополмаса, албатта, Ўрта Осиё бюросига, хотин-қизлар шуъбасининг мудирини ҳузурига боришга қарор қилди.

Энди орқага қайтиш йўқ.

Оқила қизлар — Манзуранинг ўртоқлари довдираб қолмади. Ўзларининг кичик дўстлари — севимли шоираларини ҳимояга олишди. У ўзининг кечаги ёзган шеърини ўқиб берган эди. Қизлар дарров унга Ойдин деб тахаллус қўйиб бердилар.

Икки кундан кейин Манзуранинг ўртоқ-

лари — бир даста озод қиз-жувонлар «Янги йул»нинг навбатдаги сонини унинг уйига олиб келиб қувона-қувона «Янги шоира» чиққанини хабар қилиб, қутлаб кетдилар...

\* \* \*

Шу йилнинг март ойида Ойдин ҳаётида катта воқеа юз берди. Эски шаҳардаги янги очилган ишчилар клубида Ойдиннинг «Янгиликка қадам» номли пьесаси саҳнага қўйилди. Бу фақат ёш Ойдиннинггина эмас, балки ўзбек хотин-қизларининг янгиликка ташлаган яна бир дадил қадамлари эди. Бу — ёш ўзбек совет адабиётида хотин-қизлар қалами билан яратилган биринчи пьеса.

Ҳали паранжини ташламаган дугоналарини озодликка чақириб, (озодликни Ойдин хотинларни иқтисодий қарамликдан қутқариш ва илмни қилишдан иборат деб тушунар эди) ёзган бу пьесасида ўша ўзи яшаётган ҳаётни борлигича, ўзининг тушунчаси сиғдира олганча акс эттирган эди.

Бу пьесадаги қаҳрамон вакила Ойдиннинг худди ўзи. Ойдин бу вақтда хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг маориф союзидан сайланган вакили эди. У ўз киссасида қизил муқовали китобча — «Вакила карточкаси»ни олиб юрар эди. Унда ёзилган муҳим сўзларни амалга татбиқ қилиш учун тинмас эди, мактабда дарсни тамомлаб, хотин-қизлар клубига, клубдан вакилалар мажлисига, хонадонларга чопарди.

Пьесани биринчи ўқиган дугоналари ҳам шундай дейишди: «Вакила Ойдиннинг ўзи, ўзи ҳам шундай қилади».



«Тўрт девор ичида заъфарон бўлиб ўтириш ёки бой қўлида чўри бўлиб ишлашни бас қилинг», дейди вакила «Янги қадамлар»-да.

«Ёш умрингизни бекорга ўтказманг, ўзингиз ва ўзингизга ўхшаган эзилган, қоронғида қолган мазлумалар учун ишланг», деб ёзади.

«Янгилликка қадам» кетма-кет икки мартаба нашр қилинган. Шу муносабат билан Урта Осиё бюроси хотин-қизлар шуъбасининг мудирини келиб, хотин-қизлар клубида «Янги йўл» газетаси ўрнига «Янгилликка қадам» номли журнал чиқа бошлади. Шуъбанинг мудирини Ойдинни шу ерда ишлашга кўндирди. Ва ўқишни давом эттиришга маслаҳат берди. Бу таклифни Ойдин жон-дили билан қабул қилди. «Рус тилини ўрганиш керак, бусиз жуда қийин», деб ўйлади Ойдин. Шунинг учун Урта Осиё рабфагига кириб ўқий бошлади. У ерда ҳамма дарсларнинг рус тилида борилиши Ойдинни айниқса қизиқтирди. «Қийналиб бўлса ҳам, тилини ўрганиб оламан!» деб ўйлади у.

Ойдин чарчашни билладими, ҳар кун унга бир янгилликдан хабар беради, ҳар эшитган сўзни янгиллик. Муаллималар тайёрлов курсидаги дарси-чи? Республика муаллимлари нақадар чанқоқ, журналда ишлаш ниҳоятда мароқли. Ўқиш унинг кўзига дунёни борган сари кенгроқ кўрсатади. Жамоат иши, вакиллик вазифаси — бундан шарафли иш борми?

— «Эскиликка қарши ҳужум — «ҳужум»-нинг мевалари кундан-кунга мўл ва гўзал. Кетма-кет очилаётган хотин-қиз артеллари,

турли-туман чеварларни ўзининг ёрқин ва жўшқин меҳнат қучоғига тортади. Хужумнинг жўшқин оқимини четга сураётган, мағлуб этаётган душман яна қутуради.

Қизлар бу кун «Ордога қолсин, қайтиб бошимга олмайман» деб паранжини ташлаб, чимматсиз қўшга тўғри боқиб, уйга кетган ўртоқларининг эртаси сўйилган ёки қудуққа ташланганини билиб қолади. Ўтнинг кичигини бўрон дарров ўчириб кетади. Агар ўт катта бўлса-чи, бўрон унга авж беради, у ловиллаб кетади. Бу қурбонлар, бу «Хужум» фаолларининг муқаддас юрагидаги ғазаб ўтини ловиллатиб юборади. Бир қурбон аёл жасади устида ўнларча аёл паранжисини ўтга ташлаб, унинг ишини давом эттиришга онт ичади...

Ойдин — катта оқим тўлқинида бир ирмоқ. Лекин ҳали ўзининг бошидан босиб ётган юкдан қандай қилиб қутулса экан?... Мен бари бир озодман, свозим, куйларим, шеърларим озод,— дейди ва ҳали тутқун ўртоқларига қараб хитоб қилади:

Қара, гулим, йўлинг оқ,  
Кўзинг оч, атрофга боқ.  
Хужум сўзин дилга тақ,  
Паранжини ўтга ёқ

\* \* \*

Москва! Бизнинг эркимиз, иродамиз ва қароримиз Москва, кўз нурымиз Москва! Бизнинг озодлигимиз Ленин номи билан чамбарчас боғлиқ. У бизни асрлик мудроқликдан уйғотди. Тақдиримиз ва руҳимиз озод бўлгач, биз ҳам ўзимизда ирода борлигини сездик.

Ойдин эрк қуёши кўтарилган Москвани ҳали ўз кўзи билан кўргани йўқ. Лекин уни ёш оташин қалби билан сезади. Бутун вужуди билан унга интилади. Бу инқилоб бешиги Қизил Москва ҳақида ўзининг илк шеърларини ёзади. Узоқ қиш кечалари, илҳомбахш баҳор оқшомлари дарча олдида ўтириб хаёл суларкан, унинг фикри Москвага чўзилади. Ўз кўзини ёритган нур унинг хаёлини тўғри Москва билан улайди. Шунда у Москвани қуёш деб атайди...

1927 йилнинг март ойи. Маориф ходимлари касаба союзининг Бутуниттифоқ олтинчи съезди вакилларида бир гуруҳи Қизил майдонда тизилган сафда улуғвор сукутда доҳий мақбарасига қараб силжийди. Булар сафида Ойдин ҳам бор. У мароқ билан кўркам арчаларга қарайди. Бунақа арчаларни у биринчи бор кўрмоқда. Қор ўйнаб-ўйнаб унинг иссиқ юзларига тушиб эриб кетади. Юраги гуп-гуп уради. Мақбарага яқинлашган сари унинг ҳаяжони ошади. Гуё ҳозир доҳий Ленинни тирик кўрадию ўзбек хотин-қизларидан салом топширади. Ҳамма учун бутун қалбида унга ташаккурни айтади. У айтажак гапларини иншо эта-эта мақбарага яқинлашиб қолади.

Мармар зиналардан юриб, тушаётганлар сафида ичкарига кирар экан, озод ўзбек қизининг юраги, бутун вужуди пролетар инқилбининг доҳийси Ленин руҳига, улуғ инсонга саломга келади...

Ойдин кун бўйи делегатлар билан тарих музейида экскурсияда бўлди. Съезд давомида Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа республикалардан келган вакила-

лар билан танишиб, дўстлашиб кетди. Буларнинг ҳаммаси ҳам эркин, Ойдинга ўхшаган бахтиёр қизлар.

Нақадар дунё кенг ва ранг-баранг. Нақадар гўзал. Москванинг жўшқин ҳаёти, кўкка бош чўзган салобатли биноларига қараб ўзини ҳам ўсиб кетгандек ҳис қилади.

Рус тилини билмайди. Лекин съездда айтилаётган гапларнинг ҳаммаси гўё унга таниш, тушунарли эди.

Москва, сен берган ҳаётни биз сезмаслигимиз, англамаслигимиз мумкинми?!

«Дадажон!

Мен Москвага Сизга билдирмай кетганим учун узр сўрайман. Юбормай қўйишингиздан қўрқиб, беодоблик бўлса ҳам шундай қилдим. Мени вакил қилиб сайладилар. Мен ҳам учгандек келдим. Вакил қилиб сайлаганларидан кейин келмаслик мумкинми? Келганимдан жуда-жуда хурсандман.

Дадажон! Мени кечиринг. Мен паранжимни ташладим. Бу ердаги хотин-қизларнинг биронтаси ҳам паранжи ёпинмайди. Ҳаммаси эркин. Эркин юриш нақадар яхши. Дадажон, сиз паранжи ёпиниб юриш оғир эканлигини билмайсиз. Чунки сиз уни ёпинмагансиз. Биз хотин-қизларнинг гуноҳимиз нима? Мен билан келган ўртоқларим ҳам паранжисини ташлади, ҳеч қайсимиз энди ёпинмаймиз. То-жик қизлари ҳам шундай қилишди. Биз ҳаммамиз энди уйимизга боргач, сира ёпинмасликка аҳд қилдик... Аҳдни бузиш мумкинми?

Дадажон! Бугун бўлмаса эрта, қолганлари ҳам буни итқитиб ташлашади. Очиқ юриб ишим, ўқишимни давом эттиришимга кунсангиз, бораман, бўлмаса шу ерда... Дадажон,

Сиздан, меҳрибон бувимдан, ўртоқларимдан узоқда яшаш жуда оғир, лекин қандай қилай, мен аҳдимдан, тушган йўлимдан қайтолмайман».

Бу мактубни Ойдин зўр ҳаяжон ва кўз ёшлари билан ёзди. Бу сўзлар унинг севимли отаси қалбига қандай оғир ботишини биллади. Бордию келма деб ёзсалар нима бўлади? Бувиси, гўдакликдан тарбия қилиб ўстирган бувиси қандай чидайдди. Ўзи қандай чидайдди? Нима бўлса — бўлди,— деб уйлайди у,— энди орқага қайтиш йўқ...

Энди кет, келма, паранжи,  
Мангу кўрмайман сени.  
Қул қилиб йўқ айлагайман  
Сен, заҳарлик парданн...

\* \* \*

Ойдинни Тошкентда ўртоқлари кутиб олди. У буларни кўриб жуда хурсанд бўлиб кетди. Қувона-қувона боши очиқ, гул-гул ёниб, соғинч тўла дилида қўрқувсиз ҳаяжон билан таниш эгри-бугри кўчалардан ўтиб кетар экан, Москва таассуротларини чанқоқлик билан тинглаётган ўртоқларига сўзлай-сўзлай ўз кўчасига қайрилди. Соғинч ва муҳаббат тўла юраги гупиллаб уриб кетди — севимли ота билан кўришишга шошилди, қадамини тезлатди... Лекин, лекин мачит имоми ортидан туриб озод қизлардан юзини терс буриб кетганлар ичида отасини ҳам кўриб бошидан қайноқ сув қуйилгандек бўлдию бутун қувончи ичига тушди.

— Вой ўлмасам, дадам-а,— деди ва тўх-

таб қолди. Буни кўрган ўртоқларидан бири:

— Хафа бўлманг, Ойдин, бизни ҳам шунақа қарши оладилар, биздан ҳам юз ўгирадилар, биз парво қилмаймиз. Бориб-бориб ўрганиб кетадилар,— деди.

— Парво қилмай бўладими,— деди ҳайрон,— ўзлари рухсат бердилар-ку, эрта яна паранжини ёпинасан деб туриб олсалар, шундан қўрқаман.

— Йўқ, энди ёпинмайсиз. Биз ҳам шундай қиламиз,— деди Робияхон.

Ойдин ўзи ўйлаганини дўстларининг энг каттаси Робияхоним сўйлаганидан тетикланди. Тез-тез қадамлар билан бошини мағрур кўтариб мачит олдидан ўтиб, ҳовлига кирди. Уни ҳовли ўртасида севимли бувиси, онаси ўрнига тутган меҳрибон бувиси қулочини кенг ёзиб қарши олди. Кампирнинг айланиб-ўргилишидан, оналик меҳридан Ойдиннинг дили ҳам, ҳовли ҳам нурга тўлгандай эди.

«Демак, уйда унча катта гап бўлиб ўтмаган, отам, маҳалла-руҳонийлари олдида йўлига шундай қилган, шекилли», деб ўйлади у.

\* \* \*

Самарқанддаги қайноқ ҳаёт Ойдинни ўзининг жўшқин ва жонли тўлқинига олди.

У Самарқанд таълим-тарбия институтига борганда дорилмуаллимотни бирга битирган ўртоқларини учратиб севинчига сиғмай кетди. Ойдин энди — институтнинг ижтимоий-иқтисодий факультети талабаси. Ҳамма вақтдагидай жон-дили билан ўқишга берилган. У ўз бахтиёрлигини ҳис қилиб яйраб яшайди. У ўртоқлари билан ўтирганда доим дорил-

муаллимотда ўтган ажойиб дамларини хотирлашади, ўқитувчилари Зоҳида опани миннатдорлик билан тилга олишади.

Бу ердаги ҳаёт бутунлай бошқача: жўшқин озодликнинг ёрқин оғуши. Ҳозир Тошкентда дорилмуаллимотда ўқиётган қизлар ҳам паранжида ўтирмайдилар. Илм билан жаҳолат ўртасидаги парда аллақачон куйиб кул бўлган.

Мана, уч-тўрт йил ичида шунча олға кетишди. Ҳали шундай кунлар келадики, тезроқ, тезроқ келсин ўша кунлар...

Бир дарсхонада йигит-қизлар қатор ўтириб сабоқ олади, бунда ҳар миллатнинг қизи бор. Ҳамма гўё бир ота-онанинг болаларидай иноқ. Ўқиш, ижод қилиш, бахтиёр яшаш учун ҳамма шароит муҳайё. Бу имкониятларнинг манбаи қаердалигини қизлар жуда яхши биладилар.

Бу имкониятларнинг ижодкори Москвани ҳам, доҳий Ленини ҳам Ойдин Собирова ва Лазокат Орифхоновалар ўз кўзлари билан кўриб келганлар. Бу ўзгаришларнинг ҳам коммунист фирқаси раҳбарлигида бўлаётганини маърифат ёритган шуурлари билан ҳис қилиб қоладилар. Мана шу ҳислар кўксига сиғмай кетганда Ойдин куйлайди, кўҳна Самарқандга тун салқини чўкиб ётоқдаги ўртоқлари уйқуга кетганда, илҳом билан тўлиб-тошиб уйларини шеърга солади, шуларга жон бергудай бўлади:

Айланаман шўролар,  
Ишчи-деҳқон отаси,  
Мазлумларга йўл очган  
Коммунистлар фирқаси.

Қизлар ўқиб ўйнайди  
Паранжилар куйганда.  
Душманимиз йиғлайди  
Ишчи-деҳқон кулганда...

Тунда ёзилган бу шеър эрталаб шу вақтда институтда ўқиб юрган шоирлар Уйғун ва Ҳамид Олимжоннинг муҳокамасига ташланади. Нақадар самимий, ижодий дўстлик. Ўқийдилар, биргалашиб муҳокама қиладилар, маслаҳатлашадилар. Мана, Ҳамид Олимжон ўзи ишлаб юрган газета «Зарафшон ҳақиқати» саҳифасида бостириб чиқиш учун шеърни кўчиртириб олади, эртаси шу шеър босилган газетани олиб келиб Ойдин онасини табриклайди, ўзи ҳам биргалашиб қувонади. Энди ўз шоирлари бўлиб топилган Ойдиннинг янги шеърини газета ҳам кута бошлади. Ҳамид Олимжон, Уйғун каби шоирлар билан улар рус классиклари асарларини ҳам бирга ўтириб ўқишади. Горькийнинг «Она» романи, Лермонтов шеърлари, Пушкиннинг прозаси ана шундай ўқилди. Китобларни зўр иштиёқ билан тинглашади. Тинглаганда ҳам бу ёзувчиларнинг ижодига зўр муҳаббат билан тинглайдилар, улардан ўрганадилар. Бу асарларнинг ҳар бири Ойдин кўзи олдида янги бир дунё очгандай бўлади. Ҳамид Олимжон, Уйғун билан чуқур дўстлик, бир умрлик ҳамкорлик самимий ҳурмат туйғулари билан суғорилган эди. Унинг замон билан ҳамоҳанг тетик овози борган сари кенгайиб ёйила бошлагани балки, шу туфайли ҳамдир. Энди шоира Ойдин тобора жасорат билан куйлай берди. Бошига қизил дурра ўраб станокларни бошқараётган



турсунойчилар — биринчи ишчиларнинг хаёл-лараридаги янгиликлар, янги муносабатларни шеърга солади.

Озодлик мавзун — Ойдин ижодида энди асосий йуналишга айлана борди.

Ҳилпираб учса,  
Меҳнатни қучса,  
Чириб хурофот  
Йуқликка кучса,  
Мен нега кулмай?—

деб севинчлари ичига сиғмай, озодлик байрами — 8 мартга пешвоз чиқади. Бошқа бир шеърда эса бир қиз ўз-ўзига — озод ўзбек қизига совет ҳукумати кўтарган минбардан туриб:

«Менинг байрамим — 8 март. Бу хурофот ва ёвузликларга ўт қўядиган пролетар хотин-қизларининг байрамидир», дейди. Ойдиннинг шеърлари фақат мазмун жиҳатидан эмас, бадий томондан ҳам тўқислаша борди. Унинг бир шеърда бир қизга онаси игна билан қудуқ қазигандай дўппи тикиб, бўйинтумор ва чўлпиларни ҳавас билан олиб беради. Шонра қиз севинчини шундай чиройли ифодалайди:

Шилдир-шилдир бўйинтумор  
Шилдирайди жилгадай.

Унинг шеърлари қаҳрамонларидан бири:

«Қип-қизил менинг  
Эркин рўмолчам.

Сочларимга таққан чўлпи  
Гуё бахтим  
Тўлғанади белимда,  
Қувончлари дилимда».

Ҳаммаёқда уйғониш, ўсиш, кўтарилиш.  
Ҳамма ерда баҳор, шеър уфуради. Бу нафас-  
ни куйламаса, шоирнинг юраги чидайдими?  
Шунинг учун Ойдин дам олиш кунлари тонг-  
да ўртоқларини қишлоққа бошлайди.

«Бўлинг, қуёш соч таради,  
Нур қўйнида ҳар бурчак»,—

дея узоқ-узоқ қишлоқларга сафарга отланар  
экан, аравакаш йигитни тезроқ далага, бах-  
мал адирларга ундайди. Баҳорнинг ранг-ба-  
ранг бўёқлари унинг тасаввурини бойитади:

Ҳайданг отни, учиб етсин  
Биз кўзлаган қишлоққа...  
...У қишлоқнинг барча ери  
Колхозларга қўшилмиш,  
Йигит-қизнинг меҳнатидан  
Яшил ғуза қулф урмиш.  
Замзамали сой бўйида  
Қизлар мажлис қуради,  
Чилвир сочлар маҳкам боғлиқ,  
Тракторлар суради.

Шаҳардан қишлоққа кириб келган қизлар  
адирлардан кўзларини олмайди. Ариқлардаги  
сувлар уларга аллақандай оҳанглар шивирла-  
гандай бўлади. Қолхозлашиб — ҳамма бирла-  
шиб кўп хирмон-хирмон оқ олтин етиштирган  
даланинг бир томонида кенг ҳосил учун ер  
тайёрланмоқда. Иккинчи томонида эса уруф

сепилмоқда. Ҳалиги сой бўйидаги колхозчи қизлар — эрлар билан тенг ҳуқуқли эркин меҳнат қилаётган ҳур қизлар ўринларидан туриб келиб, шаҳардан келган дугоналарини қарши оладилар. Қизлар ўз меҳнатлари ғалабасини гапирадилар.

Бу қишлоқдаги гуркираб ўсаётган ҳаёт Ойдинга ошно. У бу ердаги меҳнаткашларнинг ўз кишиси. Пешонасини танғиб яллани янгра-тиб ер чопаётган йигитлар ҳам, сочини бошига маҳкам боғлаб олиб, далада ишлаётган хотин-қизлар ҳам Ойдиндай ўқиб, саводларини чиқардилар.

Партиямиз ва шўролар «битсин саводсизлик», деб шиор ташлади. Бу шиорни амалга ошириш учун сафарбар этилганларнинг сафида боришни комсомол ва студентлар ўзларига шараф деб билдилар. Шулар қаторида Ойдин ҳам бор эди. Энди бу қизлар ўзларининг муаллималарига колхоз далаларини кўрсатадилар, бир вақтлар бир қулоқнинг сира тўймас омборига бор ҳосилини тўкиб келган бепоён далани кўрсатиб — бу янги ҳақиқий эгалари бўлган қизлар сўзлайдилар:

«Ҳозир бунда биз яшаймиз,

Эркин меҳнат бизники.

Мана, кўркам клуб — мактаб,

Маданият бизники.

Тракторда ер ҳайдаймиз,

Сеялкада сепамиз.

Социализм олий мақсад,

Тездан бориб етамиз.

Ҳали кўпдир янгиликлар,

Барин кўриб биласиз.

Қишлоқларда янги ҳаёт

Қурилишин сезасиз».

Ойдин қизларнинг бу ҳикоясини эшитар экан, унинг тасвирига ранг қидириб ҳаяжонланади.

Большевик кулами яшнаб ётган Зарафшон водийсининг қудрати, гўзаллиги унинг юрагига, фикрига тобора чуқурроқ кира боради.

«Нақадар чиройли кўклам. Бу кўкламда чаппор уриб ишлаётган қизлар илгари ким эди-ю, ҳозир ким бўлиб кетди. Энди булар меҳнат қилиб чарчайдими? Эзилганларнинг энг эзилгани бўлган бу хотин-қизлар энди бутун халқ билан олий мақсад — социализм қуришга киришганлар» деб ўйлайди ва доҳий Лениннинг Шарқ хотин-қизлари вакиллари қабул қилганларида айтган ҳалиги сўзларини эпиграф қилиб қўйиб шеър ёзади. У шеър:

«Машинанинг рулида  
Очиқ юзли чаққон қиз»

каби унинг сатрларидан жой олади.

«Биз комсомол меҳнаткаш  
Озод юртнинг қизимиз.  
Ленинизм йўли эрур  
Бизнинг ёрқин йўлимиз».

Шоира Ойдин шу қизларнинг «Қизил маржон» тизимида ўзи ҳам борлигидан беҳад хурсанд.

\* \* \*

Бу сафар Ойдинни Собир аканинг ўзи — унинг бир гуруҳ ўртоқлари билан чиқиб кутиб олди. Бу вақт Ойдин педакадемияни биттириб, аспирантурада ўқир эди. Марказкомнинг Ўзбекистон Давлат нашриёти ишини

йўлга қўйиш ҳақидаги қарорига асосан юборилганлар қаторида Ойдин Собирова ҳам бор эди.

Тошкентга бундан бир йил илгари келиб кетган бўлса ҳам, шаҳар унинг кўзига жуда ўзгариб кетгандек туюлди.

Ойдин келган куннинг эртасиёқ нашриёт ишини бошлаб юборди. Нашриётда уни катта шодлик кутар эди. Биринчи шеърлар тўпламининг корректураси келган эди. «Тонг қўшиғи». Бу Ўзбекистон давлат нашриёти тарихида хотин-қизлар номи билан чиқаётган биринчи шеърлар мажмуаси эди.

Орадан сал ўтмай, «Тонг қўшиғи» республиканинг маърифат кўзларини мунаввар қилган қизлар қўлига бориб етди.

Нашриётда иш кўп. Унинг салмоғи, айниқса, Ойдин кўзига катта. «Китоб чиқариш ҳазилакам ишми, адабиёт — кишиларни тарбиялаш воситаси, бу ерда ўтирган ҳар бир кишининг вазифаси, китоб сифатли, яхши безатилган, ўз вазифасини аъло даражада адо этадиган бўлиб чиқиши зарур», деб ўйлайди. Бу фикр унга кечалари уйқу бермай, қўлёмалар устида мутолаа қилдиради. Бу қўлёмалар ичида тажрибали, атоқли ёзувчиларнинг ҳам, энди қўлига қалам олган ёшларнинг ҳам тўпламлари бор. Қўлёмалар устида ишлар экан, ҳамма вақт китобхон — энди саводга ўрганган совет китобхони унинг кўз олдида чанқаб-чанқаб китоб кутаётгани гавдаланади.

— Бўлим режасини рус классик ва ҳозирги замон ёзувчиларининг энг яхши асарларидан таржима қилиш ҳисобига бойитиш керак. Бу билан биз бир томондан халқимизни буюк

адабиёт намояндалари асарлари билан таниш-тирган бўламиз. Иккинчи томондан, ўзбек адабиёти хазинасини асл дурдоналар билан бойитган бўламиз. Бу, сўзсиз, бизнинг адабиётимизнинг ривожига таъсир кўрсатади,— деди нашриётда бўлиб ўтган мажлисларнинг бирида. Нашриёт планига Лев Толстой, Максим Горький, Маяковский ва Шолоховларнинг асарларини киритишни таклиф қилди.

Ойдин бу масъулиятли вазифани бутун ғайрат ва фаолиятини бериб ишлади. Нашриёт атрофига янги кучларни — бу вақтда Самарқанд педакадемиясини тамомлаб Тошкентга келган Уйғун ва Ҳамид Олимжонларни жалб этди. Улар иштироки билан муҳокама ўтказди. Шулар билан бирликда мафкура майдонининг мана шу шахобчасини мустаҳкамлаш учун жон куйдирдилар. Ёшлар билан ишлашни йўлга қўйиш, янги кадрлар етиштириш ҳақида ўйлайдилар. Биргалашиб иш олиб борадилар.

Тошкентдаги қайноқ адабий ҳаётнинг жушқин оқимидан Ойдиннинг ҳам ижоди ўз мавжларини кўрсатиб бораётганини кўриб, ҳамма қувонади.

Бир куни нашриётдан чиқиб, Тошкентнинг Карл Маркс кўчасидан кетаётган эди, Ойдин китоб магазинидан икки қиз ва бир йигит чиққанини кўрди. Учаласининг қўлида китоб. Ойдин дарров ўзининг «Чечан қўллар»ини, таниди, юраги гупиллаб кетди, ҳатто шу камтарин шоиранинг юрагини шуҳратнинг иссиқ еллари елпиб кетдию шуни мен ёзганман, қалай маъқулми? Қаери ёмон, ёки ҳаммаси беҳуда гапми? — дегиси келди. Лекин индамай

улар орқасидан кетди. Комсомол кийинмидаги, сочларини қисқа қилиб кесган қиз китобнинг бир ерини очиб ўртоғига ўқиди:

«Қизил аскар чопониға  
Пахта солиб бўлмайдди.  
Ёмғир ва қор ёққанида  
Уни кийиб бўлмайдди».

Узининг бу сўзлари алоҳида жаранг касб қилиб, Ойдинни ҳаяжонлантиради. У бенхтиёр табассум қилди. Худди шу орада иккинчи бир қиз деди: эсингда борми, қандай бир шоир:

«Қизил аскар чопониға  
Пахта солиб тепчинглар»,—

деб ёзган эди. Ушанга яхшилаб берилган жавоб,— деди.

Ижодкор учун бундан ҳам катта мукофот бормикан! Инқилоб хиёбониға етиб қолганда ҳалиги қизлар шу ердаги катта бино олдида турган бир тўда йигит-қизлар гурунгиға қўшилиб кетди. Шў гурунгдаги қизлардан бирини Самарқанд «Хужум» фабрикасида учратгани бир қизга ўхшатгани учун Ойдиннинг хаёли ушанга кўчди, хаёллар бешигида йўлида давом этди.

\* \* \*

Зумрад. «Хужум» фабрикасининг инженер қизи Зумрад, бахти тонгдай кулган, озод, ишчан Қодир қизи Зумрад Ойдиннинг кўз олди-

дап кетмай қолди. У шоирнинг юрагини безовта қилади, сатрларга киришни хоҳлайди: Ойдиннинг ижоди ҳам қалбидай очиқ.

Машиналарни бошқарган Зумрад — Ойдиннинг илк ёзаётган ҳикоясининг қаҳрамони бўлди. Ҳикояда Ойдин фабрикага оддий ишчи бўлиб кирган Зумраднинг ишлаб, ўқиб, инженер даражасигача кўтарилганини бадиий образларда самимий тасвирлайди.

Китобхонлар томонидан яхши қабул қилинган бу ҳикоя ўзбек адабиётига ўз орқасидан эргашган дугоналари ҳақидаги ҳикоялар тизимини, очерклар дастасини олиб кирди. Кейинчалик бу ҳикояларни тўплаб, «Қизларжон» деб ном қўйди. Бу китоб ҳам «Чақалоққа чакмонча» номли ҳикоялар тўпламидай қўлдан-қўлга ўтиб кетди.

Ойдин ҳамма вақт ёзди. Ёзиш билан бирга нашриётдаги ишини ҳам давом эттирди. Ойдин нашриётда тўла беш йил ишлади. Сўнгра ёзувчилар союзида ишлашга тўғри келди. «Партия мени шу ерга лойиқ кўрар экан, ишлайман. Лекин уддасидан чиқа олармиканман, ўргатарлар, ёрдам берарлар», деди ўртоқларига. Уни Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзи президиумининг секретари қилиб тайинладилар.

Ойдин ҳамма вақтдагидай бу ерда кадр тайёрлаш даражасига жуда катта аҳамият берди. Зўр бериб ёшлар билан ишлади. «Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади», деди ўртоқ Сталин. Социализм қураётган буюк халқнинг адабиётига ҳам кадрлар керак, келажакдаги машҳур ёзувчилар — ҳозир қўлига қалам олиб, машқ қилаётган мана шу ёшлардан ўсиб чиқади. Бу ёшларнинг баъзилари заводлар-



нинг цехларида ишларини тамомлаб ўзларининг шеърлари ёки ҳикояларини кўтариб ёзувчилар союзига келади. Бошқа бирлари техникум ва бошқа ўқув юртларидан шу ерга келадилар-да, Ойдин опанинг олдида соатларча ўтириб, ўз асарларига маслаҳат оладилар.

Ойдин учун ҳаммадан қувонарлиси шуки, бу келаётганлар ичида қизлар кўрина бошлади. Булар ҳозир техникумларда ўқийдилар — ёзувчи бўлишни истайман, мен ҳам ёзувчи бўлармиканман, Ойдин опа, дейди бири ва худди ҳозир Ойдин опа, албатта бўласан, деса олам гулистон. У катта ёзувчи бўлиб кетаётгандай кўзларини Ойдин опага умид билан тикади. Ойдин опага бу туйғулар — ёш ҳаваскор юракнинг бу хил ўти таниш. У ҳалиги қиз ёзган шеърни диққат билан ўқиб чиқади-да: «Албатта ёзувчи бўласан», дейди. Бу сўзларни эшитган қиз юрагининг қинидан чиқиб кетишидан қўрққандай чап қўли билан босади, умид ва келажакдаги шараф туйғулари уни бир нафас аллалайди. Ойдин давом этади. Лекин ёзувчи бўлиш учун жуда-жуда кўп ўқиш керак. Турмушни ўрганиш керак, синглим, ниҳоятда қунт билан ҳар бир ёзилган асарнинг ҳар бир сатри устида ишлаш керак. «Айтабернинг, яна нима керак, ҳаммасини қиламан, ҳаммасига тайёрман», дейди дилида ҳалиги ёш қиз. Ўзи бутун вужуди билан тинглайди — дам Ойдин опага, дам ҳар ер-ҳар ерига чизиб қўйилган ўз шеърига қарайди, қараб, унинг сўзларини, маслаҳатларини ташналик билан тинглайди... Бу қиз эшикдан чиқиши билан бошқа биров киради. Учинчиси... тўртинчиси...

Ойдин қувониб-қувониб улар билан ишлай-

ди. Бу ёшлар эса эртаси, албатта, яна ўша шеърларини ёки янги бирон парчани кўтариб кириб келадилар. Яна соатлаб ўтириб Ойдин улар билан суҳбатлашади, чарчамайди.

Ёзувчилар союзида ҳам Ойдин беш йил ишлади. Асосий ёзувчилар активи билан баббаробар тинмай Ватанга, халққа хизмат қилиш орзуси билан тулган юракнинг бутун меҳрини қўйиб, билим ва қобилиятини бериб, ўзбек совет адабиётининг равнақи учун, унинг софлиги учун хизмат қилди. Ҳаммавақт камтар, ҳаммавақт чин сўзли, принципли Ойдин, айниқса, коммунист ёзувчилар билан баҳамжиҳат бир сафда дадил қадам ташлади.

\* \* \*

Москва «Большой» театрининг муҳташам зали ўзбек музикасининг мафтун қилувчи садоларини буюк тааннали сукутда тинглайди. Жаҳонда энг маданиятли томошабин — совет томошабини, зўр санъаткорларнинг ажойиб санъати тарбиялаган пойтахт томошабини — ўзбек совет композитори, ўзбек совет драматурги яратган «Гулсара» музыкали драмасини ўзбек совет санъаткорлари ижросида завқ билан томоша қилади.

Москваликлар шу кунларда «Ўзбекистон булбули» деб ном қўйган Ҳалима бутун сахнани, бутун залдагиларни ўзи билан олиб юради. Октябрь келтирган озодлик нурларини кўрган ўзбек қизи Гулсара ўзини ўраб ётган эскиликка, паранжигга, тўрт деворга қарши исён кўтаради, энди уни ҳеч қандай куч қайтара олмайди, унинг қаршисида ёрқин келажак —

ҳаётбахш қучоғига чорлайди. Буни кўрган  
Гулсара асорат пардаси — паранжини улоқ-  
тиради.

Битсин, йўқолсин тор қафас,  
Булсин кушод озод нафас,—

деб қора чачвонни парча-парча қилади.  
Саҳнани нур тутиб кетади. Залда қарсак гу-  
риллайди. Ойдин ҳам қарсак чалади. Ҳали-  
махоним қарсак чалади. Мукаррамахоним,  
Лутфихоним, ҳамма бутун ўзбек санъати саҳ-  
нага чиқиб қарсак чалади... Нима бўлди, деб  
уйлайди Ойдин. Ҳалима Носированинг қоп-  
қора кўзларидан ёш тўкилади. Ҳамманинг —  
саҳнадагиларнинг ҳам, оёққа туриб қарсак  
чалаётган томошабинларнинг ҳам нигоҳи  
бир томонга қаратилади. Ойдин ҳам шу томон-  
га қарайди-ю, қайтиб кўзини ололмай қолади.  
Беихтиёр унинг ҳам кўзларидан ёш тирқи-  
райди. Ҳукумат ложасида партия — совет раҳ-  
барларига эрк берган, мана шу дадиллик, иро-  
дани берган буюк Лениннинг издошлари қар-  
сак чалиб, ёш ўзбек санъатини табриклар эди.

«Худди кечагидай ҳаммаси эсимда», дей-  
ди Ойдин опам. Унинг юрагида сақланган  
энг қиммат хотиранинг тўлқинлари дарров  
юзига тарқалади. Шу кеча ҳеч ким ухлагани  
йўқ, ҳамма ёлғиз шу учрашув ҳақида сўзла-  
ди, дейди ва ҳаяжон билан тўлиб-тошиб шу  
ҳамманинг ҳаваси келадиган ажойиб манза-  
рани тасвирлайди.

Бу воқеа 1937 йилнинг майида Москвада  
ўзбек санъати ўн кунлиги ўтаётган даврда юз  
берган эди.

Улар ўзларининг кечаги кунларидан нақа-

дар узоқ кетдилар. Ватан гуллайди, яшнайти. Ватанни гуллата-гуллата, уни қудратига қудрат, шуҳратига шуҳрат қўшиб, ўзларининг номларини ҳам шонга ўрайди бу эркин хотин-қизлар.

Чўлларга ҳаёт дарёсини оқизиб, катта Фарғона канали қураётган азаматлар қаторида меҳнат муъжизаларини кўрсатган қирқ беш мингдан ортиқ хотин-қизларнинг биронтасини Октябрдан илгариги қайси аёл билан таққослаб бўлади? Пахта далаларининг донгдорлари-чи, буларнинг ҳар бирининг ҳаёти ўтмишда ҳаёлига келтиролмаган бир муъжиза ўзи бир дoston. Бу ҳаёт бизнинг оналаримиз бўлиб кўрингандай, бизнинг бахтиёр совет ёшларимизга Ойдин ўз ҳикояларида тасвирлаб берган ўтмишнинг ҳақиқий ҳикоялари ҳам даҳшатли бир эртақдир...

Мана шу ўтмишнинг ўша вақтда ҳар қадамда учрайдиган мудҳиш бир манзарасини бадий образларда кишининг ёдидан кетмайдиган қилиб Ойдин қалами билан чизилган бир намунаси — Хоразмнинг гўзал қизи Гулсанамнинг хазон бўлган ҳаётий қиссаси.

Мана, ўша ўтмишнинг мудҳиш қора эртақларидан бири — Гулсанам. Хоразмнинг фаҳшони нафсини қондириш учун ўлжа — гўзал бокираларни излаб юрган ювиндихўр даллол аёллари искаб юриб, камбағал бир оиланинг ёлғиз қизи, бойлик ва қувончи бўлган Гулсанамни топадилару неча-неча қизлар каби буни ҳам ҳарир кийимлар, олтин ва дурларга ўраб, хонга тутадилар ва нафақаларини олиб эртанги базм учун янги ўлжа ахтаришга яна тентиб кетадилар. Гулсанам-чи, камбағал қиз Гулсанам шоҳона кийимларга

ҳам, олтину дурларга ҳам, ярқираган саройга ҳам — саройнинг тўймас аждари — хонга ҳам тупуради — унга яқинлашмоқчи бўлган хонга қарши қўл кўтаради. Бир қашшоқ қиз, аждар чангалида танҳо, кўмакчисиз бир қиз хонга, бир юртни сўраб ўтирган хонга қарши қўл кўтаради. Ўз номуси, поклигини ҳимоя қилганлиги учун Гулсанам эртаси шаҳар ўртасида, ота-онаси ва бутун халойиқ ўртасида хон томонидан жазоланади. Гузал Гулсанам хон жаллодлари томонидан катта қозонда шақирлаб қайнаб турган сувга ташланади...

«Рузвон кампирнинг саргузашти»ни наби-ралари — пионерлар ҳайрат билан тинглар экан, кампир тасвирлаган манзарани улар тушунчасига сиғдира олмайди. Нега қочиб кетмадингиз? — дейди бири. Қочиб қасрга борардим, — деб жавоб қилади кампир. Советларга, — дейди пионер. Совет йўқ эди-да, болам, — деди кампир хўрсиниб...

«Ямоқчи кучди», «Ҳазил» — булар ҳам ўтмишдаги бахтсизликдан хазон бўлган умрларидан аччиқ ҳикоя қилади.

«Садағанг бўлай, командир» номли машҳур ҳикоянинг қаҳрамони Қандалатнинг кулган тақдири ҳақида қалам тебратган Ойдиннинг шодлигини нима билан тенглаштириш мумкин! «Эр юрак» номли ҳикоянинг қаҳрамони — машинист Салтанат, «Ўзбекистон водийларида», «Севги ва севинч» номли очеркнинг қаҳрамонлари Турсуной ва Ўғилхонлар етиштирган оқ олтинларни эшелонларга ортиб, бепоён мамлакатимизнинг шаҳарларидаги фабрикаларига элтаётган Салтанат ҳақидаги ҳикояни ўқиган киши уни унутадами?

Ойдиннинг ажойиб аёлларга бўлган муҳаббати, уларни куйлаш иштиёқи бошига оғир кунлар тушганда — немис босқинчилари тупроғимизга бостириб кирганларида алоҳида куч билан жўш урди. Бу муҳаббат душманга нисбатан ғазаб ўтида тобланди. Ойдин Собирова эртадан-кечгача Ўзбекистон радио комитетида ишлайди. Ҳамма нарса душман устидан ғалаба қозонишга қаратилсин деб партия шиор ташлади. Бутун халқ бор кучини, фаолият ва билимини душман устидан ғалаба қилишга қаратди. Ойдин ҳам шундай қилди. У, айниқса, бу вақтларда кўпроқ ёзди. Халқни мардликка, фидокорликка, ватанпарварликка руҳлантириш керак. Вафо ва садоқатни куйлайдиган асарлар керак деб ўйлайди ва ўзи ҳам шу ҳақда ҳамма ёзувчилардай очерк ва ҳикоялар ёзади. Ҳамма вақт халқ билан, замон билан бирга нафас олган Ойдиннинг бу асарларини сиз унинг ундан ортиқ китоблари ичидан дарров топиб оласиз. Ёзилган асарнинг юрагини Ойдин сарлавҳа қилиб қўяди. Жони ҳам, руҳи ҳам унда намоён — «Мардлик — мангулик». Қанча ирода ва қудрат, қанча ишонч ва жасорат бор бу сўзларда. Шу номли ҳикоялар тўпламига кирган асарларда олдиҳа сурилган ғоя ҳам мана шу — мардлик, зафар демакдир, зафар—мангулик, ҳаёт демакдир.

\* \* \*

Немис фашистлари устидан ғалаба қозонган кўпмиллатли совет халқи — шу ғалабани таъминлаган баҳодир халқ — тинч, осойишта меҳнат қилиб ҳаётини кундан-кунга яхши-

лайди. Тупроғини яшнатади. Ўзбек элининг пахтакорлари бепоён бўлиқ ерларда пахта эккан. Янги-янги ерларни очади, янги каналлар қазади, туқувчилари талаби кундан-кунга ошаётган бу халқни кийинтириш учун фабрикаларда гўзал шоҳи ва газламалар тўқийди, машинасозлари янги-янги машиналар ихтиро қилади.

Лекин денгиз орқасидаги бир тўда ваҳшийлар қалбидан виждонни, ҳаётдан гўзалликни олиб ташлаган ваҳшийлар ўзга халқларнинг тинчлигини бузишдан, халқ яратган гўзалликни пайҳон қилишдан лаззат оладилар. Ана улар ҳозир Корея халқи устига ўн танкасини ташлаган. Болаларни, хотинларни — халқнинг келажагини тарбия қилиб ўстирадиган оналарнинг устига бомбалар ёғдиради. Ўз ҳаётини янгидан қурган мамлакатни гуллатиш учун, тинмай меҳнат қилаётган демократик республикалар учун бу тинчлик ва гўзаллик азиз, жаҳон меҳнаткашлари, эркесвар халқлар учун тинчлик ва мустақиллик — бир эҳтиёж. Шунинг учун бутун халқ Стокгольм мурожаатига қўл қўйди. Бу имзони мустаҳкамлаш учун халқимиз меҳнатини — яратувчи ижодий меҳнатини яна мисли кўрилмаган суръат билан давом эттиради.

Мана шу вақтда 1950 йилнинг кузида тинчлик қалъаси Москвада бўладиган тинчлик тарафдорлари Бутуниттифоқ иккинчи конференциясига ўзбек халқи ҳам ўзининг энг яхши ўғил-қизларини вакил қилиб юборди. Бу вакиллар ичида Ўзбекистон Совет ёзувчилари вакил қилиб сайлаган ёзувчи Ойдин Собирова ҳам бор эди.

Тошкент область Паркент район меҳнат-кашлари маданият уйининг зали одам билан тўла, игна ташласа, ерга тушмайди.

Электр чироқларидан тўкилган шуълаларга кўмилиб ўтирган эркак-аёл, ёш-яланг минбардаги нотиқнинг жўшқин сўзларини тинглайди... Нотиқ—Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига шу район меҳнат-кашлари томонидан номзоди кўрсатилган Ойдин Собирова ҳақида сўзлайди:

— Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар Партияси Марказий Комитети агитация-пропаганда бўлимининг сектор мудирини ёзувчи Ойдин Собированинг таржимаи ҳоли бутун ўзбек хотин-қизларининг таржимаи ҳолидир. Ишончли вакиллар Ойдиннинг босиб ўтган шарафли йўли ҳақида гапирди, унинг меҳнати ва бу меҳнатни тақдирлаб ҳуқумат уни ордеҳ ва медаллар билан мукофотлаганлиги ҳақида гапирди. Уни меҳнат чиниқтирди. Большевиклар партияси тарбиялади... Биз ишонамизки,— деди нотиқ сўзининг охирида, — ўртоқ Ойдин Собирова бизнинг ишончимизни оқлайди.

Сайловчилар бирин-кетин минбарга чиқиб сўзлайдилар... Номзод ўз сайловчиларининг нақазларини президиумда ўтириб блокнотига диққат билан қайд қилади.

— Бизда сув кўп, мана шу кўрган тоғларингиздаги қорлар баҳорда сой тўлиб айқиради. Лекин бу сув жуда бебош, ҳозирча сўзимизга унамай турибди.— Соқоллари оппоқ мўйсафиднинг бу сўзларини эшитиб Ойдиннинг лаблари табассумга келади. Эшитаяп-



сизми, деб менга қарайди. Мўйсафид сайловчи сўзида давом этади.— Бизнинг ерларимиз тоғлик жой, қизим,— дейди,— бизга занжирли тракторлар керак. Тракторлар камлик қилиб турибди, шу масалада ёрдам берсангиз. Ҳамонки коммунизмга чиқадиган бўлсак, машинада борайлик, тўғри эмасми, халойиқ?— дейди. Халқ гулдурас қарсак кўтаради. Ойдин ҳаяжон билан мўйсафиднинг доно сўзларини яна ёзиб олади.

Ойдин сайловчилари олдида узоқ сўзламади. Қаттиқ ҳаяжонда. Бу қадар катта ишонч билдирган халққа қандай сўзлар билан ташақкур айтиш мумкин. Ойдин юрагини тўлқинга солган миннатдорлик туйғуларини ифода эта оладиган сўз ахтаради, ҳамон кам. Ойдин ўз сўзини шундай якунлайди:

— Депутат — халқ хизматкори. Мана, сизлар мени ўз оилангизга, катта бир оилага аъзо қилиб олар экансиз, мен сизлар билан баб-баробар меҳнат қиламан. Шу районнинг ободончилиги, аҳолисининг маданий ва фаровон турмуш кечириши учун сизлар билан бир қаторда туриб бутун кучим, қобилиятим, билимимни бериб меҳнат қиламан. Билдирган катта ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан. Бизга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини берган совет давлати шуни талаб қилади, партия шунга ўргатади...

У ўз сўзида ҳалиги коммунизмнинг порлоқ чўққиларини яқинлаштириш ҳақида, қишлоқ хўжалик машиналари ҳақида гапирган мўйсафид сайловчига ҳам жавоб қилди. Доно чолга: ота, албатта, машинада чиқамиз коммунизмга, совет ихтирочилари яратган машиналар билан дала ва шаҳарларимизни яшнатиб, гуллашиб,

коммунизмга борамиз. Бизнинг йўлимиз битта — партия йўли. Бу йўл халқни коммунизм чуққиларига олиб борадиган энг тўғри ёрқин йўл,— деди Ойдин.

Мана шу ёрқин йўлда халқ билан бирга Ойдин ҳам ўзи ёзган ва ёзилажак асарларнинг қаҳрамони — ҳур замондош дугоналар қаторида меҳнатда мўъжизалар яратиб, келажак сари қадам ташлайди. Келажак шу қадар жозибали ва ёруғ, унинг ёрқин йўлларини бутун халқ билан бирга босиб ўтиш буюк бахтиёрликдир.

1951—52

## ЕШЛИКНИНГ ҚУЛОЧИ

Очерк

Колхоз правлениесида кекса бухгалтер Василий Ивановичдан бошқа ҳеч кимни кўрмагач, Турсуной эшикка чиқди. Бу ердаги одамсизлик юрагини яна ғуссага солди. Эшикка суянганча узоқларга тикилди.

— Қуёш нақадар катта бўлиб кетипти, қип-қизил алвондай!— деб ўйлади ва нурларини баланд дарахтларга сочаётган қуёшга дадил, тикка қаради.

У бир вақтлар шундай оқшомларни, ўзи билан уфқ ўртасидаги узун ва япалоқ дарахтларнинг қизил шуъладор чуққиларини завққа тўлиб томоша қилар эди. Унга тўймай тикилиб, ўзи мактабда ўқиган шеърларни айтиб берар эди, ҳатто аллақандай, ҳалиги шеърларга ўхшаган ихчам, чиройли ва рангдор мисралар хаёлини тўлқинлатиб, тилига қуйилганини сезиб қолар экан, «Вой, шеър ёздингиз деб кетсам-а!» деб қўяр эди.

Энди нега шу қадар зебо манзара ғусса-сини зиёда қилди? Ювилган чаросдай қопқора кўзлари атрофдан кимнидир қидирди, унинг юзларига оқшомнинг гўзал кўрки, шуълага бошини чулғаб тебранган дарахтлар совуқ уфургандай бўлдию, қиз қошларини чимириб, келган йўлидан изига қайтди.

Ҳалиги ғусса — немис-фашистлари бошлаган уруш солган ғусса ҳаяжонга айланиб, уни ўзи ҳаракатлантирди. Тез-тез юриб борар экан, деворга келиб урилгандай таққа тўхтади.

«Совет Информ бюросидан, — чойхона пешонасидаги репродуктор салмоқли, дона-дона сўзлади: — Қўшинларимиз қаттиқ жанглардан кейин... шаҳарни ташлаб чиқдилар...» Вой, ўлмасам, — деб улгурмасдан диктор фашистларнинг Украина қишлоқларида маҳаллий аҳолига нисбатан қилган баҳшийликларидан хабар эшиттириб кетди.

Унинг қошлари қаттиқроқ чимирилиб, хаёлида киприкларигача ёнгандай бўлиб кетди, ҳатто бошида чамбар қилиб қўйган сочи оғирлик қилгандай, орқасига тушириб юборди, соч кенг елкасини тутиб яйраб кетди, юраги яна сиқилди, ҳалиги эшитгани хабар яна унинг хаёлини чулғади ва ўзича мулоҳаза қила бошлади.

«Бечора Евгения Пазур! Унинг бутун гуноҳи ҳақиқий инсон эканлиги-да! У ўша очитни одам деб ўйлаб, гўдакнинг бегуноҳлигини тушунтирмоқчи бўлди. Қўшинининг ёнаётган уйига ўзини урди, чақалоғини олиб чиққани учун шунча азоб бердилар. Отаси қайси ўрмонда — буни ҳам айтмади, айтса, нима бўларди, — ўйлади Турсуной, — барибир, қардан топардилар? Йўқ, айтса, отасига, бутун партизанларга хиёнат бўларди-да. Бу уларга алам қилиб кетди-да, албатта. Евгения ўрнида бўлсам, мен ҳам худди шундай қилардим, — ўйлади ва бир оздан кейин ўзи ҳайрон бўлиб ўзига сўзлади: — Агар ўша Евгения Пазур менинг ўрнимда бўлса, нима

қилар эди? Агар ўша Евгенияга ўхшаган қизлар, унинг отаси, акасига ўхшаганлар жонидан кечиб немисга қаршилиқ қилмаса, аллақачон улар бу ерга келиб қолмасмиди?!»

Қиз шу хаёллар билан уйига етганини билмай қолди.

У, эшикка қўл узатганда кўчадан икки ёш бола пахта ортган аравани миниб, пунктга томон ўтаётганини кўрди.

— Теримчилар тарқалишдимми?— сўради болалардан, отини шунча уйлаб тополмай Турсуной.

— Йўқ, ҳамма ўша ерда,— жавоб қилди олдингиси.

Арава ўтиб кетгач, «муштумдай болалар пахта ташишяпти,— деб уйлади у,— пахта териш ҳам қўлимдан келмайдими! Албатта, келади! Агар колхозга қабул қилмасалар ҳам, эрта далага чиқиб кетаман».

Бир қарорга келганидан ўзи жонланиб кетди.

Бутун меҳру муҳаббатини қўйиб овқат тайёрлашга киришди.

— Аям бечора чарчаб келади, келиши билан овқат тутаман-да, кейин ишга чиқишим ҳақида сўз очаман.

Лекин онаси Каромат опа келдию, нарибери овқатдан тотиниб қизига қаради:

— Турсуной, тўшагимни ташлаб бера қол, болам, нақ ёстиқ тортиб кетяпти.

— Чарчадингиз-а, ая, эрта сиз қолинг, ишга мен чиқаман!— кескин айтди Турсуной.

— Мен уйда қолмасам, биров кўтариб кетармикан? Чарчаган бўлсам, эрталабгача отдай бўлиб тураман.

— Мен чини билан ишга чиқмоқчиман,

ая! Уқишни бу йилча қўйиб, колхозга чиқиб  
ишласам, дейман, сиз нима дейсиз?

Она хурсанд бўлиб кетди.

— Яхши ўйлабсан, қизим, уруш тамом  
бўлса, ўқиш сеники. Уқишни сендан ҳеч ким  
тортиб олмайди, назаримда, ҳаммадан зару-  
ри ҳозир анови еру кўкни тутган пахтани те-  
риб олиш бўлиб қолди. Ундан кейин, манов  
уруш ўлгур бошлангандан бери кетишингни  
ўйласам, юрагим увишади.

— Уқишни тортиб олишга-ку, фашист тор-  
тиб олди-я, бўлмаса, кетиб ўқимасмидим, ке-  
ча кетган йигитлар бу ерда бўлса, менинг иш-  
лашимга эҳтиёж бўлармиди?

— Рост айтасан, болам, ақл-ҳушинг жойи-  
да, ишла, қанотимда бўл, шунча ишлаётган  
қизлар сендан на кам, на ортиқ. Раиснинг ҳам  
суюнчдан юраги қоқ ёрилиб кетади.

— Ростданми, ая, мени қабул қиласиз-  
ларми?

— Ҳозир ёт, эрта билан бир ялиниб кўра-  
сан-да!

Онанинг сўзларидаги эркаловчи оҳанг  
Турсуной лабларида табассум, кўзларидаги  
ўтни уйготди. Эркаланиб онасининг кўрпала-  
рини тузатиб қўяр экан, сўзлади:

— Бу кеча менинг уйқум келади.

Сен ётиб уйқуингни олгин,

Мен юриб юлдуз санай,—

деган қўшиқни эшитганмисиз? Сиз ухланг,  
меҳнат қилиб чарчагансиз, мен эрта кечаси  
хузур қилиб ухласам ярашади.

Она ҳеч нарса демади. Чунки гап ортиқча  
эди. Унинг кўнглини ҳам алам, ҳам қувонч  
баробар тўлқинлатди: «Бечора болам, Тош-

кентга бориб ўқийман деб нақ ичкиб эси кетган эди, муродига ета қолса бўлмасмиди? Мана энди ишламасам, бўлмайди, деб ўтирипти, лекин, фашист тортиб олди дегани ножўя, ҳақди борми? Бало урсин, у босқинчини».

Она хуррак отганда Турсуной ҳамон юлдуз санар эди. Сира уйқуси келмади. Май байрами олдидан ҳам у бир кун тунни шундай уйқусиз ўтказган эди. Осойишталик эди унда. Бир кечада Пушкиннинг «Лўлилар»ини ёдлаб, мактаб саҳнасида қўйганлари эсига тушиб, кулди. Лекин кулгу ва мактаб хотираларини лоп этиб хаёлига тушган бу куннинг ташвишли бўронлари ўпириб кетди. Кўксини яна ўша уруш олиб келган ваҳима, ташвишлар эзди. Тунни шундай ўтказиб, эргалаб Олтинкўл район Сталин номли колхоз правлениясига ариза кўтариб Турсуной Каримова дадил кириб келди.

\* \* \*

Шарқ томон чиқмаган қуёшнинг шуъласидан оқарган-у, дала ҳали тонг туманида. Осмон, кўтарилаётган қуёшни кутиб тўлқинланади.

Тунги аёз сўнгги ғўзаларни тарс ёриб юборипти. Пахталар шохларга осилган енгдай кумушланади.

Турсуной этагидаги энгагигача етган пахтани Ойпарча бошлаган хирмонга тўкаётганда Файзихон ҳам пахтаси билан келди.— Совуқ ўткир бўлипти, чоғи, ўртоқ, пахталар бодроқдай очилиб кетипти,— деди у.

— Яна беш кун шундай туриб берса, далада битта ҳам кўсак қолмайди.

— Яхши ҳавонинг ўзи териб ҳам берар эканми?— Ойпарча жўяк ичидан туриб сўзлади.

— Буюрсак, нега териб бермасин,— ўртоқларига кўз қисди Турсуной,— «Фронтчи қизлар» звеносининг буйруғи шу демаймизми?

— Бизнинг еримиз пахтаси тугади ҳисобку-я, аммо колхознинг...

— Колхознинг сизу бизга ўхшаган аъзолари бор, ахир, пахтамизни териб бўлдик, деб уйига кириб олмас?— Ойпарчанинг сўзини чўрт кесиб деди Турсуной.

Ўртага тушган хижолат ва сукутни Турсунойнинг ўзи кўтарди.

— Ҳаммасини териб оламиз, биз пахтани териб тамом қилмагунча, «пахта экинган жойдан кўзнинг юмиб ўта кетасан» деб буйруқ қиламиз булутга. Қани, йўқ деб, кўрсин-чи!

Қизлар енгил тортиб, кулишганича яна эгатларга кириб кетишди.

Звено қизларининг пахтаси бир хирмон бўлганда қуёш баралла кўтарилган эди. Унинг олтин нурлари Арслонбоб тоғига кеча тушган қорларда, барглари сарғайган дарахтларда, фронтчи қизларнинг қора-қўнғир сочларида, пахта ва ғўза баргларида, тун тукиб кетган инжу шабнамларда ёнди. Ҳали қўлларини ачитиб, юзларини ялаб кетаётган ҳаво нафаси сезиларли илиган эди.

Қизлар кун нақ тепага тик келгунча тердилар, гапсиз, сўзсиз тердилар, ажойиб бир сукут ичида тердилар. Нималар ҳақида хаёл билан тердилар экан бу қизлар! Олти қизнинг олти бўйи, ранги рўйи бўлгандай, олти хил феъли, уйи ҳам бор, албатта.

Барвастадан келган, оппоқ ойдаи юзли



Манзура қаддини ростлаб, қўлини соябон қилиб, ўртоқларига қаради. Қизлар узоқ-узоқ эгатларга кетиб қолишди. «Турсуной айтгандай, пахтани ҳўплаб олаётирми бу қизлар. Машинага ўхшайди, машина», хаёл қилди.

Нарёдан Файзихон ҳам қаддини кўтарган эди, Манзура қўл ишораси билан: «дам олишта чиқмаймизми», деди. Файзихон энгагигача кетган пахта билан лапанглаб унга яқин борди.

— Звеномиз чиқмаса, чиқмаймиз, фронтда командирни ташлаб кетмайдилар. Мен ҳам бугун Турсунойга етиб термоқчиман.

— Яхши тилак. Лекин иш бошқа, тилак бошқа,— кинояли деди Манзура.

— Тилак бўлмаса, ҳаётнинг қизиги бўлмас эди, ўртоқ. Кеча Турсуной «Уруш тамом бўлгач, Тошкентга ўқишга кетаман» деди. Шунинг учун ҳозир зўр бериб ишляпти. «Биз пахтани териб олсак, планни бажарсак, фронтдагилар хурсанд бўлади, қуроли кўп бўлади, кийини бут бўлади» деди. Ўйлаб қарасам, тўғри айтибди. Фронтдаги йингит бир қўли билан пахта териб, бир қўли билан милтиқ отолмайди, албатта. Меҳнатни биз қиламиз, урушни улар қайтаради. Жуда доно чиқди бу звеномиз, Турсуной. Мен жуда яхши кўриб кетдим. Қаттиққўл дейсизми, ўзига ярашади.

Қизлар гап билан теримга шўнғиб кетган эдилар, Турсунойнинг жарангли товуши эшитилди:

— Оч қолмадингларми, қизлар, сизларга қарасам нафасларинг ичларингга тушган, бу оч қолганларингданми, ғайратга минганларингданми, билмайман.

— Файзихон букун сизга етиб пахта термоқчи,— деди Манзура.

— Сиз-чи, сиз ҳам етинг, ҳаммамиз бир хилда бўламиз,— деди Турсуной. Унинг чин кўнгилдан самимий айтган бу гапи Манзура-хонга ҳам ёқиб тушди.

Қизлар хирмондан 10—15 қадам наридаги жийданинг кўланкасида гужанак бўлиб ўтиришиб овқатланишди.

Ҳар тўғрида гапиришиб овқатланишди, кеча звенонинг пахта плани тулганда раис сўзлаган сўзи ва унга жавобан Турсунойнинг бутун аъзолар номидан қайтарган жавобининг камтаринлиги ва ваъдаси ҳақида гап бўлгач, мавзу яна уруш тўғрисида тўхтади.

— Кеча тўртинчи звенодаги Шокиржон урушга кетди. Тўхта акангизга хат ёздириб юбордим, олармикан-а?— сўради звенонинг энг катта аъзоси Холпoch ая.

— Қаердалар?

— Қаерда буларди, урушда-да, ҳали ўзидан хат келгани йўқ.

Турсуной, қизлар яна «адреси аниқ бўлмаса, хатингиз тегмайди» деб кўнглини ранжитмасин, деб дарҳол сўзга аралашди.

— Олиб бориб беради, Холпoch ая, хатни олиб, қанча суюнади денг. Кеча Хайри холам ўғлидан келган хатни олиб чиқди.

— Ҳа, эзма кампир, менга олиб чиқди, ўқиб бердим, бўлди-да, сизга олиб чиққани нимаси,— деди Файзихон.

— Яна бир ўқитгиси келган, ўғлини кўргандай бўлади, она-да. Лекин сиздал хафани бўлдим, Файзихон, наҳот, икки эллик хат ёзиб беришга ярамадингиз?

— Қобилжон хатида «Азизқул билан бир жойдамиз» деб ёзган эди. Рашки ёмон, нақ балoга қўяр деб қўрқдим.

— Саломат бўлинг. Наҳот, бир кампирнинг ҳожатини чиқарсангиз, эрингиз хафа бўлса? Сиз бундай десангиз, мен қиз кишиман, бўлмас, десам, ким ёзади: Азизқулнинг хаёли онасида бўлиб қандай урушади. Яхши қил мубсиз, ҳали ҳам бўлса ёзиб бериб, уни тинчлатинг.

— Мен тинчлатдим. Лекин ҳамма номидан тинчлатдим. «Аъзоларнинг бирмунчаси буёққа келиб қолди. Қолхознинг йиғим-терими нима бўлди? Қор ёққан сари менинг ичимга ёғаётгандай бўлади. Пахталар қор тагида қолиб кетаётгандай бўлади», деб ёзган экан, мен, нор йўлида юк қолмас деганлар, ҳар биримиз икки-уч одамнинг ишини қиладиган бўлиб кетдик. Биз қанча яхши ишласак, сизларнинг муштингиз шунча зарбли бўлишини ҳаммамиз тушунамиз, деб ёздим.

Кейин фронтга кетганлар оиласининг томорқаларидаги ишларига қарашганимизни айтдим. «Кеча сизнинг томорқангиздаги картошкани кавлаб бердик, нақ ҳар бири қўйнинг бошидай келади. Эртага Шакар отамнинг томорқасига тушамиз» дедим. Нима дейсизлар?— деди Турсуной ва ўртоқларига синовчан назар ташлади.

— Нима дер эдик, кўнглимиздагини ёзибсан, деймиз-да. Сен гапиряпсан-у, мен ҳам шунақа ўйлаган эдим, деб турибман,— деди Ойпарча.

Турсуной қизларнинг кўзида ҳам ўзининг қалбида ёнган ўтга ўхшаш ўтни кўриб ғурурланиб кетди.

Далани оқшом тумани ўраганда «Фронтчи қизлар» тарқалишди. Манзура деворий газета ёзиш учун клубга, Турсуной газета ўқиб бериш учун қизил чойхонага кетди.

— Азиз дугоналар! Ишчи, колхозчи ва партизан опа-сингиллар!

Ўзбек хотин-қизлари ўзларининг фашизмга бўлган ўтли нафратларини, суюкли Ватанимизга бостириб кирган сариқ ваболарга қарши курашга тайёр эканликларини сизларга сўзлаб бериш учун мени бу ерга юбордилар.— Залда гулдурос олқиш кўтарилди. Пастдаги прожекторлар ёниб, нури сўзлаётган қизнинг кўзларини қамаштирди. Суратчиларнинг турли типдаги аппаратлари проқи дўппи устидан сочларини чамбар қилиб олган нотиқ қизнинг юзларига тикилиб ишлаш кетди. Қиз давом этди:

— Биз ўзимиз яқиндагина тамом ҳуқуқсиз одам бўлганимиз сабабли, эркин жонимиздай севамиз, Ленин биз ўзбек хотин-қизларини қулликдан озод қилди. Ўзбек хотин-қизлари Буюк Октябрь революцияси олиб берган эркиннинг, ҳуқуқнинг қадрига етади ва унинг ҳимояси учун бутун совет халқи билан бир қаторда оёққа туради, ҳимоя қилади. Ўзининг сўнги нафасигача, бир томчи қони қолгунча курашади!— Қора кўзларини одам тўла залга тикди у. Лекин зал тўла қарсак чалаётган одамни кўрмади. Унинг олдида сира кўрмагани ва эшитиб, газеталардан ўқиб тасаввур қилгани уруш майдони, унинг колхозси, Ватан ерига, мана шу ерда ўтирган одамларнинг эркига қўл узатаётган оч немис-фашистлар гавдаланди. Унинг кўзларига худди шу митингга келаётганда қорахат олиб, қора қон қақшаб қолган ўртоғи Машҳура келиб қараб тургандай бўлди. Қизнинг газаби қуюлиб тилига келди.

— Қимки тинч яшашни истаса, фашизмга қарши урушга ёрдам берсин!

Қимки ўз болаларим бахтли бўлсин деса, болаларнинг қотили бўлган фашизмни емириб ташласин!

Фашизмга ўлим!

1942 йил 10 майда Бутуниттифоқ хотин-қизларининг фашизмга қарши митинги ўтаётганда Москва Колонна Залида янграган бу оташин, ғазаб тўла сўзлар Москва осмонини қоплади. Бутуниттифоқнинг бепоён ерларида парвоз қилди. Муқаддас чегарамиздан ўтгач, унинг алангаси яна ошиб кетди. Бир гуруҳ одамларнинг тепа сочини тикка қилиб юборган бўлса, озодлик учун курашаётган миллионларча одамларнинг юрагига баҳор еллари сингари кирди, курашга илҳомлаштирди.

Бу — ўзбекнинг ватанпарвар қизи, Андижон область, Олтинкўл район Сталин колхозининг «Фронтчи қизлар» звеноси бошлиғи Турсуной Каримованинг товуши эди.

\* \* \*

Турсуной чопиқни тамомлаган қизлар билан даладан чиқиб, тўғри бригада сувчисининг уйига келди, у бугун ишга чиқмаган эди.

Уни безгак тутиб ётганини кўриб хафа бўлиб кетди.

— Безгакмикан, ёки бошқа касалми?— уйлади у, якка оёқ йўлдан кета туриб.

У катта йўлга чиққанда Манзура кўринди.

— Қаёққа кетаяпсан?— Турсуной сўради.

— Клубга, деворий газетани ёзаман.

— Жон ўртоқ, клубга борар экансан, док-

торга учраб кетгин, келиб Карим акани бир кўрсин, ҳарорати жуда баланд, ётипти.

— Ғўзалар нима бўлади, Турсуной?

— Ҳазимиз суғорамиз, кеча ойдин, аъзоларга хабар қиламан-да, Ҳазимиз суғорамиз — деди кескин; афтидан бу қарорга аллақачон келиб қўйган.— Сен ҳам бир оз дам олиб келсанг, газетани эрта кечаси ёзасан. Суғоришни эртага қўйиб бўлмайди.

— Ҳўп, дамни эртага кечаси оламан. Газетани ҳам эртага қолдириб бўлмайди, клубдан тўғри далага келавераман,— деди Манзура, тез, учгандай кетди. Турсуной эса, овқатланиб, сўнгра звено аъзоларини йиғишга қарор қилиб, уйи томонга юрди.

Ой юлдузларнинг рангини ўчириб ўзи баралла кўкка кўтарилди. Унинг юм-юмалоқ акси, жўяклардаги сувга тушганда қиличдай чўзилиб кетди. Кумушдай нури ғўза баргларига, атрофдаги жийдаларга оппоқ тўкилди.

Турсуной ариқдан четга чиқиб, пайкалга بازار ташлади.— Баробар юқиб кираяптими? Тикилиб қараб, қаноат ҳосил қилди. Яқиндан Манзуранинг қаҳқаҳлаб кулгани эшитилиб, ўша томонга қаради.

— Яша, ўртоқ, келдингми?

— Келдим, ўртоқжон. Аямга, шундай, «ғўза суғорамиз» деб айтиб ҳам юбордим.

— «Қамол билан бирга эдим» демаядингми, кўнгиллари тўқ бўларди,— Турсуной кўчанинг у юзига ўтган йиғитга ишора қилди.

— Ҳўрними, капалаги учиб кетади. Қамол суратни яхши солади-да, шунинг учун чақирган эдим,— ўзини оқлади.— Ҳолпоч опам кўринмайдами?

— Атайин айтмадим, ёш болалик нарса, ўзимиз уддалай олармиз.

— Бўлмаса-чи, лекин ўзинг кўрсат, ўртоқ, сугоришга диққат қилмаган эканман.— Манзура Турсунойнинг кетмонни қўлидан олмақчи бўлди.

— Ана, жийдадаги кетмонни ол, сен Қамолни кўрганда ҳар нарсани унутишингни билиб, аямнинг кетмонини олиб келганман.

— Топдинг, ўртоқ, топдинг! Нима қилгин, дейсан?

Манзура Турсунойни қўли ва кетмони аралаш қучоқлади.

Ой тикка, қоқ тепага келди, ой нуруни қамраган сув ўзи сочдай толим-толим жўякларга буралиб кириб кета берди.

Қизлар ҳавас билан сугорар эди.

— Не нозандай сугораяпмиз шекилли, Манзураҳон,— деди Ойпарча яқинга келиб қолган ўртоғига.

— Уни ғўзадан сўра.

— Яхши, жуда яхши сугораяпмиз,— деди Турсуной.— Мен Москвада, митингда Москва область Ленин районидаги катта бир колхознинг раиси Юдина билан танишдим. У менга жуда кўп нарсани сўзлади. «Звено ва бригадаларнинг кўпчилиги хотин-қизлар қўлида, бу ишни эркаклар қиларди, биз қилолмаймиз, деган гап йўқ» деди. Биз ҳам шундай қиламиз, звенонинг ҳамма ишини ўзимиз қиламиз, нима, қилолмаймизми, қўлимиздан келмайдими?— жўшиб гапирди.

— Келади, келади, табриклайман, мусобақадош!

Турсуной чўчиб орқасига қаради, шифтдай бўлиб, орқасида Маҳамадали ака турарди.

Қизлар уни кўрган бўлса ҳам Маҳамадали аканинг ишораси билан билдирмаган эдилар.

— Албатта келади,— деди Турсуной кескин ва югуриб бориб сув упириб кетган ерни тузатди.— Қалай, мусобақадосга маъқулми?

— Ютқиздингиз, паққос ютқиздингиз!

— Нима бўпти?— Турсунойнинг қошлари чимирилиб кетди.

— Суғориш бундай булармишми, синглим!

Маҳамадали аканинг бу сўзи дарров қизларнинг қулоғига ўқдай кирди. Ойпарча, Манзура югуриб келиб, Турсунойнинг ёнида туришди. Дам унга, дам мусобақадосга, дам ариққа қарардилар.

— Нима бўлипти, ака?— Манзура сўради.

— Бунақа суғормайдилар, эгат олмапсиз, сувга бостириб юборибсиз.

— Ана, айтмадимми?— деди Манзура.

— Нима деган эдинг, ана айтмадимми эмиш!— Манзурага қаради Турсуной.— Энди нима қиламиз, Маҳамадали ака?

— Жўяклар сал селгиши билан дарҳол яхшилаб культивация қилинг, яна чопиқ қиласиз, бўлмаса ер қотиб, заранг бўлади-ю, ёрилиб майда илдизларини узиб юборади. Ҳамма вақт эгат олиб, жилдиратиб суғорсангиз, илдиз сувга тушган сочдай яйраб кетади.

— Ҳа, ютқиздим, сизга ҳам ютқиздим, ўртоқ Юдинага ҳам. Москвада керилиб ваъда берганда, сувчимиз касал бўлиб қолишини ўйламапман экан.— Турсуной тушкун гапирди.

— Саломат бўлинг, звено, учқунига учар экансиз-да! Бундай эканлигингизни билсам, чақиригингизни мен ҳам, Юдина ҳам қабул



қилмасдик. Адашганнинг айби йўқ, қайтиб эвини топса, дейдилар. Сўраганнинг ҳам айби йўқ, бир оғиз айтсангиз, сувчимизни юборар эдик.

— Раҳмат!

Қизлар дарҳол чимли тупроқлардан босиб сувни жилдиратишди. Албатта энди эгат олишнинг иложи йўқ эди. Турсуной ундан йўл-йўриқ олиб қолди. У пахтаинг тилини яхши билади. Партком. Шунинг учун унинг сўзи, кўрсатмалари Турсуной учун қонун. Шунинг учун унга суянади.

Маҳамадали ака узоқлашганда Манзура югуриб, Турсунойнинг ёнига келди.

— Уртоқ, ўзи ёрдам беради деганинг роғт экан, оқкўнгил киши, бечора.

Баҳор. Далада ишлар энди бошланган эди. Звено ва бригадалар ўртасида социалистик мусобақа шартномаси тузилаётган пайтда «осилсанг, баланд дорга осил», деб Турсуной қўққисдан: «Мен Маҳамадали ака звеносини социалистик мусобақага чақираман!» деганда ҳамма ҳайратда, ўзининг звено қизлари ваҳимада қолган эди. Чунки Маҳамадали аканинг звеноси колхозда энг олдинги, юқори ҳосилли бўлиб, унинг олдига тушадигани йўқ эди. Мажлисдан кета туриб қизларга: «Маҳамадали акам бизнинг ундан ўзиб кетишимизга ўзи ёрдам беради», деди. Қизлар кулишди, лекин яна ҳайрон бўлишди. Турсуной буни дарров пайқади:

— Колхоз деб шуни айтадилар. Ҳар ким кулни ўз кўмачига торта берса, қанча гуллаган колхоз бўлса ҳам, ҳар бир йилда совурилади.

Жўякларни, ариқларни диққат билан кўз-

дан кечирди. Қайтиб яна Манзуранинг блдига келди:

— Агар бизнинг звено планини бажармаса, яна биттаси бажармаса, Маҳамадали ака бажаргани билан юзи ёруғ бўлармиди? Қолхоз бажармадими, ҳаммамизнинг юзимиз қора. Сен планингни бажармадингми, сенинг пахтагни ип қилиб чит тўқиб бераман деган машина ҳам бўш.

— Нима дейсиз, қанақа чит тўқийдиган машина?— Манзура ҳайрон бўлди.

— Тошкентдами, Украинадами, бирон ерда. Ахир ушалар биз берадиган пахтага қараб план тузади-ку, ушалар ҳақида гапирдим.

«Вой, ўртоғимнинг ақли дарё», деб қўйди ўйлаб ўйига етгач Манзура. Ўз уни нимагадир бирон катта, жуда фойдалн бир киши ҳис қилди, катта бир мамлакат олдида жавобгарлигини англади. У гапни эрта Қамолга ҳам айтишини, энди газетага сурат чизиб бермайман деса, «чизмасанг, газета чиқмайди, газета чиқмаса, кимга фойда, кимга зарар, колхозчиларга зарар» дейман. Албатта, энди шунақа дейман,— деб ўйлади у, бир ариқ бошидаги қулаб кетган икки туп гўзанинг тагига тупроқ тўплай туриб.

Ой ғарбга хиёл мойил бўлганда қизлар тарқалишди.

\* \* \*

— Шодлик — шодлик келтиради, деганлари чин экан,— деб ўйлади Турсуной юмшоқ, иссиқ кўрпани елкасига тортиб.— Лекин нега уйқум келмайди? Шодлик келса, ҳамма вақт уйқу қочар экан, шекилли. У кун партияга кандидат қилиб қабул қилганлари кечаси ҳам шундай бўлган эди. Бир вақтлар Москвага, митингга борасан деганларида ҳам.

Кўзини маҳкам юмиб, бирдан йигирмагача санаб, яна қайтди: Ўн тўққиз... ўн саккиз... «Шакархон Мўминова ўз ерларини кузги шудгордан чиқарди. У бу йил гектаридан олтмиш беш центнердан берди», «Ленинград қаҳрамон мудофаачилари миннатдорлигини қабул қилинг», унинг фикридан шунга ўхшаш хилма-хил фикрлар чопиб ўтаверди.

Кўрпани устидан итқитиб юборди-ю, ёнидаги стол устига қўлини чўзиб, гугуртни қидириб топди. Уйнинг салқин нафаси унинг иссиқ баданидаги уйқу кўланкаларини ҳайдаб кетди.

Чироқ ёқиши билан дарҳол яна стол устидаги телеграмма кўринди, олиб ўқиб яна жойига қўйди.

Турсуной катта оқ шол рўмолини елкасига ташлаб, «Юқори ҳосил учун» серияли китобларидан «Кузги шудгор» номлисини олди-ю, тугунни боғламаёқ рўмол билан яна каравотига ётди, энди унинг хаёлини китоб ўз мисралари орқасидан етаклаб кетди.

\* \* \*

1945 йилнинг боши. Турсуной колхоз партия ташкилоти секретари кабинетига ёлғиз қолди. Секретарь кечирим сўраб, правление идорасига телефонга чиқди.

— Агар уруш менинг университетда ўқиш планимни бузганини назардан туширсам, ҳақиқатан ҳам бахтли эканман,— деди ўз-ўзига Турсуной, девордаги расмга кўзи тушгач.— Юртимизни Ленин ёққан машғал ёритганда туғилдим. Эркин, жуда эркин ўсиб ўқидим. Мана, меҳнат қила бошлаганимдан бери яхши, садоқатли, меҳрибон кишилар орасида-

ман. Ҳамма ҳавас қилса арзийди. Лекин бизнинг колхоз наҳот шундай бўлса?— у жуда гуноҳкордай суратга қаради.— Албатта, колхозни кўтарамиз, кеча райком бюросида ҳам шундай ваъда бердим, албатта олдинги колхозлар қаторига кўтарамиз,— деди. Лекин бу сўзларни ўрнидан туриб тантанали равишда айтмади. Ҳаммаси бир нафасда хаёлидан, дилдан ўтди. Дил сўзидан кўра ҳам қимматлироқ ваъда борми?

Партком секретари билан у узоқ сўзлашди.

— Интизомни айтмайсизми,— деди ниҳоят секретарь.— Интизом шу қадар бўшашиб кетганки, қачонлардир бу ерда интизом бўлганига ҳам шубҳаланиб қоласиз. Бир мавсумда биринчи бригада уч участкага ташланибди. Бунда қандай унумли меҳнат бўлсин! Аввало меҳнат интизомини ўрнатиш зарур. Меҳнатни тўғри тақсим қилмаган колхоз раҳбари фақат ўзидан ўпка қилсин.

— Мени шу нарса ҳайратда қолдирадики, наҳот девдай-девдай эркакларнинг ҳаммаси амалдор бўлса, энг кичик югурдак — қоровулнинг муовини десам ишонинг,— деди Турсуной сўзини давом этиб,— лекин меҳнатни жигари эзилиб, хотинлар қилган. Тақсимотга келганда қарз бўлиб қолганлар яна ўша хотинлар, чоллар. Мен ўшанақа амалдорликни тугатмоқчиман.

— Тўғри қиласиз, ўртоқ Қаримова, ишлаб чиқариш планини тузганда шу томонларига кўпроқ диққат қилмоғимиз лозим.

— Бригада ва звеноларни тамом янгидан тузишдан аввал энг тажрибакор колхозчилар ва қариялар билан суҳбат ўтказмоқчиман.

Негаки, ернинг нозу карашмаси ўшаларга маълум. Букуи Насриддин ака ва ҳосилот билан далани айланиб, кўриб келдим. Лекин ер билан иш кўрадиганлар бригадалар, звенолар. Ернинг хусусиятига қараб звено ва бригадаларни тақсим қилмоқ зарур.— Турсуной нима дейсиз, дегандай секретарга қаради.

— Яхши қилибсиз, шериклашиб ишлаганининг юраги шер бўлади, дейдилар. Сўзлашинг, билинг, ҳаракатингиз дадилроқ бўлади.

Турсуной хайрлашиш учун қўл узатганда, секретарь Қурбонов ҳам ўрнидан турди:

— Узатиб қўяман, яна кўрқиб ўтирманг.

— Нимадан кўрқаман. Ҳозир кўрқулик фақат қорнинг камлиги. Ҳаво тунини тескари кийиб, қуруқ изиллатаяпти, қани энди, гуппа-гуппа ёғиб берса.

— Ёғади. Қишнинг бир куни ҳам қиш, дейдилар.

Осмон тўла юлдуз, узоқ-яқиндаги чироқлар порлайди. Ер тарашадай қатқалоқ.

— Қолган ишни қор босади, деганлари рост экан, ғўзапояларни, айниқса, эрталаб, ернинг муз чангалидан юлиб олиш қийин бўлаётир.

— Шунга қарамай, халқ чумолидай ёпишди, Каримова. Яхши сўз — жон озиғи. Ҳозирча сизнинг тилингиз уларни ғайратлантириб турипти, эрта-индин қарзлар тугаб, омборига ғалла кирса, иш топиб беролмай қоласиз.

— Кошки эди.

Секретарь, Турсунойнинг ҳовлиси эшиги олдида хайрлашиб, ўзи яна орқага қайтди.

\* \* \*

Текис, равон йўлда машина худди денгиз тўлқинини кесгандай оқар эди. Менинг кенг,

кўм-кўк кенгликка чанқоқ кўзларим гоҳ пахта денгизи мавжларида, гоҳ шахмат тарзида экилган ажойиб олмazorлар кўрпасида, гоҳ эса бир-бирига улашиб кетган яшил барглр чодирига айланган токзорларда кезар эди. Машина суръатини секинлаштириб, шофёр йигит йўлнинг чап томонидаги биноларга ншора қилди.

— Мана бу — Сталин колхозининг туғуруқхонаси.

— Нариги катта бино-чи?

— Колхоз клуби.

Шу вақт туғуруқхона олдидаги ариқ бўйида чўнқайиб ўтирган ёш йигит югуриб бизнинг олдимизга келди.

— Идора томонга бораяпсизларми?— сўради ҳаяжонда.

— Ҳа, идора томонга.

— Раис машина юбораман, деган эдилар, келмай турипти, опангизларни олиб кетмоқчи эдим.— У туғуруқхонани кўрсатди.— Бир нафасда чиқади, ола кетмайсизми, раис райкомда тўхталиб қолдилар чоғи.

— Жонимиз билан,— деди шофёр менга қараб.

— Олиб кетамиз, ўғил билан табриклаймизми, қиз билан?— дедим машинадан туша туриб.

— Ўғил, опа,— деди лабининг таноби қошиб йигит.

Мен тўғри туғуруқхонага кириб бордим.

Эшикдан йўлакка киришингиз билан икки томон қатор хоналар. Ўнг томондаги уйларнинг биринчиси эшигига «Туғуруқхона», чап томондагисига «Амбулатория қабулхонаси» деб ёзилган эди. Мен туғуруқхонасига

кирдим. Димоғимга гуп этиб, ўзига хос енгил дори ҳиди урилди. Менинг шарпамни сезди шекилли, ичкаридан бир хотин:

— Қим? Ҳозир чиқаман!— деди.

Мен эшик олдидаги оппоқ курсига ўтириб, хонани томоша қилдим. Катта, уч кўзлик ойнадан ўпқиндай тушган нур танга-танга бўлиб, уй ўртасидаги узун, оппоқ столда, медикаментлар билан тўлган кичик, тўрт бурчакли столда ва ўнг томонга қўйилган дори-дармон тўла шкафда жимирлар эди. Шамолнинг ташқаридаги дарахтлардаги шўхлиги шу уйда акс этарди. Ҳалиги тўртбурчак столнинг бир чеккасида турган, янги туғилган болаларни тортадиган тиббий тарозининг устидаги оппоқ қордай чойшаб зўрға илиниб турар эди. «Болани ҳозир тортганга ўхшайди», деб ўйладим. Ёш, оқ-сарикдан келган, оппоқ кийинган хотин чиқди. Мен танидим. Уни бундан бешолти кун илгари раиснинг идорасида, бир колхозчининг боласи учун зарур пенициллин топишга кўмаклашишни сўраб борганда кўрган эдим.

Биз у билан саломлашгач:

— Ўғлимизни учирма қиламиз,— деди шкафдан болалар баданига сепиладиган упалатуриб.

— Табриклайман, бир кўрай.

Менга бошқа шкафдан оппоқ халат олиб берди, ичкари кирдим.

Ёшгина, дўндиқ бир жувон каравотда ўтириб, оёғига ипак пайпоқ кияр эди. Бизни кўриб уёқ-буёғини тузатган бўлиб ўрнидан турди.

— Ўғил муборак!

— Раҳмат,— деди ва доктор қизга бир қа-

ради — Фарҳодбек ҳашша уйимизга кетамиз, дейди.

— Дадасини соғингандир-да,— деди Олияхон.

— Олинг, кўрмасдан соғинадими! Аммо менга ўхшаса, дадасини жуда севадиган бўлади. Нақ менинг жоним ҳам, таним ҳам дадам эди.

— Қуш уясида кўрганини такрорлайди. Отани севишни ҳам, Ватанни севишни ҳам сиз ўргатасиз, сиздан ўрганеди. Меҳру муҳаббатини кўкрак сутингиз билан сингдирасиз,— деб мен гапга аралашдим.

Бундай уйдан тўрттаси туғуруқхонага ажратилган бўлиб, унга саккизта катта ва саккизта кичик каравот қўйилган.

Уйга кирган одам ўзини шаҳардаги олдинги тиббий хоналардан бирида ҳис қилиши шубҳасиз. Чунки хоналар табобатнинг ва маданиятимизнинг бутун талабларига мос, шинам, чиройли.

1947 йил октябридан бери, бу ерли аҳоли ўртасида Олияхон номи билан машҳур доя — фельдшер Ксения Матвеевна Панченко бу туғуруқхонада ишлайди.

Бу ўртада Олияхон чақалоқни йўргаклаб, қизил атлас кўрпачага ўраб, четига тўр тутилган чойшабнинг бир учини қайириб боланинг юзига ёпар экан, деди:

— Фарҳодбек тайёр, эгарланган тойдек бўлди. Лекин қиз кутганингиз маълум бўлиб қолди, Саодатхон.

— Ҳа, қиз туғай, отини Турсуной қўяй, деган эдим. Раисимиз Турсунойдай жаҳонга арзийдиган қизга кўнглим бор эди.

Эшикда Саодатхон кўриниши билан маши-



на олдида турган ҳалиги йигит югуриб келди. Унинг юз-кўзини табассум тутиб, қип-қизил бўлиб кетди: табассуми эрталаб чиққан қуёш нурининг борлиққа ёйилиб кетишига ўхшарди.

Раис юборган машина ҳам келипти.

— Опа, машинамиз ҳам келиб қолди, сизни тўхтатиб қўйганимиздан хижолатдаман, — деди йигит кечирим сўрагандай.

Олияхон чақалоқни кўз-кўз қилгандай кўтариб келиб, ёш, бахтиёр отанинг қўлига берди.

Йигит қўлига олиши билан ўзини бирдан катта, бадавлат, чексиз бахтиёр ҳис қилди, ўсиб кетди. Чунки у қуёшдай иссиқ, жондай азиз ва жаҳонга сифмас бир бахтни, қувончни бағрига босган эди.

Ота бир қўли билан ўғлини авайлаб бағрига босди-ю, иккинчи қўли билан хотини қўлтигидан олиб машинага ўтиришга кўмаклашди. Сўнгра раҳмат сўзини қайта-қайта такрорлаб йўлга тушди.

Биз ҳам ўз машинамизга ўтириб колхозга қараб йўлга тушдик.

\* \* \*

Бу ерлар — иккинчи участкага қарашли ерлар.

Икки томонига қатор дарахтлар экилган ҳалиги кўчанинг ўнг томонида кенг кўм-кўк пахтазор денгизи тўлқинланса, чап томонда бепоён узумзор шарбат тукиб олтинланади.

Мен машинани астароқ юритишни илтимос қилдим.

Нақадар чиройли манзара! Узумзор зилол кўрпага ўхшайди. Ишком эмас, нимага осилиб турипти бу тоқлар?

Ана ўша зилол кўрпага ўхшаш тоқлар тагидан соқоли ҳам яктагидай оппоқ нуроний, кичик жуссали чол чиқди, қўлида катта гулқайчи, яктаги устидан бинафшаранг қийиқ боғлаб, унга кичкинагина чиройли қинли пиноқ осиб олган.

«Бу узумзорлар нимага осилиб турипти, мен биронта ҳам поя кўрмайман-ку»,— дедим мароқ билан қараб. Чол яқинроқ келди, кўзидан тарқалган табассум юз-соқолини тутиб кетди.

— Тошкентдан, Турсуной аямга меҳмон!— деди шофёр, мени кўрсатиб.

— Жаннатингизни томоша қилмай ўтиб бўлмас экан, отахон.

— Бу жаннат дегани қанақа бўлади деб бош қотириб юрамизми, ўзимиз яратиб қўя қолдик, меҳмон қизим, лекин шарбатимиздан тотмасангиз, хафа бўламиз.

Мен яқинроқ бориб ҳалиги зилол тоқлар чодирига кирдим. Фақат узум. Ўргимчак уясига ўхшаш тортилган симларнинг устини кўрпадек баргу симлар орасидан ҳар боши тўрт-беш кило келадиган қип-қизил ҳақиқдай узум. Бу тоқзорнинг сўнгги кўринмайди. «Нақадар тупроғимизнинг неъматлари мўл,— деб ўйладим, узумлардан кўзимни узолмай.— Эку, меҳнат қилу, шарбат дейсанми, олтин дейсанми — ол! Нақадар нозик ва кўркам ҳуснга бой тупроғимизнинг неъматлари!»

Мана, унинг боғбони Эргаш ота... Бу боғнинг сахий, танти боғбони, кўкси тўла ғурур билан ёқут доналари бўлиб ёнган, отнинг бошидай бир бош узумни авайлаб, эҳтиётлик би-

лан олиб келиб икки қўли билан менга тутди.

— Буни ишшаки деймиз, қизим, татиб кўринг!

— Раҳмат, муҳтарам боғбон, раҳмат, азиз ота!

— Мен уч йилдан бери шу боғнинг боғбониман,— деди чол менинг қўлимга узумни бера туриб.— Турсуной раис бўлган йили менга ўхшаш кексаларни чақириб, «Сизлар кетмон чопманглар, кетмонни ўзимиз чопамиз, пахта ни биз экамиз, сизлар шу пахта, буғдой эккан азаматларнинг дастурхонига боғингиз неъматини, шарбатини тўкинг. Сизнинг жойингиз бу ерда. Шундай қилингики, бу йил ўтиб, келаси йил ҳар бир колхозчи қишга юз килодан узум олсин» деди. Меҳмон қизим, ер-кўкни узум тўтиб кетди.

Машина ҳамон ўша йўлда текис учади.

Нақадар ҳавоси ёқимли! Кўм-кўк бўстон Асаканинг тепасида мусаффо, кўм-кўк осмон. Пастда — бир томонида ҳалиги боғ, ўнг томон кенг — текис, гўзалари қулф уриб ётган пахта ери. Бу пахта даласини тут дарахтлари тизими кесиб ўтган. Ана, ўша тут дарахтлари ҳам тузини оқлади, Турсуной Қаримова пилла топшириш плагини ортиғи билан бажарганини ўзим газетада ўқидим. Шунинг учун бу дарахтлар ҳам яна бошини зилол ёш барглар билан безаб қуёшга интилади. Атрофидаги гўзалликни қучмоқ учун беҳисоб ёш қўлларини чўзади.

\* \* \*

— Мен яслига борадиганман, агар чарчамаган бўлсангиз, ҳамроҳ бўлинг!— деди мен.

га райс теримчилар олдидан чиқа туриб.— Болаларнинг оналари болаларимиз яқинроқда бўлса, эмизиб келиш учун вақт кетяпти деб қолишди. Дарҳол шунинг бир иложини қилиш керак.

— Чарчаш нимаси, мен букун куни бўйи сизга ҳамроҳ.— Биз йўл-йўлакай сўзлашиб кетдик.

Таглари юмшатишган, бир ярим метргача танаси оқланиб қўйилган қалин ўрикзор ичига яккаоёқ йўлдан кириб кетдик. Ўрик дарахтлари садага ўхшаб атрофга шох ёзиб кетган, калтак ташласанг ерга тушмайди.

Лекин биз кириб борган жой ясли эмас, кўришишидан боғча эди.

Атрофини ўраб шарқираб ариқ оққанга қарамай, йиғирматага яқин бола дарахтга осилган икки умивальникка узун бўлиб тизилиб турар эдилар, худди оппоқ гоз болаларига ўхшайди.

Турсуной ариқдан ўтиши билан, бир қиз: «Ана, яйиш аям» деди; болалар гув тўзиб келиб райсинг тиззасини қучиб олишди.

Мураббия аёл «тартибни бузган» болаларга ҳеч нарса дея олмади, унинг тилини болаларнинг шодлиги боғлаган эди, ўзи ҳам мен билан кўришар экан, севиниб ҳузур қилиб болаларга қаради.

— Райс ая, нима олиб келдингиз?

— Райс ая, менга қўғирчоқ қани?

— Райс ая...

— Оббо, пучуқлар-эй, эрта олиб келаман, эрта. Анча ўйинчоқ олиб қўйибман.— Турсуной энгашиб бир-икки боланинг юзидан ўпди. Мураббий билан кўришаркан, ундан узр сўради.

— Хафа бўлмайсиз-да, овқат пайти экаи. Биз ҳозир чиқиб кетамиз, болаларингиз овқаглансин.— Пастак столдаги оқ дастурхон устига нон ва қошиқлар қўйилиб, овқат сузилиш олдида эди.

Биз яслига ўтиб кетдик.

Қалин ўрикзор таги тоза, сув сепилиб, гулистондай қилиб шипирилган. Унинг атрофини ўраган ариқда шарқираб сув оқади.

Йигирма беш-ўттизга яқин оппоқ кичик болалар каравоти икки томонга қўйилган. Турсуной ариқдан ўта туриб қўлини ювган эди, ўнг томондаги каравотлар орасида юрган ўрта яшар оппоққина жувон дарахтда осиглиқ сочиқни олиб келди. Саломлашиб сочиқни раисга бердию югуриб аллақачон каравотда тикка туриб олган бола ёнига борди.

— Ҳа, пучуқ, нега йўрман қоziқдай туриб олдинг,— деди раис.

Бола унга жавобан қўлидаги ҳаммаёғи сўлак бўлиб кетган пушти чипор тўтини зўр бериб шиқиллатди.

— Яна тиш ёрияпти, сўлак бўлиб қолганини қаранг. Букун кўзига тирговуч қўйди.

— Алишер, нега ухламайсан, пучуқ!— деди Турсуной овозини босиб, атрофдаги болалар пишиллаб ухлашар эди.

— Яхши исми бор экан бу йигитчанинг,— дедим мен.

— Ҳа, бунинг тарихи ҳам ажойиб. Бултур Навоий юбилейидан кейин москвалик шоира Вера Инберни мен колхозимизга таклиф қилдим. Ун йиллар мобайнида биз томонларда бўлмаган эди. Қолхознинг ерларини, боғларини кўрсатиб юриб туғуруқхонага кирдик. Шунда бу энди туғилган эди. Онаси болани эмизиб

ўлтирган экан, Вера Михайловна унинг исмини сўради.

— Дадаси Уткир қўямиз, дейдилар. Менга ёқмайди. Катта бўлиб ўткир чиқса хўб-хўб. Бўлмаса, ҳаммадан аввал ўзим ўтмас деб чақираманми? Шунақа қилиб ҳамон отсиз.

— Алишер қўйинг бу йигитчанинг исмини!— деди шоира Вера Инбер,— орадан беш юз йил ўтгач, ўзбек тупроғида бир Алишер номли шоир чиқса, ажаб эмас.

— Айтганингиз келсин, аяси!— деди опаси хурсанд бўлиб. Шундай қилиб, бунинг оти Алишер бўлди. Ҳа айтгандай, Вера Инбер бунга ўз китобига —«Кичик Алишерга, ўзбекининг бўлажак шоирига» деб ёзиб тақдим ҳам қилган. Опаси сақлаб қўйинпти.

Бола ошпоқ, семиз, худди катта бир қўғирчоққа ўхшайди. Дам нурга талпиниб, оёғи учидан турган қордай оқ, булутдай юмшоқ ёстиқни тўти билан савалаб қолади. Дам уни саккизта тиши орасига олиб тишлайди. Гоҳ ҳамма одам ёлғиз унинг билан гаплашаётгандай, кабутардек талпиниб кулади.

Мана бу ердаги ўттиз-ўттиз беш боланинг опаси колхоз даласида! Унинг бутун фикру ёди ўша ўзи ундираётган пахтами, шолими, узумми, нима бўлмасин, ўшандан имкони борича кўпроқ ҳосил олиш учун интилади.

Ҳамманинг ўзи олган мажбурияти бор, ўшани ортиғи билан бажаришга, колхозни, районни бутун мамлакатни шон-шарафга тўлдиришга ҳаракат қилади, янги навлар яратиш ҳақида ўйлайди, боласи ҳақида эса кўксида сутти тирсиллаб кетганидагина ўйлайди ва бир нафасга келиб меҳри қониб эмизиб, яна ишига кетади.

Бу оналар раис Турсуной Каримовадан миннатдор. Бола — онлада онанинг қўлини боғлайдиган ҳам азиз, ҳам ашаддий тугун. Лекин раис Турсуной шу тугунни шу қадар беозор қувончга айлантирган; бу ердаги парварнишни айтмайсизми!

Турсуной болалар ўртасидан ўтиб келар экан, уйгоқларини қитиқлаб, кулдириб ўпди, ўпар экан, «Ҳа, пучуқ, ҳа, шайтон» дер эди. Мен энди ҳали шу ёққа келаётганда: «Шу каптарчаларни тез-тез кўриб турмасам, соғинаман» деган сўзига ишонч ҳосил қилдим.

Биз кетаётганда, Алишер тўтини каравотга уриб, узунасига икки бўлганидан мамнун, яйрар эди.

\* \* \*

— Раис бизнинг ерга келаяпти, Каримохун! Уша раисми?—катта кўчадан далага кириб келаётган отлиқни кўрсатиб сўради паст бўйлик, икки юзи қип-қизил чол.

— Ҳа, анча иш қилиб қўйдик. Мақтаб кетадиган бўлди!— деди ёш бир йигит.

— Ҳорманглар энди, Каримохун ака, ишлар қандай бўлди?— деди раис.

— Саломат бўлинг, раис!— ширадан тозаланган ғўзаларга ишора қилар экан,— ғўзаларингизни бошини ювган қиздай серкилла-тиб қўйдик!— деди иккинчи бригада бошлиғи Каримохун.

— Кўриб хурсанд бўлдим, ўтган кун ювилганлар ўзини қўйиб, яна қулф уриб кетипти.

Раис оддан тушган эди, Каримохун Алижо-

нов отнинг жilовини ушлаб, гапида давом этди:

— Бригадамизнинг ҳамма звеноси ҳам чакки ишламаяпти. Тез орада ғўзамизнинг ҳаммасини дарддан фориг қилиб оламиз.

— Отни серўт жойга қўйиб юбораберинг, ҳашарга келдим,— деди раис.— Бу пақир кимники?— Ёнғоқ тагида турган пақирни кўрсатди.

— Зумрад боласини эмизгани кетди, ўшаники.

Раис эгат оралаб кетгач, бригадир ўйлаб қолди.

«Демак, ишимиздан кўнгли тўлмади, ўзи кўрсатмоқчи».

Янги раис қилиб сайланганда ҳайдаш вақтида тракторчи ўрнига ўзи ўлтириб ҳайдаган эди. «Ёрни мана бундай ҳайдашга одатланинг, шундай ҳайдангки, ернинг қоқ юрагига бориб тегсин, юрагига тегмасангиз, неъмат ва саховатини яшириб қолади», деган эди. Энг тажрибакор тракторчи ҳам тан берган эди. Ундан кейин бригадир, раис шоли ўроғида тиззасигача сув кечиб шоли ўришгани, бир от касал бўлиб қолганини эшитиб бориб фермадаги молларининг ҳаммасини кўздан кечирганини эслади. Бир кун кутилмаганда тун ярмисида ҳосилот ва партком билан хирмон бошига келиб, пинакка кетиб қолган қоровулларни мустар қилиб қўйганини эслади.

Бир қўлидаги анабазин солинган пақирчани ерга қўйиб ҳалиги икки юзи қип-қизил мўйсафидга қаради.

— Ҳормасинлар, отахон! Мендан хафа эмасмисиз?

— Саломат, нечук раис?



— Ахир, қуёшни аразлатиб қўйдик, шекилли.

— Кўнгли ўзидан қолсин, мана сизларнинг билимингиз офтобдан ўткир чиқди. Ота-боболар айтганидай, офтоб чиқса, ширани кўтаради, десак, паққос меҳнатимизга куйиб қолар эканмиз, раис— самимий гапирди чол.

— Ота-боболарнинг ҳикматли сўзлари жуда кўп, мен бунга қойил, лекин илм, техника ўсиб кетиб, ота-боболаримиз хаёлига келтирмаган нарсаларни рўёбга чиқарди. Олимлар шира давосини топган экан, мана офтоб чиққунгача ғўзаларимизни дард кўрмагандай қилиб оламиз,— деди раис.

Ўртага жимлик чўкди. Бир нафасдан кейин бригадир унинг яқинига келиб қолганини кўриб, Турсуной яна гап бошлади:

— Кеча Зухраҳон звеносида бўлдим. Эсингизда борми, ғўзанинг ҳамма баргини ювиб чиқиш лозим деганимизда «Ахир, гектарида саксон минг туп ғўза бўлса, буни қовун пишгунча ҳам уддалаёлмаймиз», деб ўтакаси ёрилган эди. Ҳозир ҳаммадан олдинда. Яримдан ортиғини серкиллатиб қўйипти.

Қаримохун аканинг юраги шув этиб кетди. «Ўзим айтдим-а, кўнгли тўлмади. Биздан олдинда бораётган звенолар ҳам бор экан-да, ишдан кейин аъзоларни бу гапдан воқиф қиламан».

— Мен «Социализм» ва «Коммунизм» колхозларига ўтаман. Уларнинг иши қандай бўлди?— деди раис, пақир билан чўткани ўзи олган жойга қўя туриб.— Кечқурун ишдан кейин звеноларингизни олиб идорага боринг, озгина маслаҳат бор.

Қора тўриқ катта йўлга чиққанда қушдай

учиб кетди. Йўл нурдай кесиб ўтган, кўм-кўк денгиздай дала кўринишида раиснинг оқ крепдишин рўмоли елкандай учар эди.

— Ақллик ўн бешида бош, беақл ўттизида ёш, деганлари ҳақ рост, Қаримохун. Раисимизнинг ақли кўп,— деди, ҳалиги икки юзи қипқизил чол, раис орқасидан меҳр билан қараб.

\* \* \*

Мен правление идорасига кирганда Турсуной дераза олдида ўтириб телефонда (сўзнинг боришидан область раҳбарларидан бири билан) сўзлашаётган эди:

— Тоза куттириб қўйдим, сизни. Мени гапга қўйиб берсалар, ҳувиллаб кетаман,— деди телефон трубкасини қўя туриб.

— Мен кўрмадим-ку, ҳувиллаб кетганингнигини.— Кулишдик.— Далага кетдикми?

— Ҳа, машинада кетамиз. Сиз билан «Социализм»га, сўнгра Сайдобод қишлоғидаги колхозларни айланиб келамиз.

Биз кўчага чиқдик. Лекин шофер кўринмайди.

— Қани, кетдик,— деди. Мен тараддудда қолдим. Буни сизди шекилли, у сўзига қўшимча қилди:

— Шофер МТСга кетган, ўзимиз бориб келамиз.

Унинг ёқуткўз узукли бармоқлари муздай рулни эпчил тутди ва мотор гувурлаб кетди. Лекин бир нафасгина ўйланиб туриб, ўриндиққа ҳозир келиб ўтирган ёш, истараси иссиқ йигитга муружаат қилди.

— Жўрабек. Турсунхонга айтнинг, мен «Социализм»га чиқиб кетдим.

Йигит шу он ўрнидан турди:

— Хўп. Бизни ташлаб-а, раис?

Турсуной қаҳқаҳа уриб кулди ва «шийпонни қараи» деб менга қараб қўйди.

— Сизнинг ўтиришингиз шу бўладиган бўлса, бизни ҳам ўзингизга ўхшаш турғун қилиб қўясиз, Жўрабек!

Йигит қип-қизил бўлиб кетди, бу гап келиб ўзининг юрак торларига тегиб ўтишини ўйламаган экан. Чиройли табассум ва хижолатга фарқ бўлдию устахонага кириб кетди.

Турсуной бирдан ўзига хос кескинлик билан бурилиб менга қаради:

— Устахонага кириб чиқамизми? Бундан ҳам кўнгли тинчисин.

Биз ҳалиги йигит кириб кетган уйга қараб юрдик.

Андижон нефть вази билан иситилган катта-катта деразалик уйга киришимиз билан юзимизга гул этиб иссиқ урди. Тўрт-беш ўспирин йигит амиркондан маҳси-ковуш тикаётган эди.

— Ҳорманглар!

— Саломат бўлинглар!— Икки йигит туриб ўзи ўтирган кичик курсичани бизга таклиф қилди.— Марҳамат.

— Қори акам қани?— сўради Каримова.— Икки оғиз байтдан эшитиб, тўй совғаларини кўриб кетайлик деган эдик. Эртадан кейин тўй-а?!

— Қори акам ҳозир келадилар,— деди дераза тагида ўтирган бир бола, кейин кулиб сўзида давом этди.— Байт-ку тайёр-а, лекин буюртмалар тайёр эмас. Турғунпошангиз ишни бузди.

— Кўнглидагини қилиб бермагандирсизлар-да.

— Кеча келиб «Менга туфли тикинг. Ёнгилгина туфли кияман», деди. Қори акам шунга пошнанинг келишимликларидан қидириб чиқиб кетдилар.

— Ажаб қилипти. Уни кўриб эрта бошқалари ҳам келади. Энди паққос туфли тикадиган бўласизлар, биласизларми?— Турсуной табассум билан косиб йигитларга боқди.

— Тикканмиз, ая, туфлидан. Бултурги майни эсланг.

Ҳақиқатан ҳам бултур май байрамида ҳам бир тўда қиз-жувонлар Олияхоннинг баланд пошна туфлисини олиб келиб, «худди шундан тикасиз» деб туриб олган эдилар. «Биз қачонгача попиллаб маҳси-ковушда юрамиз» деб туфли ва амиркон чуваклар тиктирган эдилар.

— Қизларимиз бало бўлиб кетган,— деди Турсуной устахонадан чиқаётганимизда.— Мана, эрта бирдан бештасининг тўйи, келин-куёвларга пойафзал тикаётирлар. Нақ қизларнинг ўктамлигини айтмайсиз. Крепдишинни унақасидан бўлсин, олов рангидан бўлсин, рўмонинг бири пушти, бири оқдан бўлсин, деб нақ бошимни қотирдилар.

— Кўтарасиз-да, опаси. Шўхлик тўқликдан чиқади. Энди бизнинг қизларнинг уст-боши бут бўлиши кам, кўнгли суйган кишига тегаётган қиз хоҳлаганини ҳам кияди-да. Энди улар тўйгусига ҳам, қалбига ҳам, дидига ҳам ўзи эга. Энди ўктамлигини, эркалигини кўтарасиз.

Биз устахонадан чиқиб, раис айтгандай, Сайдобод сельсоветининг бошқа колхозларига кетдик.

Бора-боргунча Турсуной ўзининг кўкрагини тўлдирган орзуларини гапириб кетди.

— Ана, кўрдингизми, деворларини олинган иморатини,— деди у менга бир чала қолган икки қаватли қурилишни кўрсатиб,— янги правление идораси. Куз тез тушиб қолиб, бутун кучимизни пахтани йиғиб олишга бердик.

Бу йил ҳаммасини битириб оламиз, қурилиш кўп бўлади. Ун йиллик мактаб биноси сметасини тасдиқлаб олдик. Меҳмонхонамиз ва дам олиш уйимизни битириб оламиз. Ундан ташқари колхозчиларимизнинг бир нечасига янги уй солиб бермоқчимиз. Аъзоларимизнинг ҳаммаси уйига электр ўтказиб олди. Радиолари бор.

Биз чойхона олдидан ўтганимизда катта ариқнинг нариги ёғидан икки киши бараварига қўлини кўтарди.

Турсуной четроққа ўтгач, машинани тўхтатаркан:

— Ҳорманглар!— деди.

— Саломат бўлинг, биз сизнинг олдингизга кетаётган эдик,— деди паст бўйли, қора, қотмадан келган ўрта ёшлиги.

— Бу киши «Социализм» колхозининг раиси бўладилар, лекин ариқ кавлашда бутун Асакада бу кишидан орқада қолгани йўқ,— деди Турсуной. Иккинчиси ўша колхознинг парткоми экан.

— Ана, ана холос, бу киши ҳам шундай дейдилар энди.

Шу ерда иккисини ҳам машинага ўтирғизиб, «Социализм»га олиб жўнади.

Раис узоқ шу колхозда бўлди. Ариқ ва зовурларнинг қазилишининг қониқарсизлигидан куйиб гапирди:

— Эркакларнинг ҳаммасини ариқ қазинишга солинг. Хотинлар гўзапоянинг уддасидан

чиқа оладилар. Икки ёнингиздаги колхозларнинг ерларидаги ариқлар қазилиб бўлди, худди темир йўлга ўхшаш текис, чиройли. Ўртада сиз қолдингиз...

Бу ердан чиқиб, «Коммуна»га йўл олдик.

Фарбга ога бошлаган қуёшнинг нурларида Арслонбоб тоғидаги қорлар оппоқ ёнар, кўм-кўк осмонда турли-туман шаклларга тушиб сузиб кетаётган увада, оппоқ булут галаси. Бунини шамол қаерлардандир юлқиб олиб келган, албатта.

Сайдобод сельсоветидаги «Коммуна» колхозига етаёзган эдик, қаршимиздан бир хотин чиқди. У қирқ беш ёшларда, қорачадан келган, кенг юзли бўлиб, қора бахмал пальто устидан оқ гажимли жун рўмолни бўйнидан боглаб олган эди.

— Ҳа, Ҳалима опа, йўл бўлсин?

— Келинлар, бугун келмасангиз ҳам ўзим борар эдим-да,— деди биз билан кўриша туриб.

— Ҳа, нима бўлди, ҳаммангларга бугун мен зарур бўлиб қолибман?

Ҳалима опа ўзи ҳам машинага ўтириб бизни тўғри правлениесига бошлади.

— Ҳа, нима бўлди, сўйланг,— деди Турсунной шу колхоз раиси Ҳалимаҳон Йўлдошевнинг ташвишли авзойини кўриб.

— Ахир ўзингиз биласиз, Қаримова, бизнинг ер Андижон нефти билан Шаҳрихон ГЭС этагида. Ариқларда нефть кўрина бошлади. Нефть ўз жойида олтин билан тенг, қиммаг. Лекин пахта у билан чиқишмайди. Шунинг учун ариқлардан уни қириб олиб ташлаш керак. Бир қисм одам шу билан банд.

Ундан ташқари, ҳали далага гўнг олиб чиқилгани йўқ. Уч минг метр ариқ қазилади.

— Нима дейсиз энди. Ариқ қазиш, гўнг чиқариш ҳаммамизда ҳам бор-ку, ёрдам бериб юборайликми?

— Ариқни қазиб тамом қилмасак, ўзингизга ҳам қийин, сувнинг бошида биз ўтирибмиз.

— Хўш, нима дейсиз, келиб қазишиб берамиз, дедик-ку, мақсадингиз шуми?— Турсуной кулиб гапирди.

— Чўлдан яна эллик гектар ер ажратиб беришмоқчи, уни кимнинг кучи билан обод қиламан. Андижонликлар чақириғига жавобан беш комсомол Мирзачўлга жунайдиган бўлди.

— Саломат бўлинг, Ҳалима опа! Мирзачўлга кетадиган йигитларга қойилман. Лекин сизга қойил эмасман. Нима, сиз билан биз энди чўлни гуллатяпмизми? Куз тез тушди дейсиз, куз бутун Асакага, бутун Ўзбекистонга шундай тушган. Сиздаги иш ҳаммада ҳам бор. Бўстондай Асакадан чиқиш билан пешонангиз чўлга урилса, кишининг кўнгли беҳузур бўлиб кетади. Менга ёқмайди, менинг ўзим ҳам эллик гектарни обод қилишга жазм қилдим.

Ҳалима опа ҳеч нарса демади. Сукутни яна Турсунойнинг ўзи бузди.

— Сиз колхозчиларингиздан сўрадингизми? Сўранг, улар нима дейди? Ҳаммаси ҳам Асаканинг сувини ичиб камол топган йигитқизлар. Яна ўзингиз биласиз, ҳар ким тўн бичса, ўзига ўлчаб бичади.

— Аъзолар қарши эмас. Энди гап ўзимизда қолди.

Ҳаммамиз «Коммуна» далаларини кўргани чиқиб кетдик.

1949 йилнинг учинчи февраль куни. Тушдан кейин бошланган қор ҳаммаёққа кўрпадек ёғди.

Дарахтлар оппоқ гарданларини ерга теккудай эгиб қолишди.

Қолхоз клубининг олди бугун гавжум. Болалар, ёшлар, ўспиринлар ҳаммаси шу ерда.

Ана, болалар бир-бирлари устига ҳалиги дарахтларни силкитиб ўтиб ўйнайдилар.

Мана, бир тўда келаётган қизларни пойлаб туриб бир бола, улар устидаги соявондай дарахтни тортиб қочдию нарироққа бориб қорини ушлаб қотиб-қотиб кулди, ҳамма болалар кулди. Қизларнинг аччиғи келди. Уларнинг аччиғи ҳам кулгиларидай нозик ва ёқимли, болаларни койинганлари сари улар кулишадди. Қизлар ҳам қўшилиб куладилар, кулги мис товоққа танга сочилгандай жараиглаб кетади.

Ҳаммаёқ чароғон, ҳаммаёқ нурга чўмилган. Залга катта чироқдан учта қўйилган. Нурдан кўз қамашади.

Ана, энг тўрда, саҳнага яқин жойда сўрилар қўйилиб, унда колхознинг энг ҳурматли соҳибкор кексалари, юзларидан, соқолларидан нур томиб ўтирадилар. Ана, колхознинг турли-туман атлас, шоҳига, бахмалга беланган қиз-келинлари даста-даста бўлиб келиб қатор қўйилган ўриндиқларга ўтирадилар.

Президиум столи олдига илғор пахтакорлар, бригада, звено бошлиқлари, муҳтарам кексалар, боғбон, мироб, область ва район партия ва совет ташкилотининг вакиллари, қўшни колхоздан келган меҳмонлар чиқиб ўтиришди.

Қолхоз раиси Турсуной Каримовага сўз



берилганда, қизлар бошлаган қарсак бутун залга ёйилиб кетди.

Турсуной қўлидаги қоғозларни минбар устига қўйди.

Янги дўппи устига чамбар қилиб қўйган сочини орқасига ташлаб юборди. Машъалдай ёрқин чироқ нурида унинг чиройли қоматига мос тикилган жигарранг костюми ёқасидаги депутатлик нишони, Ленин ва «Ҳурмат белгиси» ордени ва медалларнинг лентаси ёнар эди. Ювилган чаросдай кўзларини залга югуртиб:

— Азиз ўртоқлар!— деди, ҳамма жон қулоғини тикиб тинглади.— Бизнинг Сталин колхози яхши ишлади. Урушдан кейинги беш йиллик планини бажариш учун фидокорона меҳнат қилди... Маълумки, бизнинг колхоз 1945 йилда 850 минг сўм даромад қилган бўлса, 1948 йилда пахта планини ортиғи билан бажариб, давлатга гектаридан 30,3 центнердан пахта топшириб, 2 миллион 100 минг сўм даромад қилди.

Бу демак, ўртоқлар, колхозчиларимизнинг фаровон ҳаёти, бу — колхозчиларимиз уйда янги пайдо бўладиган маданий анжом, янги мактаб, янги-янги уй-жойлар демакдир.

Раиснинг сўзи қарсаклар билан бўлиниб турди. Раис ютуқларни айтиб ўтиб, камчиликларнинг ҳаммасини айтиб, очиб ташлади, бу камчиликларни тез тугатишга чақирди.

— Ҳаммамизнинг мақсадимиз колхозимизни гуллатиш бўлса,— деди у гапида давом этиб,— ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлайлик. Қексаларимиз маслаҳатлари, тажрибаларининг нури билан ёшларнинг кўзини, онгини ёритсин.

Бизнинг колхоз ўз шуҳратига лойиқ бўлсин, ўртоқлар!

Зални гулдурос олқишлар қоплади.

\* \* \*

Ташқарида февраль қирчиллайди.

Турсуной Андижон нефтидан келтирилган газ билан иситилган иссиқ уйига киргач, устидаги пальтосини ечиб, эшик олдидаги қозиққа осди. Тўғрида турган бўйи баробар ойнага ўта туриб стол устидаги телеграммага кўзи тушди. Уни олиб ўқиб турганда онаси Каромат опа кирди.

— Ҳа, кўрдингизми?

— Кўрдим. Тайёрмисан, ахир?

— Ўн бешига ая,— кулди Турсуной,— нега кўрқасиз, тайёр бўлмаса, ўн бешгача ўн кун бор, ахир, тайёрлаб қўйганман, яна бир кўздан кечираман, холос.

— Хайрият, ундай бўлса, овқатингни шу ерга олиб келайми?

— Йўқ, ая, овқатландим. Шакаржон туққан экан, Адашхон аям билан шунга кирган эдик.

Она чиқиб кетди. Орқасидан Турсуной ҳам чиқдию, юз-қўлини ювиб кириб стол устидаги чироқни буради. Уй ўртасидаги қизил абажурлик чироқни ўчирган эди, уйни шифтидан пастга тушган сари суюқлашиб оқариб борган яшил нур тутди.

Тошкент сиртқи партия мактабининг студенти Турсуной Қаримова Лениннинг «Марксизм ва эмпириокритицизм» китобининг мутулаасига киришди.

Турсуной бундан етти-саккиз йил муқаддам «Омон-эсон душманни енгиб олсак, уқиш ҳамма вақт меники» деб янглишмаган эди.

Лекин Турсуной катта ҳаёт мактабини ўтди. Оддий кетмончидан колхоз раислигигача — давлат арбоблигигача бўлган шонли, мазмунли катта йўлни ўтди.

Мана энди уни Ленин районида ким танимайди? Асакаликларнинг энг яқин, камтарин дўсти, Бутуниттифоқ Олий Советига асакаликларнинг ўзи сайлаган депутат қизи.

\* \* \*

Мана у, Ильич чироғи нурида Лениннинг машҳур асарини ўқиб, шаффоф оқ ручка билан зангор сиёҳда дафтарига конспект қилаётир. Тепасида Лениннинг меҳрибон кўзлари унинг ҳамма ҳаракатини, фикрининг, онгининг сатрма-сатр, саҳифама-саҳифа тўлиб бораётганини кузатиб турибди. Ленин нурида, партия етакчилигида камолатга интилиш, ҳаётнинг, фанининг чўққиларига интилиш нақадар бахт!

Бу бахтиёр қиз ўша чой қадоқлаш фабрикасининг қоровули Қарим аканинг қизи Турсуной эди.

Турсуной бугун бошлаган бобнинг охиригача ишлаб чиқиб, ручкани сиёҳдонга қўйди. Соатига қаради, бирдан йнгирма беш минут ўтипти. Электр чойнакни штепселга суқиб қўйиб, ҳовлига чиқди.

Эшикдан чиқиши билан совуқ шамол қучоқлаб олди ва ўрик гулига ўхшаган катта қор парчаларини олиб келиб, унинг иссиқ юзига урди, руҳий чарчоқликни суғуриб олгандай бўлди.

Икки уй олдидаги пешайвон лабига келиб, ҳузур қилиб осмонни, сўнгра чироқлар милти- раб турган кенг йироқликни кўздан кечирди. Чироқ юлдуздай! Яқиндаги чироқлар олдида қалин ёғаётган қорнинг уйини аниқ кўринарди.

— Жуда яхши. Шу суръатда эрталабгача ёғса борми, ер тирсиллаб кетади. Бунинг ҳар бир учқуни тола пахта. Олтин!..— деди. Унинг кўзига уч юз ўттиз гектар пахта даласини тутган пахта кўриниб кетди. Унинг кўзига келажакдаги обод, фаровон колхоз қиёфаси кўри- ниб кетди, ёш кўнгли тўлиб нафас олди, яйраб-яйраб нафас олди. Раис кўксини қа- бартган чиройли туйғулардан лаззатланди. Бу — ўз ишини, колхозини жон-дилдан севган ёш, лекин етук, ҳамма вақт олға интилувчи раҳбарнинг оддий туйғулари, шодлиги эди.

---

II

*Адабий суҳбатлар*



## ЮРТИМ ХАРИТАСИ — МЕНИНГ ЮРАГИМ

Шоира Ольга Ипатова билан суҳбат.

**С а в о л:** Қадрли Зулфия опа, Сиз қай кундан ўзингизни шоирман, деб ҳис қилгансиз — биринчи китобингиз чиққанидами (17 ёшингизда) ёки ўқувчиларнинг ҳурмат-муҳаббатини қозонганингиздан кейинми? Биринчи китоб шахсийлиги жиҳатидан шоирга азиз, ҳатто, энг қадрли маҳсулидай туюлиши мумкин, холисона қаралганда ҳар доим тадқиқотчиларга қизиқарли бўлади. Чунки у шоирнинг шеъриятдаги машаққатли йўли қандай бошланганлиги ҳақида ҳужжат бўлибгина қолмай, ўзида келажакнинг гули ва мевасини асраб турган куртак ҳамдир. Шунинг учун мен Сиздан шундай деб сўрагим келади: биринчи китобингиздаги шеърлар — ҳаётингизни кунба-кун, соатба-соат акс эттирган варақларми ёки сиз ўшанда ҳам ўқувчиларга умрингизнинг танланган лаҳзаларини беришга интилганмисиз?

**Ж а в о б:** Йўқ, ўша пайтда дурустроқ ўйлаб танлаш бўлмаган менда. 20-30 шеър ёзиб, газета-журналларда бостирган одам шоир бўлавермайди, албатта, буни ёшлиқда англаш қийин. Мен ҳам кўп ёздим, шеърларимда маълум адабий ташбиҳлар такрорланаётганини пайқамасдим. Шу боис биринчи тўпламимни

таваккал «Ҳаёт варақлари» деб атаганман. Тўғри, мажмуага энг яхши деб ҳисоблаганим шеърларнинг ҳаммасини киритган эдим. Аммо шоир сифатида Улуғ Ватан уруши йилларида туғилдиммикин... Халқимизнинг бошига тушган мислсиз кулфатлар, унинг беқийёс жасорати қалбимни тўлатиб, тошгиси келаверарди. Мана, масалан, «Уни Фарҳод дер эдилар» дostonим истейдодли узбек артисти Қобилқори Сиддиқовнинг ҳалокати таъсирида ёзилган эди.

Қобилқори Украинани озод қилиш учун борган жангларда ҳалок бўлди. У урушдан аввал бизникига кўп келарди. Отам унинг ижросида қадимий «Муножот» куйини қайта-қайта тинглаб, сел бўлардилар. Дoston «Жангчи кутубхонаси» сериясида кўп нусхада нашр этилганида менга кўплаб хатлар кела бошлади. Бу мактубларни фронтдаги жангчилар ва фронт орқасида ғалаба учун курашаётган, яқинларини кутаётган аёллар ёзишарди. Кейин бу аёлларнинг садоқати, ишончи ва жасорати «Палак» шеъримнинг яратилишига сабаб бўлди ва ўша шеър «Правда» газетасининг 1943 йилги декабрь сонларидан бирида босилиб чиқди. Иккинчи китобим — «Ҳижрон кунларида» Ҳамид Олимжон вафотидан кейин чиқди. (Қорректурасини бирга ўқиб улгурган эдик.) Шунда менинг бошимга тушган кулфат умумий йўқотишлар оқимига тенг келиб қолди. Менинг қайғуларим умумхалқ қайғусига қўшилиб кетди. Атрофимдаги одамлар, бу китоб мунча тез ёзилди, деб ҳайрон бўлишади. Ундаги сатрлар шахсан ўз ҳаётимда рўй берган воқеалардан олдин ёзилганини билишмасди. Икки нарса — умумжаҳон ҳижрони билан ме-

нинг айрилигим бир вақтга тўғри келиб қолганига ишониш қийин эди.

**С а в о л:** Сиз шеърят сирларини эгаллаш жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келгансиз? (Ташқи эмас, ички қийинчиликларни айтмоқчиман.) Сиз ўз иқтидорингизни дарҳол англаб етдингизми? Мақсадларингиз аниқ-равшанмиди, ихтиёрингиздаги «қурилиш ашёлари»дан қаноат ҳосил қилганмисиз? Ахир, шоир ҳар доим ўз оламини ўзи бунёд этади-ку! Бу қурилишда бошқа бировни айблаб бўлмайди. Цемент вақтида келмади, юк крани синиб қолди, бўёқни нотўғри беришипти, деб шикоят қилиш ўринсиз. Шоир бир вақтнинг ўзида якка ўзи — ҳам бетончи, ҳам ғиштчи, ҳам ҳисобчи, у ҳамма юкларни барча қаватларга ўз елкасида олиб чиқади. Тўғри, ўз юкинг ўзингга оғирлик қилмайди, дейишади... Сиз бунга нима дейсиз?

**Ж а в о б:** Мен шеър ёза бошлаган йиллар ўзбек шеъряти учун ўзгариш йиллари эди. Янги ҳаётнинг эскиликни синдириши ва инқилобий қайта қуришлар адабиётдан ҳам янги шаклларни талаб қиларди. Инқилобдан олдинги бутун ўзбек шеъряти кўпроқ аруз вазнида яратилган эди. Аруз вазни ҳукмрон ва у замонавий фикрларни ўз қолипига кўп ҳам сиғдира олмас эди. Биринчи бўлиб Ҳамза бармоқ вазнига мурожаат қилди.

Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва бошқалар бу «шакл инқилобини» давом эттириб, жаҳон шеъряти усталари ва рус совет адабиёти тажрибаларини ўргандилар.

Менинг билимларим етарли эмаслигини яхши англадим, шунинг учун классик адабиётни ўзлаштиришга киришдим, бадний тафак-



курнинг сирли қонуларини тушунишга интилдим.

30-йилларда Лермонтов, Некрасов, Пушкин, Фет, Тютчев шеърларини биринчи марта рус тилида ўқиб чиқдим ва шоир учун муҳими фақат нимани айтишгина эмас, қандай айтиш ҳам эканлигини англаб етдим.

Мен сизга бир нарсани айтгим келади, бетончи ва ғиштчи бўлмиш шоирнинг юкини, унинг оғир ё енгиллигини фақат шоирнинг ўзи эмас, ўқувчилар ҳам яхши ҳис қиладилар. Шеърхон ҳамма вақт ҳақиқий шеърни ясама шеърдан, чинакам шоирни сохта шоирдан ажратиб олади. Менинг шеърларимнинг шаклланишида, керакли, ягона сўзни излаб топиш тажрибасида бу ишнинг машаққатини яхши биладиган, чинакам катта шоир Ҳамид Олимжоннинг хизмати улкан бўлди.

Савол: Сиз ўз ижодий тажрибангизда классик адабиёт билан ҳозирги замон адабиётига қандай муносабатда бўлгансиз? «Пушкинга» шеърингизда:

Мана, мен ҳам ўз-ла қолган чоғимда,  
Дил ё хит, дил ё шод, истаб суҳбатдон,  
Навой ё Сизни қўлга оламан...

дейсиз.

Лекин очикдан-очик тан олмасангиз ҳам, лирикангизнинг асл ва юксак қурилиши классик анъаналарга яқинлигингизни кўрсатади. Шундай бўлса-да, гоҳо жиддий равишда классика билан баҳслашасиз. «Ўғирламанг, қаламим бир кун» шеърингизда «Мен Ҳофиздай улашмайман юрт» дейсиз. Москвада «Художественная литература» нашриётида

1975 йили нашр этилган тайланган асарларингизда биргина рубоний бор, у ҳам бўлса 1945 йилда ёзилган.

Шарқда кенг тарқалган ва узоқ анъанага эга бўлган бу шеъринг шакл ижодингиз учун тасодифий воқеами ё чиндан ҳам анъанага суяниш намунаси бу?

Ж а в о б: Бу тасодифий воқса. Шеърятда ҳам, ҳаётдаги каби кеча янгилик ҳисобланган нарса бугун анъанага айланади, индинга эса уни ҳам янгилаш керак. Мисол учун, Эркин Воҳидовнинг ўзбек шеърининг классик шаклларига, нақл ва афсоналарга мурожаати ҳақиқий новаторликдай янгради.

Эндиликда ўзбек шеърятини образлилик ва мураккаблашиш ҳисобига юксалмоқда, анъанавийликка интилиш кўпроқ сезилмоқда. Аммо бу мураккаблашиш — дабдаба, жим-жимадорликдан холи, теранликка, фалсафийликка, замон заминига асосланган. Юқорида айтганим — эскиликдан қутулиш иккинчи қарама-қарши қутбга — шеърятнинг аллақандай яланғочлигига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун ёшлар мувозанат изламоқдалар. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева каби шоирларнинг ижодида шахсий «мен»нинг кўнгилда сақланган сирлари катта дунёга олиб чиқилади ва унга қўшилиб кетади. Хуллас, уларнинг шеърларидаги мураккаблик тошқинлик билан боғлиқдир.

Кейинги йилларда баъзи бировлар менга «шеърларингиз атай мураккаблаштирилган», «бир оз оғирроқ» дейишди. Ҳа, мен ўз шеърларимнинг кўп садали бўлишини, фалсафий теранроқ бўлишини хоҳлайман. Бу менга ҳам

анъанавий, ҳам янги кўринади. Аммо атайлаб шундай қилмайман, ўзи шеърларим шундай чиқади, юрагим уларни шундай дунёга келтиради.

Менинг бутун шеърларим аввало юракдан келади, мен унга қулоқ соламан, сатрлар устида донишмандлик қилиб утирмайман, кўнглимга, илҳомимга уйғун сатрлар яратишга интиламан.

С а в о л: Билишимча, Сиз мамлакатимизда халқ шоири унвонини олган биринчи аёلسиз. Шундай бўлгач, биз санъатнинг халқчиллиги масаласини четлаб ўтолмаймиз. Сиз ўзингиз ҳам бу ҳақда кўп ўйлагансиз.

Дили шоир ҳассос бир элга  
Фарзандлигим нақл этар бурчим.  
Халқ қалбидай бир гўзал шеърга,  
Етармикан ҳеч қачон кучим...

Ёки:

«Юртим харитаси — менинг юрагим...»

деган сатрингиз бор. Сизнинг бу сатрларингиз бутун ижодингизга эпиграф бўла олади. Кўпчилик ижодкорлар «Халқим, сени севаман» деб қасам ичадилар, аммо халқ кўнглидаги сўзни тополмайдилар. Халқчиллик деганда — оғзаки ижод услубида ёзишни тушунадилар. Ёки қўшилларимникида нима гап борлиги билан ишим йўқ, ўз халқим, юртдошларимни ёзсам, халқ шоири бўлавераман, деб ўйлайдилар. Сиз эса Ўзбекистон тўғрисида ёзганда ҳам, Россия, Қозоғистон, Кавказ, Ҳиндистон тўғрисида ёзганда ҳам халқ-

чилсиз, халқ билан қўшилишиб кетасиз. Бунга қандай эришгансиз? Буни қандай тушунасиз?

Ж а в о б: Баъзан «Мен ҳам шундай деб ўйлагандим, фақат Сиздай ёзмагандим, холос» деган мазмунда хатлар келиб қолганда ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Дунёни тушунишим ва кўришим; менинг сўзларим бошқа нотаниш одамнинг ҳам ҳис-туйғуларини ифодалаши дилга қувонч беради, албатта. Одамлар шеърларимда қанчалик кўп инсонийлик туйғуларини, фикрларини кўрса менга ҳам ўз ишимнинг салмоғи ортаётгандек кўринаверади. Ахир, бунга эришиш осон эмас, мен ютуқлар билан бир қаторда муваффақиятсизликка ҳам учраганимни алам билан ҳис қилганман. Машҳурлик — бу халқ қалбига кирдим, дегани эмас. Инсонлар қалбига кириш — ўқувчиларнинг китобинг билан ҳамроҳлиги дегани, агар у китобингни қайта-қайта ўқиётган бўлсагина, унда ўз қалбини кўраётган бўлсагина ўқувчи қалбига кирасан. Шоирнинг юраги катта: у азоб ва қувончларни томчилаб йиғади.

Мен ўз ижодим тўғрисидаги гапларни бир четга қўйиб, шундай дейишим мумкин: шоирнинг халқчиллиги — бу, балки, аввало ижод доирасининг кенглигидир, улкан қамров билангина халқ онгининг теранликларини, санъатини, миллий ўзига хослигини ифодалаш мумкин. Санъат, Лениннинг сўзлари билан айтганда, «ўз теран илдизлари билан кенг халқ оммаси орасига кириб бориши керак» ҳамда «бу омманинг туйғуси, фикри ва иродасини бирлаштириши, юксалтириши керак».

Ҳар бир санъаткор қўлидан келганича,

кучи етганча ўз халқига, коммунизм ғояларига хизмат қилади.

**С а в о л:** Ҳар бир шоир ўз ҳаётий фалсафасини яратади ва изҳор қилади. Бу фалсафа янгича маънолар касб этиб, қуёш нуридай синга-синга бутун ижодидан ўтиб боради.

Мана, Сизнинг Қозоғистон ҳақидаги туркумингизда шундай бир манзара бор. Сиз булутни жуда сеҳрли бир назар билан кўргансиз: у гоҳ худди «пиёда» сингари ер узра кетиб боради, гоҳ қайиқ сингари кўл узра сузиб боради, аммо чўкмайди... Аммо уни осмон ҳам қабул қилмайди, ер ҳам ўз устидан ҳайдайди, ўз шаклини сирли равишда ўзгартириб бораётган бу булут кўзларни сеҳрлайди, аммо у борлиқнинг «ўгай боласи».

Олдин оддийгина кўринган лирик манзара аста-секин катта фалсафий мазмун билан тўлишиб боради. Сиз булутга, сеҳрлама, яхшилик йўлидан бор, илиқ ёмғир бўл, чанқоқ тупроқни суғор — деҳқонлар сени дуо қилишади, дейсиз. Яхшилик йўлидан бориш — менимча, бу Сизнинг энг муваффақиятли ва аниқ ифодаланган шоирона ва ҳаётий фалсафангиз бўлиб туюлади. Бу гапимга нима дейсиз? Ёки Сизнинг фалсафангизни бундан ҳам аниқроқ ифодалайдиган шеърларингиз борми? Бўлса, айтинг...

**Ж а в о б:** Эзгулик ва ёвузликнинг кураши ҳар қандай шеърятнинг моҳиятини ташкил қилади. Мен ҳаётни, ундаги ҳамма яхши нарсаларни тасдиқлаш орқали ёмонлик билан курашаман. Ҳамма китобларимда бунга мисол бор. Ҳаётда қайғу кўп, аммо мен уни енгиш, шу жумладан, ўз-ўзини енгиш жасо-

рати тўғрисида ёзаман. Мен ҳаётнинг нохуш томонлари тўғрисида киноя билан, ҳажв билан гапирмайман. Оғриқ ва алам билан, эзгу истак билан гапираман, она-еримиздаги ҳар бир одам бахтли бўлишини, ҳаёт гўзал, ҳар биримизнинг аҳиллигимиз ибратли бўлишини хоҳлайман.

Лирика ва сатира ёнма-ён яшашлари ҳам мумкин, албатта, ҳаммаси қўяманинг сифатига боғлиқ. Мен ҳеч қачон ҳажвий қўйма яратишни ўз олдимга мақсад қилиб қўймаганман. Шеърый тўпламларимдан бири «Мен тонгни куйлайман» деб аталган. Одамга тафт берувчи севги ва эзгуликнинг нури тўғрисида кўп ёзганман. Бизнинг жамиятимизда туғилган янги инсондан завқланиш — ижодимдаги энг асосий гапдир. Шу нарса, менимча, ҳар бир шеъримда бор бўлса керак.

**С а в о л:** «Танланган асарлар»га тўрт дoston кирган экан. Ҳажм жиҳатидан ҳам, ҳаётий тасвир жиҳатидан ҳам уларни лирик дoston дейиш мумкин. Воқеабанд жойлари бўлса ҳам, улар эпос даражасига кўтарилмаган.

Лирика сиз учун табиий, қисқа шеърда эса ўзингизни эркин ҳис қиласиз, чоғи. Ё эпос ва драма соҳасида ҳам тажрибаларингиз борми?

**Ж а в о б:** Эҳтимол, бу жуда шахсий гапдир, аммо дoston жанри, ҳар қалай, менга нобоп кўринади, мен бу жанрни хуш кўрмайман, унинг келажакига кўп ишонмайман. Шакл ихчамлиги ва ихчамроқ шаклга жойлашган фикрнинг рангдорлиги менга кўпроқ ёқади. Туйғулар тошқинлиги ва фикрлар теранлиги бир-бирига мувофиқ бўлиши ке-

рак — бу нарса шеърда осон ҳал бўлади. Достонларим шунинг учун ҳам кичкина, улар кўпроқ узун шеърларга ўхшаб кетади.

Драма соҳасидаги тажрибам эса биргина. У ҳам бўлса, Ҳамид Олимжон достони асосида яратилган «Зайнаб ва Омон» операсининг либреттосидир.

С а в о л: Кўп шоирлар ҳар хил мавзуларда турлича асарлар битадилар: севги ҳақида бўлакча, космос ҳақида бўлакча ва ҳоказо. Сунъий равишда «мавзу токчалари» юзага келади. Сиз эса «Муҳаббат бу» шеърингизда бундай деб ёзасиз:

Муз жисмидан ҳарорат олиб,  
Сени ёқиб, қилар томоша?  
Довул ичра гирдобда қолиб,  
Учсанг мумкин фазолар оша...

Бу сатрлардан поэтик сезгининг замонавийлигини пайқаш қийин эмас. Бунда гап — ишлатилаётган сўзда ҳам эмас: ўринлими, ўринсизми, «фазо» сўзини ишлатавериш мумкин. Бу ерда биз янги инсоннинг дунёни ҳис қилиши, унинг табиий равишда ўз даври билан чатишиб кетиши ҳодисасини кўрамиз. Бу ҳам менга ижодингиз учун характерли бўлиб кўринади.

Сиз шеърятда замонавийликни ўзлаштиришнинг қайси йўлини энг самарали йўл деб ўйлайсиз? Сизнинг назарингизда, бу йўлда қандай қилиб ҳамоҳангликка эришиш мумкин?

Ж а в о б: Поэтик идрокнинг замонавийлиги замоннинг эпик миқёслари билан «мен»нинг ҳамоҳанглигидадир. Яна, менинг наза-

римда, бу шоирнинг бугунги кунни идрок қйлишида, келажакни ҳам сеза билишидадир...

*Бугун* ҳақида гапирганда шоир ўз елкасида ўтмишнинг — умумий ва миллий тарихнинг, маданиятнинг юкини ҳис қилиши, айни чоқда, тараққиёт йўлларини кўра билиши ҳам керак. Мен юқорида ҳозирги шеъриятнинг кўп садоли ва кўпқиррали эканини, борлиқни шу тахлит қамраб олишини айтиб ўтган эдим. Шеъриятнинг шу хусусияти, менимча, кучайиб бораётир. Бу нарса маданий-техник даражанинг ўса бориши билан ҳам, руҳий-маънавий камолотга муносабатимиз билан ҳам боғлиқ. Бироқ энг муҳими, шеърият юракдан юракка бормоғи шарт. Унинг бу сифати ҳар доим замонавийдир.

**С а в о л:** Сизнинг ижодингизни ўрганган барча тадқиқотчилар Сиз учун муҳими — аёллар мавзуи деб ҳисоблашади. Дарҳақиқат, Сизнинг шеърларингизда шарқ аёли мўл ҳосил устаси, илҳомбахш ва ғолиб инсон, оилавий ўчоқнинг ўти бўлибгина қолмай, бутун дунёнинг ҳам ҳимоячисидир. Ва бунда улғворлик нозик лиризм билан қўшилиб кетади. Дарҳақиқат, бу — Сизнинг ҳаётингиз мавзуи. Лекин мен ўз оғзингиздан бу абадий мавзунинг қайси қирраларини тўлароқ очганингиз тўғрисида эшитгим келади.

Ва ёки давримизнинг санъаткор ва куйчилари нималарга эътибор беришлари керак?

**Ж а в о б:** Ўзбек хотин-қизларининг тақдири — ўтмиш ва бахт сари босиб келган йўли — мана шулар шеърларимга асосий мавзу бўлиб кирган.

Онам истеъдодли аёл эди. Қўли теккан жойи гул бўлар эди. Шоирмиди? Олимпиди?



Ҳар қалай улуғ одам бўлганлиги шак-шубҳасиз. Аммо унинг истеъдоди уй ичида қолиб кетди.

Ҳозирги бахтиёр замондошимнинг тақдир ортида миллионлаб онам каби ватандошларимни кўраман. Уларнинг армонлари ушалгандай туюлади. Шунинг учун ҳам аёлларни хафа қилишларига, уларга нисбатан манманлик, дағаллик, қўполлик қилишларига чидай олмайман. Мен марказий газета саҳифаларида неча марталаб турмушимиздаги эскилик қолдиқлари тўғрисида чиқиш қилганман. Ҳозир ҳам аёлларга нотўғри муносабат намуналарини кўриб қолсам, ўртоқларимни, ҳамроҳларимни, шеърларимнинг ҳамма қаҳрамонларини ҳимоя қиламан.

Аммо ҳозирги ўзбек аёлларининг қиёфаси ҳам ҳар хил ва мураккаб. Бу мураккабликни, уларнинг тушунчалари, дунёда тутган ўринларини кўрсата билиш — адабиётимизнинг вазифаси.

**С а в о л:** Сизнинг шеърларингизда турли исм-фамилиялар, сиймолар тавсифи, аниқ далилларга ишоралар кўп учрайди. Воқеабанд шеърни ҳам жуда эркин ёзасиз... Кўпчилик шоирлар эса воқеабанд шеърни эплай олмайдилар.

Агар мумкин бўлса, айтиб берсангиз, Сиз ҳаётда учраб турадиган қизиқ ва ибратли фактлардан қай даражада фойдаланасиз?

**Ж а в о б:** Менинг бирорта шеъримда ҳам аниқ бир прототип йўқ. Агар биров билан учрашиб қолсам-у, у менда катта таассурот қолдирса (албатта, аксарият аёл киши бўлади), мен беихтиёр, ўзимни унутиб, ўша аёл ўрнида кўра бошлайман, унинг сезгилари,

қалб уриши, фикрлари менга ўтиб қолгандай бўлади. У — яъни мен. Лекин, шубҳасиз, шеърларимда мен учратган ва кўрган, менда таассурот қолдирган кишилар ва уларнинг тақдирлари кўринади. Асар қаҳрамонларини махсус излаб юришнинг ҳожати йўқ, — улар биз билан ёнма-ён яшайдилар. Уларнинг юмуш ва ташвишлари — менинг юмуш ва ташвишларимдир, уларнинг дунёни сезиши меникига яқин. Мен бу ҳақда ҳикоя айтмайман — ҳикоячи эмасман — аммо шу ҳаёт сезгисини, олим, врач, колхозчи аёлнинг меҳнатини бунёдкор ташаббусга айлантираётган воқеликнинг тўлалигини бермоқчи бўламан.

Ҳиссиётнинг кучи шеърни ҳис-ҳаяжон билан тўлдиради — бу менинг вазифам, бу менинг «қуролим»дир...

Китобхон аввало мен ёзган одамни кўради, унинг саҳий қалбини ҳис қилади, сезгиларини ўзига «юқтиради», унинг кайфиятига тушади — шунда у қаҳрамонликни менинг кўзларим билан кўради, шундай қилиб, унинг меҳнат жасорати «ботиний томондан» англанади. Ҳодиса мустақил мундарижага эга бўлмаслиги керак, инсондаги муҳим хислатлар очилишига восита бўлиб хизмат қилиши керак.

Масалан, мен «Мушоира» шеъримда Ҳиндистондаги шоирларнинг анъанавий мусобақаси ҳақида жўнгина ҳикоя қилган эмасман, балки мушоирани қандай ҳис қилишимни ифодалаганман. Менинг сезишимча, мушоира одамларни бир-бирига оға-ини, ака-сингил қилиб бирлаштирибгина қолмайди, айти чоқда у муҳаббат ва халқ гўзаллиги байрами ҳамдир. У шоирларни бир-биридан бохабар,

ҳамоҳанг, ҳамнафас қилади. Мавзудан бир оз чалғитиб бўлса ҳам бир гапни айтай: мен илгарилари қаҳрамонимнинг ҳолатини тасвирлашда бир оз ҳадиксираб, ўзимга эрк бермай ёзардим. Бир яқин дўстим: «Сен ўзингни чеклама, қандай ўйласанг, шундай ёз!» деб маслаҳат берди. Унинг фикрига қўшилдим. Энди шеър ёзганда бутун ўйланларимни бир томчи ҳам қолдирмай тўкиб солишга ҳаракат қиламан. Лекин уларни тўғридан-тўғри эмас, таъсирли воситалар орқали айтиш учун шакллар ахтараман.

Ўзбек шеърлятида муҳаббат нозик кечинмалар орқали ифодаланади. Мен ҳеч қачон тўғридан-тўғри «Сени севаман!» деёлмайман. Айтсам, бошқачароқ айтаман. Аммо гоҳида шеърларимнинг таржимасини ўқиб, ўша шеърларимни биров ечинтираётгандай уялиб кетаман.

**С а в о л:** Биламан — шеърларингиз таржимасига талабчансиз, таржимонлар билан баъзан бир сўз ёки ташбиҳ устида катта-катта баҳслашиб, янги-янги нусхалар талаб қиласиз. Ўзингиз ҳам совет адабиёти асарларини ҳурмат-эҳтиром билан таржима қиласиз. Ўлуғ рус шоири Некрасов, белорус адабиёти классиги Якуб Колас шеърларини ўзбек тилига таржима қилгансиз. Ўзбек шеърлятининг рус тилига таржимаси тўғрисида ва ўзингиз севиб таржима қилишни хоҳлаган муаллифлар ҳақида гапириб берсангиз.

**Ж а в о б:** Назаримда, ҳозирча биз ўзбек тилига яхшироқ таржима қилаётирмиз. Лекин бизнинг асарларимиз таржимаси яхши деб айтолмайман. Таржимонлар бизнинг тў-

лимизни деярли билишмайди, сўзма-сўз ағдармалар асосида таржима қилишади, бу, албатта, сифатни туширади. Маънони тўла бериш у ёқда турсин, ҳатто шеърнинг жарангини, оҳангларини ҳам бериш кўнгилдагидек эмас.

Бизда ҳозир таржима билан шуғулланмайдиган шоирнинг ўзи йўқ. Ёш, истеъдодли таржимонлар совет ва жаҳон классикасидан тортиб, ҳозирги замон адабиётигача яқиндан танишиб, таржима қиладилар.

Абдулла Орипов Дантенинг «Илоҳий комедия»сини таржима қилди. Гёте, Гейне, Байрон асарлари ўзбек китобхонларига етказиб берилди. Ёшларнинг муваффақиятлари бизни қувонтиради. Катта адабиёт билан ҳамкорлик ва яқин алоқа — шоир учун ҳақиқий мактаб демакдир. Ўзим ҳам шундай «мактаб»дан таълим олганман. Асосан, шоирларни таржима қиламан — Леся Украинка, Сильва Капутикян, Ольга Берггольц... Сильва Капутикяннинг аёл қисмати ва бахти ҳақидаги ўйлари, Ольга Берггольцнинг гражданлик ва аёл жасоратига оид қудратли, ғурурга тўла шеърлари, ватанпарвар аёл туйғулари менга яқин ва азиздир.

С а в о л: Сиз меҳр ва сабр-тоқат билан — Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Муҳтарама Улуғова каби бутун бир истеъдодли ўзбек шоиралари авлодини улғайтирдигиз, ҳаётида ва ижодида ёрдам кўрсатдигиз. Уларнинг ҳар бирида қалбингиз оташи ва руҳий софлигингизнинг бир қисми яшайди.

Шарқда қадимдан уста санъаткорлар ўз маҳорат сирларини, санъатга фидойилик ҳис-

ларини ўз шоғирдларига васият қилиб қолдирганлар. Сиз ҳам онгли равишда шундай қилдингизми ёки умуман қалбингиздаги сахийлик, самимийлик, оғир дақиқаларда ёрдам қўлини узатишга тайёрлигингиз, аёлпарварлигингиз устун келдими?

**Ж а в о б:** Бир нарса дейиш қийин. Ҳозир бу шоиралар ўз жонажон сингилларим, қизларимдай бўлиб кетган. Албатта, уларга талабчанлигим заррача ҳам сусайгани йўқ. Ютуқларидан ғурурланаман, камчиликларини кўрсатаман. Менинг бу «қизчаларим» фақат яхши шоира бўлибгина қолмай, Шарқимизнинг мағрур, ажойиб, ҳавас қилса арзигулик қизлари бўлишини хоҳлайман.

Мен кўрмагани улар кўришсин. Дунё ва гўзаллик ҳақида мен айтиб улгурмаган гапларни улар айтишсин. Турган гап, чиндан ҳам уларда қалбимнинг, қувончимнинг, сўзларимнинг бир қисми узоқ яшашига ишонгим келади.

## ҲАЁТ ВА СУЗ

«Дружба народов» журнали мухбири Александр Наумов билан суҳбат.

— Сизнинг халқаро «Нилуфар» мукофоти лауреати бўлганингиз умумадабиёт ҳаётида катта воқеадир. Менинг фикримча, бу — ўзингизнинг ижодий фаолиятингизда ҳам муҳим ҳодиса бўлди. Маълумки, «Нилуфар» мукофоти «озодлик ва миллий мустақиллик йўлида, империализм ва мустамлакачиликка қарши курашни акс эттирувчи энг яхши асарлар учун» берилади. Сизга бу мукофотни аниқ бирон китобингиз учун беришдими ё умуман адабий-ижтимоий фаолиятингиз учунми?

— Менимча, адабиётдаги ҳамма ишим инобатга олинган бўлса керак.

— Фақат адабиётдаги ишингизми?

— Сирасини айтганда, бу масала анча мураккаброқ. Биринчидан, ўз хизматларимни ўзим таҳлил этиб ўтиришим одобдан эмас, кейин бунақада барака топиб ҳам бўлмайди. Иккинчидан, бунга лўндагина жавоб бериб қўя қолишга, рост гап, қийналаман. Африка-Осиё адабиётларининг умумий антиимпериалистик курашида, уларнинг фаолиятини бир-бирига мувофиқлаштириб турган ёзувчилар ташкилотларининг ишида кўп йиллардан бери қатнашиб келяпман, албатта. Мен таш-

кнлий ишларнинг ўзида ҳам иштирок этдим, публицист сифатида мақолалар ҳам ёздим, қолаверса, ёзувчиларнинг кўпдан-кўп анжуманларида шундоқ минбарга чиқиб ҳам гапирдим... Лекин шундай бўлса-да (шеър-ият — менинг учун энг муҳим иш бўлганлигидан), асосан ижтимоий фаолиятим — шеърларимнинг гражданлик садосидан иборат бўлса керак, деб ўйлайман.

— Яъни, шоирнинг иши — унинг сўзи, де-моқчисиз, шундайми?

— Ҳа. Лекин мен фақат буни назарда ту-таётганим йўқ. Биласизми, империализмга ва миллий асоратга қарши кураш биринчи галда антиимпериалистик кучларнинг бир ёқадан бош чиқарувини тақозо этади, шу боисдан бизнинг фаолиятимиз Осиё-Африка халқлари ва адабиётларининг ҳамжиҳатли-гига, уларнинг чинакам ва юксак даражада бирдамлигига эришишга қаратилган. «Халқ-лар дўстлиги» деган сўзларни шу қадар тез-тез ва осонгина тилга оладилар-у, лекин бу сўзлар замирида ҳақиқатан қандай маъно ётганлигини ҳамма вақт ҳам равшан тасав-вур этмайдилар. Бизнинг бир улкан шоири-миз бир куни: «Халқлар дўстлиги нима? Бу — одамларнинг бир-бирига дўст бўлиши-да!» деган эди. Митингдами, юзма-юз туриб суҳбатлашишдами, жамоат ҳузуридаги му-шоирадами, индамасдан бирон ёққа бирга-лашиб сафарга кетишдами (бунда бир хил-даги нарсаларни кўриш ва қадрлашга ўрга-насан киши) — одамларнинг бир-бири билан жонли мулоқотда бўлишида жуда кўп гап бор... Бошқача қилиб айтганда, менинг учун кейинчалик шеър иши ниш уриб чиқадиган

куртак қай йўсинда бинога келиб, ғунча ёзса, ҳамжиҳатлик, умумий ва шахсий дўстликнинг асоси ҳам худди шу тахлитда, яъни жонли ҳаёт, табиат, инсон қўли қилган ишлар ва яқин мулоқотда бўлиш натижасида бунёд бўлади. Менинг учун кундалик муҳаррирлик ишим билан жамоатчилик ишим, сафарларим, учрашувларим шоирлигим билан ёндош ҳолда яшаб, давом этади. Сирасини айтганда, биз ишлар эканмиз, одам бизга бахш этган неъматларнинг бир қисминигина шу орқали унга қайтариб берамиз, биз учун шу бурчимизни адо этишнинг энг яхши усули эса — шеър ёзишдир.

— Бу гапингиз бир шеърни эсимга солди, қайси шеърлигини ўзингиз ҳам, эҳтимол, пайқаб тургандирсиз: «Мушоира». Мен бу шеърингизни яхши биламан, таржимаси ҳам яхши, фикримча, бу асарда, дарвоқе, шеърдан ҳам кўра, кўпроқ ихчамроқ дostonга ўхшайди, фаолиятингизнинг ижтимоий, публицистик, сиёсий жиҳати шоирлик жиҳати билан омухта бўлиб кетганини ўзингиз ҳам биласиз.

— Эҳтимол, шундайдир. «Мушоира» Ҳиндистон сафари вақтида ёзилган. Биз у ерда турист бўлиб эмас, балки, ҳиндистонлик қаламкаш ҳамкасбларимиз билан ижодий алоқалар ўрнатиш учун борган эдик... «Мушоира», албатта, мушоира тўғрисида ёзилган, лекин Ҳиндистондаги бу шеърини мубоҳаса шарқ адабиётидаги мушоирадан тамом бошқа. У мушонралар маълум мавзуда, тор даврдаги улфатлар орасида ўгади, Ҳиндистонда эса, бу — аксар, жуда катта жамоат олдидagi ўзига хос шеърини мусобақа. Жами-



ки тўпланган одамлар бу мусобақага ҳакамлик қиладилар, улар ҳеч кимни юз-хотир қилиб ўтиришмайди. Шеърнинг ёққан-ёқмаганини тортинмай билдиришаверади. Яхши асарни неча галдан қайта ўқишга мажбур қилишади, одамлар мисраларни, бандларни, бошдан-оёқ шеърнинг ўзини дарров ёдлаб олишади-да, гал сайин тобора шавққа тўлиб, уни муаллиф билан бирга такрорлашади... Бу, одамга ажойиб таъсир қилади! Шеър юракларга жиз этиб тегяптими-йўқми, дарҳол кўриб турасан, борди-ю, тегаётган бўлса, у кўз ўнгингизда мажлис аҳли орасида оммалашиб кетади. Биздаги учрашувларда баъзи шеърхонларни одоб юзасидан, албатта, қарсак чалиб олқишлашади, аммо у ерда бунақанги сунъий қарсакбозликка ўрин бўлмайди, мен ажойиб шоир Файз Аҳмад Файзнинг шеър ўқиганини кўрганман ва эшитганман. Унинг бир ўқиган шеърини ўн мартача такрорламагунича қўйишмади, пировардида каттагина майдондаги мажлис аҳли шу шеърни тамом ёдлаб олди! Ундан кейин яна бир шоир (дарвоқе, у ҳам машҳур шоирлардан эди, доврўғи ҳатто бизнинг мамлакатимизгача етиб келган) ўртага тушди. Лекин бир марта шеър ўқишдаёқ мажлис аҳлининг буткул сукутда қолганини кўргач, мулзам тортиб чиқиб кетди. Менимча, мана шу сукут унга танқидчиларнинг ҳар қандай киноясига нисбатан оғирроқ ботди...

— Одатда бериладиган савол: сизнинг ижодий йўлингиз қандай бошланган?

— Биринчи китобим 1932 йилда босилиб чиққан. Ўшанда ўзим ўн етти ёшда эдим-у, аммо китобимга жуда маънодор қилиб, «Ҳаёт

саҳифалари» деб ном берган эдим. Буни эслаганда озгина хижолат бўламан ҳам, лекин начора? Кекса одамнинг ўзини ёш қилиб кўрсатишга иштиёқи зўр бўлганидай, ёш одам ҳам ўзини жаҳондийда этиб кўрсатишга жуда тиришади... 1937 йилда иккинчи китобим — «Қизлар қўшиғи» босилиб чиқди, лекин бу китоб ҳам шеърятдаги ақалли ибтидоий камолотнинг, чинакам маҳоратнинг бўсағаси бўлолмади. Энди ёзмасдан тура олмайдиган бўлиб қолган эдим, шекилли—китоб чиқариш гашти ҳар нарсадан кучли-да,— лекин нима ҳақида ёзаримни ҳали астойдил билмасдим, шунинг учун буни қандай қилиш кераклигини тушуна олмас эдим. Иккинчи китобни ёзаётганимда бир кунни Ҳамид Олимжондан шундай деб сўраганим эсимда: «Нима учун мен ёзган шеъринг ҳеч поёни бўлмайди? Қайси бандда тўхтатмайин, яна давом эттирса бўлаверади-я!» У кулиб туриб, бундай деган эди: «Чунки сиз ҳар бир шеърингизда биратула ҳамма гапни айтиб олмоқчи бўласиз, ваҳоланки, бундай қилиш ярамайди. Кейин, биласизми, шеърни охиридан бошлаб ёзиш керак...» Унинг маслаҳати нақадар нозик ва аниқлигини, кейинчалик, ўзимда назмхонлик қилиш эмас, балки бирон муҳим ва юрагимда тугилиб қолган фикрни баён қилиш зарурати етилгач, тушундим. Уруш йиллари камолот даври бўлди. Ақлли гапларни ўйлаб топишга, ясама дард ёки завқ-шавқни куйлашга ўрин қолмади, турмушнинг ўзи қатъият билан ҳақиқий сўз талаб қилди; беихтиёр равишда ёки бировнинг тажрибасига мурожаат қилиш натижасидами, асл сўзлар ўзидан-ўзи қуйилиб келаверганидан кейин уларни ўрни-ўрнига жойлаштириш, бир-бири билан

боғлаш йўлини топар экансан... 1947 йилда чиққан «Хулкар» китобим янги ишнинг якуни бўлди. Шеърларим... воқеабанд бўлиб қолди, десаммикан. Лекин баёнчилик маъносида эмас. Мен энди шеърларга ўз руҳий тарихининг бир парчасини жойлаштира бошладим, бу парчанинг ўз тугуни, кульминацияси ва ечими бор эди. Энди ёзмоқ учун, Лев Толстой айтганидек, дастлаб газнинг учини учига улаб олишим керак эди. Шеърни бошлаб қўйиб, охирини топмагунимча уни давом эттира олмас эдим. Эндиликда қаёққа қараб кетаётганлигимни билганимдан йўлнинг энг қисқасини излаб топиб олардим, натижада шеърларим кўнгилдагидай бўла бошлади. 1944 йилда «Ҳижрон кунларида» деган навбатдаги китобим чиқди. Урушга бағишланган ўша китобимда фожиали ҳижрон ҳақидаги шеърлар кўп бўлиб, уларни ёзганимда Ҳамид Олимжон ҳали ҳаёт эди, китобнинг корректурасини ҳам икковимиз бирга ўқиб чиққандик. Китобнинг ўзини кўриш эса, унга насиб бўлмади...

— Ижозатингиз билан бояги гапимизга, яъни ўзингиз айтгандай, «кейинчалик шеър ниш уриб чиқадиган» муҳит масаласига қайтсак. Бунинг мукамал ва айнан айтиб бериш қийинлигини тушунаман. Шундай бўлса ҳам...

— Албатта, бунинг айтиб бериш қийин, ҳатто мумкин ҳам эмас. Бунинг устига шеър ҳамма вақт бир хил йўсинда яралмайди. Мен «Уйлар» номли тўпламимдаги ҳамма шеърларни Водилда, жуда ҳам сўлим ва сокин табиат бағрида ёздим. Бундай жойга кўпдан бери орзуманд ва муштоқ эдим. Сўнги китобим — «Шалола»даги бир неча шеър эса... мажлисларда ўтириб ёзилган. Ишонмаяпсизми? Ле-

кин гапнинг рости шу. Менимча, шеърний асарнинг умри худди уруғнинг умрига ўхшайди. Дастлаб у — факт, кузатиш, ҳали фикрга айланмаган ҳиссиёту ҳали ҳиссиёт тугдиролмаган фикр. Уруғнинг бари тупроққа тушади, тупроқда ётиб бўртади, бўлажак ниҳолни юзага келтирувчи куртакка айланади. Ва ниҳоят, жиз этиб, жиндак иссиқ, нам, илиқ ҳаво теккач, ердан бош кўтариб, янги умрини бошлаб юборади. Шеър ҳам шундай. Бунинг муддатини айтиб бўлмайди. Чоғимда асарнинг режаси ҳам худди ғаллага ўхшаш кузи ва баҳори бўлади, баъзиси тез нишона кўрсатса, баъзисининг мияда қишлаб чиқиши даркор бўлади. Табнийки, баъзан уруғнинг ичида ҳам пучаги учрайди, ундан ниш уриб чиққан ниҳол бари бир кўкармайди, бинобарин, шоир ҳам худди деҳқон каби гоҳ мўл ҳосил олади, гоҳ оз.

— Хўп, башарти «дон» билан «ниҳол» деган образнинг маъзини чақиш учун ўзингизнинг шоирлик биографиянгиздаги воқеаларга назар солсак-чи...

— Бир режанинг тарихи мен учун жуда ҳам ибратлидир. Саккиз йил бурун мен она ҳақида дoston ёзишга аҳд қилдим. Онамлар ҳақида, у киши ўшандан сал илгарироқ оламдан ўтган эдилар. Менинг назаримда, онанинг вафоти кўпчилик одамлар учун (ҳеч бўлмаганда, тафаккури ва ҳиссиёти расман одамлар учун) уларнинг ҳаётини шартта икки паллага ажратиб ташловчи марза, чегара бўлади. Бу, шундай бир руҳий нуқтаки, ундан дунёга қараб ўз умрининг уфқларини кўрасан, жуда керакли нарсалар ва тушунчаларнинг асл қадрини биладиган бўласан. Оналаримизнинг тириклиги ўзи катта бойлик

ва бахтдир. Энг мушкул кезларда талпиниб борадиган паноҳимиз борлигини билганимиз ёки тўғрироғи, билмасдан ҳис қилганимизга шундай бўлса керак. Бу паноҳларимиз йўлимизга интизор кўз тикиб туришади-ю, лекин қўлимизга қарашмайди, мартабамиз билан унвонларимизни эмас, балки ўзимизни яхши кўришади. Она ҳамма нарсани кечиради... Шу боисдан, онасидан жудо бўлган киши — ёши ва мавқеининг катта-кичиклигидан қатъи назар — худди ичкари тарафдан илк бор олдинги сафга келиб қолган аскардай, ақалли оз фурсатга бўлса-да, ўзини ҳаёт ва мамот қаршисида ҳимоясиз қолгандай сезиб, ғамга ботади; кишида кечикиб пайдо бўлган ва эгасини тополмай қолган қаттиқ миннатдорчилик туйғуси юрагини эзади. Бу — онамизнинг бизга қилган яхшиликлари эвазига эмас, балки у кишининг биз учун нақадар қимматли инсон бўлганлиги учун айтиладиган миннатдорчиликдир. Мен ҳам худди шу кўйга тушиб, дoston ёзишни ихтиёр этган бўлсам керак. У ҳали режа ҳам бўлмай, кўнгилда вужудга келган бўшлиқни тўлдиришга интилган, инсонга хос оддий эҳтиёж бўлганлигини, хотира чанқоқлигини қондириш, узилмаган қарз ҳиссини тўкиб солиш эҳтиёжи бўлганлигини энди тушуниб турибман. Бу ҳис шунчалар кучли эдики, қўлга қалам олганим ҳамона, сўзлар ўз-ўзидан қўйилиб келиб, қоғозга тушаверади-гандек бўлиб туюлган эди. Қўлимга қалам олиб, бир неча юз мисрани ёздим ҳам. Аммо орада журнал иши, сафарлар чиқиб, асарлар узилиб қолди.

— Кейин бу асарни давом эттиришга уриндингизми?

— Кейин мен яна бир китоб билан яна бир дoston ёздим, ўша, аввалги дostonим эса ҳамон чала турибди, уни ёзаман — фақат у асар ўйлаб қўйганимга ҳеч ўхшамаган бўлади. Энди бу — фақат ўз онамлар ҳақида дoston эмас, балки умуман она ҳақида, она ўз сийнасида ҳамиша олиб юрадиган покиза ва абадий беғаразлик ўти ҳақида дoston бўлади. Лекин қилинмаган ишлар ҳақида ҳаддан зиёд кўп гапириб юбормадикми?

— Йўқ, менимча, шундай бўлишида ўзига хос мантиқ бор. Чунки биз ҳозир худди тоғларда юрган геологлар сингари усти очиқ қатламларни, аллақандай табиий кетрикни қидир-япмиз, шу жиҳатдан олганда, сизнинг чала қолган дostonингиз, айниқса, ибрат бўларли экан. Сиз бу мавзуга яна қайтдингизми?

— Ҳа. Бир йилдан сал ошди, мен журналнинг навбатдаги сони учун ҳалок бўлган жангчилар хотирасига Оққўрғонда ўрнатилган ёдгорлик билан унинг олдидаги мангу аланга ҳақида мақола ёздим. Мақолага ҳам «Аланга» деб сарлавҳа қўйдим. Ёзаётган вақтимда, ўша ерда кўрган манзарам: мангу аланга қаршисидаги она сиймоси кўз олдимда турди. Мен мақоламда, албатта, фарзандлар ёдгорлиги олдида турган она ҳақида, унинг қалбида ловуллаб турган ҳеч сўнмас хотира алангаси тўғрисида, хуллас, шундай кезларда хаёлга келадиган табиий туйғулар ҳақида сўз юритдим-у, буни қарангки, гапнинг содда ва «ҳаммабоп» йўсинда бу томонга бурилиб кетиши чала қолган дostonимга асосий, теша тегмаган образ бўлишини дабдурустдан сезиб қолдим. Ахир, ҳақиқатда ҳам, асло туганмас, мангу ҳарорат ва нур она қалбига жо бўлган... Шун-

дай қилиб, тезда дostonни яна қўлга олдим — унинг дебочасини ёздим — уни поёнига етказа олишимга энди ақлим етиб турибди.

— Ҳа, яхши, ўзингиз айтгандай, «уруғ»га жинз этиб тегувчи «илиқ ҳаво» охири топилбди-да... Ўзи доим шунақа бўлади: чинакам асар умумий тафаккур, юракда пишиб қолган мавзу билан ғоят аниқ манзара, аён бир образнинг чатишиб кетиши натижасида туғилди, гўё шеърини тафаккур жонли қобик ичига жойлашиб олиб, шакл пайдо қилади...

— Ҳа, яна энг қизиғи шундаки, умумий тафаккур билан конкрет манзара сенинг хаёлингда узоқ вақтгача айрим-айрим ҳолларда яшайди-да, кейин бирдан иккови бир-бирига қўшилиб кетади. Ғафур Ғулом ўзининг кейинчалик машҳур бўлиб кетган «Вақт» шеърини ёзишни ният қилиб қўйиб, қандай қийналиб юрганни айтиб бергани эсимда. У, аллақандай умумий тасаввурлар тафаккурини чулғаб юраверибди, фикрлар бир-бирига тўқнашиб кетаверибди, шеърнинг айрим бандлари етилиб ҳам қолибди-ю, лекин шеърнинг ибтидоси, асосий конкрет образ, биринчи мисралар ҳадеганда туғилавермабди, у туйқусдан бир замонлар бир шаҳло кўзли қизни таниганини, унинг ажойиб қуюқ киприклари капалак қанотига ўхшаш бўлганини эслаб қолибди. Ўша қизнинг киприк қоқишини эслаши билан кўз ўнгида бир лаҳзали фурсатнинг жонли образи гавдаланибди, шеърга камлик қилиб турган образнинг ибтидоси худди мана шу экан! Менингни ўзим ҳам бундай ҳолларни кўп кечирганман. Аксар шунақа пайтларда шеър тез ва раво ёзилади. Масалан, «Шалола» китобимдаги шеърлардан бир нечасини мажлисларда ёз-

ганимни боя айтиб ўтдим... Қандай мажлисларда, дейсизми? Аҳамияти йўқ, ҳолбуки, шу гапнинг ўзи ҳам мажлисларнинг фойда-зиёнини кўрсатиб турибди... Бир мажлисда руҳим ниҳоятда енгил тортиб кетгани эсимда. Шунда — буни қарангки, ўчакишгандай олдимда қоғоз йўқ экан! Секин ёнимдаги одамдан қоғоз сўраб олиб, баҳор шабадаси ҳақида шеър ёза бошладим ва уни қандай битириб қўйганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Мен ёзаётганимда кўз қирини ташлаб, СССР халқ артисти, ҳурматли Олим Хўжаев ўтирардилар. Ҳамкасб адиблардан бири бир ёнимда ўтирарди, мен ўша шодмон ва қувноқ кайфият билан уларга тўлган саҳифани узатган эдим, олиб, ўқиб чиқди-да, мақтаган бўлди — назаримда, мақтовидек самимийдек эди — сўнгра, жуда ҳурмат сақлаб туриб: «Буни ҳозир ёздингизми?» деб сўради. Ҳа, деб жавоб бердим мен шўхлик билан. «Ҳозир ёздим! Буюринг, яна нима ҳақда ёзиб берай?» Бу гапдан кейин у менга жуда ҳам сиполик билан зимдан қараб қўйди-да, ўзидан маслаҳат сўраганимга ишониб, боғидек сиполик билан: «Вафодорлик ҳақида... ёзинг бўлмаса!» деди. Гуё бу мавзунинг мен учун гоят аҳамиятли эканини қаттиқ таъкидламоқчи бўлгандай яна менга қараб қўйди. Ҳалигина эсиб турган кўклам шабадаси ҳам, шодмон кайфиятим ҳам, шафтолининг пушти либоси ҳам бирпасда йўқолиб, бирданига бошқа кайфиятга тушиб қолдим. Катта чинор дарахти кўз олдимга келди. Лекин шу дарахт катта бўлиб олгунча қанча машаққатларни бошдан кечирганини ҳеч ким ўйладими?

Шеър ногаҳоний кайфиятга, кимнингдир гапига жавобан туғилганига, ўзингни чолғу



асбобига ўхшаш сезасан — кимдир торингни чертиб қўяди-да, кейин оҳанг, куй, наво қуйлиб келаверади... Албатта, шуларнинг ҳаммаси сенда илгари ҳам бўлган ва сассиз тор сингари таранг тортилиб ётавермаган, балки йиғилиб-йиғилиб, ўзининг ғалати, пинҳона ҳаётида етилаверган ва вақти-соати келиши билан бир лаҳзада юзага чиққан-қўйган...

— Мен ҳозиргача, асосан, шеъринг асарининг «туғилиши»га тааллуқли шароитлар ҳақида гаплашдик... «Шеър қандай ишланиши»га сизнинг муносабатингизни ҳам билмоқчи эдим. Чунки шеърнинг «туғилиши» билан унинг «ишланиши» баъзи бировлар ўйлаганидек, асло бир-бирини истисно этувчи жараёнлар бўлмай, балки, аксинча, бир-биридан ажралмайдиган ва ҳатто бири иккинчисисиз юзага келмайдиган жараёнлардир. Мен қуйидагиларни назарда тутяпман. Модомики, «уруғ»нинг бизга кўринмасдан, пинҳона суратда бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтиш, яъни аллақандай ижодий «тилсимот» даври зарур экан, «ниҳол бош кўтариб чиққач», яъни шеърнинг илк нусхаси ёзилгач, онгли равишда ишлаш палласи бошланади. Биринчи босқич — истеъдод, туйғунлик, табиий ички маданият масаласидир, шундан кейин эса, биздан санъат талаб қилинади, чунки ҳар қандай санъат каби шеърят ҳам «санъат» билан тирик. «Санъат»нинг эса, ўзига хос усуллари, сирлари бор. Мен сиздан худди шуларни сўрамоқчи ҳамда фурсатдан фойдаланиб, ўзимни кўпдан қизиқтириб келаётган бир нарсани ойдинлаштириб олмоқчи эдим. Шеър шакли билан унинг энг муҳим унсурлари, вази ва қофия бу — шеърятда «ишланиш» жараё-

нида ҳам бениҳоя муҳим роль уйнаши мей  
учун шак-шубҳасиздир. Дарвоқе, буни шеър  
ёзувчи ҳар бир қаламкаш билади: мисра, шеър  
гоҳо қайси бир бурилишда ўз оҳанги билан  
бизни қойил қолдирган тасодифий сўздан ёки  
ана шундай катта тасодифий сўзни тутатиш,  
кутилмаганда фонетик ва мазмунан ҳамоҳанг-  
лик касб этишидан бошланади. Ёхуд ҳатто ма-  
на бундай ҳам бўлади—шеърий асарни ушлаб  
турадиган асосий истиора сўзларни қофиялаш-  
тиришдан, қофиядош сўзларни шунчайин те-  
риб олишдан вужудга келади! Бошқача қилиб  
айтганда, қофияга ишимиз тушмаганида —  
образ ҳам туғилмаган бўларди... Гарчанд буни  
тайёргина бир банд шеър материали асосида  
исботлаб беришга камдан-кам муваффақ бў-  
линса ҳам, аслида кўп вақт шундай бўлади.  
Албатта, бу ишнинг ўз амалдаги қонуни бор,  
қофия талаб қилувчи сўз ҳам мазмуни ва оҳан-  
гига кўра зарбли сўз-да, ахир... Шунақа бўлса  
ҳам, бизда бундай «исёнкорлик»ка иқрор бў-  
лишни — шоирлардан ҳам кўра, уларнинг тад-  
қиқотчилари — унчалик ёқтирмайдилар-да,  
шоирнинг миясида тасаввурларнинг бир-бири-  
га боғланиши қай йўсинда вужудга келишини  
гоҳо шундай соддадиллик билан тасвирлайди-  
ларки, бу—укаси қаёқдан бинога келиб қолган-  
ини тушунтириш учун ёш болани алдаб айти-  
ладиган гапларга ўхшаб кетади. Аммо, шеърий  
шаклнинг ривожини рус шеърининг учун қандай  
аҳамиятга эга эканлигига унинг бутун тарихи  
гувоҳдир. Шунинг учун бўлса керак, бизда  
сочма шеър тузукроқ урф бўлиб кетолмаяпти...  
Бироқ шеър тартиби ўзининг бутун томирлари  
орқали тил тартиби билан боғланганки, бош-  
қа бир тил шеърга бошқача талаблар қўйиши

мумкин... Мен худди шу нарсани ойдинлаштириб олмоқчиман. Мен ўзбекчани унча яхши билмайман-у, лекин менга, масалан, кўпинча ўзбек тилида қофиянинг у қадар аҳамияти йўқдек, шунинг учун бу тилда феълли қофияларнинг жуда кўп учраши бежиз эмасдек туюлади...

— Менимча, сиз янглишасиз. Феълли қофиялар ҳукмрон дейишингиз ҳам — юзаки тасаввур. Бундай қофиялар бўш шеърларда, газеталарда босиладиган тезпишар назмларда кўп учрайди... Гарчанд, рус шеърляти билан ўзбек шеърлятининг тартиблари бир-биридан ҳақиқатан жуда ҳам фарқ қилса-да, қофия, вазн, ички оҳанг, тиргаклари—ассонанс, аллитерация—шеърнинг бутун фонетик тузилиши ўзбек шеърлятида ҳам худди рус шеърлятидаги каби катта аҳамиятга эга. Ҳеч бўлмаса, қофия билан вазн, ўзбек мақолларида қандай роль ўйнашини биласиз-ку, ахир! Шундай бўлгандан кейин шеърга нима дейиш мумкин. Менинг назаримда, азалда шеърнинг нарсдан ажралиб турувчи ташқи — «ўқилиш» ёки «эшитилиш» даги аломати унинг ёдда қолиши бўлган. Бизнинг Ўзбекистонда сон-саноқсиз байтларни ёддан билувчи адабиёт шинавандалари қадимдан бениҳоя кўп бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Менимча, бу факт шеъримизнинг расман тузилиши юксак даражада экаплигидан далолат бермайдими, ахир, «ёдда қолдирувчи» асосий омил шу эмасми? Шу боисдан қофиянинг сийқалиги, қофияланувчи сўзларнинг ҳадеб бир қолипда туравериши бизда ҳам заифлик, дидсизлик ҳисобланади. Аммо, шахсан ўзининг шеърлятидаги тажрибам ҳақида гапирадиган бўлсам, икром бўлишим керакки, мен

ҳеч қачон қофия излаб «топиш» билан атайлаб шуғулланган эмасман. Кутилмаганда эътиборни ўзига тортадиган, ҳар банднинг «қийёфаси»ни белгилаб берадиган жарангдор, ғайритабиий сўз маъносида қофия мен учун ҳамниша муҳим, лекин ишонишингиз мумкинки, қаттиқ бош қотириб қофия қидирган вақтим бўлган эмас — унинг ўзи доим рўпарамдан чиқаверган, мазмун билан туғилаверган. Шеър ёзиши осон кўчар экан, деб ҳам ўйламанг: ҳар қандай ёзувчи сингари фикрингни тўла ифода этадиган чақмоқдай сўз топиш машаққати менга жуда таниш. Ахир, йиллар ўтган сайин ўз-ўзингга талабчанлигинг ошиб боради. Тажрибанг қанча кўпайса, бировларнинг эски ё янги шеърлари билан қанча кўп танишсанг, бирон чинакам гап топиб айтишинг нақадар зарурлигини шунча яққол ҳис қиласан. Иккинчи томондан эса, қанчалик ғалати туюлмасин, тилнинг имкониятлари, шеърингнинг қўл урилмаган ва қадамнинг етмаган майдонлари чиндан ҳам чексиз эканига ишонч ҳосил қиласан.

Водилда ёзилган «Ўйлар» китобимдаги «Ўйлар» сарлавҳали шеъримнинг бир мисрасида «пудрат» иборасини ишлатгандим. Шеър босилиб чиққач: э, тавба, шундай жўн, «бозорий» иборани шеърда ишлатиб, уни жаранглатиб юборса ҳам бўларкан-а, деб бунга кўп одамларнинг астойдил таажжубланганликларини ҳам эшитганман. Шунини айтиш керакки, ўзбек тилида бу ибора ҳақиқатан ҳам шеърингдан ва умуман адабиётдан йироқ бўлган савдо муомаласида қўлланилади... Китобдаги бошқа бир шеър — «Қатра»да ҳам бутунлай хўжалик маъносига эга бўлган «пона» ибораси ишлатилган эди. Бу тўғрида ҳам баъзи ҳамкасбларим

яшонмаганнамо завқланиб гапирдилар... Кези келганда шуни айтиб қўяйки, таржимон ҳам шеърнинг худди шу жойини, айниқса, топиб ва ўринлатиб таржима қилган. Лекин рус тилида бунинг лексик жиҳатдан ҳеч қандай тасо-дифий ери бўлмаса керак, чунки русча «клин» иборасининг елкасига одатда адабий «юк» ортилган бўлади.

— Ҳа, тўғри айтасиз, аммо, хушомадгўй-лик эмасу, шу банд русчада ҳам жуда ажойиб жаранглаб кетган. Биласизми, мен уни ёддан биламан, асарнинг ёдда қолишини эса, ўзин-гиз энг яхши мезон, дедингиз.

Я тайно не приду. Я не войду  
в твой дом, в твою судьбу подобно  
клину.

Я не накличу на тебя беду...

— Жаранглашга жаранглаган, аммо бош-қачароқ тарзда. Эҳтимол, қўшимча ички қо-фиялаш билан рус тилидаги товушларнинг жарангдорлиги, бу тилнинг «қўнғироқдор-лиги» шарофатидан шундай бўлса керак. Ўзбекчада эса, янги сўз ишлатиш ғайри-одатий лексикадан шеърга олиб кириш, борингки, бу лексиканинг ҳаётини сезилиш дара-жаси кутилмаган нарса бўлиб туюлади... Рос-тини айтсам, ана шу жўн иборалар жумланинг талабига қараб, шеърга ўз-ўзидан кириб қол-ди, лекин шулар туфайли мен — ўз тажрибам ва шунингдек, шоир ўртоқларим тажрибасида депсиниб қолаётганимизга яна бир карра қа-ноат ҳосил қилдим... Ваҳоланки, қандай бой хазина, сўзлар жавоҳири хазинаси бизга мун-тазир бўлиб турибди! Бахтимизга, келажакда-ги қуролимиз мана шу халқ тили деб аталган

хазинада тургани билан зангламайди, аксинча, фақат пешланиб ва ўткирлашиб бораверади-ю, лекин бундай ўй билан ўзни оқлаш шеъриятга фойда келтирмайди...

— Ҳар бир шоир қайси жиҳатдандир ўзлигини сақлаб қолгани ҳолда ўз ижодий йўли давомида ўзгариб бориши муқаррар. Ўз назарингизда, сизнинг услубингиз, ижодий усулингиз қайси томонга қараб ўзгариб борапти — соддаликка, тил, лексиканинг халқчил бўлишига қарабми, ёки бунинг аксига, мураккабликка қарабми?

— Қийин жойдан тутдингиз. У томонга ҳам, бу томонга ҳам қараб, деб тўппа-тўғри жавоб бериб қўя қолардим-у, жуда ҳам шундай эмас... Тузукроқ ўйлаб қаралса, унчалик бемаъни ҳам эмас бу. Бир томондан фразеологик бисоти олган билан адо бўлмайдиган сўзлашув тилининг бойлигига интиласан ва содда тил — асло соддалик бўла олмаслигини тушуниб оласан. Шеърим равон бўлса, қулоққа яхши эшитилса, уни ўқиган одам мумкин қадар тез тушунса, шеърим аниқлик ва равшанлик касб этса, дейсан. Аммо, иккинчи томондан, шеърият — шунчаки сўзлардан тузиладиган тўрт амал эмаслигини, шеърини алгебра — образлилик унинг негизини ташкил этишини йиллар ўтган сайин тобора чуқурроқ англаб бораверасан... Бошқача қилиб айтганда, шоир кўп нарсаларни — фикрлар, ҳислар, бир-бири билан мураккаб равишда боғланган ҳаёт ҳодисаларини — шеърга сингдиради, китобхон эса, ана шуларни топиб, маъзини чақишдан эстетик завқ олади. «Ўйлар» тўпламим босилиб чиққанда, адабиётчи дўстларимдан бири менга «шеърларингизни тушуниш қийин бў-

либ кетяпти», деди. Бу гап мени жуда ташвишга солди. Китобга ўзим учун аллақандай бир янгилик зуҳур бўлганини сезардим, лекин айбга қўшилмасину, буни ўз назаримда орқага қараб қайтиш эмас, маҳоратда бир поғона кўтарилиш, деб билардим. Мен ҳадеб ишлатилаверадиган бир қатор нисбатлар, сифатлар, истиоралардан—адабиётшуносларимиз «анъанавий образлар» деб атаганлари — нарсалардан қочишга уринган эдим; ҳар бир шеър учун, агар таъбир жоиз бўлса, ўзига яраша истиоралар ихчамгина иқлимини яратиб, уни мавзунинг шу шеърдаги йўналиши, шу шеърдаги ҳиссий кайфият билан боғлашга интилган эдим. Тушуниш қийин, деган гап сийқа иборалардан нарироқ турганимдан келиб чиқдимми? Ўша кезларда бир куни Абдулла Қаҳҳор билан учрашиб қолдим. Абдулла Қаҳҳор шеър ёзмасалар ҳам, шеърни жуда яхши тушунар эдилар. Мен ҳамиша янги шеърларимни бу катта сўз санъаткорига ўқиб берар ва фикрларини олар эдим. Мен «Ўйлар» китобим ҳақида баъзи дўстларимизнинг фикрларини унга айтдим. Абдулла ака ўзига хос нуктадонлик билан: «Парво қилманг! Шеър саводсизларга атаб ёзилмайди-ку...» деб гапни лўнда қилдиқўйди. Албатта, у «саводсизлар» деганда, асло ўқиш-ёзишдан беҳабар одамларни назарда тутган эмас эди. Кейинчалик доно заршунос китобхонлар билан учрашувларда, муҳокама-ларда айтилган фикрлар боис шеърларим давр талаби, ўсиб бораётган талаб доирасида эканлигига ишондим. Бу китобга кирган шеърларнинг кўпчилиги анча мураккаброқ кўринган бўлса, менинг шеърга кўпроқ мағзбахш образлар орқали фикрни ифода этишга эриша ол-

ганимдандир. Албатта, бу шеърларнинг ҳаммасини ҳам минбар шеърлари деб бўлмайди. Зотан, шеърни ҳар маҳал ҳам минбар атрофида йиғиладиган шеърхонга атаб ёзмаймиз-ку.

Водилда «Уйлар» китобим устида ишни якунлаш арафасида катта рус шоири Степан Шчипачевнинг «Известия»да эълон қилинган шеърларини ўқиб қолдим. Улардан саккиз мисрали бир шеър менинг шеърят ҳақидаги ўйлаганларимни шундоққина, моҳирона айтиб қўйгандай кўринди ва у шеърни дарҳол таржима қилиб китобимни шу шеър билан якунладим:

Океан тўлқинидай гумбирлаб бирдан  
Зўр зални ларзага солишга қодир —  
Минглаб кучли қўлдан тошган қарсақдан  
Ўзини бахтиёр ҳис этар шоир.

Бизнинг бундай шаддод замонда, аммо,  
Бу қувончининг ўзи етмайди зинҳор.  
Агар кимдир, кейин, хилватда тапхор  
Ўзи мисраларинг этмаса такрор.

Ҳа, йиллар ўтган сайини ёзиш тобора қийинлашяпти — сўз, тил, шеърнинг имкониятларини кўпроқ тушуниб қолар экансан; лекин борди-ю, кучинг камайиб, қийинчилик ортиб кетаверса, бундан ишга ўчлик кучаяркан, холос. Ёшинг ўтиб бораётганини англашдан, кўп вақтингни бекорга, мутлақо ноўрин ва ноке-рак ишларга сарфлаб юборганингни тушуниш алаmidан бу ўчлик баъзан сира қонмайдиган даражага кўтариларкан. Илгарилари бирон санага атаб, газета ё журналга шеър ёзиб беринг, дейишса дарров «хўп» деб қўя қолар-



дим: йўл-йўлакай учрайдиган юмушга ҳам, ўз умримни бағишлаган ишга ҳам вақтим етадигандек туюларди. Ҳайҳот, вақт тез ўтиб кетар экан. Ёшликдаги чапдастлик кетаркану, аммо ёш улғайгач, кишида бир фазилат — зукколик пайдо бўларкан. Дарвоқе, бу эҳтимол, ёшга ҳам қарамас? Ҳозирги баъзи ёшларимизга бир назар ташланг-а, улар шеъриятга нақадар зукколик, забардастлик, баркамоллик билан кириб келишди... Эҳтимол, бу фақат шоирнинг ёшига боғлиқ бўлмай, адабиётнинг ёшига ҳам боғлиқдир.

— Ёшлардан гап очдингиз, суҳбатимиз учун айни муддао бўлди, ўзим ҳам сиздан шунини сўрамоқчи бўлиб турувдим. Сўнгги вақтларда ўзбек шеъриятидаги янги авлод ҳақида кўп гапиришяпти, бир неча кишининг номини тилга олишяпти (дарвоқе улар баъзан бир-бирларидан ўн ёш фарқ килишади), тилга, шеърият вазифаларига японча ёндошиш тўғрисида сўз юритишяпти... Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз? Ҳақиқатан ҳам, биз ўз ижодий йўналиши эътибори билан янги, яхлит ҳодисани кўриб турибмизми? Модомики шундай бўлса, эҳтимол, умуман ўзбек шеъриятида чиндан ҳам аллақандай ижодий силжиш кўзга ташланаётгандир? Мен рус шеърияти — айни ўзининг ёш авлоди тимсолида — бундан ўн беш йилча бурун қилган ишга ўхшашроқ ҳодисани назарда тутяпман. Биласизки, ўшанда рус шеърияти олдида янги тематик уфқлар очилиб, янгитдан ёғилиб келаётган мўл-кўл мазмунни ифода этишга қаттиқ зарурат шеърият бисотини қайта кўриб чиқишни талаб қилган эди. Қофия — чигал масала бўлиб қолди. Сабабини тушуниш қийин эмас.

Боя гаплашганимиздек, рус шеърлятида қофиянинг роли жуда катта бўлганидан ашиқ қофиялаш принципининг бир ярим аср мобайнидаги ҳукмрони шеърлятнинг ғоят бой ҳаётини шунга олиб келиб қўйдики, шоирнинг тафаккури беихтиёр баъзи бисотдаги, албатта, озми-кўпми даражада ҳисобли бўлган қофиялар устида айланаверди. Табнийки, «море» сўзи албатта, ўзига уйқаш келувчи «горе», «вскоре» ёки «просторе»ни ёхуд муқаррар суратда такрорланаверадиган яна ўнлаб шу каби бошқа сўзларни талаб қилса, мазмунга, образга боғланувчи тасаввурлар ва сон-саноқсиз тақлидчилар томонидан кўп марталаб такрорланган худди ана шундай давра атрофида айланаверишга мажбур бўлди. Дарвоқе, Пушкиннинг ўзиёқ, бундан кулган эди, эсингиздами, «Евгений Онегин» да бир бандни «морозы» сўзи билан тугатгач, киноя билан давом этади:

...Читатель ждет уж рифмы «розы...»

Мана, охири аниқ қофиялашнинг ўрнини ассонанс принципи эгаллади. Буни сира ҳам эллигинчи йиллардаги шоирлар ўйлаб топишгани йўқ, аксинча, бу принцип оғзаки ижод жанрларида (асосан, қўшиқ ва мақолларда) қадимдан яшаб ва равнақ топиб келарди, ундан баъзи шоирлар — бир хиллари кўпроқ, бир хиллари онда-сонда фойдаланардилар, лекин энди у олдинга чиқиб олиб, ҳукмронлик мавқеини эгаллади. Бу принцип ҳадеб такрорланаверадиган тасаввурлар гирдобини ёришга имкон берди, образ яратиш учун янги майдонлар очди ва бу, ўз навбатида, шеърлят

уфқини кенгайтиришга тез таъсир кўрсатмасдан қолмади. Шаклнинг янги имкониятлари орқали борилсин, деб мазмуннинг қўйган талаблари тематик, ижодий-ғоявий жиҳатдан кашфиётлар келтирди. Саволимга шунчалик катта қўшимча қилганимга хафа бўлмасиз, деган умиддаман. Бу — тасодифий қўшимча эмас, зеро, пировард натижада ҳар қандай миллий адабиёт бошидаги муаммолар — айни чоқда, кўп миллатли адабиётга тааллуқли муаммолардир: мамлакат ҳаёти ягона бўлганлигидан бир адабиётда содир бўлувчи жараёнлар, майли вақти мос келмаса-да, бошқа адабиётларда ҳам содир бўлиши мумкин ва табиий.

— Гапингизни тушундим. Ўзбек совет шеърлятида шеърий «ислоҳот», очигини айтсак, шакл инқилоби ҳақиқатан бўлди. Лекин ҳозир эмас — бу шеърлятни бошлаб берган кишилар даврида, йиғирманчи йилларнинг охири — ўттизинчи йилларнинг бошларида бўлди. Аруздан, классик шеър вазнидан воз кечиб, «бармоқ» вазнига ўтилганлиги ана шундай инқилоб эди. Аммо гап фақат араб ва форс тиллари негизида вужудга келган арузнинг тилимиз табиати учун кўп жиҳатдан сунъий вазн бўлиб қолганлигида ҳамда унинг ўтмишда шубҳасиз, жуда катта ва муҳим роль ўйнаган тарихий вазифаси ўтмишдаёқ тугал адо қилинганлигида эмас эди. У — кўҳна вазн бўлиб, унинг шеърий қоидаларидан кўплари шоирларнинг истеъдоди билан иқтидорини шартлиликларга сарфлаттириб, уларнинг тафаккурини, ҳиссиётини, бадний воситаларини бирмунча бўғиб қўяр эди. Аруздан анча чекинмиш ҳаётдаги янгилликлар тақозоси билан

қиллинган жуда катта ўзгариш, буюк ижтимоий ўзгариш бўлди. Шеъриятдаги бу ислохотни тарихан бизнинг маданий инқилобимиздан, шеъриятга мисли кўрилмаган катта, янги мавзуларнинг кириб келишидан, ўшанда деярли ҳар бир ёзувчи иштирок этган ғоят катта ташвиқотчилик ишларидан ва ниҳоят, жаҳон тараққийпарвар шеърияти, биринчи галда рус совет шеъриятидан ўқиб-ўрганишдан ажратиб бўлмайди. Шеъриятдаги бундай инқилобда иштирок этиш, масалан, айтайлик, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир сингари ижодий шахсияти жиҳатидан ҳам, ёзиш услуби жиҳатидан ҳам бир-бирига сира ўхшамаган устозларни бирлаштириб юборди.

Ойбек — чуқур хаёлга ботган, оҳишта ҳаракат қилиши ўзига хўп ярашган, доим жонини жабборга бериб ишлайдиган одам бўлса, Ғафур Ғулом шартта-шартта шеър тўқиб юборишдек деярли беандоза истеъдодга эга бўлганлигидан, унинг ҳамма нарсани ўз бағрига сиғдиришга қодир тўлиб-тошган, пастбаланд мисралари ҳам сиртдан қараганда, худди ўзига ўхшар эди: Ғафур Ғулом онгида чарх урган фикрларни бирваракайинга айтиб олишга ошиққани учун ишга бирдан ёпишиб, уни бир ўтиришдаёқ тугатиб қутулишга одатланганди. Шунинг учун ҳам шеърларини бировга айтиб туриб ёздирishi ҳам мумкин эди. Мен бошқа бундай шоирни билмайман. Масалан, бир кун у менинг шеъримдаги бир мисрани овозини чиқариб тўғрилай бошлади-да, янгидан олти банд шеърни айтиб туриб, ёздириб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди! Ёки биз журнал учун шеър сўраганимизда, бир нафас ўйлаб туриб:

«Қани, ёзиб ол!» деб бутун бошли шеърни ай-тиб туриб ёздириб кетган пайтлари ҳам бўлган... Шу кишиларнинг ёнида Ҳамид Олимжон бор эди, у жуда ҳам бир мақсадни кўзлаган, ҳамиша иш билан ўз имкониятларининг ҳаддини билган — ҳар мисрага ҳам, ўз-ўзига ҳам қаттиққўл бўлган, тамомила бошқа тахлитдаги одам эди. У шеърини бандларга аввал миясида шундай сайқал бериб олардики, кейин бу бандлар қоғозга «тукилгани»да биллурдай жилоланиб турарди. Ана шундай устозлар ва уларнинг бошқа сафдошлари битта умумий ишни, аниқроғи — ягона ишни, амалга оширишди...

Бу авлод салкам қирқ йил мобайнида шеърятимизнинг қиёфасини белгилаб келди, адабиётга кейинроқ кирган «иккинчи эшелон»даги шоирлар эса, устозларнинг бу ишларини давом эттирдилар. Аммо сўнгги йилларда устозларнинг кўпчилиги орамиздан кетди. Эҳтимол, шу боисдан янги авлоднинг кириб келиши кўзга ялт этиб ташлана қолгандир... Йўқ, мен бу ёшларнинг шуҳрат топишига бирдан-бир сабаб — мана шу, демоқчи эмасман, асло, ундай эмас!

Мен фақат китобхонлар билан танқидчиларнинг идрокида сўнгги авлод шоирларини нима бирлаштириб турганини изоҳлаб бермоқчиман, холос. Чунки улардан баъзиларнинг ўртасида ўн ёш фарқ борлигини ўзингиз ҳам айтдингиз. Йўқ, улар шеърятга устозлардай инқилоб киритмаган бўлсалар ҳам, менинг назаримда, аввалги ютуқлардан фойдаланишга, лекин айни замонда, идроклаш ва мулоҳазакорликнинг янги поғонасига, шеърини аниқлик ва бақувватликнинг янги босқичига

кўтарилишга ҳаракат қилмоқдалар... Ёшлардан энг ёрқинларининг маҳорати, ижоддаги барвақт камолоти — ҳам шахсий истеъдоднинг, ҳам шубҳасиз, умуман шеъриятимиз баркамоллигининг натижасидир. Улар ўзларига қадар ишлаганларнинг елкасида турганликлари учун, энди олисроқ масофани кўрмоқдалар.

— Афтидан, кекса авлодга мансуб устозларнинг ҳаётдан кетиши ҳақиқатан ҳам аллақандай руҳий чегара бўлиб, ана шундан янги ҳисоб бошлаганга ўхшайди. Танқидчилик ёш шеъриятнинг баъзи намояндаларини устозларга: айтайлик, Эркин Воҳидовни Ҳамид Олимжонга, Абдулла Ориповни Усмон Носирга жуда ҳам бажонидил қиёс этаётганлиги бежиз эмасдир... Шундай таққослаш тўғрими?

— Маълум даражада ва маълум кезларда — тўғри. Лекин шуни айтиш керакки, ҳеч бир нарса такрорланмайди, ёш истеъдоднинг қандай ўсиб ривожланишини олдиндан башорат қилиш жуда қийин. Эркин Воҳидов ёза бошлаган пайтларда, менинг ўзим уни бир учрашувда мажлис аҳлига таништира туриб, Ҳамид Олимжонга қиёс этгандим. Ушанда бундай қиёс табиий эди. Воҳидов маълум шаклга кирган, тиниқ шеърият сарпардасида қалам тебратарди, бунда ҳиссий равшанлик ақлий асосдан келиб чиқади, ҳар бир сўз эса, бамисоли линзадек сайқал олгани учун ҳаётни кутилмаган тарзда катталаштириб кўрсатади. Хуллас, Воҳидов шеъриятга илк бор қадам қўйганида Ҳамид Олимжон сарпардасида куйлади. Услубида ҳам, ҳатто мавзу танлашида ҳам кўп ўхшашлик бор эди. Лекин

тақлидчилик ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас эди, албатта. Воҳидов ёзишда давом этди. Олти ё етти китоб чиқарганидан кейин, у арузда ёзилган ғазалларини тўплаб, «Ёшлик девони»ни нашр эттирди. Бу — илгари арузда ҳеч қалам тебратмаган ёш шоирнинг яхши тажрибаси, машқи ҳаммамизни қувонтирди. Шоир муваффақиятли равишда арузда ёзишни давом эттиряпти. Мен ўзим арузда ҳеч ёзмаган эдим. Аммо менга шу нарса бегумон эдики, аруз кўпинча шоирни араб ва форс сўзларини кўпроқ ишлатиб қўйишга, кўп сўзликка мажбур қилади. Масалан, кўпинча маснавийда, ҳар бир иккинчи мисра ўз-ўзича яшамайди, балки ўзидан олдинги мисра учунгина яшайди, бизнинг шиддаткор давримиз эса сўзларни ҳам тежашга даъват этади.

Абдулла Ориповга келганда эса, унинг истеъдодли эканлиги ҳам аён кўриниб турган нарса. Билмадим, Абдуллани Усмои Носирга қиёс этиб бўлармикан. Қайси жиҳатдандир бўлар, икковининг истеъдоди ҳам барвақт ва ялт этиб нишона кўрсатди... Орипов ёш бўлишига қарамай, воқеликка кенг, дадил назар билан қарайди ва ҳамма нарса ҳақида содда қилиб, ўз тили билан сўзлаб беришдек нодир қобилиятга эга. Унинг тили халқ нутқининг дурдоналарига бой бўлганлигидан аниқ, гоҳо сал бетакаллуфроқ ва жуда ҳам ифодали. Мени қувонтирган нарса шуки, Абдулланинг деярли ҳар бир шеъридан хоҳ узун, хоҳ қисқа бўлсин — ўзинг истаган эзгу мисрани, руҳингга таъсир қилувчи янги гапни топасан. Афсуски, буни ҳамма шоирдан ҳам топиб бўлавермайди.

Омон Матжон, Гулчеҳра Нурулласва, Ойдин Ҳожиевалар ҳам диққатни ўзига тортади. Мана Ҳалима Худойбердиева ҳам шеърингга ажойиб сарбасталик билан кириб келди. Мутлақо бир-бирига ўхшамаган кўп ажойиб ёшларни тилга олиш мумкин эди, лекин шунинг қувонч билан айтгим келадикки, истеъдодга яраша ёшлик ва ҳаётни чуқур фикр этиш, образлиликка интилиш уларга хосдир.

— Сўнгги саволим: шеърларингизнинг рус тилига таржима қилинишига ва умуман таржима муаммосига муносабатингиз қандай?

— Менинг учун бу муаммо рус тилига, рус адабиётига муносабатимнинг ҳамма жиҳатлари билан алоқадордир. Рус адабиётига айрича муносабатим қўлимга энди қалам тутган пайтларимдаёқ бошланган. Бир сафар Ҳиндистонда мендан, икки тилда сўзлашишингиз шоирлигингизга халақит бермайдими, иккинчи тилни билишингиз она тилингни чуқур ҳис этишингизга монелик қилмайдими, деб сўраб қолишди. Табиий, мен бу саволга, албатта, асло ва асло деб жавоб бердим.

Гап бу ерда фақат, Гёте айтганидек, бошқа тилни билмасдан туриб, ўз тилингни қадрига тўла ета олмаслигингиз ҳам эмас. Ахир, ҳаммага маълум-ку: рус адабиёти ўзбек совет ёзувчиларига бош ва пешқадам устозлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, рус тили эса, биз учун кенг жаҳонга очилган беқиёс деразадир: русча таржималар орқали биз, бир томондан, жаҳон классикаси билан ошна бўлиш имкониятига эга бўлдик, иккинчи томондан, ўзимизни жаҳонга танитдик... Рус классикасини таржима қилиш борасида олиб борган ишларимиз



эса — қўрқмасдан айта оламанки, беистисно ҳар биримиз учун — машаққатли, айни замонда олий ва зарур мактаб бўлди. Мен, шеъроят даргоҳига эндигина кириб келган пайтимда Ҳамид Олимжон мендан: қайси рус ёзувчиларининг қайси асарларини севасиз, деб сўраган эди. Мен ўзбекча таржима қилинган асарлар борки, ҳаммасини ўқиганман, дедим, у, бу оз, жуда ҳам оз, деди. Биринчидан, деган эди у, ўзбекчага қилинган таржималар кўп эмас, энг муҳими эса, асл нусхани ўқишга киришиш керак, ана шундагина асар тилидаги бутун муаттарликни, ширадорликни ҳис этиб, бирон нарса ўқиш мумкин... У менга олиб келган биринчи рус китоби — Некрасовнинг тўплами бўлди. Мен ўзимнинг рус тилини ўрганишдаги нуноқлигимни енгиб борганим ҳолда, уни тез ўқиган, шеър шаклининг ҳузур-ҳаловат бахш этувчи эркинлиги, фикрнинг соддалик ва жўшқинлик билан ифода қилиниши мени нақадар ҳайратга солгани ҳали ҳамон эсимда.

Энг муҳим ва ҳаётий воқеаларнинг ҳаммаси шеърларда жуда ҳам одмилик билан баён этилгани умуман ажабланарли эди... Бу ажабланиш, ҳайрат узоқ вақт мен билан қолди ва кейинчалик Некрасов шеърларини кейин «Рус аёллари»ни таржима қилиш жараёни маҳоратда анчагина баландроққа кўтариб қўйгандек бўлди. Некрасовдан кейин Пушкин, Лермонтов, Блок, Маяковский ҳамда Есенин, бошқа совет шоирлари менга суюкли бўлиб қолдилар. Аммо мен шеъроятда Некрасовга бир умрга бениҳоя қаттиқ ихлос қўйдим, уни ўйласам, илк севгининг романстик нафаси уфуриб тургандек бўлади.

Рус шеърляти менга кўп наф етказди десам, бу ҳам жуда оз. Мен ўзимни рус шеърляти, рус тилисиз мутлақо тасаввур қилолмайман. Бинобарин, табиийки, менинг ўз шеърлий оламим кенгроқ майдонга чиқаётганлиги, яъни шеърларим рус тилига қандай таржима қилинаётганлиги мен учун асло фарқсиз эмас. Шеърни умуман таржима қилиб бўлмайди, деган гапга маълум маънода қўшилишга тайёрман. Аммо ижодкор таржимон (фақат шундай таржимон ҳақида гап юритса арзийди) бошқа тилдаги асарни ўз тилида бошқатдан яратади. Бундай таржимон шоирнинг бутун услуб хусусияти, образларини, ўзлигини тўла сақлагани ҳолда бирон нарсанинг баҳридан ўтишга, борингки, бирон нарсани ҳатто ўзидан қўшишга ҳақлими? Сўзсиз! Йўқ, мен ўзбошимчалик ёки тўла эрк тарафдори эмасман, мен асл нусхадаги баъзи сўз, мисраинг таржимаси аслидай жарангламаса, тушунилмасагина шундай қилиш мумкинлиги ҳақида гапиряпман. Ҳар бир бадий асар худди тирик организм каби ўзга муҳитда, ўзга иқлимда табиий, уйғун яшаши керак.

Мен кўпгина рус таржимонлари билан ишлашга мушарраф бўлдим, улар билан биз кўп жиҳатдан айнан биргаликда ишлаймиз. Бир томондан, мен уларни ҳар бир янги асаринг ички ҳаётига олиб киришга ҳаракат қилсам, улар ўз навбатида, баъзан баъзи мисраларнинг таржимада ўз ифодасини тополмаслигига ишонтирадилар ва мен унинг баҳридан кечишларига ихтиёр бераман.

Ўз шеърларининг рус тилига таржима қилинишидан — кўп сабабларга кўра — ҳая-

жопланмаётган биронта ҳам ўзбек шоири бўлмаса керак. Бироқ афсуски, ўзбек шеърятдан чинакам ижодий тарзда қилинган таржималар исталганига нисбатан анча кам, бунга таржимонларгина эмас, шоирларнинг ўзлари ҳам айблимасмиканлар, деб ўйлайман. Қўпинча таржимага эътибор: ўзига таржимон топиш, таржимани (иложи бўлса Москвада) бостириш ғамини ейишдангина иборат бўлиб қоляпти... Сиз билан биз гап юритган янги, ёш ижодкор авлод бунга бошқачароқ муносабатда бўлишларини, таржиманинг сифати, таржимоннинг ижоди улар ижодига яқин бўлишига аҳамият беришларини умид қиламиз. Бу йўлда уларга тилакдошман ҳам.

## ГУЗАЛЛИК ЯШАГАН ҚАЛБ

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони санъати»  
журнали махсус мухбири Анвар Журабоев  
олиб борган.

— Суҳбатимизни Сизнинг «Рашк» шеърингиздаги қуйидаги сатрлар билан бошлагим келяпти:

Ҳовуч-ҳовуч ичади қизча,  
Сероб бўлиб кетар ташна лаб.  
Шеърим ўқиб, бир ҳовуч сувча  
Баҳра олармикан бирор қалб?

Шундай деб ёзганингиздан буён чорак асрча вақт ўтибди. Бу йилларда ҳам ижод заҳмати билан яшадингиз. Китобларингиз мамлакатимиз халқлари ва жаҳондаги кўп тилларда нашр этилди. Ўша «Рашк» шеърингизни ўқиб, машҳур рус шоири Николай Тихонов: «Шеърингиздан бир эмас, юз эмас, балки минглаб қалблар баҳра олмоқда», деб ёзган эди.

— Вақт деган ҳаққоний ҳакам ҳам бор-ку. Ҳар бир ижодкор вақтнинг ғалвиридан омон чиқиб, узоқроқ яшайдиган асарларни орзу қилади.

— Ҳозир-чи? Шеърларингиздан ўқувчи қалбининг баҳра олиш-олмаслиги Сизни «Рашк»ни ёзган пайтингиздагидай ташвишлантирадимми?

— Кўпроқ. Ижодкор ҳаминша шу туйғу

билан яшаши керак. Ҳамиша! Умрининг охиригача. Ижодкор шу туйғуни йўқотдим, тасомом, унинг ижоди ҳам ниманидир йўқотади.

— Узингизни қачондан бошлаб шоир ҳисоблагансиз?

— Ҳар бир шеъримни ёзаётганимда, унинг ўтли туйғулари билан яшаётганимда «Мен шоирман» деб ўйлайман. Бирор жойда чоп этилгандан сўнг эса «Қачон шоир бўларкинман?..» деган хаёл дилимдан кечади. Чунки мен чоп этилган шеърларимда қалбимдаги қувонч, дард, ҳаяжонларнинг сувратини кўргандай бўламан, лекин ҳар гал уларга нимадир етмаётгандай, нимасидир аслига ўхшамаётгандай туюлаверади...

— Шу ўринда яна бир нарса сўрагим келди... кўпчилик шоирларимиз дostonлар, шеърӣ романлар ёзишди, ёзишяпти. Сизда эса кичик dostonлар ҳам бармоқ билан санарли?

— Санъаткор катта фикрларни мўъжаз шеърларда ифодалаши керак, деб ўйлаганим учундир, балки? Мен Марина Цветаеванинг «Шеърӣят энг кам сўз билан ифодалаш санъатидир», деган гапларини яхши кўраман.

— Баъзи катта авлод вакилларига мансуб шоирлар ҳақида гап кетганда: «Уларда тажриба катта, осонгина ёзади» дейишади. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Шоирлик — касб эмас. Чинакам шоир «Мен энди ёзишни ўргандим», деб айтолмайди. У ҳар гал қўлига қалам олганда, биринчи шеърини ёзаётгандек, ҳаяжонга тушаверади, қийналаверади. Мен бундай ҳолни доим бошдан кечираман.

— Бўлмаса шоирликнинг бош «сир»ини

нимада деб ўйлайсиз? Янги ташбиҳлардами, метафоралардами?

— Фикрда, ғояда! Бутун вужудини тугёнга солиб: «Бугун айтмасанг, ҳалок қиламан!» деб қалбингга ҳайқириб турган фикрда! Фикр шаклни ҳам, метафора, ташбиҳларни ҳам ўзи етаклаб келаверади.

— Сўз, унинг қудрати...

— Сўз — ўша фикрларнинг яшаш тарзи, гапириш тарзи. Шоир сўз танлашда хато қилса, унинг фикрлари ҳам хато гапира бошлайди.

— Сухбатимиз шеърият ҳақида бўлаётгани учун Ҳенрих Ҳейненинг бир гапини эсладим: «Аёлни илк бор гулга ўхшатган одам буюк шоир бўлган. Уни иккинчи маротаба гулга қиёслаган шоир эса оддий бир лақма, холос». Сизнингча, шоир ҳақми?

— Юз фоиз. Чунки тақлид — шеъриятнинг душмани. Ундан қочиш керак, дейишади баъзан. Йўқ, уни бутунлай йўқотиш керак.

— Сизни адабиётимиздаги нималар кўпроқ ташвишга солади? Нималар қувонтиради?

— Адабиётимиз, шеъриятимизнинг халққа, халқ ҳаётига тобора яқинлашаётганидан, ҳаётимиздаги муҳим муаммоларни дадил кўтараётганидан қувонаман. Сафимизга дадил, билимдон ёшлар кириб келаётганидан жуда хурсандман. Уларнинг шеърларида классик ва совет шеъриятининг яхши таъсирларини сезаман, бугунги қайноқ ҳаёт нафасини, ғояларимизга садоқатни, курашувчанликни ҳис этаман. Бу ёшлар юксак адабиётимизни яна баландга кўтарадилар деб жуда ишонгим келади.

— Хотин-қизлар шеърляти ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Ёнимга жуда кўп сингилларим шовул қўшилишди. Эътибор Охупова, Гулчеҳралар, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Муҳтарама Улугова, Қутлугбека Раҳимбоева... Уларнинг бари меҳнаткаш, изланувчан. Шеърлари ҳақидаги фикрларимни доим ўзларига айтиб келганман.

— Шоир шахси ҳақидаги фикрингизни ҳам билмоқчи эдим... «Ёмон одам яхши шоир бўлолмайдди ёки яхшиси ёмон ёзолмайдди» деган гаплар айланади давраларда. Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Ҳар кимнинг асари ўзига шундайгина ўхшаб туради... Биз санъат ҳақида суҳбатлашмоқчи эдикми?

— Албатта. Лекин рухсатингиз билан санъатнинг бир тури бўлмиш шеърят ҳақида яна сўраб, у-буни билиб олсам...

— Марҳамат.

— Ойларча, йилларча шеър ёзмаган вақтларингиз бўлганми? Ижодингизни кузатсак, туркум-туркумлар орасида баъзан катта фурсатлар ўтади?

— Тўғри, шундай бўлади. Лекин ўша «катта фурсатлар» шеърсиз яшалди, деган гап эмас. Шеърнинг ёзилиши учун гоҳ лаҳзалар кифоя, гоҳ йиллар етмайдди. Ўзимга қараб, кўпчилик шоирларда ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлайман.

Таваллудимнинг эллик йиллигини нишонламоқчи бўлишди. Ҳамма мева ҳам тезпишар бўлмаганидек, менинг ижодим ҳам «инқиروز» да эди, деярли икки йил шеър ёзмаганман, журнал, жамоат ишлари...

Меҳнат таътилимни олиб, узоқ ижод уйларидан бирига кетдим. Бир неча кун яшадим — шеър дарди қийнади, қанча қоғозларни қоралаб ташладим, лекин ҳеч нарса ёзолмадим... Фарғона водийсига кетгим келди. Бордим, Водилдаман. Дала айланаман, табиатга тўймай боқаман, одамлар билан суҳбатлашаман. Кўз олдимда шеърдан гўзал, мукаммал дунё! Қарабсизки, бахт дариб, уч кун деганда сатрлар ёнига сатрлар кела бошлади. Инсон ва табиатнинг ҳар бир неъматини: ақиқ юлдузлар, зумрад далалар, жилдираб оққан тиниқ-тиниқ сув остидаги паллак гулларини эслатувчи ранг-баранг тошчалар — ҳамма-ҳаммаси шеърга айланар, қўлга тутиб кўрса бўладиган мунчоқлар шодасидай тизилиб келар, мендан бахтлироқ одам йўқ! «Уйлар» номли шеърини тўплашим ўша масъуд қирқ беш кунда Водилда ёзилди.

— Оҳ, ижод дардгинам!

Сен менинг оромим рақиби...

Гоҳ чорлаб, гоҳ дейман,

«Кет йироқ!»

Эй менинг умримнинг эгови,

Мен уйқу истайман.

Шеър дови бўласан,

Кетмайсан, қувсам ҳам...

деган сатрларингизни ўқиб, «Уйлар» осонгина ёзилибди дейишга ҳам ҳайронман...

— Мен эса саволингизга жавоб айтмоқчиман. Ижодкорнинг шеърсиз кунлари ҳам мана шундай қалб «портлаши» учун ҳозирлик лаҳзалари бўлади. Мушкул заҳматлари, уйқусиз тунлари эвазига кўкартиражак ҳосилига дон сочиш лаҳзалари бўлади.



— Яна бошқа шеърларингизнинг яратилиш жараёнларига қизиқаман. Йирик адабиётшунослар, мамлакатимизнинг етакчи шоирлари ҳам Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақидаги «Суроқлайди шоирни шеърим» асарингизга ҳақли равишда юксак баҳо беришган. Улар Ҳамзани асраб қололмагани учун табиатга қилган таънангизни адабиётда ҳали айтилмаган фикр дейишган эди.

Тупроқ! Бош эгаман ҳар бир зарраингга,  
Лекин таъна билма, дил қилса суроқ.

Кўксинг жой инсонга,

хоин,

кун,

тунга,

Меҳр, дард, қудратинг даҳоси сиёқ,

Мудом уйғоқсан-ку,

уйғоқсан мудом!

Наҳот шоир сенга эди ёт тақдир?

Ёки ҳиммат, шафқат, эзгуликка ром

Онадай, меҳрдан гоҳ-гоҳ сен басир —

Нечун ёрилмадинг, ёв оёғидан,

Қаърингга ютишдан қилдингми ҳазар?..

Тоғлар!

Нечун тўсмадингиз мисоли қалқон?

Оқсув билан Кўксув икки қўл бўлиб,

Оқсув билан Кўксув қирғоқни бузиб,

Нечун оч гирдобга тортмади ёвни?..

Мен бу шеърни ҳар гал ўқиганимда ларзага тушаман. У ҳам Водилда ёзилганми?

— Ҳа. Сирасини айтганда, мен Ҳамза ҳақида шеър ёзишга тайёрман деб уйламасдим. Чунки бу улуг инсон, инқилобчи шоиримиз ҳаёти — Ойбек, Ҳамид Олимжон, рус шоири

Михаил Светлов, латиш шоираси Мирдза Кемпе ва бошқа жуда кўп ижодкорларнинг ажойиб асарларига мавзу бўлган эди.

Ушанда Ҳамза қабрини яна бир зиёрат қилиш учун Шоҳимардонга борган эдим. Атроф ниҳоятда гўзал. Оқсув билан Кўксув кўм-кўк, осмону қушлар парвозини ўз тўлқинларида сувратлантириб, оқиб ётибди. Қорли тоғлар этагида минг хил чечаклар. Пойида нур, бошида нур, шабада уларни эркалайди. Руҳим шундай енгил эдики, гўё мени юзлаб кўринмас қўллар кўтариб, яйратиб юргандай. Бу — Ҳамза орзу этган, ҳаётини қурбон қилган азиз, шу қадар қимматга тушган замонамизнинг еру осмони эди.

Сўнгра тепага — Ҳамза мақбарасига кўтариламиз. Меҳримизни қучоқ-қучоқ гуллари-миз билан сукут сақлаб айтамиз. Музейга кирамиз. Ўша ерда тошбўрон қилиниб, қонга беланиб ётган шоирнинг фотосуратини кўрдим. Шунча гул, нур бағридаги ҳаяжонларимиздан сўнг бу суврат мени ларзага солди. Ўша дақиқадан бошлаб Ҳамза ҳақидаги ўйлар билан яшай бошладим. Туни билан ухламадим, ёздим, ёздим. Ёзаяпману нур билан зулмат кўз олдимда курашаверди, шоир фожиасига чуқурроқ киравердим...

— Сиз айтаяпсизу ҳозир яна ўша дамлар ҳаяжони билан қайта яшаётганингизни ҳис қиляпман. Агар бир нарса мене бўлиб, ўшанда ёзолмаганингизда бари бир бугун ёзардингиз деб ўйлаяпман...

Адабиётшунос Наим Норқуловнинг «Шоирапи юксакликка ундаган куч унинг қалбидаги ўтидир» деган гапига ҳозир яна бир бор ишонапман.

— Сиз айтганча бўлса, бу ўтти қалбимга Машраб, Фузулийни севиб ўқийдиган онам солганлар. Қийинчиликларга тик қарашни, меҳнатни ҳаётнинг маъноси деб билишни эса отамдан сабоқ олганман.

— Онангиз Хадича опани моҳир каштачи ҳам бўлган дейишади...

— Аёл аҳли гўзалликка мойил. Зеро, аёл мансабининг ўзи илоҳий гўзалликдир. Менинг онам ҳам гўзалликни севардилар. Ҳовлимиздаги райҳону жамбил, гулу ўсмаларни меҳр, завқ билан парвариш қилардилар. Қиз узатганларида оиламиз ташвишлари бошларидан ошиб ётганига қарамай, энг яхши туҳфа сифатида бериладиган палакни онам янгам билан биргаликда тикканлар. Ўзлари ипак қурти боқдилар, пилладан толалар ажратиб олиб бўятдилар. Палак ана шу тариқа яратилди. Ундаги қуёш тасвири кўнглимиз, уйимизга ёруғлик соларди.

— Ўша палак ҳозир қаерда?

— Онам менга ҳадя қилганларидай, санъаткор момосидан ёдгорлик деб палакни мен ҳам қизимга топширдим.

— Онангиз қалбингизга ташлаган чўғни кимлар аланга олди?

— Хотин-қизлар педагогика билим юртида Тошпўлат Саъдий, Шукур Саъдулла каби шоирлар олиб борадиган адабий тўғаракда менинг шеърийатга бўлган ҳавасим улғайди. Ёзувчилар союзи қошида Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун каби ўша вақтдаёқ машҳур, суюкли шоирлар раҳбарлик қилган семинар машғулотида ҳавасим орзуга айланди, қаламимга далда берилди. Навоий, Фузулий битган муҳаббат, қаҳрамонлик достонларини

ўқиб, шеърят менинг эҳтиёжимга айланди. Рус классиклари — Пушкин, Лермонтов, Некрасовни ўрганиб, поэзияни ҳаётимнинг маъноси деб билдим. Бу гапдан мени фақат ўқиб шоир бўлибди деб ўйламанг, менинг устозим энг аввал инқилоб туфайли янгиланган ҳаёт эди. Менинг илҳомим қураётган, курашаётган, енгаётган, баъзан ташвишли, баъзан бахтиёр, беором, безовта халқим эди. Ҳозир ҳам шундай.

— Сиз Ҳамид Олимжонни эсладингиз... Бу оташқалб ижодкорнинг иш услуби кўпларни қизиқтиради?

— Мен унинг ҳеч қачон «Бу ишим қолиб кетди!» деб куйиб-пишганини эслай олмайман. Ҳамид Олимжон аниқ мақсадли, собит ишончли, қатъий интизомли инсон эди. У ижодга ҳам, онлага ҳам, дўстлари асарларини ўқиб фикр айтишга ҳам, ёрдами керак одамларга кўмак беришга ҳам — ҳамма-ҳамма эзгу ишларга улгурарди.

— Ҳа, улуғ шоиримиз таржима соҳасида ҳам катта ишлар бошлаб кетганлар. Кейинчалик бу соҳа кенгайди. Менга сизнинг Некрасовдан қилган таржималарингиз жуда ёқад.

— Авваллари Пушкин ва Лермонтовнинг бир қатор шеърларини ўзбекчага ўгирган эдим. Қирқ-эллигинчи йилларда Некрасовнинг «Рус аёллари»ни ўқидиму шу дostonдан бир зум узилолмай қолдим. Ушанда русчани ҳозиргидай билмасдим, кўп жойларини фақат қалб ҳисси билан ўқирдим, қалбим билан тушунардим. Уша кўплар мен Волконская ва Трубецкаянинг синглисидай эдим. Қандай таржимага киришиб кетганимни билмайман.

Мен гамгин муҳаббат, тоғдай тоқат қисса-сининг ўтларида ёниб юрган пайтларимда матбуотда шу дostonнинг Мақсуд Шайхзода, сунгроқ Насрулло Охундий томонидан қилинган таржималаридан парчалар босила бошлади.

— Тўхтатмадингизми?

— Хаёлимга ҳам келмади.

— Меҳнатим зое кетади, деб чўчимадингизми?

— Менда «меҳнатим куюди, таржимам босилмай қолади» деган ўй ҳеч қачон бўлган эмас. Ҳар доим ўзим учун таржима қила бошлайман. Шу жараёнда катта ижод мактабини ўтаман.

— Кейин Некрасов достони таржимасини қаршиликсиз чоп этишдимми?

— Бир неча бор. Мен ҳар гал унга янги-дан сайқал бердим.

— Мустай Қаримнинг «Ой тутилган тунда» асарини ҳам ўзингиз севиб ўзбекчалаштиргансиз-а? Уни ҳам русчадан таржима қилдингизми?

— Қўлимда унинг асл бошқирдча нусхаси ҳамда рус тилига сўзма-сўз таржимаси ҳам бор эди. Бир неча саҳифагача сўзма-сўз таржималарига қиёслаб ўгирдим. Қарасам, асли ҳам тушунарли. Руҳи руҳимга, тили тилимга яқин. Баланд, шиддатли асар, қийналмай яхши кўриб ўзбекчалаштирдим. Умуман, Мустай Қарим совет адабиётимизнинг катта адибларидан бири.

— Расул Ҳамзатов, Михаил Дудин, Қайсин Қулиев, Мустай Қарим каби машҳур ижодкор дўстларингиз кўп. Уларнинг ҳар

бири ижодингиз ҳақида тўлиб-тошиб гапиришади.

— Мақташади, демоқчимисиз. Қойийдилар ҳам. Ўзбек шеърятининг овози баландлаётган, йўллари узайиб бораётган экан, бу қардош ва рус адабиётининг таъсири, албатта. Сиз айтган шоирлар бир менинг эмас, адабиётимизнинг ҳам дўстлари. Бирлик, биродарлик бор жойда юксалиш бор. Мана, санъатнинг бир тури — рассомликни олиб кўрайлик?

— Сиз бу соҳани қандай ҳис қилишингизни биргина «Қўшиқ» шеърингизнинг ўзи айтиб турибди:

Ҳар ерда қалбингиз ранг бўлиб

сочилмиш:

Муҳаббат ва гурбат, садоқат, адоват

Достони бўлиб гоҳ,

Саройлар девори, пештоқдан,

Зарварақ суратдан

Гоҳи тонг, гоҳ шафақ сингари боқади

ярқираб.

Ўзбекнинг ўтмиши,

Бугунги инсоннинг шуҳрати жаҳонни

тутмиши,

Сиздаги заковат кучидан

Ёмғирдан сўнг чиққан офтобдай

очилмиш,

Қўшиққа айланмиш сеҳргар мўйқалам

ном найда.

— Мен Чингиз Аҳмаровнинг ҳар бир янги асаридан қувонаман. Унда ўтмишдаги миниа-тюра санъатимизнинг энг яхши анъаналари билан бугуннинг ёрқин нафаси уйғун. Аж-

додларимиз яратган санъат Чингиз Аҳмаров, у кишининг талантли шогирдлари Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов ва бошқа ёшларимиз мўйқаламларида қайта жон олаяпти, бойиб боряпти.

— Санъатнинг бошқа турларини ҳам шундай диққат билан кузатсангиз керак?

— Санъатсиз олам — ғариб-ку, қашшоқ-ку! Унинг ҳамма тури ҳақида ҳам қувониб айтадиган ютуқлар бор. Мана, меъморчилигимизни олайлик. Биноларимиз минг йиллик шарқона безаклар билан нақадар кўркем. Лекин у бугуннинг ҳам кашфи экани сезилиб туради.

— Ҳаётни қўшиқсиз тасаввур қила оласизми?

— Билмадим, лекин менга бундай тасаввур ёқмайди. Мен Ҳалимахоним, Юнус Ражабий, Назира Аҳмедова каби санъаткорлар ашулаларидан қанчалик завқ, қудрат олсам, ёшларимиз ижросидан ҳам шунчалик завқланаман. Кези келганда айтай: катта санъаткорларнинг энг гўзал ижролари — халқимиз бойлиги, маданиятимиз мулки. Уларни, албатта, ёзиб қолдириш керак. Улар фақат кеча ёки бугунга эмас, эртамизга ҳам хизмат қилиши керак. Менинг набираларим ҳам «Муножот» ёки «Тановор»ни тинглаб, мендай ҳис-ҳаяжон пўртанасида қолишини истайман. Бунинг учун фан-техника тараққий этган давримизда барча имконият бор. Энди мендан ансамблларимиз ҳақидаги фикримни сўрайсиз-а?

— Ҳа, аввал опера ва балет театримиз ҳақида сўрамоқчи эдим...

— Опера ва балет театримизга кириб ту-

раман. Кўпроқ балет кўраман. Композитор Улуғбек Мусаевга мана шу суҳбатдан фойдаланиб: «Санъатимиз ривожига қўшаётган ҳиссангиз учун раҳмат, парвозингиз яна ҳам авжли бўлсин», дегим келади.

— Энди ансамблларимизга гал келди.

— Ансамблларимизнинг номи турли хил: «Лазги», «Садо», «Шодлик», «Гўзал». Улар репертуари, либослари, ижро усуллари билан ҳам турлича. Мен ҳозир «Ялла» ҳақида гапиргим келяпти. Улар дастлаб энди йўлга кирган болалардай овдир-довдир юришди-ю... бугун ўз йўлларини топиб олишди. Битмас-туганмас ҳазинамиз — халқ қўшиқлари улар ижросида янгича сайқалланяпти. Халқимиз руҳини мамлакатимиз шаҳру қишлоқлари, ҳатто чет элларда ҳам улар қўшиқ қилиб айтиб келишяпти, мукофотлар олишяпти. Бундан шодланмай бўладими? Ғанижон Тошматов раҳбарлигидаги дуторчи қизлар ансамбли ҳам менга ёқади. Бири-биридан суюк, бири-биридан ширин болалар ансамблларини айтмайсизми? Тагин уларнинг ўз ашулалари, ўз рақслари бор. Болаларнинг саҳнага чиқиши фақат бизга эмас, уларнинг ўзига, тенгдошларига ҳам байрам. Санъатга муҳаббатни болаларимиз қалбида эртароқ уйғотишимиз керак. Улар гўзалликни эртароқ тушунишлари, севишлари хусусида қайғурмоғимиз керак. Эзгулик, гўзаллик яшаган қалбга эса ёвузлик киролмайди. Мен бу жиҳатдан болалар ансамблининг барча ташкилотчиларини табриклайман.

— Театрни яхши кўрасизми?

— Ҳамза номидаги театрнинг жиддий, яхши спектаклларини ёқтираман. Ҳамма ак-



тёрларга ихлосим баланд. Улар жуда заҳмат-каш санъаткорлар.

— Санъаткорлар ҳақида гап очилди. Сиз «Уни Фарҳод дер эдилар» достонингизнинг қаҳрамони билан таниш бўлгансиз-а?

— Уни ҳамма танирди. Қобилқори Сиддиқов мен учун Қарим Зокиров каби истеъдодли ва қадрли артист эди.

— Санъатимиз муваффақиятлари ҳақидаги фикрларингиз бизни ҳам севинтиради...

— Бу соҳада камчиликлар ҳам бор. Давраларда гапиряпмиз, газета-журналларимиз ёзишяпти. Санъаткорлар, санъатшунослар бу гапларга эътиборсиз қарашмас, жиддий ўйлаб кўришар.

— Мавзу кескин бурилганидан узр сўрайман. Сизни аёллар қалбининг билимдони, дейишади. Ижодингизни чуқур билганларнинг хулосаси бу. Айтинг-чи ўттизинчи йиллар аёллари билан ҳозирги аёллар бир-биридан нима билан фарқ қилади?

— Ўттизинчи йиллар аёллари буюк инқилоб қайта яратган кишилар эди. Ҳамма ўз яратувчисига ўхшайди-да. Уларнинг жасорати, шиддати шундан. Бугунги аёлларни ҳам ҳурмат қиламан. Ўттизинчи йилларда яшаган бўлса, улар ҳам ўша давр аёлларига ўхшаган бўларди. Фақат битта истагим бор: бугуннинг аёллари икир-чикир, майда туйғулардан баландроқ бўлишини хоҳлардим.

— Сухбатимиз охирида бир-бирига ҳеч ўхшамайдиган саволлар берсам майлими?

— Ўхшамагани яхши эмасми?

— Нега проза ёзмагансиз?

— Шундай бўлди-да...

— Қундалик тутасизми?

— Йўқ, лекин бошқаларга тутишни мас-лаҳат бераман.

— Ўз китобларингизнинг нашрлари ҳақи-даги фикрларингиз?

— Келинг, ўзимникини айтмай. Бошқа-лар... бошқаларники ҳам ҳар хил. Сифатсиз қоғозларга босилаётган китобларга жоним оғрийди. Уларнинг саҳифалари бир-икки ва-рақласанг, тўкилиб кетади. Бундай китоблар келажакка бугуннинг сўзини олиб боришга ярайдими? Йўлларда қолиб кетмайдими? Ноширларимиз шу ҳақда қайғуришларини жуда-жуда истайман.

— ...Қайси гулни яхши кўрасиз?

— Бинафшани. Миттигина гул. Лекин қандай хушбўй у, қандай гўзал у. Ҳар кичкина жон ўзида шунча фазилатни асрай олса эди...

— Ҳозирча охири савол: Сизнинг оромин-гиз «рақиб»лари кўп...

— Қандай улгурасиз демоқчисиз? Улгу-ришим керак. Бу менинг партиявий бурчим. Халқим, минглаб ўқувчиларим даъвати. Бу-лар ижодкорни халқ билан боғлаб турадиган қон томирлари. Ана шу қон томирлари келажакка ишонч, элу юртига катта муҳаббат билан уриб турган ижодкор, граждон ижод-кор ҳамма юмушга имкон, куч топади.

## БУЮК ДАВРГА ҲАМОҲАНГЛИК

«Литературная газета»нинг махсус мухбири  
В. Тюриков Ўзбекистон ССР халқ шоири, СССР  
Давлат мукофоти лауреати Зулфия билан  
учрашиб, ундан бир неча саволларга жавоб  
беришни илтимос қилди.

— Сизнинг дастлабки шеърингиз матбу-  
отда пайдо бўлгандан буён кўп йиллар ўтди.  
Бугун шеърингиздаги илк қадамни қандай та-  
саввур қилишингизни, нима қўлингизга қа-  
лам олишга ундаганлигини, сизни гўзал  
ижод оламига етаклаган илк устозингиз ким-  
лигини билишни истардик.

— Шоирни шакллантириш учун, аслида  
табиатан мавжуд қобилиятни рўёбга чиқариш  
учун маълум бир муҳит лозим. Назаримда,  
менинг болалигим худди ана шундай муҳит-  
да ўтди ва унда, айниқса, онам асосий ўрин  
тутди. Онам сўзлаб берган дoston ва эртак-  
лар, ҳикоялар, унинг халқчил образли ифода  
тарзи менинг ёдимга чуқур ўрнашиб қолди  
ва шеърини тафаккуримнинг ривожига, бор-  
лиқни шоирона англашимга сабабчи бўлди.  
Онам ҳам аслида шоиртабиатли бўлиб ту-  
тилганига ҳали-ҳануз шубҳа қилмайман. Би-  
роқ у шоира бўлиб камол топмади. Чунки  
бунинг учун зарур шарт-шароит йўқ эди.

Отam Исроил Муслимов қуювчи эди. Ус-  
тахона уйимизнинг ёнгинасида бўлганлиги  
учун ҳам, мен унинг лаҳча чуққа айланган пў-  
лат эритмаларини турли шаклга солишини,  
ўша чўғ пўлатдан турли асбоблар ясашини

ҳайрат билан кузатишни яхши кўрардим. Олов ва меҳнат маҳорат билан бирикканда инсон кўп ишларнинг уддасидан чиқиши мумкинлигини ҳам мен болаликдан англаб етдим. Кейинчалик чарчаган ёки дилга танглик чўккан, лоқайдлик ҳукмрон бўлган дақиқаларда қўра тепасига энгашган отамнинг салобатли азиз қиёфасини, болғасининг бир маромда кўтарилиб тушишини эслашнинг ўзи менга ажойиб тарзда янги куч-қувват бағишларди.

Ниҳоят, бу ўринда энг асосий омил ҳақида сўзлаш керак. Мен мансуб бўлган авлод, мансублигим билан чексиз фахрланганим ана шу авлод қаҳрамонона инқилобий даврда, курашлар жараёнида ўсиб, камол топди. Бу бизнинг маънавий шаклланишимизда жуда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Акаларим ўзларини инқилобга, партия ва совет ишларига бағишладилар. Улар коммунист эди. Мен ҳам янги ҳаётнинг қайиновларига шўнғиб, келажак тантанасига баҳоли қудрат ўз улушимни қўшишни орзу қилдим, бошланғич мактабни битиргач, хотин-қизлар педагогика билим юртига ўқишга кирдим. «Қизил дурра» номли илк шеъримни ўша ерда ёздим. Ўша йиллар паранжисини ташлаган ва фабрика- заводларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг барчаси қизил дурра ўрашарди, бу уларнинг очиқ чеҳраларига ифтихор бўлиб тушарди. Менинг шеърим ўшаларга бағишланган эди.

Илк устозим кимлигини аниқ айтишим қийин. Гарчи педагогика билим юрти қошида шоир Шукур Саъдулла раҳбарлик қилган адабий тўгарак мавжуд бўлса ҳам, Ғафур

Ғулом, Уйғун ва бошқа шоирлар тез-тез келиб, бизга ўз асарларини ўқиб, бизнинг машқларни тинглаб, маслаҳатлар беришса ҳам, асл устозим, менимча, даврнинг, ҳаётнинг ўзи эди. Буларнинг барчаси бизнинг ўсишимизга кўмаклашган бўлса ҳам, яна асосий воситалардан бири китоблар деб биламан. Талабалик йилларимда китоб мутолааси мен учун билим манбаи ва шеърини маҳорат мактаби бўлди. Яна шуни такрорлайманки, менинг шоир сифатида шаклланишимда Ҳамид Олимжоннинг хизмати катта бўлди. Адабиёт соҳасидаги муштарак интилишлар бизнинг ўзаро ҳис-туйғуларимизни тўлдирарди ва бойитарди. Мен ундан шеър ёзишдай сермашаққат санъатнигина эмас, балки ўзимга ҳам, бошқаларга ҳам талабчанликни, ўз ижодимга, ҳар бир сатримга қаттиққўлликни ҳам ўргандим.

— Шу ўринда, газетхонларимизга ижодий лабораториянгиз, янги шеърнинг туғилиш жараёни туғрисида гапириб берсангиз. Шеърингизнинг беҳисоб мухлислари учун улар севиб қолган шеърлар қандай рўёбга келганлигини билиш, ҳар бир сатрнинг туғилишида қалбингиздан кечган холис кузатишларми, дилнинг дард ва шодликларими, бирдан йўқлаб келиб қолган илҳомми?— Буларнинг қайси бири етакчи омил бўлганлигини билиш жуда мароқли бўлур эди.

— Ҳар бир шеърнинг ўз тақдири бор. Баъзи шеърлар аста-секин ёзилади, баъзилари бир онда ёзилганга, ўзинг учун ҳам кутилмаган ҳолга ўхшаб кўринади. Бироқ бу шеърлар ҳам юрагингдан бирданига тўкилгани йўқ. Масалан, Тошкент зилзиласи ҳақи-

даги «Хотира сатрлари» номли шеър ўша мудҳиш ҳодиса содир бўлган дастлабки кунларда эмас, балки маълум муддат ўтгандан кейин атиги бир неча соат ичида ёзилган. Демак, бу шеърни «дафъатан», «бир зарб билан» ёзилди дейиш тўғри бўлмас. Бу мавзу анча вақт мени ҳаяжонга солиб, онг ва юракда обдан пишиб етилган.

Мен одатда шеърларни туркум-туркум шаклида ёзаман, кўп қораламалар қиламан, яъни айрим шеърларнинг айрим сатрлари ёзилиб қолаверади. Қалбдан бир неча мисраларга кўчган фикр ёки бу туйғулар бир эмас, бир неча шеърларга асос бўлиб тушади. Бу кўпинча баҳорда, гуллаган табиат ичра мен ўзимни қайта туғилгандай ҳис қилган кезларда содир бўлади. Табиатдаги буюк уйғониш: камалак, кўклам момақалдиरोқлари, жилғалар, ошён қураётган қалдирғочлар, баҳорги тошқинлар — буларнинг бари-бари шоирга ўзи шундоққина қоғозга кўчадиган шеър бўлиб кўринади, мусиқаси эшитилади. Лекин кейин, китобхонга тавсия қилишдан аввал, ҳар бир мисра, ҳар бир сўз устида, такрор айтаман, ҳар бир сўз устида, узоқ, қунт билан ишлашга тўғри келади. Ҳақиқий шеърят сени ўраб олган қайноқ ҳаётнинг завқу шавқи, қалбингнинг шодлигию дарди, кўрган-кечирганларингнинг теран фикр этилиши демакдир. Демак, шеър жамиятдаги, ўз замонанг ва ҳаётингдаги воқеалардан, бахт ва ташвишдан, оддий ҳаётинг орзу юмушлар тўла кунлардан, қайноқ ҳарорат ва меҳр тўла юракдан, меҳнат билан бедор ўтган тунлардан вужудга келади.

— Шеърининг ижтимоий моҳиятини, сизингча, нима белгилаб беради? Шеърятдаги граждaнликни қандай тушунасиз?

— Ҳаёт қайнар кўку сув, қуруқликда,  
Бетиним оқади нақ шалоладек.  
Бахтиёрсан сен ҳам шу уйғунликда,  
Инсон ўз азми-ла ҳар дамин безар.  
Кундузга оқшомлар қўйганида чек  
Бекор ўтган дамлар тош бўлиб эзар.

Ўз шеъримдан бу мисраларни эсга олишдан сабаб бу ерда маълум даражада менинг ҳаётим, бинобарини, ижодий позициям акс этгандир. Ҳар бир санъаткор ўз ижоди одамларга зарур, жамиятга хизмат қилишнинг биллиб яшаши керак, акс ҳолда ижод қилиб бўлмайди. Шоир қалбининг, интилишининг халқ дили ва орзуси билан туташлиги унинг шеърятдаги граждaнликни келтириб чиқаради. Бу фақат публицистик шеърларда ёки сиёсий масалаларга бағишланган асарлардагина намоён бўлиб қолмайди. Ҳатто, чуқур интим лирика ҳам граждaнлик руҳи билан йўғрилган бўлади. Пушкиннинг лицей дўстларига қарата ёзган шеърларини, Маяковский ҳамда Ҳамзанинг лирик асарларини, Қ. Симоновнинг унутилмас «Мени кутгил ва мен қайтарман...» шеърини эслайлик. Асосий гап ёзувчининг асосий позициясидадир. Ҳақиқий шоир ҳамиша ўз даврига ҳамоҳанг, замондошларининг ҳис-туйғулари ва фикрийларига ҳамдам бўлиб яшайди.

Менинг ҳаётимда ўта бахтиёр кунлар ҳам, мусибатли онлар ҳам кўп бўлди. Бироқ ҳатто энг оғир, мушкул дақиқаларда ҳам ўзим-

нинг дарду ҳасратларимни шеърга туширарканман, мени ҳаётга муҳаббатнинг ғолиб қудрати ҳеч қачон тарк этмади. Менинг шахсий ҳаётим халқ ҳаётининг бир заррасидир. Мен худди мана шунда ҳам граждандликнинг ифодасини кўраман.

Шеър сенинг қалбингнинг теран қатламларидан қуюлиб келаркан, у одамларга, ўз замондошларингга ҳамроҳ бўлишга яраркан, ижод жараёнида фақат ўзинг ҳақингда эмас, балки сен билан ёнма-ён туриб, меҳнатда мўъжизалар яратаётган — юрагингга яқин кишилар ҳақида ёзаётганлигини англаш муҳим илҳомдир. Ҳаётда бу кишилар ҳам шодлик ва ҳасрат, муҳаббат ва изтироб, ютуқ ва муваффақиятсизликларни бошдан кечирришлари мумкин. Улар ҳам ҳаёт ҳақида теран мушоҳада қилишадн, ахир. Баъзан айрим шоирлар, адабий танқидчиларимиз граждандликни бир ёқлама тушуниб, уни аллақандай мақолаларга ўхшаш шеърларга, публицистик мақолаларга ўхшатиб талқин қиладилар. Бундан аввало шеърингга путур етади ва шеърхонни шеърдан совутиб қўямиз.

— Шоир ўз ижоди тараққиёти жараёнида насрга ўтиши ёки бир вақтнинг ўзида иккала жанрда ижод қилиши ҳоллари адабиёт тарихида ҳам, ҳозирги адабиёт тажрибасида ҳам кўплаб учрайди. Романлар ёзаётган, драматургия ва ҳатто кинематография соҳасида самарали ижод қилаётган шоирлар бор. Бу ўринда А. Мухтор, Мирмуҳсин, Э. Воҳидов каби ўзбек шоирлари номларини санаб ўтиш мумкин. Сиз эса фақат шеър ёзасиз. Адабиётнинг бир тури — шеърингга бунчалик



қаттиқ кўнгил қўйишни нима билан изоҳлаш мумкин?

— Гап талантнинг ўзига хослиги, ижодкорнинг шахсий сифатлари, унинг майли, маълум жанрга садоқати ва ҳатто тафаккур тарзининг хусусиятида деб биламан. Адабий жараённинг ички қонуниятлари ҳам бунда катта роль ўйнайди. Пушкин даврида рус адабиётида шеърият насрдан кўра кўпроқ ривожланган ва Пушкин бунга кўрмаслиги мумкин эмас эди. У ўз адабиётини адабий ижоднинг барча тур ва жанрларига мансуб асарлар билан бойитишга интилди. Шубҳасизки, бу унинг насрда ҳам қалам тебратишига сабаб бўлган омиллардан биридир. Худди шунга ўхшаш ҳодиса, ўз навбатида, ўзбек адабиётида ҳам содир бўлди. Ўтмишда Шарқ адабиёти насрий жанрларда яратилган асарларга деярли эга эмас эди. Унда шеърият ҳукмрон эди. Рус, совет ва жаҳон адабиётлари таъсири остида Ўзбекистонда роман, қисса, ҳикоя жанрлари ривожлана бошлади. Бизнинг қатор шоирларимиз ҳам ўзбек насрини, шунингдек, драматургиясини ривожлантиришга катта аҳамият беришаётганлигини қисман шу билан изоҳлаш мумкиндир. Шахсан менга келсак, санъаткор сифатида ўзимни шеъриятдан айри тасаввур қилолмайман. Ҳозирча мени ўзига бутунлай жалб қилиб олган шеърият насрга ўтишга қўймай турибди. Бир пайтлар замондошимиз Турсуной Қаримова ҳақида очерк ёзишга қаттиқ эҳтиёж ҳис қилган ва уни ёзган эдим. Агар ёзувчи сифатида эмас, балки журналист сифатида ёзган қатор мақолаларни ҳисобга олмасак, ортиқ насрга қўл урмадим. Қим билсин, вақ-



Осиё, Африка ёзувчиларининг биринчи конференцияси кунларида Зулфия Африка делегациясининг вакили билан суҳбатлашмоқда. 1958 йил.



Зулфия ва ҳинд шоираси Амрита Притам мулоқотда.  
1961 йил.



Роберт Рождественский, Зулфия, Аали Туқомбоев.



Қозғиствлик шеър мухлислари дастхат олмоқдалар.



Зулфия ва СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева.  
1934 йил.



Зулфия машхур грузин шоири Ираклий Абашидзе  
билан суҳбатда. 1983 йилнинг октябри.



Уч авлод: Зулфия, Ҳулкар, Фотима. 1979 йил.





Зулфиянинг қўш қаноти — фарзандлари Ҳулкар ва Омон.  
1985 йил.

ти билан насрга майл пайдо бўлиб қолар, лекин ҳозирча, мен ўз мавзуимни шеърдан ўзга шаклда ифода этишга эҳтиёж сезмайман.

— Кейинги йилларда адабиётга, жумладан, шеърятга кўплаб ёш ижодкорлар кириб келишди. Бу қувончли воқеа, албатта. Бироқ баъзи ёшларга ўринли-ўринсиз равишда «талантли», «ниҳоятда иқтидорли», «келажаги порлоқ» ва бошқа сифатлар сахийлик билан нисбат берилаётганлиги сизни ташвишлантирмайдими?

— Адабиётимизга ёшларнинг гурас-гурас келиши — маданиятимиз бахти, улар бизнинг келажагимиз. Ёшлар ижодига ҳаддан ортиқ баҳо бериш улар ижодига парвосизлик, эътиборсизлик билан қарашдай зарарлидир. Кейинги пайтларда ижодкор ёшларга эътибор бериш ҳақида, уларга кенг йўл очиб бериш, ҳар томонлама ёрдамлашиш ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида катта ишлар қилинди ва бу ўз самарасини берди. Адабиётимиз ҳақиқий истеъдодлар билан гавжум бўлиб қолди. Буларнинг барчаси тўғри. Лекин ҳақиқий ғамхўрликни, талабчанликни пасайтириш ҳолидан фарқ қилишимиз керак. Айрим ёш шоирларга хос бўлган шеърий меҳнатга енгил-елпи муносабат ҳам бизнинг сахийлигимиз, кўнгилчанлигимиз оқибатидир. Бинобарин бу ўринда тажрибали, ёшларнинг эътиборини қозонган шоир ва ёзувчилар, Ёзувчилар союзимиздаги ижодий кенгашлар ёшларни рағбатлантириши ва талабчанликни оширишлари керак. Тўплам устида ишлаш борасида ёш шоирларга, айни вақтда нашриётларга ҳамиша зарур ёрдам кўрсатмоғимиз

лозим. Яна такрорлайман, адабиётимизга кўплаб умидли ёш ижодкорларнинг кириб келганлиги бизнинг бениҳоя қувончимиздир. Мен яхши асарларни қувониб мақташни севаман. Бу ерда бир неча ёш шоирларнинг номларини келтириб ўтишим ҳам мумкин эди. Уларни шеърхон ўзи танлаб олаяпти. Бу шоирларга ҳақиқатан ҳам ёрдам керак бўлгундай бўлса, уларни қўллаб-қувватлашга биз ҳамиша тайёрмиз.

— Шарқ, шу жумладан, ўзбек шеърияти ҳеч қачон шоирлар ижоди билан кифояланиб қолган эмас. Ўтмишда бизга ўз ўлмас ижод намуналарини қолдирган ажойиб шоирлар оз эмас. Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Анбар отин ва бошқа шоирлар шулар жумласидандир. Улар ижодидаги қай жиҳат сиз учун қимматли ва ардоқлидир?

— Ҳар бир халқ ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам шоирлар билан бир қаторда шоирларни ҳам етиштириб келди. Мисол учун, қадимги Юнонистонда буюк шоира Сапфо яшаб, ижод қилган. Рус адабиётида Марина Цветаева, Анна Ахматова, украинна адабиётида Леся Украинка, ўзбек адабиётида Нодиранинг номи бизга яхши маълум.

Ўтмишдаги ўзбек шоирларининг ижодида интим лирика асосий ўрин тутган. Бу шеърларнинг кўпчилиги муҳаббат ва садоқат ҳақида, гўзаллик ва эзгулик ҳақида эди. Лекин ўзбек хотин-қизларининг аянч тақдири, уларнинг аччиқ қисмати, ушалмаган орзулари ҳақидаги яхши шеърлар ҳам оз эмас эди. Уларнинг асарлари ҳам, номлари ҳам мен учун ардоқли ва ифтихорлидир.

Мен яшашга муяссар бўлган замон ўзбек

хотин-қизларининг тақдирини тубдан ўзгартириб юборди. Оилавий камситиш ва шариат қонунлари асоратидан озод бўлган ҳур меҳнаткаш аёллар, замон билан ҳамқадам замондошларим — пахтазор қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари илк шеърларимдан то ҳанузгача ижодимдан мустаҳкам ўрин олиб келмоқдалар. Замондошларимнинг ҳаёти ва шуҳрати, меҳнатини, бахту саодатини куйлар эканман, машҳур аждодларим — классик шоирларимизнинг, айнан давримизга ҳамоҳанг бўлган ҳамда, шубҳасиз, бундан кейинги ҳам ривожланадиган ҳаётий анъаналарини давом эттиришга ҳамиша интилиб келдим. Лекин анъаналарга садоқат асло ўша шеърий доирада ўралашиб қолиш деган сўз эмас. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз халқлари ва адабиётларининг мустаҳкам алоқалари, бир-бирига ўзаро таъсири, рус тили ва рус совет адабиётининг улкан роли натижасида ўзбек шеъриятида янги жанр ва шакллар ривожланмоқда. Бу унинг бойишига кўмаклашмоқда. Имкони борича, мен ҳам ана шу жараёнга баҳоли қудрат ўз улушимни қўшишга ҳамиша интилиш билан яшайман.

---

### III

## Дустлик ва қардошлик чамани



## ХАЛҚ ЮРАГИНИНГ ИФОДАСИ

Дарёлар музликлардан бошланади. Қорлар ва музликларни ҳайқирган дарёларга айлантирадиган табиат — бу шамол, бу ёмғир, бу қайноқ қуёш! Юксакликлар фарзанди бўлган дарё қанча катта бўлса, унинг йўли ҳам шунча кенг ва ниҳоясиз, ҳаётбахш кучи ҳам шунча яшовчан бўлади. Шеърят ҳам шундай!

Пушкин шеърияти ҳақида ўйлаганимда ҳамиша ўзимни шу таққос ҳукмида ҳис қиламан.

Буюк рус халқининг улкан шоири Пушкин дунёга келган замон билан бизнинг ўрта-мизда юз йиллар ястаниб ётибди. Қанча-қанча дарёлар туғлиб, кимгадир баҳра бериб, кимгадир баҳра бермай қуриб кетди. Қанча шоирлар келиб-кетмади. Кимлар қолди, кимлар қолмади. Зеро, замон ғалвири шундай шаддод, шундай адолатлики, ёлғиз ҳақиқатгина унинг ҳаётини синовларига тоб бериб қола олади. Пушкин худди ана шундай яққол ҳақиқат, Пушкин ижоди — замонлар ўтган сари, заминда кенгроқ ёйилиб, тўлиб оқаятган ҳақиқат дарёси. Замондан-замонга буюклиги билан тобора донг таратаётган ўлмас шоир — Пушкин!

Ҳамма ҳақсизлик ва жаҳолатлардан озод, ҳамма бешафқатлик ва эркинликни бўғувчи зулму занжирлардан қўллар ҳам, диллар ҳам қутулган бизнинг замонларга Пушкин бутун рус халқининг кураш ва интилишларга тула ҳаётини, мағрур руҳини олиб келди. Биз Пушкинни ўқиймиз. Беқиёс нафосат ва эзгу туйғулар ҳаяжонга солган қайноқ дилдан туғилган шеърят шалоласига ташна лабларимизни тутамиз!

Бир қисм ҳоким ва амалдорлар бутун бир улкани зиндонга айлантириб, тубанликлар, қабиҳликларнинг энг манфурини уйлаб чиқариб турган қора бир даврда келажак ҳақида шу қадар нурли уйлар, шу қадар жасорату эзгу ишонч, шу қадар собит ирода билан яшаш — она юртга содиқ фарзандлик намунасидир!

Бир гуруҳ сарой дворян ёзувчиларининг тантанавор, баландпарвоз, серҳашам, тумтароқ гапларга бино қўйиб, ёзилган мадҳиялари иззату эътиборда бўлган бир даврда ҳаётий мавзулар, сиёсий ғоялар ҳақида чақмоқдай ўткир, сувдай зарур, фуқаро англайдиган содда ва бой рус тилида ҳаққоний сўз айтиш, бу — инсоният маданиятида мангуликка дахлдорликдир.

Адабиёт — халқ юрагининг ифодасидир, деган ҳақиқат ҳаммага аён. Биз Навоий асарларида тулалиги билан ёрқин акс этган ҳаётни, замонасининг нафасини, ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизлик, зулм ва зулмга қарши исён ва туғёнлар, эркинликка интилиш ва бахт ҳақидаги орзуларни эслайлик! Эслаймизу умуминсоний муаммолар, табнат ва жамиятдаги воқеалар, ҳодисалар қайнови та-

моман бошқа замон ва бошқа маконда яшаб ижод қилган Пушкиннинг ҳам онгини банд этгани, юрагини ҳаяжонга солганини кўрамиз ва ўйлаймиз. Буюк даҳолар ижодига бу умумийлик нимада? Бу умумийлик ҳаётнинг бош масалаларини қаламга олганлигида, турмушнинг оддий лавҳаларини катта туйғу ва эҳтирос билан санъаткорона ҳаққоний ифода этганлигидадир. Шеърнинг кишиларни мафтун этувчи юксак эзгу туйғулар ва гўзалликлар дунёсига олиб кирадиган сеҳр ва жодуси ҳам ана шу мазмун яхлитлиги, ғоянинг ҳаётийлигидан. Шоирнинг танти ва ўктам юрагининг нотинч зарблари бағишлаган гоҳ аламли, гоҳ қувончли, гоҳ қаҳрли, гоҳ ғурурли сатрлари, армону орзулари — ижодкорларни бизга яқин қилган қудрат.

Бир миллат ва халққа мансуб шоирнинг бошқа миллатлар, халқлар томонидан севиб ўқилиши, қайси замонда туғилиб, қаерда яшаб ижод қилишидан қатъи назар, умумбашарники бўлиб қолишининг бонси ҳам худди ана шунда.

Овозим ҳаққоний, мағрур

жаранги

Рус халқи қалбининг

акси садоси,—

деб куйлаган шоир шеърларининг бутун жаҳонда ўқилишида, ҳассос дидимизни ҳайратга солиб, қайноқ қалбимиз ардоғига кириб келишида зўр қонуният ва мантиқ бор.

Буюк рус халқининг бағри нақадар кенг, нақадар гўзал! Илк саҳроларнинг дилбар сукунатида чўққидан сатҳи тинч булоққа



ногаҳон узилиб тушган томчининг нақадар жарангли бўлишини эшитганмисиз? Сиз Пушкиннинг юксак туйғулар кошонасида яшаб, севги ва висол байрамидан баҳс этган сатрлари берган ҳузурни, риё ва дағалликлардан дил озор чеккандаги изтироб тўла сўзларининг куйдирувчи аламидан жисмингиз сирқираганини эсланг.

Пушкин шеърятининг қудрати, назаримда шундаки, Сиз ўзингиз учун энг оғир дақиқаларда ўқисангиз ҳам, Сизни бутун бир бошқа дунёга олиб чиқади. Сизни гўё баҳор эрқалаб утади. Дилингизни рутубатлардан тозалайди. Бу Пушкин шеърятининг ҳар бир дилни куйлашга чорловчи фусункор наъмаси, сўзларда парча-парча бўлиб яшаб қолган шоир юрагининг оташлари!

Биз Навоийни севгандай катта муҳаббат билан севамиз Александр Сергеевич Пушкинни! Қанча замонларга чап бериб, шоирни бизга яқин қилиб берган туйғулар азиз. Озодликка интилиш, ватанга муҳаббат, халққа муҳаббат ва шу ғояларга, туйғуларга бутун борлиқни фидо қилиб хизматда бўлиш санъати азиз. Маънавий дунёси бениҳоят ўсиб кетган ўзбекистонлик китобхон Пушкинни севиб, ўз шоирмиз, деб атайди. Уни қаламимизни интизомга чақириб, дилларимизни ҳамини ёниб туришга, сўзларни ниҳоятда масъулиятлилик, ҳассослик ва эҳтиёткорлик билан ишлатишга ундаб турадиган устоз, деб билади ҳар бир шоир.

У ўз шеъряти билан машҳур. Шеърхон халқ яшайдиган ўзбек тупроғида пушкинхонлик кунлари жаранглаб юрибди. Катта маданият саройларида, шоирга қўйилган ҳай-

каллар ҳузурида, олий ўқув юртлари ва мактабларда, колхоз клублари ва далаларда, бизнинг иккинчи она тилимиз бўлиб қолган рус тилида ва ўзбек тилида жарангламоқда шоирнинг жозибали шеърини!

Бугун ҳар бир совет кишиси биладики, ҳар бир халқ маданий тараққиёти бошқа халқларнинг, умуминсон маданиятининг тараққиёти билан алоқадор. Биз, Совет мамлакати халқларининг юксак фазилатларидан бири шундаки, донолик, тафаккур олами яратган ҳамма маънавий бойлик, ҳар бир халқнинг маданий мулки бўлиб қолиши мумкин. Шундай, бир-бири билан дўстликда, ўзаро бойишда юксакликларга кўтарилмоқда кўп миллатли социалистик маданиятимиз.

Биз пушкинхонлик байрами руҳи юрагимизни яйратиб турган шу кунларда мамлакатимиз халқлари ҳаётида янги давр очиб берган Октябрь революцияси ғалабаси ҳақида ўйлашимиз табиий. Агар шу революция бутун халқларни озод қилиб, иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлига солиб юбормаса, катта маданият хазиналарига йўл очиб бермаса, биз Пушкинни билмай ўтишимиз мумкин эди.

Мумкин эди!.. Нақадар даҳшатли йўқотиш бўлар эди ҳар биримиз учун.

Жаҳон кенглигини танитиб, ҳамма халқлар томонидан яратилган маънавий жавоҳирларни ҳаммининг мулки қилиб берган Ленин даҳосига қуллуқ! Шу буюк ғалаба туфайли улуг рус халқининг тили билан бирга ҳар биримизнинг жон ва руҳимизга сингиб, ҳаммамизнинг юрагимизда яшаётган Пушкинга бугун ҳам, бундан кейин анъана

бўлиб қоладиган пушкинхонлик кунларида  
ҳам биз шундай деймиз:

Биз — шарқли,  
Шарқлилар удуми шундай:  
Азиз кишимизни Сиз деб атаймиз.  
Россия тунидан туғилган кундай  
Дилимиз ёритиб яшар даҳонгиз...  
Навоий демишки:  
«Шеър — дил ҳамроҳи».  
Бугун юлдуздан кўп сиз ҳамроҳ диллар.  
Қани эшитсангиз, қай жаранг, оҳанг,  
Уқир ўз тилида Сизни не эллар!

Янги тонг отмоқда, кекса асрда  
Гудакка кўкрагин тутади она.  
Ким билсин, қай уйда ва қайси тилда  
Янграр Сиз тинглаган ё битган алла...  
Она қалби Сизни шеърдай сертўлқин  
Келажак қўлига бермоқда бугун.

*1971 йилнинг 12 июни*

## ҲАМИША ТИРИК ҲИСЛАР ҚУЙЧИСИ

Шеър ўқийдиган ва уни севадиган кишининг ҳаммавақт ўз шоири бўлади. Бу шоирнинг шеърини энг яқин йўлдошидай ўзи билан муттасил олиб юради. Лекин киши умрининг йиллари билан дидининг ўзгариши, яъни киши бошқа шонрга муҳаббат қўйиб унинг шеърларини севиб кетиши ҳам мумкин, ёхуд сеvimли шеърларининг ижодкори бир неча бўлиши ҳам мумкин: шеърият туганмас ва бой, унинг сахий денгизидан фақат бир жавоҳирнигина олиш билан киши қаноат ҳосил қилмас.

Мен учун ҳам шундай бўлган эди. Рус поэзиясининг ўлмас жавоҳирлар булоғидан баҳраманд бўла бошлаган ёшлик йилларимда аввал менинг шеърга чанқоқ дилимнинг йўлдоши Некрасов бўлди. Мен ундан айрилмадим, ўқидим, уқдим, йиғладим, кулдим унинг қаҳрамонлари ёнига кириб. Кейин мен Лермонтов, Михаил Юрьевич Лермонтовни топдим.

Муҳаббатнинг туғилишини одамларга баён қилиб бериш мушкул эканлиги ҳаммага аён. Лекин жуда яхши ёзилган, шеъриятнинг ҳамма талабига, қондасига жавоб берадиган, ҳатто гўзал кўринган бир хил шеър ўқиш

сизда фақат шавқ туғдиради ва у тезда унутилади, бошқаси эса, балки унча дабдабали ҳам бўлмас, чиройли сўзлар ва ажойиб ўхшатмаларга унча бой ҳам бўлмас-у, уни ўқиш сизнинг қонингизга қайноқ тўлқин қуйиб, ҳаяжонли шодлик қанотида парвоз эттиради, сизни муҳаббат деб аталган ажойиб куч бахш этувчи ҳамма гўзаллик ва қудратга йўлдош этади.

Мен сафарга чиқаман танҳо...

Туман ичра ярқирар тош йўл —

мисраларини ўқишингиз билан у сатрлар сизники, сизнинг қалбингизнинг нидосидай бўлиб қолади. Сиз ўша ҳаворанг зиёда ухлоқ тупроқни кўрасиз, ҳис қиласиз ва жуда яхши биласизки, ҳаяжонли бу сўзлар ҳайрон қоларли даражада аннқ ва ўта самимий.

Бунча мушкул менга, нечун

бунча дард,

Не кутаман? Недан пушаймон?

Рус адабиёти тарихида икки буюк ном муттасил ёнма-ён туради — Пушкин ва Лермонтов. Рус адабиётининг нозик билимдонини Виссарион Белинский бу ҳақиқатни биринчи бўлиб ўртага ташлади.

«Пушкин ўзига ворис қолдирмасдан кетмади...» «Россияда янги қудратли истеъдод пайдо бўлди — бу Лермонтов», деб ёзди у. Белинскийни, буюклик моҳиятини мукамал, тўла ифода этган бу хулоса ҳам қаноатлантиргани йўқ. У ўзига хос образлилик ва самимият билан Лермонтов ижодининг бадиий хусусияти ва услубини бундай таърифлади:

«Ажойиб покиза хушбуйлилик, бадий шаклнинг кўркамлиги, образларнинг шоирона нозик латофати ва олижаноб соддалиги, қатъият ва ғайрат, тилнинг бақувват, ихчамлиги, шеърнинг олмосдек мустақамлиги ва металлдек жарангдорлиги, ҳис-туйғуларнинг тўлиқлиги, ғояларнинг чуқурлиги ва рангбаранглиги, мазмуннинг бепоёнлиги — буларнинг ҳаммаси Лермонтов поэзиясига насл қолган характерли белгиларнинг асл маъноси ва унинг келажакдаги буюк тараққиётининг гаровидир».

Белинский фақат бир бобда янглишди: у бу мақоласини 1840 йилда ёзди, бир йил ўтар-ўтмас Михаил Юрьевич Лермонтов ўзининг буюк соҳибининг фожиали тақдирини такрорлади — худди Александр Сергеевич Пушкин сингари у ҳам дуэлда ҳалок бўлди. «Келажакдаги буюк тараққиёт»нинг жарангли, ёниқ тори узилди.

Қим биледи, бу улуг рус шоири дунёда йигирма етти йилдан зиёд умр кўрса, унинг ижодий камолоти поэзиянинг қандай чуққиларига кўтарилиши мумкин эди.

Лекин ажойиб шоирнинг мумтоз адабий мероси кишилар юрагининг тўридан мустақам ўрин олди, кишиларни гўзаллигининг чуққилари сари етаклади.

Лермонтов ўз ижодини жуда эрта, ўсмир ёшидан бошлади. Ўша йиллардаги ижодида тақлидчилик, шогирдликнинг аён излари бор, албатта. Лекин Лермонтов таълим олган устозлар кимлар? Шоирнинг устозлари ҳар бир сатрини ўқиган кишининг руҳи ва дунёсини алғов-далғов қилиб юборишга қодир қалам эгалари, жаҳон адабиётининг гигант-

лари, чексиз фантазия ва инсёнкор руҳга тўла ижодий жасорат эгалари бўлган Шиллер, Байрон...

Ёш ижодкорнинг илк эътиборини тортган куч ҳам ана шу сифатлар бўлиши ажаб эмас.

Лермонтовнинг илк асарлари қаҳрамонлари кучли эҳтиросли кишилар, улар ўзларининг жасур фикрлашлари ва характери билан ўзларини ўраган муҳитга қарши, бутун бир жамиятга қарши ихтилофга кирадилар. Лекин кўп ўтмаёқ Лермонтов ижодигади байронизм белгилари ўрнини реал гражданлик хислатлари эгаллаб боради, унинг овози ҳаётий жаранг кашф этади.

Бу — буюк Пушкин шеърятининг ажойиб таъсири эди. Пушкин ижодининг ҳаётбахш таъсири ёш санъаткор ижодига янги оҳанглар олиб киради, бу — гражданлик оҳанглари, бу — шоир ўзи туғилиб ўсган, тарбия олган олий табақанинг ҳаёт кечирिश қондаларига танқидий муносабатдир.

Лермонтовнинг шеърлари ва дostonлари унинг насрий ва драматик асарлари мардона бадий образлар, жуда турли-туман қаҳрамонлар сафи, киши қалбининг энг нозик ва муқаддас инсоний туйғуларининг ажойиб ифодаси, манбаи, сира туганмас булоғидир. Лермонтов ижодининг кучи ва буюклиги ҳам шунда. Лермонтов шеърятининг куч ва буюклиги ҳам кишилар характерини чуқур билиш, инсон қалбининг энг нозик ҳаракатини уқиб, унинг торларини черта билиш, фикрлари, хаёллари, орзулари қанотини кузата билиш ва унга янада парвоз бахш эта билишдадир. Бу, менинг назаримда, айниқса Лермонтов ижодига хос ажойиб фазиладир.

Сиз шоирнинг «Васият» шеърини яна бир ўқиб кўринг-чи. Бу шеърни ўқиганингизда танҳоликка чўккан ғариб кишининг тарихи нақадар чуқур ва мулойим бир ғусса билан ифода этилганини, фақат бир неча мисрагина бу шеърнинг ёзилган вазиятидан хабар бериб ўтганини дарҳол ҳис қиласиз. Бу ажойиб шеър 1841 йилда ёзилган. Аммо биз учун, 1964 йил кишилари учун бу шеър жуда тушунарли, ҳамон зўр куч билан жаранглаб турувчи қўшиқ сингари яқини.

Классик шоирларнинг кишига таъсир этадиган ажойиб кучи ва киши билмас сирли бор, чоғи. Масалан, сиз Пушкиннинг «Тунги туман ухлар Грузия тепалигида» мисрасининг. Оддий, жуда оддий сўзлар. Лекин, бу ерда, бу сўзларнинг замирида қанча шеърини ва теран маъно бор. Бу манзарани, табиатдаги шу кайфиятни ёлғиз худди шундай сўзлар билан, фақат шундай ибора билангина ифода этиш мумкиндай гўё. Бу ерда гўё ҳамма нарса аниқ ва тўла айтилган, содда, чуқур ва жонли.

Худди ана шундай сирли ва номаълум ажиб бир куч билан Лермонтов шеърлари жаранглаганига қулоқ солинг:

Тилга ололмайман номингни,  
Ёзиш менга ундан ҳам  
мушкул  
Таниш сирли, дардли оҳанги  
Дилни ўртаб қилади чил-чил.

Ҳатто насрда ҳам, назмда ҳам, айниқса лирикада ишлатавериш сийқаланиб кетган кекса иборалардан бўлган «сирли» «дил», бу



тўртликда худди шоир томонидан, худди шу ҳис-туйғуни ифода этиш учун шу кун яратилган, шу кун кашф этилган каби жаранглайди ва ўқувчи ўз юрагида қалбнинг энг муқаддас, яширини сўзларини шу қадар аниқ ва муайян ифодалаб берган шоирга миннатдорлик туйғуларини ҳис қилади.

Лермонтов поэзияси ўқувчи учун ҳеч қачон эскирмайди, кечмиш давр бўлиб қолмайди. Бойси унинг мавзуида, мавзуининг абадийлиги, ҳаётлийлигида. Шоир нима ҳақда ёзади, у ўзининг ёрқин, нозик қўшиқларида нимани куйлайди?

Шоир эркинликка ташналик ва муҳаббатнинг кучи, ҳақиқат ва садоқат ҳақида, бахтга чанқоқлик ҳақида ёрқин шодлик ва мунгли алам билан куйлайди. Бу туйғулар — абадий туйғулар, ҳаминша тирик ҳислар. Бу туйғуларнинг ҳаммаси ҳамма даврга хос, ҳамма даврда ҳам кишиларни бир хилдаги янги куч билан ҳаяжонга солади. Улар бизнинг ажойиб давримиз кишиларининг ҳам қалбини ҳаяжонга солади. Мана шунинг учун ҳам Лермонтовнинг ажойиб асарлари тўпламларини деярли ҳар уйда топиш маҳол эмас. Алишер Навоий айтганидек, «киши қалбининг доимий йўлдоши» бўлиб қоладиган шеърлардир Лермонтов қўшиқлари. Бу шеърларни олимнинг китоблари орасида ва янги ерларни ўзлаштираётган ёшларнинг ёстиқлари ёнида, қурувчиларнинг ён киссаларида ва қизларнинг қўлларида кўрамиз.

Шоир ўзининг жуда қисқа ҳаётида ўттизга яқин дoston ёзди. Лермонтов илк ижодини романтик дostonлар ёзишдан бошлади, бу — Пушкиннинг таъсири эди, шубҳасиз.

Хатто бир асарининг номини худди Пушкин сингари «Кавказ асири» деб атади ҳам. Лекин бу асар Пушкинга тақлидчилик самараси эмас. Шарқимиз поэзиясига назар ташланг. «Лайли ва Мажнун» афсонасини неча шоир мадҳ этмади? Лекин буларнинг ҳаммаси мустақил, янгича талқин этилган, янги бўёқ ва ҳароратга эга бўлган, бир-бирига сира ўхшамаган янги асарлардир. Ҳар бири янги кашф, янги дунё.

Пушкин поэзиясининг ҳаётбахш таъсирини Лермонтовнинг «Кавказ асири», «Калли», «Бостунчи овули» каби дostonларида ҳам кўриш мумкин.

1830 йилда Михаил Юрьевич Лермонтов буюк инглиз романтик шоири Байрон поэзияси билан танишди. Лермонтов Байрон шеърларини шеър муаллифининг ўз она тилида зўр мароқ билан берилиб ўқиди ва бу ажойиб шоирнинг шеъриятига бўлган муҳаббатини ҳаётининг охиригича юрагида сақлади.

Байрон руҳидаги қаҳрамонлар Лермонтов поэзиясида янги ижтимоий оҳанг кашф этди.

Бу қаҳрамонлар гоҳ исёнкор, гоҳ танҳоликка маҳкум, гоҳ атрофини ўраган муҳит, жамият билан келиша олмайдиган, кўпинча бахтсиз муҳаббат туйғуларининг кучли тўлқинлари у қирғоқдан-бу қирғоққа ташлайдиган кишилар, катта ҳис-туйғу эгаларидир.

Лермонтовнинг бир неча дostonларида эса бу қаҳрамон бошқа қиёфада намоён бўлади, «Исмонлбек» ва «Эркинликнинг сўнги фарзанди» асарларидаги сингари у қаҳрамон — граждан, озодлик, эрк учун курашувчи.

Лермонтовнинг ўзига хослиги ва кучи яна шундаки, у ўз ёниқ ва ниҳоятда нозик лири-

касани дostonларининг ҳаммасида сақлаб қолади. «Мен ҳозиргина «Боярин Орша» дан сероб бўлдим,— деб ёзади Белинский ўз дўстига бу дoston ҳақида,— унинг бутун оҳанги қандайдир ғалати лаззатга тўла. Унинг маст қилувчи даҳшатли кучидан қутулиш менга маҳол. Бундай шеърлар ўқиган кишини ҳар қандай шаробдан кўра кучлироқ маст қилади».

Лермонтов дostonларини ўқир экансиз, сиз унинг шеърятида реализм борган сари чуқурроқ урин олиб борганини, албатта, ҳис қиласиз. Бу реализм Лермонтовда халқ ижодига, халқ оғзаки адабиётига ва қадим рус маданиятига бўлган қизиқиш ва уни ўрганишга бўлган қунтидан келиб чиқди. «Савдогар Калашников ҳақида қисса» ва шунга ўхшаш бошқа асарлар шу ижодий бойишининг мевасидир.

Лермонтовнинг «Мцири», «Демон» каби сўнгги поэмаларида эса биз романтикани ҳам, реализмни ҳам кўрамиз, манзаралар, турмуш, кишилар ҳаётининг тасвири бу поэмаларда жуда ёрқин ва муфассалдир. Лекин қаҳрамонлар — ҳамон ўша танҳо, бутун бир жамиятга қарши оёққа турган исёнкор. Менинг назаримда, бу шеърини лирик қаҳрамон баъзи жиҳатдан шоирнинг ўзига жуда уйғун. Ираклий Андронниковнинг «Мен сизларга ҳикоя қилиб беришни хоҳлайман» деган ажойиб китобини ўқигандан кейин бу фикр яна ҳам чуқурроқ сингиб кетди менга. Бу китобда Лермонтовнинг ижодини ўрганишга бағишланган чиройли, мароқли ажиб ҳикоялар бор.

Лермонтов адабий меросини жуда яхши биладиган ва уни текшириш, ўрганишга жу-

да кўп куч ва умрини бахш этган Ираклий Андронников шоир ҳаёти, ижодини билиши ва у ҳақдаги ранг-баранг ҳикоялари билан бизнинг замондан кўра шоир яшаган ўша замонга яқин кишидай туюлади.

Қачон ўтган бўлишига қарамай, буюк шахсларни, маданиятимиз, халқимизнинг фахри истеъдод эгаларини ўтмишдан бизнинг замонамизга олиб келадиган кишилар бўлади. Мана шундай кишилардан бири бўлган Андронников жуда кўпчилик ўқувчилар учун Михаил Юрьевич Лермонтовни бизга янада яқин, тушунарли қилиб берди.

Лекин буюк сўз санъаткорларини халқнинг дилига яқин қиладиган бошқа кишиларнинг ҳам олижаноб меҳнати ҳақида гапирмай бўладими? Булар — таржимон шоирлар. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулوم, Мақсуд Шайхзода, Усмон Носир, Миртемир, Асқад Мухторлар Лермонтовнинг шоҳ асарларини ўз иқтидори билан йўғириб, таржиманинг ажойиб намуналарини бердилар. Бу асарлар ўзбек тилида ҳам севиб ўқилади. Чунки булар асарнинг бутун гўзаллиги, жозибалиги, миллий руҳи, тилининг бойлигини тўлалигича сақлаб қолди санъатини намоён қилдилар.

Лермонтов асарларини ўқиш давом этади. Шоир асарларининг бутун гўзаллиги ва ҳис-туйғуларининг ёниқлиги, образларининг ёрқинлиги ва фикрларининг чуқурлигини — хуллас, Лермонтов шеърятини, ўзига хос кучи ва латофатини бизгача етказиб берган шоир таржимонларимиз бу улуғ ишларини давом эттирадилар. Бу асарлар ўзбек адабиёти хазинасига дурдоналар бўлиб киради.

## ТОШ УСТИДА УНГАН ГУЛ

Кечмиш деб сен мени аяма асло,  
Маъзур тут, бўлса гар гуноҳкор жойим.  
Оловдан қорайиб кетар тош, ҳатто,  
Биз-чи, ўт ҳалқаси ичрамиз доим...

Қабарда-болқор халқ шоири, СССР ва РСФСР Давлат мукофотлари лауреати Қайсин Қулиевнинг «Юрагимга» шеъридан олинган бу парча учқун сачраб турган сатрлардир. Баъзан шоир ўз ижодига ўхшаши шарт эмас, одам бошқача-ю, унинг ёзгани бошқача бўлиши мумкин, дейишади. Мен бу гапга мутлақо қўшилмайман. Шоирнинг руҳи, қалби, ўйлари, тасаввури, ақли — ҳамма-ҳаммасини шеърларига қараб бемалол билиш мумкин.

Юқоридаги тўрт мисрадаёқ Қайсин Қулиевнинг ўзини ўтга-чўққа уришга тайёр, ҳақиқатдан тоймас одам эканлиги билиниб туради.

Мен бу бағри кенг, сахий, самимий инсон билан кўп сафарларда бирга бўлдим. Сананган фазилатларим унинг таърифига жуда камдай. Билимдон, ақли ўткир, нозиктаъб, зукко шеършунос Қайсин оға у. Лекин бу ҳам кам. Матонатли, ўз фикрларида устивор ва одил, дўстларига ғоят садоқатли Қайсин оға у.

Шоир китобларининг бирида: «Чинакам бадий асарда ҳамма нарса худди тоғ ёнбағрида ўсган дарахт ёки йўл четида ётган

тош каби табиий бўлади. Ям-яшил дарахт шовуллаб туради, далаларга ёмғир ёғади, сойлар шалдираб оқади... Шеърят ҳам мана шундай содда ва табиий, жозибадор бўлмоғи керак»,— деб айтади. У ўз шеърларига ҳам худди шундай талаб қўяди:

Ўлдирманг жимликни!

Жимликда ёлғиз

Фикр денгизига чўмар донишманд.

Сўнувчи чироқда ойга тикиб кўз,

Битмас хаёллари билан булар банд...

Мен шу шеър ва унинг давомини ўқиганимда сукунатни шундай аниқ тасаввур қиламанки, қаттиқроқ нафас олсам, унга тегиб кетадигандай, нафасимни ичимга ютаман.

Китоблар халқ ҳаётининг, мамлакат қиёфасининг кўзгуси бўлади. Чингиз Айтматовни ўқиганимда кўз ўнгимда бепоён Қирғизистон туради. Расул Ҳамзатов шеърляти мени Доғистон диёрига олиб киради.

Мен Кавказда кўп бўлганман. Лекин Қайсин Қулиев шеърларини ҳар гал ўқисам, ҳар гал Кавказни янгидан кашф қилаётганга ўхшайман:

Йўқ, йўқ, тор ўзандан чопмадик қўйи,

Оқдинг сен оралаб, менинг юрагим.

Қиргогингда ўсдим бир майса куйи,

Ўтлоғингда ётдим харсанг сингари,

Чегимим меним!

Ўқийману тасаввуримга тоғ шамолларининг шилдираши келади, ҳатто чечаклар нафаси уфуриб, кўксимни кенгайтириб юборади.

Ҳатто, қабарда-болқорча сўзлар янграйди ён-атрофимда.

Қайсин оғанинг халқи сон жиҳатидан кўп эмас. Лекин дунё маданиятига қўшган ҳиссаси кўп. Бу халқ ўз талантларини ниҳоятда қадрлайди.

Ҳар қадамда сезилиб туради бу иззат-икром.

Қайсин Қулиев шу иззатга жуда лойиқ инсон. Шоир аввало ўз туғилган ериники. Шу ернинг дарди, қувончи уни шоир қилади.

Қўлимни иситдим ёт ўчоқларда,  
Бегона элларнинг меҳмони бўлдим.  
Дунёга шоирдек танилган чоғда  
Мен тоғлар фарзанди бўлиб танилдим.

Қайсин Қулиевни машҳур қилган, Тошкент, Камчатка, Донбасс, БАМ — дунёга томирдай тарқалган йўлларга етаклаб олиб борган нарса — бу аввало унинг том маънодаги қабарда-болқор шоири эканлигидир.

Қайсин оғанинг ҳаётий тажрибаси рангбаранг воқеалар ичида ўтди. Шунинг учун у ҳаётни билиб ёзади: шеърларида хоназот отнинг қандай қадам ташлаётганидан тортиб, юлдузлар рангигача аниқ тасвирлай олади.

Чўмилади дарёда аёл,  
Қуёш боқар узоқлардан лол...  
Олтин нурдан қўлларин ташлаб,  
Елкаларин силайди офтоб...

Бундай аниқ, гўзал тасвирлар шоир ижодида қанчадан-қанча! У қўли теккан ишда

гул ундиради. Қалби, қадами текканда ҳам.  
Қайсин Қулиевнинг кўпгина шеърлари  
ўзбекчалаштирилган. Бу хайрли ишга меҳру-  
муҳаббатим тақозоси билан мен ҳам қўл  
урганман. Таажжубки, таржима қилганларим  
енгил шеърлар эмас эди, лекин мен уларни  
жуда тез тушунганман ва тез ўзбекчалаш-  
тирганман. Ўзбек шеърхони Қайсин оғанинг  
барча шеърларини ахтариб топиб ўқийди.  
Халқимиз шоир самимиятини, ўз халқининг  
тарихи, бугуни, келажагига эҳтиромини, ҳур  
фикрларини жуда севади.

Бўлиб гамга ошино  
Дард чекканда бу кўнгил,  
Ёдга тушдинг доимо,  
Тош устида унган гул.

Умид чўгин ёндирдим,  
Кулдан холи бўлди ул.  
Фақат сенга талпиндим,  
Тош устида унган гул...

Биз — дўстлари — Қайсин оғанинг шеъри-  
ятини ҳам «тош устида унган гул» дегимиз  
келади. Бу шеърият ўзининг тоғли элининг  
хушбўй нафасини олис-олисларга тарқатиб,  
танитиб тургани учун ҳам шундай дегимиз  
келади.



## ҚАЛБЛАРГА ТОШҚИН БҮЛИБ ҚИРАЁТГАН ОВОЗ

Биз Бошқирдистондамиз. Мен бу диёрни жуда яхши кўраман. Ҳар гал салқин, жонбахш шабадалар эсиб ётган тупроққа қадам қўяр эканман, юрагимдан туйғулар дарёси ўта бошлайди! Мен бу ўлкани нега яхши кўраман?

Чунки унинг афсонавий ўтмиши бор,  
Сеҳрли, кучли-қудратли бугуни бор.

...Яна унинг шу халқ ҳақида:

Халқим қашшоқ яшаб кўп замон,  
Ҳеч бировдан эҳсон кутмаган,  
Қилич тутган, тутган у қалқон,  
Елкасига лаънат ортмаган.  
Белга қилич осган-у, аммо  
Бир элни ҳам этмаган у забт.  
Қурол билан кирган ҳар бир ёв  
Қурол билан этилгандир даф.—

дея шеърлар ёзган Мустай Карими бор!

Ўзим ҳурмат билан Мустафо муаллим деб атайдиган бу катта қалбли шоир билан кўп йиллик қадрдонмиз.

Агар биров: «Яхшилик нима?» деб сўра-

са, мен дарҳол «Мустай Қарим» деб жавоб берардим. «Ақл-идрок нима?» десалар ҳам, мен у кишининг исмини такрорлардим. Илҳом, назокат, қатъийлик — барча яхши фазилатлар шарҳини сўрайверишсин, мен Мустай Қаримни айтаверар эдим.

Мен бу гапларни унинг диёрида кезиб юрганим, нон-тузини тотиб турганим учун айтаётганим йўқ. Бу менинг шоир кўз нури, юрак қўри, ҳасрати, шодлиги заррама-зарра синган сатрларини кўп бор мутолаа қилиб чиқарган қатъий хулосаларимдир.

Дучор бўлсанг дардга бир ўзинг,  
Ғам босди деб айтма ер юзин.

Бир тилда айтилиб, минг тилга ўз ҳиссасини қўшган халқ ҳикматларига ўхшайди Мустай Қаримнинг бу сатрлари.

Муҳаббат ҳақида қандай ўтли ёзади у:

Ўттиз дардим сенсан ва ўттиз дуо,  
Ўттиз хаёлим — бир сен.  
Мендай севиб, мендай куйганга худо  
Сабру қаноат берсин!

Мен унинг шеърияти, насри, драмаси — хуллас, қалами изидан чиққан барча жанрлардаги асарларига бир қониқиш, бир ҳавас, бир меҳр билан қарайман. Биттагина болалиги, ўсмирлигини ёзган асарини олайлик. Қимлардир таржимаи ҳоли ҳақида асар ёсса, биринчи планда ўзи туради. Ўзини кўпроқ кўрсатгиси келади.

Мустай Қаримда бошқача... Ёш ўсмир тақдири бутун Бошқирдистон тақдири орқа-

ли ўтади. Мен бу насрий асарни шеър ўқигандай ўқидим.

«Ой тутилган тунда...» Мустафо муаллимнинг бу драматик асари қўйилмаган ўзбек сахнаси бормикин?

Менга драма шу қадар азизки, қаҳрамонларининг руҳи жонимга шу қадар яқинки... Шунинг учун мен «Ой тутилган тунда...»ни бир зарб билан таржима қилдим. Узоқ вақтларгача унинг таъсирида юрдим.

Қуллар бўлиб яшашдан ҳам қуллик ёмон,  
Еримизда қуллар битар бирор замон.  
Қуллар битар, руҳимизга подшо бўлиб,  
Дилимизга тахтин қуриб қолар ҳамон...  
О, руҳларни кишанлаган қуллик ёмон.

Оқйигитнинг овози бу. «Ой тутилган тунда» драмасининг қаҳрамони, руҳий қуллик қурбони бўлган Оқйигитнинг...

Мустай Қаримнинг «Оловни ташлама, Прометей» номли яна бир бақувват асарини ҳам кучли бир ҳаяжон билан ўқиб чиққанман. Ҳатто ўзбекчага ўгирмоқчи ҳам бўлганман. Кейин бу асар мендан кўра Асқад Мухтор руҳига яқиндай бўлиб туюлиб, унга бу фикримни айтганман. Шу тарзда «Оловни ташлама, Прометей» ҳам бизники бўлиб қолди.

Мустай Қарим асарлари қайси замон, қайси маконни акс эттирмасин, у ҳамиша замонавийдир. Балки, шоирнинг шуҳрати, овозининг узоқ ерлар ва элларга етиб боргани ва турли миллат кишиларининг қалбига сингиб кетганлиги шундандир? Йўқ, бунга асло шубҳа йўқ.

Мустай Қаримнинг яна бир йирик драмасы «Салават Юлаев»дир. Ўз қаҳрамонига ўхшаган баҳодир, ботир асар бу. Мен уни ўзбекчалаштиришни шу кунларда жуда хоҳлаб юрибман.

Унинг кичкинаси, каттаси — ҳар бир янги асари билан учрашув — бир хушҳоллик, бир байрамдир. Мен ҳозир ана шу байрам оғушидаман.

Ҳар куни дўстлар даврасида шоирнинг янги сўзини эшитяпман, тўлқинланяпман, илҳом оляпман. Ҳа, мен буни тортинмай айтиверамаман. Шоир ижоди менга доим руҳий озиқ, мадад беради.

Қайгу чўккан юракларга  
Таскин бўлиб кираман.  
Одамларнинг қалбларига  
Тошқин бўлиб кираман,—

деганда шоир нақадар ҳақ. Мен қадрдон дўстимизни шу пок ниятлар, ишончлар тарк этмаслигига ишонаман.

*1979 йилнинг 26 сентябри*

## ХАЛҚ КУЙЧИСИ

Шоир қалбини англаш учун унинг диёрида бўлмоқ, унинг қандай одамлар орасида яшаганини, қайси чашмадан баҳраманд бўлганини кўрмоқ керакдир, деган ақида бор.

Менимча, шоирнинг ижод булоғи ҳақида унинг асарларигина батафсил маълумот бера олади. Ҳар гал ўзим учун бирор ёзувчини кашф этарканман, бу гапнинг ҳақлигига иқрор бўламан.

Мен қардошлик оиласида гуллаб-яшнаётган Белоруссияда бўлганман, жўшқин меҳнаг кишилари билан учрашганман. Музейларни томоша қилиб, халқ эртақларини тинглаганман. Аммо Белоруссия халқ шоири Янка Купала ижод чашмаси берган баҳрани ҳеч нарсага қиёс этолмайман. Шоирнинг ўтмиш ҳақидаги асарларини ўқийман. Булардан белорус халқининг оғир ўтмишини тасаввур этибгина қолмай, бутун борлигим билан ўша давр жароҳатини, халқнинг оғир мусибатини ҳис этаман. Хотин-қизлар тўккан кўз ёшлари нигоҳимни хиралаштиради, руҳимни куйдириб ўтади. Одамлар фарёди, нидоли ҳайқирқларини эшитаман:

О, сен толе, сен қисмат,  
Қаердасан, қайларда?  
Бошпана йуқ? Ризқ-руз йуқ  
Далада, туқайларда!

Утмишдаги халқ бахтсизлигини бундан кучлироқ яна қайси сўзлар билан ифода этиш мумкин?!

Дунё халқлари тилларида нашр этиладиган ноёб китобнинг ноширлари шоирнинг «Кимлар келади?» номли шеърини ўзбекчага таржима қилишни менга ишониб топширдилар. Бу шоирнинг классик асарларидан бири бўлиб, ижодининг илк йилларида яратилган. Асар ҳаётни кенг қамраб олиши, мазмунининг чуқурлиги, халқ қалбининг улуғвор хислатларини моҳирона тасвирлаш билан киши тафаккурини ҳайратга солади.

Бу масъулиятли ва шу билан бирга ғоят шарафли иш мени қайтадан шоирнинг шеърини чашмаси лабига чорлади. Яна қайтадан бетакрор, гузал, эҳтиросли шеърининг мафтуни бўлиб ўқиб чиқдим. Ўз халқини беқис меҳр билан севган шоир қалбини янада кенг-роқ англадим. Шоир поэзияси билан бундай мулоқот ҳеч бир ҳамкорлик билан тенглашолмайдиган яқин муносабат яратади. Бу яқинлик туйғуси унинг асарларини таржима қилишимда жуда қўл келди. Янка Купала шеърларини олдин ҳам ўқигандим, албатта. Мен учун, умуман ҳар бир ҳамюртим учун, Янка Купала ва Якуб Коласнинг номи қадрдон. Мен буни шунчаки айтаётганим йуқ. Улуғ Ватан уруши йилларида белорус халқ шоири Якуб Колас улуғ Днепрнинг қадрдон қирғоқларини вақтинча тарк этиб, Тошкент-

га келган, тезоқар Салор бўйидаги уйда яшаган эди. Бу ерда у ўзининг Белоруссия ва Ўзбекистонга бағишланган энг яхши шеърларини ёзди.

Бу ерда у билан учрашиш, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлган ҳар бир одамга у ўзининг энг яқин дўсти Янка Купала ҳақида гапириб берарди. Янка Купалани танишимга, унинг шеъриятини бир умрга севиб қолишимга, сеvimли шоирим Некрасовдек билиб ардоқлашимга боис балки, шу суҳбатлардир.

Янка Купала шеърияти гражданлик туйғулари ва дилрабо оҳанги билан мени ром этди. Улар содда, аммо бу соддалик қалбнинг қайноқлигидан, маҳоратнинг теранлигидан келиб чиқади. Бу ҳақда Максим Горький Янка Купала ва Якуб Қоласга ёзган машҳур мактубида қайд этган, улуғ ёзувчи уларнинг ижодини юқори баҳолаган эди.

Самимий қалб туйғулари сингмаган шеърият узоқ яшамайди. Янка Купала шеъриятининг ўзига хос фазилати ва қудрати шундаки, халқнинг қалбини яққол ифода этди. Шу қирралари туфайли, менинг назаримда, Янка Купала шеърлари ўзбек поэзияси ва халқ оғзаки ижоди билан ҳамоҳангдир.

Бизда, одам туғилган кунданоқ, қуёшнинг илк нури, онанинг илк бор айтган алласи билан қалбда лирикага меҳр уйғонади, дейдилар. Лирикага муҳаббат — адабиётимизнинг қадимий анъаналаридан.

Янка Купала эса — замонамизнинг таниқли лирик шоири. Купаладек катта истеъдодли шоирларгина мана шундай жарангдор шеърлар ярата олади. Унинг шеърлари қўшиқдек оҳангдор, куйдек ёқимли. Бу, ҳатто рус тили-

га қилинган таржималарда ҳам яққол сезилди. Масалан, «Мен шоир эмасман» шеърини ўқиб кўринг:

Белорусда шоир ҳам йўқ-ку, ахир,  
Ҳеч бўлмаса бўлсин Янка Купала.

Бундай мисраларни халқ қалбида сақлайди. Шоирнинг совет даврида яратилган шеърлари, айниқса, жозибали. Улар ҳаёт қувончи, эртанги кунга ишонч, жўшқинлик билан тўла. «Зигир», «Алеся», «Бола ва учувчи», «Салом, Москва» каби асарлари шундай шеърлардандир. «Белорус партизанларига!» шеърида душманга ғазаб ҳиссиёти дилларни ларзага солади.

Янка Купаланинг баллада ва дoston типигаги воқеабанд «Бондаревна», «Қўрғон» каби асарлари менга жуда ёқади. Улар соғлом ва доно халқ қўшиқлари руҳида ёзилган.

Буларда шоир озодлик, инсон ҳуқуқлари, бахт ва кураш ҳақида ёниб куйлайди. Мен «Қимлар келади?»ни таржима қилаётганимда белорус халқи характерини ўйладим ва зикр этилган шеърлар халқ характерини тасаввур қилишимга ёрдам берди. Белоруслар — мағрур, вазмин, мард ва қатъиятли халқ. У қадимда ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам бу фазилатларини намоиш қилди. Улуғ Ватан уруши йилларидаги партизанлар жасорати «Қўрғон», «Бондаревна» қаҳрамонлари ва кекса Гуслар жасоратининг давомига ўхшайди.

Янка Купаланинг инқилобга қадар яратган шеърляти ҳам, инқилобдан кейинги янги, бахтли тақдиримиз ҳақидаги шеърляти каби



бизга жуда яқиндир. Янка Купаланинг халқ ўтмиши ҳақидаги «Ҳеч кимга» балладаси қаҳрамони Алёна менга Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Жамилани эслатади.

Ватанга, партияга муҳаббат, садоқат, халқлар дўстлиги мавзуидаги шеърлари баркамол, гузал шеърлардир.

Янка Купала шеърларини ўз она адабиётим асарларидек севиб ўқийман, ўқиган сари шуурим ортади.

Ўзга элда, ўз юртимда ҳам  
Қўшигим шарафлар она Ватанни!

«Белорус халқининг энг яхши шоири», деб ёзган эди Якуб Колас дўсти Купала ҳақида. Дарҳақиқат, шоир ўзининг ўлмас асарларида Ватанни олқишлайди, қаҳрамон совет халқини шарафлайди, шеърят эса унинг номини шарафлади ва абадийлаштирди. Шоир таваллудининг 100 йиллиги барча қардош элларда тантанали нишонланиши шу фикримиз исботидир. Белорус адабиётининг классиги Янка Купаланинг улуғ номи асрлар оша яшаяжак.

*1982 йилнинг 25 юни*

## КУТИШ ШОДЛИГИ\*

Республика кутиш шодлиги ва тараддуди билан яшамоқда. Яна бир неча кундан кейин бизнинг қардош дўстларимиз — белорус адабиёти ва санъати вакиллари келишади бизга. Ун кун мобайнида республикамизнинг шаҳарларида, радио ва телевидениеда улар билан учрашувларнинг бахтиёр шоҳиди бўламиз. Бу кунлар белорус адабиёти ва санъати байрами, дўстлик байрами, қардошлик байрамга айланиб кетади.

Белорус адабиёти—катта адабиёт, жаҳонга Янка Купала ва Якуб Коласдай улкан ёзувчиларни инъом қилган катта адабиёт. Мен бу ерда белорус адабиётининг совет давридаги классик ёзувчилари ҳақида гапирдим, бу адабиёт ҳамма қардош адабиётлар сингари Октябрь ғалабасидан кейин, айниқса, тараққий этиб, гуллаб кетди. Янка Купала, Якуб Колас, Кондрат Крапива, Петрусь Бровка, Аркадий Кулешов, Максим Танк... юлдузни санаб бўлмагандай, бу адабиётнинг ҳам жуда кўп ажойиб адиб ва шоирларини санаб етиб бўлмайди.

---

\* Ўзбекистонда ўтган Белоруссия адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан ёзилган. (Ред.)

Мен белорус адабиётининг гуллаб-яшна-  
шида хизматлари сингган уч шоира ҳақида га-  
пирмоқчиман. Улар белорус адабиётида уч  
аёл эмас, кўпчилик, лекин мен ўзимга таниш  
бўлган уч дугонамиз ҳақида сўзламоқчиман.  
Уларсиз белорус шеърятининг мажмуалари  
тузилмайди, уларнинг иштирокисиз шоирлар-  
нинг мушоиралари ўтмайди.

Мана, Белоруссиянинг қишлоқларидан би-  
рида туғилиб, ўз халқининг бахтиёр куйчиси  
бўлиб қолган Евдокия Лось, унинг шеърлари  
ҳамма шоирларнинг ижодидаги каби хотин-  
қизларнинг тақдири билан боғлиқ. У ўтмиш-  
даги йиғлаб, сирқираб ўтган аёлларнинг эмас,  
ўз тенгдошлари, замондошлари бўлган бахти-  
ёр совет хотин-қизларининг ёрқин тақдири ҳа-  
қида шод куйлайди. Ватани устидаги, дугона-  
лари кўзидаги, юрагидаги, орзусидаги нурни,  
муҳаббатни, садоқатни, меҳнат завқини таран-  
нум этади. Ўз бағрига имлайвериб тинчлик  
бермайдиган қайноқ оғуши — Ватанини шеър-  
га солади.

Она-Ватан, бағринг ажойиб,  
Шудрингинг ҳам биллурга монанд.  
Оғушингдан шеър териб бойиб,  
Қалбим тепар меҳринг билан банд.

Мен бу шоиранинг қайси бир шеърини  
ўқиб берай, қайси қўшиғини такрорлай? Улар  
кўп — улар бутун-бутун китоб.

Мана, яна бир ажойиб шоира Нина Тарас...

Мен бу шоиранинг фикран теран, бадний  
жиҳатдан баркамол, мазмундор шеърларини  
ҳамма вақт жуда севиб ўқийман. Унинг жид-  
дий, чуқур, мазмуни янгича шеърларини

яхши кўраман. Деҳқон қизи Нина Тарас даврининг танилган куйчиси, ўз толесидан беҳад бахтиёр. Ўз она-Ватанининг бетакрор табиятини, одамларнинг меҳнат ва курашини илҳомдан энтика-энтика қўшиққа солади. У бахт ҳақида шундай куйлайди:

Сен бахтлисан!  
Юрагингга снгмасдан шу дам  
Қўшиқ тошиб, кўкни қучоқлар.  
Бу қўшиқни олқишлар мудом  
Одам, дала ва юксак тоғлар.

Шундай куйлайди шоира. Бундай қўшиқлар унинг «Юртдошлар», «Шарқ сари бораётиб» ва бошқа кўплаб белорус, рус тилларида нашр этилган китобларида жуда кўп!

Мана, бизнинг учинчи шоирамиз Эди Огнецвет!

Мен, яқин дўстим, севимли шоирам Эдининг номини тилга олишим билан, сизнинг қалбингизни ҳам таниш, илиқ, ажойиб бир ҳис тўлқинга солиб ўтди деб ўйлайман. Шеър шинавандалари, қардошлик ардоқлилари ўз ижоди, меҳри, муҳаббати, садоқати билан тез-тез орамизда пайдо бўлиб, дилимизга борган сари яқин бўлиб борадиган бу дўстимизни яхши биладилар.

Огнецвет белорус совет поэзиясининг таниқли шоирларидан, қарийб ўттиз беш йил мобайнида ўз Ватани — жонажон Белоруссияси ҳақида, унинг одамлари ҳақида куйлаб, ғамни ҳам, курашни ҳам, ғалабасини ҳам баҳам кўриб келаётган, тинмай шеър айтувчи шоира. Белоруссия унинг она-Ватани, куйларига илҳом манбаи, шодликлари,

болалиги ва муҳаббати, яйраб ўсган юрти. Унинг ҳар бир қарич тупроғи, боғи ва дарахти, доғи ва бахти азиз унга. Шунинг учун унинг ҳамма асарларида, хоҳ шеър бўлсин, хоҳи мақола — ҳаммасида шу ўлкага муҳаббат, садоқат, шу азиз белорус халқига меҳр ва у халқнинг дўстларига эҳтиром тараннум этилади.

Оғир Ватан уруши йиллари Огнецветни Ўзбекистонга келтириб қўйди. Ўзбекистон ҳамма халқларга бўлган меҳридан қардош Беларусиянинг бу шоирасидан ҳам ҳеч нарсани — на бошпанани, на меҳнатни, на илҳомни, на муҳаббатни дариг тутди — шоира ҳам тинмай фронтдаги ватандошларидай меҳнат қилди: шеър ёзди — у ҳали колхозда, ҳали заводда, ҳали йўл қурилишларида, ҳали госпиталларида — кураш ва ғалаба, меҳнат ва зафар қарга чақирса, ўша ерда бўлди. Гўзал чехрали оташ қалбли бу шоирани ўзбек ёзувчилари Оташранг деб атар эдилар.

Уруш йиллари Ватанга ва халққа муҳаббат учун, халқлар ўртасидаги дўстлик ва садоқат учун синов бўлди деб, тўғри айтадилар.

Ҳамма совет халқлари бир ёқадан бош чиқариб душманга қарши жанг қилдилар, бир ёқадан бош чиқариб мамлакат ичкарасида меҳнат қилдилар — кураш ва меҳнат ҳаммани бир-бирига яқин, ғамхўр ва меҳрибон қилиб юборди.

Огнецвет Тошкентда яшаб туриб шеърлар ёзди, дўстлик ва қардошлик ҳақида болалар учун «Жаннат» номли опера либреттосини яратди. Унинг шеърлари ҳали радиода, ҳали митингларда янгради. Ҳали газета саҳифаларидан, ҳали китоблар саҳифасидан жангга,

далаларга, заводларга, хонадонларга кириб борди.

Шеърлари тарқалаверди, унинг юрагига дўстларнинг, ўзбекистонлик қардошларнинг меҳри кириб бораверди.. Киши учун энг катта бойлик, юрак учун энг ажойиб туйғу—дўстлик туйғуларини олиб немис-фашистларидан озод этилаётган Белоруссиясига жўнаб кетди бизнинг оташранг дўстимиз.

«О, менинг иккинчи Ватаним — Ўзбекистон, меҳрибонлик ва берган тузинг учун қалбим ва ижодим билан сенга таъзим қиламан!»— деди шаҳримиздан, бағримиздан кетаётиб.

Шундан бери йигирма йилдан зиёд вақт ўтди. Лекин оташин лирик шоирамиз миннатдор қалбнинг таъзимини, қўшиғида янграган дўстлик оҳангларини биз ҳамма вақт эшитамиз. Шеърлари, дўстларига, ҳамкасбларига юборган китоблари, келади, ўзи келади. Гуллаб-яшнаб кетган қардош ўзбек тупроғини кўриб шодликка, ифтихорга тўлади, яна шеър — дўстлик ва садоқат ҳақида шеър айтади.

Биз эрта-индин кутган меҳмонларимиз орасида бизнинг бу дугонамиз келадими, ёки бошқа вақт келадими — бундан қатъи назар, улар ўз шеърлари мисраларида келиб, сиз билан бизнинг ҳузуримизда, ёнимизда юришгандай.

Бу—дўстлик туйғуларининг ҳақиқатан ҳам масофа ва замон билмас кучи ва сеҳри шеърининг кишилар қалбини тўлқинга соладиган қудратидир.

## ОТАШРАНГ

(Ғойибона суҳбат)

### САЛОМ, ҚИММАТЛИ ЭДИ!

Бир неча кундирки, белорус шеърляти оламида яшайпман, фикран, маънавий кўзгу экранида барча белорус дўстларимни кўриб турибман. Ҳозир менда пайдо бўлган фикр-мулоҳазалар ва ҳис-туйғуларимни сен билан баҳам кўришни истардим. Кеча Максим Танкнинг «Янка Купала ҳайкали ёнида» шеърини таржима қилдим, ҳозир эса сенинг ана шу улуг шоир ҳақидаги шеърингни ўзбекчалаштиряпман.

Янка Купаланинг жаҳон халқлари тилларида янграган «Қимлар келади?» классик шеърини нодир, интернационал нашрлардан бири учун таржима қилиш бахтига муяссар бўлганимни сенга ёзган эдим. Улкан маданиятимиз учун Купала ва Колас каби гигантлари етиштириб берган белорус адабиётини ва унинг кўпгина вакиллари билишим ва севишимдан қалбимда нур пайдо бўлади. Яна шунинг учун ҳам қалбимда ёрқинлик мавжудки, улар орасида сен, менинг дугонам, муносиб ўрин эгаллайсан.

Бизларни улкан дўстлик бирлаштириб туради. Шу ҳақда ўйлаганимда ҳамкасб дўстларимнинг, дугоналаримнинг чеҳраси кўз ўнгимда пайдо бўлади... Шеърлари Севан

сувидай мусаффо ва тиниқ бўлган Сильва Капутикян, серқуёш Озарбайжондан Марварид Дилбозий, туркман қизи Товшан Эсенова, сен, Эди... Сени эслаганимда, яшил ўрмонлар, бутун Белоруссия манзараси кўз олдимга келади... Мана мен, беихтиёр, ҳаммагизни дўстлик мушорасига таклиф қилдим...

Дўстлигимиз неча ёшда? Қирқ йиллик дўстлик! Шеърларимиз рус тилида чиқиши туфайли танишганимиздан бери бир-биримизнинг асарларимизни таржима қила бошладик, халқларимиз қалбларини, уларнинг ўзига хос фазилатларини бир-бирларига тушунарли бўлишига интилиб келяпмиз.

Биз сен билан мамлакатимиз учун машаққатли бўлган уруш йилларида танишган эдик. Ўша кунлари биз Ватан олдидаги, халқ олдидаги масъулиятимиз ва бурчимизни ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ҳис қилиб яшаган эдик.

Уруш даври шароити ва ҳукумат қарори билан қанчадан-қанча олимлар, ёзувчилар, шоирлар сўзи кучи билан ғалабани таъминлаш учун ўша кунларда Тошкентга келишгани, Ватан ҳимояси, унинг посбонлари ҳақида ёзишгани эсингдами?

Сенинг ўзинг совет кишиларининг фронт ва мамлакат ичкарасидаги жасоратлари ҳақида, Ватан ҳақида, дўстлик ҳақида қанчадан-қанча ҳаяжонли шеърлар ёзган эдинг!

Ўзингга хос самимият билан севиб қолганинг Ўзбекистон тўғрисидаги ажойиб шеърларинг қандай дунёга келгани ҳамон менинг ёдимда. Лекин мен шу шеърларда ҳам уруш алангасида қолган, вақтинча олисда бўлган,



жонажон Белоруссия меҳр-муҳаббатингни ҳис қилган эдим...

Бизда, Ўзбекистонда сени қандай севиб ардоқлашганини, шеърларингни юксак баҳолашганини, сени қандай эркалаб, жарангдор сўз билан Оташранг деб аташганини яхши эслайман. Ҳамид Олимжон сенинг фамилиянгни биринчи бўлиб таржима қилган, сени ўзбек қизига айлантириб, Эди Огнецвет, Эди Оташранг деб атаган эди.

Шеър ўқигани борганимизда сени госпиталларда, заводларда, колхозларда қандай кутиб олишгани, «Жаннат» операси либреттоси устида қандай иштиёқ билан ишлаганинг, уни Ўзбекистон пионерлар саройи ҳаваскорлик труппаси қандай саҳнага қўйгани ва болаларни қардошлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбияловчи дўстлик ҳақидаги бу опера узоқ йиллар ижро этилгани ҳали-ҳали эсимда.

Тошкентда рус тилида босилган «Фронтдаги дўстимга» деган биринчи китобчангни кўриб, иккаламиз қанчалар қувонган эдик. Қурол-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқатлар билан бирга турли тилларда ёзилган асарлар — нишонга бориб тегувчи шеърини китоблар ҳам фронтга жўнатилади эди. Бу китоблар жангчиларга нондек зарурлигидан биз қувонардик.

Мен сенинг белорусча, русча ва ўзбекча китобларингни биламан. Ўзбек шоирларининг кўпгина шеърлари сенинг таржимангда белорус тилида янгради. Адабиётимиз ўзаро бойишининг табиий жараёни мана шундай давом этди, дунёмиз кенгайди, халқларимиз бири-бирига тағин ҳам яқинлашди, дўстлигимиз мустаҳкамланди. Бу дўстлик кўпригининг яна-

да мустаҳкамроқ, янада бақувватроқ бўлиши учун сен жуда кўп иш қилдинг.

Менинг бошимга тушган энг оғир кунларда ёнимда бўлганинг учун ҳамон миннатдорлик туйғуси билан яшайман. Улкан ўзбек шоири, болаларимнинг отаси Ҳамид Олимжон гуллаган ёшлик чоғида бевақт ҳалок бўлди. Сен уни яхши билардинг, ҳурмат қилардинг, у билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлган эдинг.

Эсингдами? Ахир, бундай воқеаларни унутиб бўладими?!

Менинг китоб жавонимда қардош республикалардаги дўстларим — Ираклий Абашидзе, Расул Ҳамзатов, Мирзо Турсунзода, Қайсин Қулиев, Мустай Карим асарлари қаторида сенинг ҳам китобларинг бор. Белорус тилидаги асарларинг икки жилдлигини яқинда олдим ва у менга сен билан янги учрашув байрами бўлди. Унда жуда кўп янги, оқил, дилга яқин шеърлар бор. Бу шеърлар ижодий кучинг чашмасидан, сен, белорус заминининг кўйчиси, китобхонларингни ҳали кўплаб янги қўшиқлар билан мамнун этишингдан дарак берали.

Мен сенинг кўп шеърларингни таржима қилганман, лекин ҳозир Купала ҳақидаги шеърингни таржима қилаётиб, яна тўлқинланиб кетдим. Ундаги Ватанга, доно Янка Купалага бўлган меҳр-муҳаббат тўла ҳар бир банди мени ҳаяжонга солди. Табриклайман, ажойиб шеър ёзибсан.

Буюк устозларинг Янка Купала ва Якуб Қоласларнинг энг яхши анъаналарини муносиб давом эттиряпсан. Бу жуда эзгу иш. Уларнинг асарларидан кутарилаётган ҳарорат се-

нинг сатрларингни ҳам иситиб, шеърийатингни  
халққа яқин қиляпти.

Биз яшаб турган 1982 йил ҳаммамиз учун  
азиз бўлган байрамларга бой. Мен сени итти-  
фоқлик байрами — СССРнинг 60 йиллиги  
билан муборакбод этаман. Сенга шоду хур-  
рамлик, илҳом, янги шеърлар саодатини ти-  
лайман.

1982

## ТАБРИҚНОМА

Менинг қимматли Марваридхоним!

Бизни бир-биримизга олдин шеърларимиз топиштирган. Ўзимиз эса элликчи йилларнинг бошларида, Москвада, СССР Ёзувчиларининг съезидга борганимизда учрашганмиз. Ўша кунларнинг ҳар бир дақиқаси эсимда: биз бирпасда узоқ йиллик қадрдонлардай яқин бўлиб кетган эдик. Чунки тақдир ҳар иккаламизга ҳам бир хил сахий ва шафқатсиз муносабатда бўлган эди. Севги, жудолик...

Озарбайжон адабиётининг классиги Урдубодий Сизнинг, Марваридхоним, биринчи шеърий китобингизни ўқиётим: «Озарбайжон шеърятига кичкина Махсати кириб келди», деганини яхши биламан. Улуғ кишилар доим тўғри башорат қиладилар. У сизнинг тортинчоқ овозингиз ва нозик қалбингиздаги катта истеъдодни кўра олган эди.

Сиз Озарбайжон халқининг бой поэтик мероси руҳида тарбиялангансиз, ўзингиз айтгандек, «Низомий набираси» классик шеърят анъаналарини давом эттирдигиз, Махсати ва Нотавон куйлай олмаган пардада куйладингиз, уларнинг бахт ҳақидаги орзуларига жавоблар айтдингиз.

Сизнинг истеъдодингиз қудратга тўлган паллада қаламингиздан қанчадан-қанча ўзига хос, ажойиб асарлар яратилди. Уруш йиллари

битган мисраларингизда фашизмга қарши қаҳр-ғазаб, чексиз нафрат, халқимиз ғалаба-сига буюк ишонч жаранглаб турди. Уруш йиллари болаларига бағишланган шеърларингизни ҳаяжонсиз ўқий олмайман. Уша оловли йилларда мамлакатимизнинг бошпанасиз қолган, она меҳридан маҳрум бўлган ёш гражданилари бошида Сиз Ҳумо қуши каби шеърӣ қанотингизни ёйдингиз. «Оналик қанотлари» эди бу китобнинг номи.

Сизнинг ижодиётингиз ҳам табиатингиз каби барқарордир. Толиқиш нималигини билмайсиз, муҳаббатли қалбингиз Сизни бепоён Ватанимизнинг бутун кенгликлари бўйлаб етаклайди ва зийрак кўзингиз билан кўрилган, нозик дилингиз билан ҳис этилган ҳамма нарса қўшиққа айланади. Шунинг учун ҳам китобларингизни варақлаганда, гўё Ватанимиз харитаси очилгандай бўлади, унинг нақадар бойлигини, нақадар гўзаллигини кўрамиз! Жонажон диёрингиз Озарбайжонни нақадар севиб куйлайсиз!

Тоғларинг доим баланд, сойларинг тўлиқ бўлсин,  
Қулогимда янграган шод, қувноқ қўшиқ бўлсин,  
Зарур бўлса, кўкрагим ёвнингга тўсиқ бўлсин,  
Менинг республикам!

Бу сатрлар шунчаки мадҳия эмас, отабоболари яшаб ўтган, ўзи бахт топган, авлодига ҳам қолдириб кетаётган тупроққа меҳр изҳори эканига дарров ишонаман:

Ҳасратингнинг сийнамда ётган кўзи уйғонди,  
Аласқарнинг, Воқифнинг ширин сўзи уйғонди,  
Юрагимда беш миллион уйнинг чироғи ёнди,  
Чирогларга нур берган обод элларинг бўлсин,  
Менинг республикам!

Тақдирлари ўхшаш эл-элатлар Ватани бўлган — советлар мамлакати, Марваридхоним, нақадар буюк Ватан! Ҳамма ерда юрагингизга яқин кишилар яшайди, ҳамма жойда халқлар дўстлиги мавзуси ижодингиздаги асосий мавзулардан биридир!

«У кунлар» деб аталган бу шеър менинг республикам ҳақида:

Кундузлар қуёшни бағрига босган,  
Тунлар юлдузларни кўксига очган,  
Ҳавоси, навоси шафтоли бўйли,  
Водийси пахтали, лолали, куйли —  
Ўзбек ерларининг шайдосидирман.

Чўққиларга чиқдим, атрофга боқдим,  
Жушган қалб уммони мавжида оқдим,  
Меҳримни севинчдай ёйдим ҳар ёнга,  
Меҳнатли, оромли, шеърли жаҳонга —  
Эвазига илҳом гадосидирман.

Нақадар катта муҳаббатнинг овози бу!  
Икки юрт — Озарбайжон ва Ўзбекистон ҳақида  
бир хил ҳарорат билан ёза олгансиз.

У тупроқ, у улфат, у масъуд кунлар  
Ўти юрагимда бир нафас сўимас.  
Гул водийда қолди мафтун кўнгиллар,  
Сени Ватанимдай севмайин бўлмас.  
Эй, ўзбек еллари, атирли еллар,  
Кўксимдан ўқийсиз ҳали кўп шеърлар...

Ҳақиқий шоирнинг муҳаббати улкан бўлади. Унинг қалбига дунё сиғади, унинг қалби туташ бўлади. Мен Сизнинг шеърингизда шундай улканлик туяман.

Россия тўғрисидаги самимий туркумларингизда рус табиатининг бетакрор манзараси ва

рус халқининг буюк қалби моҳирона тасвирланган! Кавказ ва Ўрта Осиё ҳақидаги, тинчлик ва озодлик учун мардона кураш олиб бораётган жаҳон халқлари тўғрисидаги шеърларингиз, севги ва садоқат ҳақидаги шеърларингиз... қайси бири ҳақида гапирай?

Марваридхоним, Сизни Ўзбекистонда яхши билишади: шеърларингиз ўзбек тилида бир неча бор нашр этилган, улардан кўпчилигини ўзим сева-сева таржима қилганман.

Сиз билан бирга Озарбайжон диёри бўйлаб сафар қилган чоғимда, халқингиз Сизни қанчалик севганини ўз кўзим билан кўрганман, хурсанд бўлиб, Сиз билан фахрланганман. Ҳақиқий шоир иззати эл ичида билинади.

Қадрдоним, олижаноб Марваридхоним, менинг овозим, Сизнинг уйингизга қай маҳалда етиб боришни, бинобарин, Сизга ҳозир хайрли тонг, хайрли кун ёки хайрли кеч дейишимни билмайман. Лекин, азиз Марваридхоним, Сизни бирлик байрамимиз — СССР тузилганининг 60 йиллиги билан муборакбод этаман. Табрик сўзларим барча озарбайжон дўстларимга ҳамдир.

Шуни айтишни истардимки, йиллар ўтиб кетдилар. Шеърлар эса бизни халқимиз меҳр-муҳаббати билан тақдирлади.

Илҳом билан нурланган қадрдон чеҳрангизни хаёлан кўриб турибман, биз дўстларингиз, илҳомингиз мухлислари орзиқиб кутаётган янги шеърлар оппоқ қоғозга қандай енгил кўчаётганини тасаввуримда кўриб турибман! Сизни доим — ҳаётда ҳам шундай кўришни орзу қиламан.

## МЕҲРИМИЗ ДИЛЛАРДА

Гудаклик чоғиданоқ нақ кўкракка тамшаниб,  
Бир дарёдан сув ичиб ўсган бўлмасми иноқ!  
Уртамизда дилларни иситиб ҳам яшнатиб,  
Меҳр оқар, бу дарёга сизу биз икки қиргоқ.  
Шу меҳр дарёсида шеър айтиб куйлаб киринг,  
Санъатингиз сеҳрига боғланиб қолсак, майли.  
Сўнг янги қўшиқ теринг, ранг теринг, меҳр теринг,  
Ўлмас дoston яратсин дўстликнинг висол сайли!..

Инсон дили туйғулар билан тўла. Инсон ҳамиша ўйлар билан яшайди. Ҳаёти шу билан улуғ ва ҳар ўтган куни бетакрор...

Ўзбекистонликлар шу кунларда қардошлар билан учрашув шодликларининг нашъали туйғуси билан яшамоқдалар.

Бу сафарги меҳмонларимиз жонажон қўшнимиз — Совет Тожикистонининг гуллаб-яшнаган санъату адабиёти, маданияти намояндаларидир. Қутли хонадонимизга тожик халқи — Тожикистон меҳмон бўлиб келди. Зеро, санъату адабиёт — халқ ҳаёти, унинг меҳнатию зафари, ўтмишию бугуни!

Менинг ҳам бугунги ўйларим — тожик ва ўзбек халқлари ҳақида. Муштдеккина юрагимга икки республика бутун салобати, кўрки бир-бирига бўлган муҳаббат, садоқати билан



кириб келяпти... Мен дилимга қулоқ соламан  
Халқларимизга хос самимий меҳмоннавозлик  
тараддудини ҳис этиб, ҳузур қиламан.

— Қани, марҳамат, муҳтарам дўстлар!—  
дейди Ўзбекистон.

— Марҳамат, аввал сиз ташриф этинг!—  
дейди Тожикистон.

— Гарчанд бир-биримиздан рангу қиёс  
олиб, ёнма-ён равнақ топиб келаётган бўлсак  
ҳам, ҳар қалай, сиз меҳмонсиз, марҳамат, дўс-  
тони азиз!— дейди Ўзбекистон кўксига қўли-  
ни қўйиб.

Ҳаммаси табиий, ота-бобомиздан қолган  
чиройли удум. Дилларнинг эшиги ҳам, остона-  
си ҳам йўқ; менинг юрагим нурни ва гўзал-  
ликларни бир оғушига олади. Улар гўзал,  
тиниқ осмонга кучли икки қанотни беҳадик,  
чиройли ва мағрур елиб келаётган бир  
қушдай киришади. Менинг қалбимда висол  
байрами бошланади. Менинг ўйларим қанот-  
ланиб Тожикистонга учади, гоҳ тоғларга кўта-  
рилиб, гоҳ водийларга, анвойи боғларга ту-  
шади. Гигант қурилишларнинг қаҳрамонлари  
орасида юради. Бепоён пахтазорлар, мева-  
зорлар кенглигига ёйилади. Помир қизларни-  
нинг гўзал, мовий кўзларидай тиниқ, шаф-  
фоф кўллардан чанқоқлигини қондириб, маш-  
ҳури замон тўқувчи ва пахтакорлар, пиллачи  
ва санъаткорлар, олиму шифокорлар, чорва-  
дору бастакорлар, шоиру адиблар даврасида  
ошиён топади. Уларнинг ҳаммамизники син-  
гари янги совет тақдирлари, бахтлари ва  
саодатлари кўзларимизни яшнатади, шаҳар-  
ларга ўхшаб кетган обод қишлоқлари кўк-  
симни ифтихорга тўлдиради, бундан бир не-

ча йил аввал кўрганим жойларни танитай қоламан.

Одамлар-чи? Яхшиси, одамлар ҳақида билганимиз устига энг ёрқин, ҳаққоний, энг янги ҳикояларни Совет Тожикистонининг шуҳратли шоир ва адибларининг китобларидан, мўйқалам усталарининг сеҳргар бўёқлари ҳали қуримаган асарларидан, ҳаммамизга таниш ва суюкли санъаткорларнинг фусункор қўшиқларию чақмоқдай рақсларидан уқиб оламиз. Ахир, санъатни халқ ҳаётининг кўзгуси, деб бежиз айтмаганлар.

Биз бир-биримизни ўзимизни билгандай яхши биламиз. Ўзбек халқи билан тожик халқи ўртасидаги биродарлик уруғлари илк бор кимлар томонидан, қачон, қаерга сепилгану илдиэлари қанчалар чуқур эканини ким айта олади?! Менинг назаримда, биродарлик муносабатлари ёнма-ён ястанган тупроқларимизда инсон пайдо бўлишидан бошланган. Чет эл босқинчиларими, турли тоифадаги рақибларми, оралаб низо солганларида, қирғинлар кўтарилиб, қонлар тўкилганида ҳам оддий кишилар бир-бирларига суянч, бир-бирларига юпанч бўлиб, орадаги ҳаёт ҳароратини сақлаб қолганлар. Ушанда ҳам билганларки, суянганида елкасини олиб қочмайдиғангина қардошдир!

Халқимизнинг тарихини, тақдирини бир-биридан айрим ҳолда тасаввур қила олмаганимиздай, жаҳонга машҳур қадим маданиятимиз обидаларининг ҳам бунёд топишида бирига ўзбек устозлик қилган бўлса, бошқасига тожикдир! Биз илк пардасиданоқ дилларимизни ёрқин замзамага соладиган, асрлар ўтган сари таъсир кучи теранлашиб, туйғу ва нафо-

сат сеҳрига оладиган халқ мақомларимизни севамиз. Лекин уларни тинглаганда булар тожикнингми, ё ўзбек халқи заковатининг ўлмас қўшиғи экани ҳақида ўйлайсизми? Биз бу гўзаллик, музиқанинг ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган сафосию сеҳридан ҳузур топамиз. Кундалик ҳаётнинг икир-чикирларини унутиб, дилларимиз эзгуликларга тўлиб, руҳимиз юксалганда, ўзимизни гўзал туйғулар оламида ҳис қилганда унинг ижодкорларига таҳсин ўқиймиз.

Бетакрор санъаткорлар Ҳалимахониму Тўфахоним, Ҳанифахоним ва Аҳмаджон Бобоқулловнинг дилрабо қўшиқларининг мухлислари, Тожикистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам юлдузлар каби сон-саноқсиз бўлгандай, бугунги ажойиб санъаткорларимизнинг ҳам ихломандлари ҳар бир хонадонда беҳисоб. Санъат — халқники, халқ миллату элатларнинг монолит қўйилмасидир.

Адабиёт — инсон ақл-заковатининг инсониятга беназир туҳфаси, кечган умрлар, ўтган замонлар йилномаси. Замонлар ва маконлар оша тарих саҳифаларини ёрқин мазмунларла бойитиб, қалблар орасида кўприк бўлиб келаётган адабиётимиз қасрининг илк меъморлари кимлар? Шарқ халқларининг жаҳонро буюк алломалари — бобокалонларимиз яратиб кетган илму жавоҳирлардан онгимиз тўлиб, дилимиз чарақлаб кетганда бу ҳақда ўйлайсизми? Форсдир, ўзбекдир, тожикдир, туркман ва қозоқдир? Тасаннолар бўлсин уларнинг ўлмас руҳларига! Улар ўзлари мансуб бўлган бир миллат ёки қабила учун хизмат қилиш доирасидагина қолсалар эди, замину само ҳақидаги ҳали ҳанузгача жаҳонга машҳур буюк

фан обидаларини ярата олармидилар? Улар инсониятга хизмат қиладиган илму фан ҳақида ўйладилар ва авлодларга инсон тафаккурининг мумтоз меваларини қолдирдилар. Абу Али ибн Сино ўзининг ўлмас асарларини яратганда қачон, қаерларда, кимлар томонидан унга таҳсин ўқилиши, ҳайкаллар қўйилиши ҳақида ўйладими? Мана, жаҳон маданиятининг мутафаккирларидан бўлган Абу Али ибн Сино даҳосига бизнинг кунларда қўйилган янги ҳайкаллар деярли бир кунда ҳам Ўзбекистон, ҳам Тожикистоннинг қайноқ кўкида—Бухоро ва Душанбеда очилди. Душанбедаги ҳайкал ниҳоятда юксак санъат асари. Буюк мутафаккир олим сиймосининг ноёб ифодаси билан яратилган бу санъат обидаси ҳақида ўзбекистонлик мухлислар ҳавас ва ифтихор билан сўзлашларида мен бирлик, дўстлик, биродарликнинг, ҳаётимизнинг қудрату ўзаги бўлмиш интернационал туйғуларнинг ёрқин ифодасини англайман. Бир-бирининг муваффақияти билан қувониш фақат дўст, беғараз дилларга мушаррафдир. Бу — қалбимизнинг кенглиги, маънавиятимизнинг юксаклиги, табиатимизнинг поклиги аломати.

Мана, жамиятимизни ҳамиша олға етаклайдиган ҳаётбахш қудратлардан бири бўлмиш монолит бирлик кошонасининг меъморлари — Коммунистик партиямиз, давлатимиз ва улуғ рус халқи ҳақидаги қўшиқлардан тинглайлик. Мен дўстлик ва қардошликнинг ўлмас куйчилари қаламига мурожаат қиламан ва тинглайман.

— Марҳамат, муҳтарам Мирзо, сиздан эшитайлик!—дейди мезбон Ғафур Ғулом. Бизга таниш товуш мусиқадай жаранглайди:

— Агар тожик чирой, бахти жаҳонга бўлса бир дoston,

Қозоқ ўғли оқин Жамбул аталса шоири даврон,  
Сахий юрт Ўзбекистон олтину донларга эркан кон,  
Буюк рус халқи! Бу — сендан, суяб

қўллашларингдандир!

— Энди, Сиздан тинглайлик, мавлоно Гафур! — дейди Турсунзода.

Биз Гафур Ғуломнинг меҳр тўла кўксидан отилиб чиққан тўлиқ, ўктам овозини эшитамиз:

— Халқлар биродарлигин чин, чинакам маъноси Советлар оиласи тузумида барқарор.

Шонли коммунизмнинг покиза идеяси

Кишиларнинг қалбида биллур каби беғубор...

Лекин, дўстим, Мирзо, дўстлик ҳақида, ҳақиқий жонажон дўстлик ҳақида бундан қарийб минг йил илгари устод Шайх Саъдий зўр айтганлар. Мана бу шоҳ сатрларни сиз яхши биласиз:

Эй кўнгил, билгилки ёру дўстлик уч хил

бўлур:

Нон бири, иккинчиси тил, ўзгасига жон зарур.

Нон деганда бурда нонинг бўлса ҳам борин узат,

Сўз дегайда бер ширин сўзингни, иззат-ла

кузат.

Эй кўнгил, топсанг агар жон дўстлиги қилгин

талаб,

Эт фидо жонингни жонига керакса парчалаб...

Биз дўстликни мерос қилиб кетган улуғ боболаримизга содиқ кишилармиз. Шу жон-

лар ўртасидаги, диллар ўртасидаги, керак бўлса бир-бирлари учун жонини фидо қиладиган дўстлармиз. Бу дўстлигимиз йўлларининг ибтидосига адабий манбалар саҳифаларини варақлаган билан ҳам, фикр қудуғини нечоғлик чуқур қазиган билан ҳам етиб боролмаймиз. Зеро, халқларимиз аср-асрлар давомида яратган ҳикмат ва илму дониш хазиналари бениҳоя. Лекин биламизки, бу дўстлик йўлларининг ҳар қадамида бир дoston бор. Биродарлик ҳақидаги бу дostonларнинг ҳар бири қайси тилда, қайси макону қайси замонда куйланган бўлмасин, ўша узун йўлнинг мустаҳкам бир марзаси.

Тожикистон Совет Социалистик Республикасининг Ўзбекистонда ўтадиган адабиёт ва санъат кунлари ҳам ўзининг олтин дostonларини ёзиб қолдиради бу йўл давомига.

Яқиндагина Қоммунистик партиямизнинг XXVI съезди, республикаларимиз коммунистларининг навбатдаги съездлари бўлиб ўтди. Бу тарихий воқеалар халқларимизнинг ижодий бунёдкорлик меҳнатлари муваффақиятларига яқун ясаб, тараққиётимизнинг янги равнақи режаларини белгилаб берди.

Ҳозир — съездлар йили, янги режаларнинг янги уруғлари тупроқларимиз кўксига бўлиқлашиб, келажак ҳосилга тўлиб бораётган саховатли фасл. Асарларимизнинг қаҳрамони бўлмиш халқимиз руҳида кўтаринкилик, жасорат ва бахтиёрлик, маънавий баркамоллик ижодкорларимиз қалбига янги тўлқин, янги илҳом бўлиб кирмоқда. Тожикистонлик ижодкор дўстларимиз ҳам салмоқли туҳфалар, заршунос халқ диди ва талабига муносиб янги асарлари билан келадилар.

Мен хаёл нигоҳларим билан мамлакатим-ни бир лаҳзага кезиб чиқаман ва яна икки республикамизни бир оғушга олиб, ҳаёт завқи-шавқига тўла кишиларимизда ёрқин байрам тараддудларини кўраман: бири сафарга отланмоқда, бири бесабр кутмоқда! Дўстларимиз, халқларимизнинг меҳнат ва қаҳрамонларини, меҳрибонликларини тараннум этувчи янги санъат асарларини олиб, дилларга меҳру саломларини солиб биз томонга йўлга чиқаяптилар.

Тожикистон адабиёти ва санъатининг шуҳратини яратган қадрдон машҳур санъаткорлар билан бир қаторда маданиятимиз боғининг янги ниҳоллари, янги-янги истеъдодлари, халқ талантлари, коллективлари билан учрашув дақиқаларини кутаяпмиз.

Ҳар юлдузнинг ўз жамоли бор деганларидай, ҳар бир киши билан учрашув янги бир шодлик, янги бир кашфиёт, ўзаро тўқислик бағишлайди.

Республикамиздаги бутун китоб магазинлари, кўргазма даргоҳлари, санъат кошоналари, театрлар, дала шийпонлари, ҳамма диллар кутаяпти! Бутун Ўзбекистон бир юрак бўлиб, муштоқлик тўла кўзлари билан кутаяпти.

Менинг қалбим — юртим тупроғи, дедим. Юртим, халқим сингари менинг борлигим дўстларнинг иссиқ дийдорлари, жўшқин суҳбатлари, мушоирага интиқ!

Яна висол, яна севинч, яна дилда ҳислар рақси,  
Кўксимиздай баланд тоғлар, ёноқларда қувонч акси,  
Чунон жўшқин, чунон жиддий ҳама ерда, ҳама дилда,  
Қимнинг меҳрин оташи зўр, умри боқийлигин баҳси.





Бир юпанчи, чинор кетса, боғимизда қолар ниҳол,  
Устоз кетса, шогирд қолур ёнимизда фарзанд мисол,  
Шогирд демак — янги-янги дoston демак, камол де-  
мак,  
Эл ҳам боқий, куй ҳам боқий, иқбол асло билмас  
завол.

Қўшиқ дейман, кезиб чиқай лабга қўйиб илҳом найин,  
Эй, саховат кони Ватан, бағринг оч биз кирган сайин,  
Азиз-азиз кексалару гўзал танти қиз-йигитлар  
Тошдай оппоқ тақдиридан куй айгайлик оташдайин.

Оташдайин куй термоқ-чун, дўстлар, менга бўлинг  
дилкаш,  
Қабулардай парвоз қилсин, қанот беринг, меҳр этинг  
бахш.  
Асрларнинг на бўрони, на сурони нуратолган  
Дўстлик қасрини бир гиштига висолимиз бўлсин бир  
нақш.

## БИР ДАРЕНИНГ ИККИ ҚИРҒОҒИ...

Тасодифга ташаккурки, менинг Қорақалпоқ адабиётидан илк баҳра олишим, унинг сарчашмаларидан — халқ оғзаки адабиётидан бошланган. Бу чашма жуда улкан, тиниқ, жуда теран. Ўзининг шаффоф саҳнида кенг кўламли, суронли халқ курашлари, бўронлари манзараларини акс эттирган чашма эди.

Қорақалпоқ халқи тарихининг XVII—XVIII асрлардаги воқеалари акс эттирилган йирик лиро-эпик достони «Қирқ қиз» деб аталарди, ўша мени мафтун этган асар. Бу дoston асримизнинг доно бахшиларида, қорақалпоқ адабиётининг оталаридан бири бўлган Қурбон Жиров тилидан ёзиб олинган. Ўзбек китобхонларининг ҳаммаси ҳам ҳали билмас эди бу дoston сеҳрини. 1940 йиллар Қорақалпоқ адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш устида жиддий ишлар бошланиб кетади...

Мамлакатимизда немис-фашист босқинчиларига қарши қақшатқич жанг борар эди. Душман устидан ғалаба қозонишга қатъий ишонган халқ санъат, адабиёт соҳасида ўзи бошлаган ишини давом эттираверди.

Наشريётда «Қирқ қиз» достонини ўзбек тилига таржима қилишга киришилгани ҳақида гапирган эдик. Бу фахрли ва ниҳоятда

мароқли, шунинг билан бирга, масъулиятли, гўзал меҳнат ўзбек адабиётининг забардаст шоирлари Уйғун билан Миртемир домла елкаларига тушган эди. Бу гўзал асарнинг таржимасига, яширмайман, мен ҳам жуда ҳавасда эдим. Ёшлиқ қилади дейишди, шекилли, беришмади.

Агар бу қаҳрамонлик достонининг ҳамма асосий қаҳрамонлари отинчаю гулгунча қизлар, уларнинг сардори ҳуснда тенги йўқ матонатли, севгувчи Гулойиму Олтиной, Сарвинозу Тўлиной, ҳамиша халқнинг донолари ҳисобланиб келган оналар эканини хотирга олсак, бу таржима устида ишнинг завқи янада орзу қилгули бўлади. Икки халқ ўртасидаги ардоқли дўстликни мустаҳкамлашда адабиётимиз ҳиссаси беқиёс эди. Толени кўрингки, нашриётда хизмат қилаётганим учун таржимани таҳрир қилиш менга топширилди. Кеча-кундуз қирқ қизнинг ичида қолиб кетиб, ўзимни дунёда энг бахтли инсон сезардим. Лекин менга юмуш берган заҳмат ҳам шодликдай эди. Асар ниҳоятда гўзал, ниҳоятда бадийдир. Мен Гулойимда «Алпомиш»даги Ойбарчинни, «Ойгул билан Бахтиёр» достонидаги қаҳрамон қиз Ойгулни, «Муқанна»даги Гулойинни кўрдим. Бу ўхшашлик табиий, бу асардаги воқеалар, ғоя ва интилишлар халқларимиз тарихидаги муштаракликдан далолат эди. Уша йилларда қорақалпоқ адабиётининг машҳур ёзувчилари Бердақ, Аббос Добилов, Жулмирза Оймирзаев ва бошқа қатор адиб ва шоирларнинг асарлари таржимаси бошланиб, нашр этилиб, китобхонлар томонидан севилиб ўқиларди.

Жаҳонда бирон шоир йўққи, у аёлни куйламаган бўлсин. У — фарзанд, рафиқа, она ва сийгил. Ерда аёл — ҳаёт чироғи, дейдилар. Мана шу муқаддас ҳаёти туфайли унга аввало юрт озодлиги, адолатли тузум, осойишта ҳаёт зарур. Шу зарурат туфайли у қудратли ҳам бўлади. Аёлнинг шу қудрати шоирлар илҳомига гулхан ёқиб, қаламларига ажойиб асарлар яратишга куч бағишлайди.

Аму ва Сир оралиғида бундан икки ярим минг йил илгари яшаган халқларни массагетлар деб аташган. Уларнинг Тумарис номли жасоратли, доно, гўзал аёл подшоси бўлган. Тумариснинг ўз юртини ҳимоя қилиб, Эрон шоҳига қарши беқийс кураши ҳақида тарих илмининг билимдонлари кўп ёзиб қолдирганлар. Қорақалпоқ халқ ёзувчиси Иброҳим Юсуповнинг ана шу Тумарис ҳақида «Массагетлар» достони бор. Иброҳим Юсупов оригинал, ўзига хос катта шоир, халқ адабиётини яхши билганлигидан бўлса керак, ҳамма асарларининг ниҳоятда тили бой, туйғулари оловли, ранглари қуюқ. Иброҳим Юсуповнинг замонамиз кишилари ҳақида ажойиб лирик асарларини ҳам ҳаммамиз севамиз, севиб таржима қиламиз. Лекин Ҳамид Фулом таржимасида бир неча бор ўзбек тилида босилиб чиққан Тумарис ҳақидаги достони мен учун жуда сеvimли. Чуқур, лирик самимиятга, қаҳрамоннинг юксак жасоратига йўғрилган бу асарда Қайхисравдай подшоҳга — ёлғиз фарзандидан жудо қилган жаллодга бас келиб, Тумарис уни енгган манзаралари жуда ажойиб чиғиб берилган. Бизга жасоратни, садоқатни мерос қолдирган мард, жасур момоларимизнинг тирик руҳига тасаннолар деймиз. Ибро-

ҳим Юсуповнинг лирикасидан уч ғунчани сизга тақдим этмай иложим йўқ:

Оқ ўтов ортида явшанлар аро  
Тутиб қолганимда йиғладинг титраб.  
Мен энди шу явшан бўйига гадо,  
Яшайман муаттар роҳатин излаб.

Туш пайт ухлай десам қўймади шамол,  
Рўмолингни олиб ёпдинг юзимга.  
Сочларинг элитиб, ҳушим этди лол,  
Топмадим бундайин атир ўзимга.

Бешикда гўдакли уйингга кирдим,  
Она сути ҳиди этди маҳлиё,  
Сут ҳидли атирни бекор қидирдим,  
Ярата олмайди уни бу дунё.

Адабиёт ҳеч бир даврда хотин-қизлар образисиз яшамаган. Жумладан, қорақалпоқ адабиёти ҳам. Асарлари фақат Қорақалпоғистон ва Ўзбекистондагина эмас, Иттифоқимизнинг кўп китобхонлари орасида севилиб ўқиладиган ёзувчилардан бири Тўлепберган Қайипбергеновдир. Мен бу улкан ёзувчининг ҳамма асарларини ўқиганман. Китобларининг қаҳрамонлари деярли аёллар. Аёллари қаҳрамон ва шиддатли бўлган ўлканинг йигитларига сўз топиб бермоқ ва айтганини маъқул этмоқ осон эмас!

Тўлепберган аёлларни дostonларда куйламайди, уларга нозик ишқий аталмалар битмайди, муаллиф насрий асарларини шеърининг юракларга ўт ёқиб, қонларни янгиловчи кучига баробар алангали меҳр ва маҳорат билан, газаб ёки ачиниш оташида ёниб ёзга-

ни учунми, унинг таъсир кучи баланд, сўз қудрати ва таъсирини юксак пардаларга кўтаради.

Она! Биз «Гумроҳлар» романида ўқиймиз: «—...Она, она дейсан, қанақа она экан у?— дейди Эрназарнинг рақиби.

— Онам! Онам деганим — юртим деганим!— дейди Эрназар».

Йигитлар, ёвга қарши курашга, ёки бир муҳим масалани ҳал қилишга киришишдан олдин, оналарининг ёнларига кириб, унинг маслаҳатини олганлар.

«— Ҳа, сен қаерга кетяпсан, менга эрганиб!— дейди Эрназар душманга қарши жангга кетаётиб севгилиси Гулзебога.

— Сен юртга фарзанд бўлганинда мен фарзанд эмасманми? Юрт ҳимоясига кетяпман!— дейди мағрур Гулзебо».

Булар Қайипбергановнинг «Гумроҳлар» асари қаҳрамонлари...

Яқиндагина бу катта истеъдодли адибнинг «Кўз қорачиғи» романи босилиб чиқди. Қарангки, бу ерда ҳам Тўмарис, Гулойим, Олтиной, Сарвинозларнинг қаҳрамонлигини, садоқат, жасорат, ирода, тадбиркорлик ворисларини кўрамиз. Янги қиёфаларда кўрамиз. Янги вазифаларни амалга оширишдаги қаҳрамонликларининг шоҳиди бўламиз. Буларга ҳам куч-шиддат бағишлаган ғоя ва бурчлар — эзгу ва гўзал.

«Кўз қорачиғи» романидаги Қорақалпоқ қизи Шарифа — олима, совет Қорақалпоғистонининг ўқимишли олима қизи, курашчи моллари орзу қилган — бутун халқ билан биргаликда меҳнат қилиб яшайди.

Энди унинг жасорат ва кураш майдони

бошқа, кўлами — Амударё ёқасидан тортиб Сибирь дарёларига, унинг фикри зикрини халқнинг беқиёс бойлиги, тупроғининг қон томири, табиатининг гўзаллиги бўлиб келган Аму билан Орол денгизининг қачонлардир қуриб қолишидан сақлаш муаммоси банд қилган. Бу ҳозир ҳаммани қизиқтириб келаётган муҳим масала. Партия ва давлат раҳбарлари бу масалага эътибор беришлари шарт.

Қорақалпоқ адабиёти бизнинг ўзбек шоирларимиз хиёбонида ўтказган ниҳоллар қанча! Шоиримиз Миртемир домланинг «Қорақалпоқ дафтари»да куйланган ажойиб аёллар, катта адиб Асқад Мухторнинг шеърый дoston дейиш мумкин бўлган «Қорақалпоқ қиссаси» қаҳрамонлари бизнинг орамизда ҳам нақ ўз туғишганлариникида хизмат қилиб юргандек суюкли бўлиб яшаб қолди.

Қорақалпоқ адабиётига иқтидорли ёшларнинг кириб келиши жуда қувончлидир. Мен уларнинг овозини эшитганимда ҳар бирининг ўз қўшиғи борлигидан кўнглим ўсади. Мен Гулчеҳра Раҳимованинг маъюс, маъюс бўлса ҳам, шовқин-суронлардан бир нафас осойишталик берадиган шеърларини ёқтираман. Ундаги маъюсликнинг ростлиги бизни ўзига тартади.

Менга Гулистон Матёқубованинг шеърлари, айниқса, ёқади. Шеърининг мисраларида қалбининг алангаларидан ўтиб тургандай жонингизни иситиб ўтади. Мавзуи кенг, турли-туман ва бир-бирига ўхшамаган. Лекин ўқиб чиққач, биласизки, бу — Гулистон Матёқубованинг фаол қаламига мансуб. Унинг «Жанна Д'Арк терговчи» шеърини ўқиб ҳайратга тушганман:

- Менинг хазинамни сўраяпсизми,  
Қизиқтирадимми яна мен минган от ҳам?  
Халқ — ганжим, хазинам, кўраяпсизми,  
От ҳам — она халқим, учқур қанот ҳам.
- Нега кийиб олдинг эркак либосин?
- Мардларнинг либоси ёқади менга.

Шеър охирига бориб шиддатли кўтарила боради:

- Кўзларингда нафрат, сўзингда нафрат,  
Кимсан сен, бунчалар сўйлайсан баланд?
- Босқинчи зотини ҳеч тан олмайман,  
Мен эркак интилган французман!

Мен бу шоиранинг келажагига ишонаман.

Набира Торешова, Фотима Мирзабоевалар улардан кейинги авлод. Уларнинг овози яна ўзига хос, умидли. Фотима Мирзабоеванинг: «Агар мен ухлаб қолиб, узоқ йиллардан кейин кўз очсам, яна қорақалпоқ халқи орасида уйғонишни истайман» деган бир фикрини доим эслаб юраман.

Биз қорақалпоқлик шоиралар билан яхши алоқадамиз, уларнинг ижодини кузатиб борамиз, муваффақиятларидан қувонамиз.

Лекин автоном республика адабий жамоатчилигининг устоз ёзувчилари ўзларининг ёш бўлганларини эсга олиб, ёшларнинг қад тиклашлари, мевалар беришларига раҳбарлик қилишни унутмасликларини илтимос қилар эдим. Токи, келажакда шеърят боғимизда гуллар кўпайсин.

Адабиёт — Аму, унинг бир қирғоғини эркаклар, иккинчи қирғоғини истаги, юрак ўти оналикларидек эзгу аёллар тутиб туради. Ана шу Аму — адабиётимизнинг тўлқинлари жушқин бўлсин.



---

IV

Ватанимнинг келажаги —  
менинг келажгим



## ҒАМИ ҲАМ, ҚУВОНЧИ ҲАМ ШЕЪРИДА

Шарқ дунёга жуда кўп шоирларни берган. Шарқни ҳар йили бағрида янги ниҳол ундирган кўҳна боққа қиёслаш мумкин. Бу ниҳолларнинг япроқлари бақувват тортиб, дарахт стилгач, берган мевалари нақадар кўз олгувчи, нақадар кўркем бўлади. Бу дарахтлар замонларнинг чанг-тўзонлари, тўфонлари ора-лаб, тигиз саф бўлиб бизгача етиб келганлар. Биз улар билан ҳақли равишда ғурурланамиз. Бу дарахтлар сафи узилиб қолган замон йўқ. Мен машҳур Шарқимизнинг, машҳур боғимизнинг бугунги ниҳоллари ҳақида сўз айтмоқчиман. Улар жуда кўп. Ҳар бири айрича ижод қилади, ҳар бири ҳақида кўп ёзиш мумкин. Абдулла Орипов! Бу исми ёзаяпману вужудимга бир қувонч, ғурур тарқайди. Мен Абдулла ҳақида батафсил ёзмоқчи эмасман, фақат унинг безовта қалбига, куюнчак қалбига, шоир қалбига бир нигоҳимни «Нилуфар» журнали мухлисларига кўрсатмоқчиман, холос.

Абдулланинг таржимаи ҳоли ўз тенгдошлариникига жуда ўхшаш: 1942 йилда деҳқон оиласида туғилган. Болалик, ўсмирлик, ёшлик... мактаб, дорилфунун... Мана, Абдуллани шоир қилиб етиштирган муҳит. Йўқ, аввало шоирлик учун иқтидор керак. Абдуллада, шубҳасиз, туғма истеъдод бор. Шоирлик —

дунёга улкан муҳаббат, бу муҳаббат унинг ўйчан нигоҳларидан ҳам сезилиб туради. Дунёнинг шодлиги, изтироби, инсон тақдири унинг қалбидан муттасил ўтиб туради. Зотан, бу адабиётимиз учун хос хусусият. Адабиётимиз томири азал-азал халқ томири, Ер томири билан туташ. Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек... Абдулла ана шу устозлар изидан юрди. Ўзи ҳам из қолдириб юрди.

Унинг илк китобчаси чоп этилганига ўн йил бўлди. Бугун Абдулла энг таъби нозик шеърхонлар томонидан ҳам тан олинган, севиб ўқиладиган шоир. Мухлислар унинг ҳар битта шеърини кутишади. Шеъри ҳам шу интизорликка яраша туғилади, тилдан тушмайди, баҳсларга сабаб бўлади. Ёшлар Абдулланинг шеърларисиз мушоира қилишмайди. Балки, шунинг учундир, унга Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти берилган. Абдулла Қайсин Қулиев, Мирзо Турсунзода каби Иттифоқимизнинг олдинги шоирлари назарига тушган. Улар Абдулланинг ижодига ҳурмат, умид билан қарашган.

Мен ҳам унинг ёзганларини доим кузатиб бораман. Бирор сатри бефарқ қолдирмайди. Абдулла тарих, бугун ва келажакни яхлит тушунади. Бари учун баравар қайғуради. Унинг гражданлик, ватанпарварлик позицияси собит.

Абдулланинг мисралари ҳайқирқиқсиз, ўйчан, сокин сўзлайди, лекин бу сокинлик сенинг вужудингни ҳаяжон бўлиб қамрайди:

Юлдузлар, билмайсиз менинг халқимни,  
Бундаин заҳматкаш ер юзида кам.

Елда тиним бордир, унда йўқ тиним,  
Шундай ишпарастдир у мунисгинам...

Абдулла халқимиз ўтмишини, унинг маънавий, маданий бойликлари, суронли ўтмишини жуда яхши билади:

Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг,  
Пиширдинг ўзингга бенасиб таом.  
Кийгиздинг бировга, ўзинг киймадинг,  
Юлдузни кашф этиб, ном олдинг авом.

Титроқсиз ўқиб бўладими бу сатрларни? Абдулланинг жуда кўп яхши шеърлари бор. Мен уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида мақола ёзишим мумкин. Унинг «Баҳор» деб номланган биттагина шеърида қанча кенглик, қанча теранлик, қанча маҳорат бор: шоир дунёдаги барча гўзалликлар ўткинчи, аммо Инсон, Тафаккур ва Ватан тушунчаси мангулигини жуда чиройли ифодаларда айта олган.

Абдулланинг ҳозиргача шунчаки ёзилган шеъри йўқ. Унинг кичик шеърлари ҳам катта фикрий оқим хулосаларидир. «Нечун тим қорадир арман кўзлари» сарлавҳали шеърида шу саволни тугун қилиб қўяди ва шундай жавоб қилади:

Йиғидан бўлармиш кўзлар тим қора...  
Ҳеч ким арманчалик тўкмаган кўз ёш...

Абдулланинг 1970 йилда «Онажон» деб номланган янги шеърий тўплами нашрдан чиқди. Мен она ҳақида, унинг хотирасига ҳурмат ҳақида кўп шеър ўқиганман. Лекин Абдулла-

нинг шеъри бутунлай бошқача. Унинг маъюслиги, ғами улкан, қувончи улкан...

Дилда неки журъатим бор,  
Дилда неки ҳаяжон,  
Бари-бари сенга бўлсин,  
Сенга бўлсин, онажон...

Абдулла лирикасини «маъюс лирика» дейишади. Балки, шундайдир. Лекин у ўқиган кўнгилга ёруғ туйғулар тўкади.

Сиз бизни севардингиз, устоз Нозим,  
Севардингиз бизни Сиз, устоз Нозим.  
Лекин бу улуғ дунёда  
Урфини сотганлар озми?  
Лекин бу улуғ дунёда  
Тилини сотганлар озми?  
Олам бозорида сира киприк қоқмай,  
Юртини, элини сотганлар озми?  
Увоқ мақсад учун тарихни чаплаб,  
Ҳомийларни,  
Закийларни сотганлар озми?  
Сиз-ку, Туркия учун ҳасрат чекдингиз, устоз,  
Лекин умуман,  
Туркийларни сотганлар озми?!

Бу Абдулланинг буюк шоирлардан бири, устозларидан бирига аталган шеърдан парча. Унда Маяковский, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбекка аталган шеърлар бор. Ҳар бирида шоир шеърхонга айтгани янги гап топа олган. Абдулла улуғ Дантенинг «Илоҳий комедия»сини ўзбек тилига таржима қилди. Таржимага у жуда катта масъулият билан, жуда юқори савия билан ёндошган.

Лекин мен бир нарсага афсус чекавераман. Абдулланинг рус тилида китоблари чиқди, лекин у ҳали ўзига ўхшамайди. У тўпламларда Абдулла ҳали ярим овозда сўзлаётир... Мен Иттифоқимиз бу ёш шоиримизнинг ҳаяжонлари, ёнишларини кемтилмаган ҳолда эшитишларини жуда хоҳлайман. Бу келажакнинг иши, албатта.

Эзгуликдан ҳам, ёвузликдан ҳам инсонга шуҳрат келади. Шоирлик эса эзгуликдир. Элга, Ерга, умуман, инсониятга эзгуликдир. Ана шу яхшилик элтувчилар сафида ёш, иқтидорли ўзбек шоири Абдулла Орипов бор. Унинг ҳали фикр ва кўнгил мулкида — эзгулиги, қаламида сўзи кўп, демак, ҳали Сизга шоирнинг хизмати кўп, азиз одамлар!

*1975 йилнинг 28 юни*

## ТУЙГУН УЙЛАР, ТОШҚИН ҲИСЛАР КУЙЧИСИ<sup>1</sup>

Асалда асалари бол терган боғнинг гуллари бўйини ҳис қиласиз, шунингдай, Ҳалиманинг шеърларини ўқиганда бошқа шоира — ҳамкасбларнинг шеърларига сира ўхшамаган жилва жарангларини эшитасиз, шодлик ва ташвишлари, ранг ва ҳидларни ҳис қиласиз. Улар сизларни тўлқинини чолғилар кесаётган бўлиқ бошоқлар денгизига, отанинг қуёш ва йиллар жўяклар солган пешонасига ўхшаган шудгорли далаларга, пичан ҳиди анқиган ҳовлиларга, қундуз телпакли, рашкли чавандозлар от ўйнатган қирларга олиб киради.

Сиз у билан деҳқон уйи остонасидан бошланган кичик сўқмоқдан ялангоёқ йўлга чиқасиз. Ялангоёқ юришнинг, ерни, она ернинг баҳри ва илиқлиги берган ҳузурини ҳис қиласиз! Бу йўл шоира учун катта — бош йўл, ернинг қоқ ўртасидан тушган ўктам йўл. Қўшиқларнинг боши бўлган ўша ерлар, ҳосилли ҳаётга энди уйғонган Мирзачўлнинг бепоён далалари, қирларнинг сарфланмаган ҳарорати, бокиралиги, яхлитлигини олиб киради шоира шеърларига.

Ҳалима қишлоқ қизи! Лекин бир замонлардаги сингари қолоқ, бурчак ёки саҳронинг

---

<sup>1</sup> Ҳ. Худойбердиеванинг «Оқ олмалар» китобига ёзилган сўзбоши.

ўртасида бўрон унутган саксовулдай танҳо, ижтимоий ҳаётдан йироқ қишлоқ эмас, унинг иборасича, ҳар бир инсон яшаган ер — Ернинг қоқ кўкси.

Шу қишлоқ мактабидан тошқиниб, шошқиниб, чанқаб, раиғ-баранг, сержаранг дунёни танишга тиришди-ю, ўзини тўлқинларга солган бебош туйғуларга, ҳали ўзлаштирилишини кутган, очилмаган истеъдодига ягона ифода деб, шеърга шўнғиб кетганини унинг ўзи ҳам билмай қолди.

Зотан, қандай қилиб ҳаётда ўз ҳақиқий, ягона йўлини топиб олганини қайси санъаткор билади? Назаримда, қонингда оқ ва қизил қон заррачалари оқимида яна битта заррача бўладую ўша табиат тухфа қилган бахтиёр, нодир куч, шароит тақозо қилса, ўзи бошлаб киради ўша йўлга. Ҳалима яшаган шароит, замон нақ зарралар катта қудратга, куртаклар чинорларга, ирмоқлар дарёларга айланадиган гуркираш, ўзи айтгандай, дориломон шафақлари ол, уфқлари нурдан яралган замон.

Ҳалимани ҳаваскор шоира деб атаганимизни эслолмайман. Ҳатто, бундан олти-етти йил муқаддам Мирзачўлдаги колхозлардан биридаги учрашувда таништирганларида ҳам уни ҳаваскор шоира деб эмас, унча-мунча шеър ёзиб юрадиган мактаб ўқувчиси деб таништирган эдилар. Шеърларингни менга юбориб тур, деб қайтдим. Анча муддатдан кейин келган шеърлар мени ҳузурли бир ҳаяжонга солди. Бу шеърлар журнал, газеталар редакцияларида қувонч билан қабул қилинди. Ўша ҳаяжон, ўша шодлик тўлқинлари кенг китобхонлар юрагига жуда тез йўл топиб кетди.

Сабаб? Шеър — туйғулар, ҳаётдан олинган



таассурот ва тафаккурлар меваси! Туйғу-ҳис эса Ҳалимада шу қадар яхлит, қуюнларга ютилиб кетмайдиган, шу қадар ҳақиқий, каттаки, кўзларида офтоб ёниб, саратон кезади қонида. «Менинг шунчаки куйлагим, шунчаки ўйлагим келмас, мен куйлаганда овоз пардаларим чидаб берса бас! Шунчаки ёзмоқ бу — шоирга ўлим! Юрагимда боғлар яратаман, илк ниҳоллар куртак ёзяпти, гуркираб қад кўтаряпти юрагимда боғ!» деб ёзади шоира.

Биз Ҳалиманинг шеърларини ўқиймиз: деҳқончасига содда ва сахий табиатдай сержилва, тупроқдай ғадир-будир, покиза иборалардан ифодасини топган ўша туйғуларни ўқиймиз. У бизни ҳам ўша туйғулар гирдобига тортади, гўзалликлар, завқларга, юлдузлар сўзига, барглар шивирлашига ҳамдам қилади. Демак, ҳақиқий шеър ўқибмиз.

Ҳалиманинг шеърлари кўпинча ҳар жиҳатдан тўлиқ, ҳақиқий. Лекин, ҳечқиси йўқ, туйғулар, таассуротлар, фикрлар суронидан энтикканидан баъзи беўлчов, на вазнга, на қофияга бўйсунувчи мисралар — вулқондай отилганча, учқундай сачраганча, шалоладай тўкилганча қолади шеърларда, уларга пардоз берса, гўё илк яралишдаги латофатга, бокираликка озор етадигандай! Зотан, ҳақиқий шеърни ўқиганингизда сизни аниқ ўлчовлар эмас, ёнган оташ юрак, туйғун фикрлар етаклаб кетади. Менга Ҳалиманинг табиатан зийрак, зеҳнли ҳаёт неъматларига ўта чанқоқлиги, кузатувчанлиги ёқади. Менга унинг ҳаётда кишининг зеҳнини тўнглаштирадиган, кўзини хиралаштирадиган ва табиатнинг энг қиммат саховати бўлган вақтини беҳуда ютиб юборадиган майда-чуйда, икир-чикирлардан узоқда-

лиги ёқади. Менга Ҳалиманинг ҳаётга, юрагига, ҳис-туйғуларига, фикр ва ўйларига садоқати ёқади. У ўйчанлиги ва қувноқлиги, бахтиёрлиги ва бахтсизлиги, туйғунлиги, энг муҳими, ёш қўшиқларида энг тўғри — Совет шоири йўлида собитлиги билан шеърларида намоёнлиги ёқади. Заиф риторикалардан узоқлиги ёқади. Зотан шеърят, санъат ижодкорларидан бутунликни, фидойиликни, самимият-ни талаб қилади. Шулардан чекинганинда санъатга ҳам путур етади. Шоира узоқ вақт маълум мавзулар доирасида қололмайди. Лекин деҳқон қизи Ҳалима мана дорилфунунни битирди, унинг кўзига, истиқболига беқиёс катта жаҳон очиқ. Мавзулар доираси, кўлами аллақачон кенгайиб кетиши зарур эди. Санотимиз, фанимиз, техникамиз кишилари — ўз замондошларини куйлаши керак. Ҳозирда бу муҳим мавзу унинг ижодида ўз аксини тополмади. Бу — ҳар бир қалам эгасининг граждандлик бурчи.

У темирқанот ҳамма ёш истеъдодларимиз сингари адабий жамоатчилик, китобхонларнинг ардоқли назарида. Ҳалима бундан бахтиёр. Мен ўйлайманки, ҳаётда ҳам қадами, ҳам қалами жиддий Ҳалимани бу ноёб бахтиёрлик туйғуси — истеъдоднинг оёғига болта урувчи бемаъни кибр офатидан омон сақлайди.

Ҳалима, ҳаёт ва биз — адабиёт жамоатчилиги сенинг зимманга кўп вазифа ва бурчларни юклармиз, туйғун тафаккуринг қураётган тоғлар нурамасин. Юрагингдан очаетган боғларинг серҳосил бўлсин! Сен бахтиёрсан, сенинг янги шеърларингни китобхонга ҳавола қилишдан мен ҳам бахтиёрман.

## ХУРШИД ДАВРОННИНГ ШЕЪРИЙ ТЎПЛАМЛАРИ ҲАҚИДА

Етмишинчи йилларда адабиётимизга бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган ёш шоирлар кириб келишди. Безовталиги, дадиллиги билан улар бир-бирига ўхшайди. Лекин фикрлаш тарзи, баён услуби ҳар бириники ўзига хос.

Шу шоирлар орасида Хуршиднинг ўз ўрни бор. Унинг «Тунги боғлар» шеърий тўпламидаги битта шеърни доим эслаб юраман:

Дилингдаги сўзни айт фақат,  
Севсанг, бахтли этгин аёлни.  
Унга сен зар, тиллони эмас,  
Инъом этгин ойни, шамолни.

Ўчингни ол ёвдан, зулматдан,  
Сотқинлардан, энг охир майдон,  
Сон-саноқсиз тераклар аро  
Энг бақувват чинорга айлан.

Шу шеърда айтган фикрида Хуршиднинг ўзи доим устивор туради: унинг меҳри ҳам, нафрати ҳам, ачиниши ҳам, тасаллиси ҳам рост.

«Доҳий суврати қаршисида», «Қучоғингга бошимни қўйдим», «Шундай яшил менинг Ватаним» шеърлари катта гражданлик туйғуси билан ёзилгандир.



Яна бир шеърида:

Булутларни олиб кетмоқда шамол,  
Ой — қалъа устида силкинган рўмол.  
Йўқ, у оловларда ёнган, лекин манфур ёв  
Ололмаган қалъа устида ялов...

Хуршид Давроннинг баъзи тенгдошлари ижодида мавҳумлик бор, лекин у бу қусурдан холи.

Унинг фикри аниқ, образлари тиниқ.

Хуршиднинг шеърларида яна бир ўзига хосликни кузатаман. У аёллар руҳиятини жуда яхши билади. «Баҳор раққосаси», «Тунда силкитаркан дарахтни шамол», «Мен севаман» каби қатор шеърлари фикрим далилидир.

Демак, у жуда кузатувчан, ўрганувчан.

Хуршид Даврон тарихимизни, адабиётимизни яхши билади. Мен бу гапни унинг шеърларида учраб турадиган тарихий исмлар ёки иттифоқимизнинг машҳур шоир, рассомларини ўқиб айтаётганим йўқ.

Унинг шеърларида ички бир маданият, шеър, тил маданияти, кенг кўламли билим бор.

Хуршиднинг «Поездаги воқеа» шеъри ва «Уйғоқ тошлар» драматик достонида инсоннинг маънавий гўзаллиги масаласи кўтарилган. Ёшлик софлиги, муҳаббат каби туйғулар инсонни тарк этса, у қашшоқланиб қолади, дейди шоир.

Унинг «Қадрдон қуёш», «Шаҳардаги олма дарахти», «Тунги боғлар», «Учиб бораман қушлар билан», «Тўмариснинг кўзлари» деб номланган бешта шеърий тўплами нашрдан чиқди.

Бу китобларнинг ҳаммаси яхши.

## ЖУРЪАТЛИ ҚИЗГАЛДОҚ

Қутлибеканинг «Ўзбекистон. Баҳор» сарлавҳали шеърида шундай сатрлар бор:

Қизгалдоқ — журъатли:  
томларнинг устига югуриб чиқиб,  
шамолда йиқилмай, турибди кулиб...

Қутлибеканинг ўзини эсласам доим шу мисралар ҳам ёдимга келаверади...

У жуда кўп шоира қизларимизга ўхшаб илк машқларини менга конвертларда йўлламади. Ёзнинг жазирама бир кунида узоқ Туркманистоннинг Тошовуз районида келиб, «Саодат» журнали редакцияси эшигини журъат билан очиб кирди. Бу пайтларда Қутлибеканинг бирорга шеъри марказий матбуотда эълон қилинмаган, ўз сўзи билан айтганда, унга «тирик шоирнинг нигоҳи тушмаган» эди.

Бугунгидай эсимда: соддагина қишлоқ қизи рўпарамга дадил келиб ўтирди. Саволларимга жонли-жонли жавоб қайтарди. Бутун суҳбат давомида кўзимга тик қараб ўтирди. Унинг менга қолдириб кетган шеърлари ҳам эсимда бор. Биз бу туркумни ўша ойда тайёрланаётган сондаёқ эълон қилганмиз. Бу шеърлар «Қуёшнинг ҳарорати оз туюлиб, ғуза-

га ўз қалбини иккинчи қуёш қилиб тутқазмоқчи» бўлган пахтакор келинойижон, «Болалиги, йигитлиги, кексалиги ерда қолган» деҳқон ота ҳақидаги шеърлар эди. Тўғри, ёш шоирада одамни ҳайратга соладиган фавқулодда кашфиёт йўқ эди, албатта. Бироқ унинг самимияти чуқур-чуқур эди. У ўзи жуда яхши билган, илк қувончлар, илк оғриқларни уйғотган кишилари ҳақида ёзарди. Мен Қутлибеканинг қаламига ўшандаёқ умид билан қараб, чин юракдан оқ йўл тилаган эдим.

Қутлибека ҳамон ўшандай самимий ёзади. Энди шоиранинг мавзу доираси кенгайди, лирик қаҳрамони янада фаоллашди. Энди унинг қаҳрамони урушда ўғли-жигарбандидан ажралиб, тош ҳайкал ёнида:

Утдай бағрим очдим, нечун шошмайсан  
Тананг гулдай эди, қучдим: тошдайсан.  
Ноилож қўндим: арслонимга ўхшайсан,  
Уйга юргин, бўйингдан ўргулайин,  
Жон берганман, яна жоним берайин,—

деб ҳасрат қилаётган она;

Қўринг: эрксиз яқинларимиз,  
Қўринг: хоин яқинларимиз;  
Бунда ҳақнинг қарори учун  
Беринг юрак чақинларингиз!—

деб ҳинд юртига кетаётган шоҳ Бобурни йўлдан қайтармоқ бўлиб илтижо қилиб турган малика Моҳимбону ва яна:

Қайтинг: бугун бўлмаса, азон  
Доҳий тугар бир ҳинди келин.

Ёғийларин ул этиб яқсон,  
Қўнглига ёз элтади элин,—

деб бошқа халқлар тақдирига босқинчилик  
бахт келтирмаслигини айтаётган ўша Моҳим-  
бону:

Нечун пичирлайсиз?  
Баҳодир сўзларни,  
Ботир сўзларни;  
Қурашиб енгмоққа  
Қодир сўзларни  
Нимага пичирлаб айтасиз?!—

деб шоирларга хитоб қилаётган замондоши-  
миз;

Сизга аскарингиз хиёнат этди,  
Заминга чатишган, томири чатиш —  
Бир жон-жигарингиз хиёнат этди,  
Бир ватан бағрида яшаган одам.

Сўзлари сўзингга ўхшаган одам  
Хоинлик қиларми, демак, хатар бор,  
Демак, бахт ярадор, ишонч ярадор.  
Демак, соғаймайди бугун ҳам олам.  
Мен шунга йиғладим азангиз куни,—

деб дунёнинг буюк аёли, мустақиллик, эрк  
учун кураш тимсолларидан бири Индира Ган-  
ди ҳалокатидан қайғуриб турган қалб...

Мен бу шеърлардаги гапларнинг ҳаммаси-  
га ишонаман. Чунки шоира воқеалар ўз туй-  
ғуларига қўшилиб кетганда, қалбининг бир  
парчасига айлангандагина сўзда сувратланти-  
ради. Дарвоқе, сўз...



Н. А. Добролюбовнинг шундай бир гапи бор: «Бизга юракни чучмал орзулар билан тўлатувчи, мамнун мудроқларга кўмувчи чирик ва беҳуда сўз керак эмас, балки, юракни ватандошлик журъати билан қайнатадиган, кенг кўламли ва мустақил фаолиятга жалб этадиган янги ва мағрур сўз керак». Қутлибека буни ўқиганми, йўқми, лекин шу масъулиятни у теран англайди. Шеърларини ўқиганимда, бирор сўз ғашимни келтирмайди, ғадир-будир бўлиб туюлмайди. Ўз ўрнида, мустақкам тургандек туюлади. Ҳолбуки, улар ҳар куни эшитиб, айтиб юрадиган сўзларимиз, содда, оддий сўзлар. Қутлибека шу сўзлардан чиройли, кутилмаган бадий образлар яратади:

Ҳозир икки кўзим — икки дона чўғ  
Ва бошдан оёғим оташхонадир.

Бошқа бир шеърида эса:

Сўнг лойли сўқмоқдан уйга қайтаман,  
Музларнинг остидан жилмаяр сувлар.  
Тўнган дарахтларга таскин айтаман,  
Таниб, шохларини силкитар улар.

Ёки мана бу мисраларга қаранг:

Бағрингга қаттиқроқ босасан қизчанг,  
Руҳингга қайтади бошқа тантана.  
Кўксингда потирлаб ҳориган қушча —  
Орзунг қанотларин йиғади яна.

Нақадар табиий ва жонли тасвирлар!  
Мен юқорида ёш шоиранинг исми билан

ёдимга «Журъатли қизғалдоқ» ибораси кели-  
шини айтган эдим. Бу бежиз эмас, албатта.  
Қутлибеканинг фикрлари журъатли. Унинг  
ҳаётга ўз нигоҳи бор. Бу ҳаққоний нигоҳ. Дунё  
безовталиги, ёруғ ҳаётимиздаги соялар шу  
нигоҳдан ўтиб, шеърга айланади. Шуниси  
қувонарлики, бу шеърларнинг бирортаси ўқув-  
чида маъюслик уйғотмайди, балки куч, шид-  
дат туғдиради.

Сен ёлғон сўйлама кўрганинг фақат,  
Сўйласанг, жонланган тошдайман.  
Эшитмаган бўлиб кетмайман лоқайд,  
Қаршингда гулдирай бошлайман!

Шоиранинг гражданлик позицияси ана шун-  
дай: муросасиз, курашчан.

Иш борми? Буюринг, энг зарур дамда,  
Етган манзилларим қолар. Тушаман.  
Кўрқманг узун кўйлак, ушоқ жуесамдан,  
Юрт юкин Сиз билан тенг тортишаман.

Қутлибеканинг шеърларида «Халқ», «Ва-  
тан», «Эл», «Ер» тушунчалари кўп учрайди.  
Булар атайлаб олиб кирилган сўзлар эмас. У  
ўзи бир марта менга «Ерда ялангоёқ юришни  
яхши кўраман»,— деган. Ватанга муҳаббат  
туйғуси — ерга, шу қорамтир тусли тупроқ ер-  
га, бағрида гул, дарахт ундиргувчи ерга, биз-  
нинг тиригимиз ва хокимизни бағрида кўтариб  
турувчи ерга муҳаббатдан бошланади. Оёғи  
тупроққа текканда танасига ҳарорат югурма-  
ган, чўкка тушиб гиёҳларни қучгиси келмаган  
одам қашшоқ бўлади, муҳаббатсиз бўлади,  
ундан шоир чиқиши қийин.

Юролмайман. Усган ўтлар бағрига чўкдим,  
Ўтлар нам, салқин.  
Мендан ҳам олдин  
Шунчалар кўп гўзалликка чидай олмасдан  
Тўйиб-тўйиб йиғлаганга ўхшайди кимдир...

Шоиранинг бу сатрлари менга табиат манзаралари эмас, меҳр-муҳаббат сувратлари бўлиб туюлади.

Қутлибека Раҳимбоеванинг ҳозиргача иккита китобчаси нашрдан чиқди. «Юрагимда кўрганларим» ва «Ўзун кундузлар» деб атабди уларни. Бир туркум шеърлари учун Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. 1984 йил Москвада бўлиб ўтган ижодкор ёшларнинг Бутуниттифоқ семинар-кенгашида иштирок этди. Ҳозир республикамиз хотин-қизларининг «Саодат» журналида адабиёт ва санъат бўлимини бошқаради. Шеърлари эълон қилиниб турибди.

Мен эндигина иккита китобча чиқарган ёш шоирани керагидан ортиқ мақтаб юбормадимми? Агар шундай бўлса ҳам, мен бундан чўчимайман. Қутлибека бу мақтовларнинг қайси бири ўз ижодига берилган ҳаққоний баҳо, қайси бири менинг устозлик меҳримнинг жўшурган жойлари — яққол кўриб туради. Мен унинг кўпроқ ёзишини истайман. Шиддатли давримиз, заҳматкаш кишиларимизнинг ўзи айтганидек «рост» сувратларини каттароқ кўламдаги асарларида чизишини истайман. Шеърят йўли олис, шу билан бирга текис ҳам эмас. Ўзини унинг ғадир-будир жойларига уриб, ушатиб юбормаслигини ҳам истайман. Қалбидаги бутун қудрати, бутун журъати,

бутун нақшини адабиётимиз равнақи учун сарфлашини хоҳлайман.

Шундай деяпман-у, бу истагимга унинг тўла қўшилмаслигини ҳам билиб турибман. Гуё ҳозир ҳам кўзимга тик қараб: «Зулфия она, инсон халқ бахт-саодати, ҳақиқат ғалабаси учун шеърсиз ҳам, шеър билан ҳам курашиши керак», деб тургандай бўляпти.

Ҳақиқий шоирлик шундай бўлиши керакдир, балки.

Нима бўлса ҳам, ундан умидим катта.

1983

---

V

Янги дунёга очилган  
деразалар



## ҚОҲИРА АНЖУМАНИ

Бундан уч йил муқаддам Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкентда катта анжуман бўлган эди. У кунлар бизнинг эсимизда, ўйлайманки, буни меҳмонларимиз ҳам унута олганлари йўқ.

Куз фасли эди. Ўзбекистоннинг кузидек олтин куз қаерда бор? Унинг кўрки дарахтларнинг олтин рангга кирганидагина эмас. Олтин кузнинг маъноси чуқурроқ, унинг маъноси бепоён далаларимиздаги оппоқ пахта-мизда, турли-туман мевалари олтин, ёқут, қаҳрабо, жавоҳирларига ранг бергудек тўкин боғларимизда! Уша кунлари Тошкент икки буюк қитъа вакиллари қучоқ очиб кутиб олган, уларга сахийлик билан меҳмондўстлик кўрсатган эди.

Куз либосини кийган шаҳримиз Тошкентнинг меҳмонлари — табиат фарзандлари каби олтин кузнинг ҳамма рангини намойиш қилгандек, ҳаворанг, оқ саллали панжобликлар, алвон ранг сарилик ҳиндистонликлар, сариқ ридо кийган шри-ланкаликлар, йўл-йўл либосли африкаликлар — беш қитъанинг вакиллари эди.

Бу ерда Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференцияси — Тошкент анжумани иш бошлаганди.

Бу конференция Деҳли конференциясидан уч йил кейин йиғилди. Лекин Деҳли анжумани фақат Осиё мамлакатлари ёзувчилари иштирокида, кичикроқ доирада ўтди. Тошкентда дўстлик анжуманининг давраси кенгайиб, Осиё ёзувчиларининг бу гурунги Африка қитъаси ёзувчиларини ҳам ўз бағрига олди.

Оташқалбли Африка — озодликка интилувчи халқлар билан кундан-кунга ўз мавқени йўқотиб бораётган мустамлакачилар ўртасида кескин кураш борган сари авж олиб бораётган Африка ўз маънавий дунёси вакиллари Тошкентга йўллади. Лотин Америкаси ва бутун Европа ёзувчиларининг бир қанчаси ҳам конференциямизда меҳмон бўлиб қатнашди. Бу — Тошкент анжуманининг даврасига кенглик, моҳиятига чуқурлик, овозига янги жаранг бахш этди. Конференцияда мингдан зиёд қалам аҳллари иштирок этди. Ўз замонасида шоирлар анжуманининг ажойиб мавлоноси бўлган Алишер Навоий номидаги театрнинг муҳташам залида, янги Тошкент меҳмонхонасининг катта-кичик хоналарида, ялпи мажлис ва секцияларда адабиёт ва маданиятнинг тақдири, халқ ҳаётида ёзувчининг тутган ўрни каби муҳим мавзулар атрофида мунозаралар, қизгин баҳслар бир неча кун мобайнида давом этди. Адабиёт тарихида кўрилмаган жуда улкан учрашув эди бу.

Мана, тагин бир учрашув. Яқинда машҳур шоиримиз муҳтарам Ғафур Ғуломнинг қутлуғ хонадонидан панжоб адабиётининг кекса вакили Гурбахш Сингх ўғли Навтеж билан бир ой мобайнида меҳмон бўлди. Икки

халқнинг, икки адабиётнинг фарзандлари, ёзувчилари учрашар экан, суҳбатнинг сўнгги бўладими? Суҳбат узлуксиз давом этди. Тўкин дастурхон устида ҳам, бир пиёла кўк чой устида ҳам суҳбатлашишди. Уларнинг ўғиллари тим қора соқолли ёш ёзувчи Навтеж билан ёш олим Мирза Улуғ, қизлари Анасуя билан Олмос гоҳ оталарининг, халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг қадимийлиги, адабиёт ва ҳозирги замон ёзувчиларининг вазифалари ҳақидаги чуқур маъноли суҳбатларини ҳурмат ва диққат билан тинглайдилар, гоҳ суҳбатни ўзлари олиб борадилар. Бу на конференция ва на сессия. Бундай учрашувлар икки ёзувчига бир-бирининг ижоди, ҳаёти ва интилишларини яхшироқ англаб олишига ёрдам беради, дўстлигини мустаҳкамлайди. Зотан, халқлар ўртасидаги дўстлик мана шундай мустаҳкамланмайдими? Масштаб ва доира жиҳатидан икки хил учрашув: беш қитъанинг вакиллари қатнашган катта Тошкент форуми ва машҳур ёзувчининг уйидаги шахсий учрашув. Лекин бу учрашувларнинг иккиси бир-бири билан жуда қаттиқ боғланган. Ёзувчиларнинг шахсий учрашувларини кенгайтириш зарурлиги гоёсини ҳам Тошкент конференцияси олға сурди, бундай дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш зарурлигини — Осиё-Африка ёзувчиларининг Тошкент анжумани уқтириб ўтди.

«Тошкент руҳи» деган қанотли иборани яратган Тошкент конференциясидан буён уч йил ўтди. Мана шу йилларда Тошкент руҳи парвозда...

Тошкент — Қоҳира! Неча ўн минглаб километрлик масофа, юксак тоғ тизмалари, бе-



поён зангори денгиз ва океанлар, мамлакатлар, шаҳарлар бор бу икки тарихий шаҳар орасида. Қанча воқеалар ўтди бу орада! Уч йил! Бу — бизнинг дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз ғояларининг мустаҳкамлиги ва ҳаётийлиги ҳақида комил ишонч билан сўзлашга тўла асос берадиган катта муддат.

Висол сониялари қисқа бўлади. Анжуманлар, учрашув соатлари, кунлари, ҳафталари, ҳатто ойлари ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетади-ю, унинг орқасидан куни ойдан узун кўринадиган йиллар келади. Биз бир-биримиздан узоқда яшаймиз.

Гулхан учун шамол қандай бўлса, муҳаббат учун ҳижрон ҳам шундай кучга эга. Шамол кичик гулхани ўчириб, каттасини янада аланга олдириб кетади. Ўйлашимча, дўстлик ҳам шундай. Конференция вақтида Тошкентда ёқилган буюк дўстлик — эзгулик гулхани тобора аланга оляпти.

Бизнинг дўстлигимиз машъали бениҳоя кучли ва чидамли. Йироқ масофалар ва учрашув кунларининг узоқлигига қарамай, бу муқаддас машъал яна ҳам кучлироқ, ёрқинроқ ёнмоқда. У ўчмайди, чунки унинг ҳаётбахш ва қудратли ўтида жаҳоннинг неча-неча мамлакатларида яшовчи миллионларча эркпарварларнинг юрак қўри бор. Исёнкор озодликка интилувчи курашчиларнинг оташин нафаси унга ҳарорат бериб туради.

Мен бу ерда дўстлик машъалига янги-янги аланга ва қудрат бағишлаб турган бир неча муҳим учрашувларни хотирлаб, улар ҳақида муфассалроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Тошкент конференцияси икки қитъа ёзувчилари ўртасида мунтазам алоқани кенгай-

тириб бориш мақсадида доимий бюро тузишга қарор қилган эди. Бу доимий бюро Осиё-Африканинг ўн мамлакати вакилларида иборат бўлиб, у конференциялар ўртасидаги муддат ичнда кундалик ишларни олиб боради. Конференция ва турли-туман йиғилишларни ташкил қилади. Осиё-Африка мамлакатларида барпо этилган ижодий ташкилотлар билан алоқани мустақкамлайди. Ҳамкорлик ҳаракатимиз — Осиё-Африка ёзувчиларининг бирдамлик, дўстлик ҳаракатлари халқаро миқёсдаги воқеаларнинг боришига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатишга қодир бўлиб қолган қудратли кучга айлангани мамнуният билан тан олина бошлади. Январда бўлиб ўтган доимий бюрода Қоҳира конференциясига тайёрлик халқаро комитети мажлисини, Токио сессиясини чақириш ва комитетнинг бюллетенини чиқариш каби қатор ташкилий масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси Қоҳира конференциясини яқинлаштирадиган босқичлар эди.

Шундан сўнг, февралнинг охиридаёқ Осиё-Африка ёзувчиларининг Қоҳира конференциясини чақириш халқаро тайёрлик комитетининг мажлиси йиғилди. Бунда Осиё-Африканинг 14 мамлакатидан вакил қатнашди. Учрашувдан-учрашувга, анжумандан-анжуманга дўстлигимиз сафи ошиб, яқинлик, бирдамлик мустақкамланиб бораётганини ҳис қилиш нақадар қувончли. Учрашувларимизда кескин баҳсларга сабаб бўладиган, баъзан ҳамманинг дарров англаб етиши қийин бўлган масалалар бўлмайди дейсизми, лекин қизғин баҳсли соатлар, оқшом ва кун-

лар орқада қолиб, ҳамма масала тонгдек ёришиб кетганидан кейинги шодлик нақадар ширин, ўз мамлакатинг, халқинг ва касбдошларнинг сенга ишониб юклаган муқаддас бурчингни бажаришга муяссар бўлганингни ҳис қилишдан ҳам кўра катта қувонч борми!

Тайёрлик комитетининг мажлиси Осиё-Африка қитъаларида яшовчи халқларнинг юрагида кураш ва ғазаб ўтлари оловланаётган кунларда, Америка империалистлари Конгода қон тукаётган, Конго халқининг содиқ фарзанди Патрис Лумумбани хоинларча ўлдирган кунларда бўлиб ўтди. Ҳақиқий адабиёт халқники, халқнинг кураш ва интилишларини ифода этади. Ёзувчи эса шу халқнинг гою ва интилишларини, курашларини ўз асарларида акс эттирувчи халқ фарзанди. Шунинг учун Конго тақдири Осиё-Африка ёзувчилари қалбига яқин, шунинг учун бу ёзувчиларнинг эзгу ҳаракатларига янги куч бўлиб кирди. Зотан ёзувчилар ўз қаламлари билан курашаётган халқ руҳини ифодалаш ва уларга мадад бўлиш билан кураш ғалабасига ишонч уйғотишга хизмат этади. Шу боис бу ҳаракатнинг ўзи кучларни бирлаштириб, бир-биридан ўртак олиб, халққа, Ватанга хизмат қилиш истагидан келиб чиққан. Шунинг учун Комитет бошқа мамлакатлар халқларининг миллий мустақилликка, озодлик учун олиб бораётган курашларини қўллаб-қувватлади. Ҳеч шубҳа йўқки, маслак ва муносабатларнинг мана шундай бирлиги ва кенглиги, ёзувчиларнинг сиёсий воқеалар ичида бўлиб, халқларнинг кураш ва ҳаяжонлари билан нафас олаётганлиги бизга масалаларни тўғри ҳал қилишга имкон беради.

Осиё-Африка ёзувчилари бирдамлиги комитети билан алоқа қилиш совет комитети раиси сифатида ўтган бу учрашувлар ҳақида муфассалроқ тўхталяпман. Ёзувчиларнинг Қоҳира анжумани ҳам шу ердан бошланади. Унинг қиёфаси, мазмуни сизнинг тасаввурингизда ҳозирдан пайдо бўлишини истайман.

Икки қитъа ёзувчиларининг Қоҳира йиғилишини чақириш ҳақида ўн тўрт мамлакат вакиллари шу мажлисда қарор қилишди. Ҳаёт, замон талаби билан анжуманнинг кун тартибига қўйидаги масалалар қўйилди:

1. Империализм ва мустамлакачиликка қарши курашда миллий озодлик ва мустақиллик учун, дўстлик ва бутун жаҳонда тинчлик учун курашда Осиё-Африка ёзувчиларининг роли. 2. Осиё-Африка халқлари ўртасидаги бирдамлик ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлашда бадиий таржима ва маданий алоқаларнинг моҳияти.

Қоҳира конференциясининг асосий йўналишини, характерини ва руҳини белгилайдиган бу асосий масалалар ялпи мажлисларда муҳокама қилинади. Лекин бундан олдинги шунга ўхшаган учрашувларнинг ҳаммасида бўлгани каби, бу ерда ҳам бир неча комиссиялар ва группалар бир неча кун давомида моҳияти юқоридаги масалалардан кичик бўлмаган ҳаётий проблемаларни кенг муҳокама қилишади. Миллий маданиятларнинг ривожланиши ва Осиё-Африка халқлари тарихини ўрганиш кичик масалами? Осиё-Африка адабиётларини ўрганиш масаласи-чи? Болалар адабиёти, адабиётни ривожлантиришда хотин-қизларнинг тутган ўрни... Бари муҳим, бари ўринли!

Энди Тошкентдан Қоҳира конференциясигача бўлган йўлимизни яқинлаштирган яна бир муҳим босқич ҳақида ҳам гапириб ўтишимиз керак.

Бу учрашув Токиода бўлиб ўтган эди. Колумбода, ўша тарихий январь мажлисларида Осиё-Африка ёзувчилари билан алоқа қилиш япон комитетининг ва япон делегациясининг илтимоси билан доимий бюронинг навбатдан ташқари кенгайтирилган сессиясини чақириш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда япон халқи ва япон ёзувчилар жамоатчилигининг Америка империалистларига қарши олиб бораётган курашларини қўллаб-қувватлаш мақсадида шундай қарор қабул қилинган эди. Бу учрашув адабиётни халқ ҳаётига, курашига яқинлаштиришда, унинг ижтимоий ролини оширишда жуда катта хизмат қилиши аниқ.

Токио! Ўн миллионга яқин аҳолини, машина ва автобусларнинг тинимсиз шовқинини, турли шаклдаги фонарлар ва иероглифларнинг томирида югуриб юрадиган рангбаранг ўт жимирашларини қучоғига аранг сиғдирган, тигиз улкан шаҳар.

Токиода ажойиб фасл — табиатнинг нафис ва кўркем беағи сакура гуллари очилган кунлар, баҳорнинг илиқ нафаси ҳатто кам табассум қиладиган, сипо ва ҳамма вақт қаёққадир шошиладиган кишиларнинг юзига ҳам мулојимлик бағишлаган бир фасл эди. Сакура ҳали бодроқ бўлиб гулламаган, лекин одамлар унинг гуллашини кутарди, сунъий дарахтлар қилиб, уларни қоғоз гуллар билан безатганлару, лекин сакуранинг кишини маст қилувчи хушбўйи ҳали қаердадир —

ҳавода эди. Шундай қилиб, биз — совет делегатлари Константин Симонов, машҳур қошоқ адиби Ғабит Мусрепов учовимиз қадим Япония пойтахти билан ҳамма нурга, гулга, гўзалликка, янги қўшиқларга тўла баҳорга интиқлик билан яшаб турган ёрқин, ҳаяжонли кунларда танишдик.

Худди кечагидек эсимда. Токиодаги учрашувлар. Бу анжуман расмий ҳужжатларда, Япония ва бошқа мамлакатларда чиқадиган неча ўнлаб газеталарда — Осиё-Африка ёзувчилари доимий бюросининг навбатдан ташқари сессияси деб қайд қилинган. Ҳақиқатан ҳам сессиянинг шу ерда ўтиши жуда ўринли, жуда зарур экан. Назаримда, қарама-қаршиликлар, курашлар ва интилишларнинг тўқнашувидан тўлганган, жароҳатланган бу мамлакат халқи, ёзувчилари тараққийпарвар кишиларнинг курашлари қандайдир далдага муҳтож эди. Шунинг учун ҳам сессиямиз жуда осонлик билан ёзувчилар учрашуви доирасидан чиқиб, юракларини тинчлик ва ҳамкорлик ғоялари иситиб юрган жамоат арбоблари, турли-туман касб эгаларининг катта ассамблеясига айланиб кетди. Сессиямиз ўз ишини уч кунда тамом қилиб, тегишли қарорлар, мурожаатлар қабул қилган бўлса ҳам, катта, жуда муҳим учрашувлар давом этди. Тинчлик тарафдорлари комитети — Осиё-Африка халқлари билан бирдамлик япон комитети, хотин-қизлар ташкилотлари, ёшлар ташкилотлари билан учрашувлар... Биз таклифларни жон-дилигимиз билан қабул қилардик, чунки бизни таклиф этувчилар мамлакатда Хиросима ва Нагасаки фожиаси қайта такрорланмасин деб кураш олиб бора-

ётган кишилар эди. Жаҳонда барқарор тинчликни таъминлаш учун кураш олиб бораётган миллионларча японларнинг вакиллари шулар эди. Биз бу ерда ҳам ўз танишларимизни учратдик. Тошкент руҳи ҳароратига қалами, нутқлари, бутун фаолияти билан ҳарорат бағишлаб келаётганлардан бири. У тез-тез, ўзи ҳам сезмай, суҳбатни Тошкент мавзуга кўчиради. Улар олдинги учрашувларда танишганимиз япониялик дўстларимиз эди. Дўстларимиз катта мамнуният билан Тошкентдаги учрашувларни хотирлайди ва Япония ҳам Тошкентда бошлаган ишларимизни жуда яхши давом эттириляётганидан мамнун бўлиб сўзлайди, кейин албатта сўраб қўяди:

— Токио сизга ёқадими, сессиямиз ишидан мамнунмисиз?

— Токио менга жуда ёқади,— дейман мен,— жаҳон адабиёти хазинасига катта дурдоналар қўшган, қадим маданиятга эга бўлган мамлакатнинг пойтахти Токио бугун бизнинг дўстларимиз даврасини яна ҳам кенгайтиришга янги имкон берган, сессиямиз ишини самарали яқунлашга шаронт яратиб берган ажойиб прогрессив ёзувчилар шаҳри бўлгани учун ҳам жуда ёқади, сакура гуллашини, хушбўй баҳорни ҳаяжон билан кутаётган мамлакат пойтахти бўлгани учун ҳам жуда ёқади.

Мен Токио ва Киото шаҳарларида ўтказилган жуда кўп минг кишилик митингларни асло унута олмайман. Бу митинглар халқлар, адабиётлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг тирик намоёишига айланиб кетди. Қим бўлмасин, қайси мамлакат ва қайси

миллатнинг вакили бўлмасин, ёзувчининг ҳар бир сўзи залда ўтирган ёшу кексанинг юрагига кириб бораётганини сезардим, уларнинг оғида қандайдир эзгу туйғулар уйғотаётганини, бу эса нотикнинг сўзига яна куч бераётганини, ўз ҳаётини бағишлаган муқаддас иш жуда тўғри, зарур эканлигига ишонч бағишлаётганини кўрар эдим. Япониялик дўстимизнинг гулдурос олқишлар тўлқинида бутун мамлакатга ёйилиб кетган сўзлари ҳамон хотирамда. Машҳур ёзувчи адабиётни сиёсатдан ажратишга интилувчиларнинг сохта назарияларини тамоман йўққа чиқариб, оташин ҳақиқатдан сўзларди.— Адабиёт ҳаёт демакдир, ҳаётни акс эттирмайдиган адабиёт ҳеч қачон инсонга хизмат қилмайди. Бас, адабиёт акс эттирар экан, ҳаётнинг ўзи сиёсат. Чунки ҳозир ҳаёт мустақиллик, озодлик учун, яхши ҳаёт ва тинчлик учун курашдан иборат,— деди у. Сочларининг кумуши юзига нур бериб турган машҳур ёзувчининг халқ ва адабиётнинг бирлиги, ёзувчининг ҳаётдаги, курашдаги ўрни ҳақидаги сўзларини ҳамма олқишлади. Шу руҳ, шу тўлқин, кураш ва интилишнинг ҳаммаси Токио сессиясида қабул қилинган ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Мана, қўрғошиндай салобатли, дилларга далда ва илҳом берадиган кескин сўзлар:

«Биз япон халқи ва япон ёзувчиларининг мамлакатда чет эл ҳарбий базаларини ўрнатишга қарши, ҳарбий иттифоқлар ва пактларга қарши олиб бораётган курашини, тинч демократик ва тамоман мустақил Япония учун олиб бораётган курашини юксак баҳолаймиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз».



Биз бу сўзларни, бу сўзлар орқасида турган курашчи дўстларимизни ҳамма вақт эслаймиз. Биз улар билан биргамиз. Чунки бизни яшаш, яратиш, уз халқи учун, инсоният учун хизмат қилиш ғоялари, тинчлик учун кураш ғоялари бир сафга тизган. Шу сафда оғишмай, қўлни қўлга бериб, шундай дадил борамизки, бизнинг бирлигимизнинг олтин ришталарини узадиган куч топилмайди.

Олдинда Қоҳира! Тошкент, Коломбо, Қоҳира, Токио, яна Қоҳира! Бу этаплар, бу шаҳарлар йирик тарихий учрашувлар билан машҳурдир. Лекин бу давр ичида Фафур Ғулом билан Гурбахш Сингх ёки Мирзо Турсунзода билан Али Сардор Жафарийнинг учрашуви каби дийдорқўришувлар оз бўлдимиз? Совет ёзувчиларининг Ҳиндистон, Бирма, Индонезия, Хитой, Япония, Мўғулистон, Куба, Гана, Эрон, Афғонистон ва яна қанча мамлакатларга сафарлари ва ўша мамлакат ёзувчиларининг бизнинг мамлакатга ташрифлари! Мана шундай шахсий учрашувларнинг ҳар бири янги поғона бўлиб, бизни Қоҳира анжуманига олиб келмоқда.

Машҳур ҳинд шоираси Амрита Притамнинг уч ҳафта мобайнида менинг меҳмоним бўлиб, Москва ва Иттифоқимизнинг кўп шаҳарларида бўлгани-чи? Кейин у шу сафар таассуротини «Деразалар» номли китобида халқига сўзлаб берди.

Бизни бир-биримиз билан яқинлаштирган омиллар фақат учрашувлар, мулоқотларми, тинчлик кабуларлари сингари мамлакатдан-мамлакатга учиб юрган мактублар-чи? Биргина Осиё-Африка ёзувчилари билан алоқа қилиш Совет комитетимиз икки қитъанинг

деярли ҳамма мамлакати билан ёзишмалар олиб боради.

Таржималар! Бу давр ичида Осиё ва Африканинг бир қанча ёзувчиларининг китоблари таржима қилинмадими? Бу китоблар ёзувчиларнинг бирдамлик ҳаракатининг иштирокчилари бўлган бизнигина эмас, неча миллионларча китобхонларни Тошкент руҳи билан таништириб, Қоҳира анжуманига яқинлаштираётган поғоналар эмасми? Бу давр ичида икки қитъа адабиёти тарихида мисли кўрилмаган даражада кўп китоб таржима қилинди. Бу янги таржималар юз миллионларча китобхонлар кўзига жаҳонни кенгроқ очиб берди, янги мамлакатларни, шу вақтгача биз учун яшириниб ётган маънавий хазиналарни очиб берди.

Китоблар дипломатик рухсатномаларга муҳтож эмас, китоб мамлакатдан-мамлакатга кўчиб юриб, у ёки бу халқнинг ҳаёти, урф-одати, кураши ва орзулари билан таништиради — китобхонларнинг юрагидан жой олгани каби, халқларнинг маънавий хазинасига сингиб кетади. Мана шунинг учун ҳам Қоҳира конференцияси ўзаро бадний таржима масалаларини асосий масалалардан бири қилиб кун тартибига қўйди.

Ҳозир конференция кунларида Қоҳирада очиладиган катта китоб кўرғазмасига ҳамма мамлакатлардан, ҳамма йўллар билан: денгиз ва осмондан неча ун тилларда юзлаб ёзувчиларнинг китоблари бормоқда.

Адабиётчилар, ёзувчилар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни акс эттирадиган фотографиялар кўрғазмасида ҳам, китоб кўрғазмасидаги каби, Совет Осиёси мамлакат-

лари албатта салобатли ўрин олади. Ишонч билан айтиш мумкинки, жаҳондаги ҳеч бир мамлакат ҳамкорлик ва дўстлик йўлида, маданий алоқаларни кенгайтириш йўлида Совет давлати, совет халқи, Коммунистик партия каби кўп иш қилган эмас. Чунки Коммунистик партия ўз фаолиятида социал тузуми турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципини Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг бош йўли сифатида оғишмай ва изчиллик билан амалга ошириб келди ва бундан кейин ҳам худди шундай қилади. У ўз олдига бутун дунё ишчилар синфи ва меҳнаткашлари билан пролетарча ҳамкорликни мустаҳкамлаш, империалистик ва мустамлака зулмидан халос бўлиш учун, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган халқларга ҳар томонлама маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишдек мақсадни қўйган ва уни амалга ошириб келмоқда.

Биз, Совет делегатлари, кўргазмага жуда кўп фото материаллар, китоблар билан бир қаторда Тошкент анжуманини акс эттирган «Инсониятнинг беш қўли» номли ҳужжатли фильмни ҳам олиб борамиз. Фильм Тошкент конференциясининг иштирокчиларини пойтахтимизда туғилган Тошкент руҳини яна мустаҳкамлашга илҳомлантиради, янги дўстларимизга — мустамлакачилик занжирларини парчалаб янги ҳаётга уйғонаётган Африка, Лотин Америкасининг қаҳрамон ўғил-қизларига ҳамкорлик, кураш ва ғалабамизнинг яқин тарихидан сўзлаб беради. Биз ишонамизки, Қоҳира конференциясида жафокаш Африканинг ва Лотин Америкасининг қаҳрамон халқлари вакиллари ўзларининг та-

рих белгилаб берган муносиб ўринларини эгаллайдилар.

Биз янги учрашувнинг қувонч ва ҳаяжони билан яшамоқдамиз бу кунларда. Бу учрашувни ҳозирданоқ аниқ, яққол кўриб турибмиз ва шунинг учун дўстлар билан яна учрашиш, муваффақиятлар билан ўртоқлашиб, келажак ҳақида биргаликда фикр юритиш иштиёқини ҳис қиламиз ўзимизда.

Қадим Мисрнинг мустамлакачилардан озод этилган янги тупроғи Осиё-Африка мамлакатлари халқларининг инсон ва тараққиёт учун хизмат қиладиган адабиёти вакиллари, балки жаҳондаги барча ёзувчиларнинг вакилларини меҳмондўстлик билан кутиб оладиган кунлар яқинлашиб қолди.

*1961 йилнинг декабри*

## ОСИЁ АЁЛЛАРИ — АДАБИЁТ РАВНАҚИДА

Менинг назаримда, аёл эзгулик демакдир, эзгулик эса ҳаётнинг манбаи. Аёл ҳаёт манбаи, гўзалликлар, эзгуликлар яратувчи беминнат бир меъмор эканлиги ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Неча асрлар, неча юз асрлар китобларини варақласак, биз унинг ҳар саҳифасидан соддалиги, оқиллиги, самимийлиги, саҳийлиги ва заковати билан гўзал қиёфада бизга боқиб турган аёл рухсорини, аёл қиёфасини кўрамиз, хилма-хил туйғулар қонимизни тезлатади, ачинтиради, ёки аксинча, сени ўша жинсга мансублигинг билан фахрланадиган даражада шодлантиради.

Қайси шоир аёл латофатини мадҳ этиб, гўзал ғазал битмаган. Қайси ҳофиз куйламаган унга бўлган муҳаббатини?! Биз қайси давр, қайси эл ва қайси тилда ёзилган адабий асар бўлмасин, аёл ҳақида такрор-такрор ўқишга ўрганиб қолганмизу, аёлларимизнинг адабиёт ривожига ҳам ҳиссалари борлиги ҳақида ўйлаб кўрмаганмиз. Негаки, уларнинг кўплари ёки бизга етиб келмаган, ёки замон тақозоси билан дилларидан қоғозга тушмай кўмилиб кетган. Ёки саводдан маҳрумлиги туфайли шеърининг тиниқ булоқларига йўл тополмаган.

Лекин мана бизнинг дориломон давримизда гавҳарлар денгизининг энг тубдагиси ҳам илиқ покиза кафтларга кўтарилиб халққа бериляпти. Биз энди Зебуннисо ва Нодирабегим шеърларини, Нотавон ва Махаста газалларини, ҳинд шоираси Сароджини Найдун ва бангладеш шоираси Сўфия Камол шеърларини ўқиганмиз. Бугунги умумсовет адабиётимизга назар солсак, Иттифоқимизнинг ҳамма ерида турли тил ва турли жанрда ижод этиб шуҳрат қозонган қалам эгаларини қувонч ва ифтихор билан тилга оламиз...

Қардош Қозоғистоннинг гўзал пойтахтида иш бошлаётган Осиё, Африка ёзувчиларининг бешинчи конференцияси ҳақидаги ўйлар тизмаси бундан ўн беш йил муқаддам мана шундай тўкин кузда ўтган конференциянинг биринчисидан бошланади. Шу конференцияда иштирок этган шоира ва адиба дўстларим, қардошларим, дугоналарим эсимга келади.

Мен жуда катта ифтихор билан айта оламанки, Осиё, Африка мамлакатлари адабиёти ривожига, айниқса, Совет Осиёси адабиётлари равнақида аёл ёзувчиларнинг ўрни энг офтобру жойлардир.

Арманистоннинг машҳур ва ҳамма халқлар томонидан севилган шоираси Сильва Капутикян ва доғистонлик шоира Фазу Алиева, озарбайжонлик Марварид Дилбозий ва Нигор, туркман шоираси Товшан Эсенова ва ёш, жуда истеъдодли қозоқ шоираси Марямхон Абулқосимова, Фариза Ўнгарсинова, адиба Ойимхон Аритбоева... Мен рўйхатимни шу ерида тўхтатиб, яна конференцияга утаман.

Осиё, Африка мамлакатларининг бир қанчасидаги империализм ва мустамлакачиликка қарши курашаётган халқлар бу курашда тезроқ ва кескинроқ ғалаба қозониш учун бир жон, бир тан бўлиб курашишга бирлашдилар ва жаҳонда Осиё, Африка халқлари бирдамлиги ҳаракати майдонга келди. Учрашувлар шуни кўрсатдики, бир касбдаги ва бир интилишдаги кишиларнинг ҳам бирлашиб ҳаракат қилишлари олдинга қўйилган мақсадга тезроқ эришишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, Осиё, Африка ёзувчиларининг бирдамлик ҳаракати майдонга келди ва биринчи конференцияси 1958 йилда Тошкентда бўлиб ўтди. Бу конференцияда халқлар ва адабиётлар учун жуда муҳим масалалар муҳокама қилинди. Бутун дунёга нотинчлик солиб турган ва ҳали у ерда, ҳали бу ерда уруш оловини ёқиб турган, Осиё-Африканинг қанчадан-қанча мамлакатларини мустамлака исканжасида тутиб турган империализмга қарши курашда жаҳонда тинчлик учун, дўстликни мустаҳкамлаш йўлида ёзувчи ўз халқига қандай ёрдам бериши, нима қилиши зарурлиги муҳокама қилинди, мамлакатлар ўртасидаги адабий алоқаларни мустаҳкамлаш ва унинг энг муҳим омилларидан бири бўлган адабий асарларнинг таржимаси ва сиз билан биз учун, азиз дугоналар, энг муҳим ва қувончли бўлган масала—адабиёт тараққиётида хотин-қиз ёзувчиларнинг роли каби масалалар кўрилиб, жуда катта муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилинди. Шу конференцияда жаҳонга машҳур бўлиб кетган Тошкент руҳи туғилди.

Тошкентда бўлган конференцияда Осиё,

Африка мамлакатларидан анчагина аёллар қатнашди, улар муҳим масалалар юзасидан муҳокамаларда актив иштирок этишди, конференция шу хулосага келдики, ҳамма ерда, айниқса совет Осиёсида хотин-қизлар — қалам эгаларининг умум адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссалари катта.

Аёл жаҳонга ўз танидан юлиб ҳаёт беради, уни ўстиради ва унга ёрқин, осойишта келажак истайди. Аёл гражданин сифатида ўзи яшаётган тупроғида тинчлик бўлиб, халқни иқтисоди, маданияти, санъати яшнашини истайди ва шунга хизмат қилади. Аёл ўзи — гўзаллик ва эзгулик билан эгизак дидли. Гўзаллик ва ҳаёт эса ҳамма нарсани ямлаб симирувчи уруш оловига ёв... Мана шунинг учун аёлнинг овозида — шеърида, романида, ҳикоясида, қўйингки, бутун ҳаёти ва фаолияти билан, баҳолиқудрат ана шу тинчлик, осойишталик, гўзаллик, эзгуликни ҳимоя қилади, бири деҳқон сифатида далада, бири ишчи сифатида заводда, бири жамоат арбоби сифатида, бири шундоқ, аёл, она, инсониятнинг бир зарраси бўлган ўз оиласининг тираги, асоси сифатида яхши ниятлар билан яшайди.

Шу туфайли ёзувчи аёллар ижодида энг асосий мавзуи оналик бахти, фарзанд ва унинг келажаги ҳақидаги ўйлар, Ватан ва элнинг осойишталиги ҳақидаги фикрлар, бутун халқлар билан дўстлик, бирлашиб, бирдамлашиб, курашиб, жаҳонда тинчликни сақлаб қолишга, фарзандларга энг яхши келажакни таъминлашга чақириқ янграйди.

Мана, машҳур араб шоираси, менинг энг яхши дўстларимдан бири Малак Абдулазиз



шеърларига қулоқ солинг. Ўз халқи бораётган йўлни танлагани ҳақида бундай ёзади:

### БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Энг оғир бир йўлни таплаб олдик биз,  
Мақсад қилиб олдик тоғ чўққисини.  
Зилол ўрмон имлаб тортди кўзимиз,  
Лекин совуқ билиб унинг кўксини  
Ўша мушкул йўлдан қайтмадик бир он,  
Дармонимиз тугаб, огриси ҳам тиз,  
Илҳом, ишонч билан юрдик тинмай биз  
Танланган шу йўлдан ўз мақсад томон.  
Бу йўлни ўз хоҳиш, дилдан танладик,  
Қанча машаққати қолди орқада.  
Интилган чўққида тонг қаршиладик,  
Сўнмас нури яшар қонда ва жонда.  
Фарзанд ва авлодлар озод, бахтиёр  
Ҳаёт кечирсин деб танладик уни,  
Гарчанд ҳамон йўлда мушкулликлар бор,  
Барин осон қилар ўша тонг нури.

Биз араб халқларининг ўз мустақилликлари, озодликлари учун, янги ҳаёт учун олиб борган курашларини ва ниҳоят, ғалаба қозонганларини биламиз. Мана, Малак Абдул-азиз ана шу кураш йўли нақадар қийин бўлмасин, мушкул бўлмасин, тоғ чўққисидай ярқираб турган янги ҳаёт йўлини танлагани ва у тонгга халқи билан етиб бориш бахтига сазоворлигини куйлади.

Тошкент конференциясининг қатнашчиси ҳинд шоираси Пробжот Каур Малак Абдул-азиз фикрини давом эттиргандай, шундай дейди:

«Қийинчиликларга қарши кураш кишига жасорат бағишлаб, уни метин каби чиниқти-

ради. Адабиёт ва санъатни халқ яратади, халқ эса эркак ва аёл демакдир. Демак, аёл ҳам эркак каби адабиёт тараққиётида катта ҳисса қўшиши мумкин, лекин бунинг учун маълум шароит, тажриба, билимга эга бўлмоғи керак аёл ҳам.

Осиё уйғонди, бизнинг мамлакатда ҳам ҳар соҳада, шу жумладан, адабиётда ҳам ўз истеъдодимизни намоён қилишга шароит яратилмоқда, тажриба, намуна масаласига келсак, бизга Совет Иттифоқи халқлари ҳаёти, ёзувчилари тажрибаси ижодимиз йўлини ёритиб туради».

Мана, корейлик адиба нима дейди: «Адабиётда аёллар ҳиссаси салмоқли бўлиши учун, муҳим ва катта ўрин тутиши учун аёлларнинг ҳуқуқ озодлиги, худди Совет Иттифоқидаги сингари амалда таъмин этилган ижтимоий жамият барқарор бўлиши керак».

Негр шоираси ёзади: «Мен куйлашни истайман, ўтмиши ҳам, бугуни ҳам, эртаси ҳам бутун кучини олиб кетаётган халқим учун куйлашни истайман, одамларнинг кирини ювиб, дазмолловчи, овқатини пишириб, экинини экувчи, ҳосилини йиғиб хўжайинга топшириб, ўзи оч яшовчи, данғиллама кошоналар қуриб бериб, ўзи чайлаларда кун кечирувчи бечора заҳматкаш халқим учун куйлайман».

Мана сизга аёл! Аёлга ижод этиш учун, шубҳасиз, шароит керак. Лекин халқ ҳаёти билан ўз ҳаётини чамбарчас боғлаган экан, у куйлайверади. Шубҳасиз, Пробжот Каур айтгандай, шароит бўлса, адабиёт тараққиётида унинг ҳиссаси жуда катта бўлар эди.

Назаримда, мен сизга маълум даражада  
Осиё-Африка шоирларининг мушоирасини  
қуриб беряпман. Дарҳақиқат, Олмаотада ўта-  
диган бешинчи конференция ҳам икки қитъа  
ёзувчиларининг буюк мушоираси-да!

Мана, даврамизга япон шоираси Такигути  
Масака кирди деб тасаввур қилинг: «Мени  
суянгиз» деб аталади унинг шеъри:

Мен душман ва ёт бир бўшлиқда қолдим,  
Гуллар ҳам очолмас руҳим ва кўнглим.  
Ер — осмон сирғалиб кетар йўқликка.  
Мен танҳо!

Қўрғошин каби муз бўлиб  
Совуқ тупроқ узра чўзилмоқдаман,  
Одамлар!

Қуршангиз, суянг, йиқилмай,  
Мовий ҳавосимон,  
қайноқ меҳрсимон  
Битмас денгизсимон олинг оғушлаб,  
Одамлар, қалбимнинг уфқига чиқиб,  
Ҳаётбахш ҳарорат билан ўрангиз,  
Одамлар!

Мени суянг, суяб қўлдан тутиб,  
Бағрингизга мен ётган ердан  
Кўтариб олингиз, суянг, одамлар...

Бир дарахт боғ бўлолмагандай, инсон  
танҳоликда яшай олмайди. Инсон халқ би-  
лан, ўз эли билан ҳамдард, ҳамбахт, ҳамна-  
фас, ҳамкорликда бахтиёр. Ана шу танҳолик-  
ка душманлик, инсонлар билан ёнма-ён  
яшашга интилиш — ёзувчиларнинг бирдам-  
лик ҳаракатига ҳам асос солди, ҳам унинг  
йўналишини белгилаб берди.

Бугун биз Олмаота конференциясига йи-

гилаётган бир даврда бизнинг ана шу Осиё, Африка ёзувчилар бирдамлиги ҳаракатига ун беш йил тўлади. Ун беш йил ичида фақат биз бешинчи марта учрашаётганимиз йўқ. Бу ўртада қанча-қанча учрашувлар, симпозиумлар, пленумлар, делегациялар алмашуви, китоблар таржимаси, шахсий учрашувлар бўлди. Буларнинг ҳаммасини конференция дейиш ҳам мумкин, демаслик ҳам. Гап учрашувда қатнашган кишилар миқдоридан эмас, унинг моҳиятидан. Моҳият эса аниқ — дўстлик ришталари борган сари мустаҳкамланади, кишилар тажриба алмашиб, руҳан бойийди, ўз халқлари, маданиятлари — қўлга киритган янги ютуқлар баҳам кўрилади, қандай халқлар ҳаёти, маданиятини яхшироқ ўрганиш, яқинлаштириш йўллари белгиланади.

Мана, биз шу кунларда йиғиладиган Олмаота конференциясида ҳам моҳият-эътибори билан шу нарса олдинга сурилади, бу йўлда айтилган тажрибалар алмашилиб, янги вазифалар белгиланиб олинади.

Мен аминманки, шу чоққача Тошкентда, Қоҳирада, Байрутда, Деҳлида ўтган тўрт конференциядан кўра, Олмаота конференциясида иштирок этувчилар орасида аёллар яна кўпроқ бўлади.

Биз Олмаота конференциясида ҳаёти ва фаолиятини, қаламини, бутун ижодини халққа, умуминсониятга хизмат қиладиган маданиятга бағишлаган жасур ва фидойи ёзувчилар сафида қадрдон бўлиб қолган қаламкаш дугоналаримиз билан учрашамиз, деб умид қиламиз ва менинг ишончим комилки, улар орасида янги номлар, сизга фақат асарлари

билан таниш ёки ҳатто таниш бўлмаган шоира ва адибалар бўлади. Бу учрашув ҳар биримиз учун ҳам қувончли, руҳий бойиш бўлади.

Зеро, ҳар бир учрашув — инсоннинг инсон билан учрашуви, китобхоннинг китоб билан учрашуви, халқнинг саҳна асарлари, кинофильмлари билан учрашуви — кишига руҳий бойлик бағишлаши билан бирга халқларни бир-бирини яхшироқ таниб, яқинлаштиришга, маданияти, санъати, ҳаётини яхшироқ ўрганиб, уни ҳурмат қилишга хизмат қилади.

Биз ҳаммамиз бир давр ва бир маконда, бир сайёрада яшаймиз, ҳаммамизнинг — айтилса, биз аёлларнинг маслагимиз тинчликда, дўстликда, осойишталикда яшаб меҳнат қилиш, ҳаётимиз боғи—фарзандларни ўстиришдир. Биз Ватанимизнинг гулгун яшнаб, қудратга, гўзалликларга тўлишини истаймиз.

Бизнинг истагимиз жаҳондаги тараққийпарвар, тинчликсевар, дўстлик туйғулари қонларини янгилашиб турадиган халқлар истагига пайванд.

Биз тўла ишонч билан айта оламизки, Осиё, Африка ёзувчиларининг бешинчи Олмаота конференцияси ана шу истаklarнинг ҳаммаси ҳаётда қарор топишида янги, ниҳоятда йирик қадам бўлади. Сиз ва биз, дугонажонлар, жаҳонда тинчлик ҳамиша барқарор бўлишига ишонч билан яшаб меҳнат қиламиз, фарзандларимиз беланчаги тепасида ёрқин, майин аллалар айтиб, яйраб яшашимиз мумкин, чунки бундай тинчлик ҳаракатининг энг олдинги сафида бизнинг жонажон партиямиз олиб бораётган тинчлик сиёсати-

ни амалга татбиқ қиладиган совет киши-  
лари боради.

Аёл шоир қалби тонг-ла уйғонар,  
Мисли ёлғиз мунис қуш каби,  
Учар, учар, тинч макон излар,  
Ҳаёт унга бўлсин дўст каби.  
Тоглар чуққисига кўтарилар,  
Водийларга ёйилар — эрка,  
Фарзанд ва қардошлар бошига елар  
Ёстиғини тарк этиб эрта.  
Юлдузлардан учқунлар олиб  
Ҳар инсонга ёқар гулхан ул.  
Ёритмаса дилни ҳарорат бўлиб,  
Шоир бўлиб кимга керак ул?

## УЧРАШУВЛАР — ЯНГИ ДУНЁГА ОЧИЛГАН ДЕРАЗЛАР

Дунёда йўл кўп, техниканинг тараққийси билан ер узра тушган йўллар, сўнгроқ сувлар юза тушган йўлларга осмон йўллари қўшилиб учрашувлар, мулоқотларга имкониятни кенгайтириб, кишилар қалбининг дўстлар билан бойишига кўпроқ хизмат қиляпти.

Лекин бошқа йўллар ҳам бор.

Яқинда мен яна бир дўст орттирдим. Тошкентдан жуда узоқда, Африканинг ғарбида, Сенегалнинг бир кичик қишлоғида яшайдиган Умар Файе деган йигит бу.

Мен уни кўпдан бери танийман. Хурмо дарахтлари остида кичик бир гўшада туғилиб, дунёга келганидан хабар берган биринчи йигисини ҳам эшитганман. Мен унинг бутун ўсиш даврини кузатиб бордим, у хонаки кемада биринчи марта денгиз тўлқинлари бўйнига осилиб, балиқ тута бошлаганда илк омадидан севиндим, бошқа Сенегал йигитлари билан урушга жўнаганида ҳаяжон ва қўрқиш туйғулари билан кузатиб қолдим. Кейин у ўзи туғилган қишлоққа қайтиб келди, вояга етган довюрак, жасур Умар ўз қишлоғида тузилаётган биринчи қишлоқ хўжалик кооперативига раҳбарлик қилди.

Кейин, кейин дўл жаласи савалаб турган қоп-қора бир тунда халқнинг душмани бўл-

ган француз мустамлакачилари Умарни ўлдиришди, халқнинг катта хурсандчилик ёки бошига оғир кулфат тушганидан хабар берадиган там-тамнинг юракларга қўрғошиндек тўкиладиган овози сенегал халқининг содиқ фарзанди—жасоратли Умарнинг дафи маросимида ғамли ва исёнкор янгради — унинг овози ҳали ҳам қалбимни ўйиб кетаётгандек.

Лекин бундан бир неча ой муқаддам мен Умарни танимасдим. У севиб ўз жонини қурбон қилган ватани Сенегал мен учун анча узоқ эди. Ҳозир энди гўё кўм-кўк осмони ҳам, тупроғи ҳам, нур ва ҳарорат қўйинга ташлаб ёнадиган қуёши ҳам, иссиғи, муттасил ёғадиган ёмғирлари кийимларимдан ўтиб жон-жонимга сингиб кетаётгандек, Умарнинг қариндошлари ва дўстларининг таниш қиёфалари кўз олдимдан кетмайди, улар менинг ёнимда юргандек...

Умар ҳам, унинг ватани ҳам, қариндошлари ҳам китобдан чиқиб, менинг дилимга, кўзимга кириб келишди. Бу китобни мен яқинда ўқиб чиқдим. Ўз халқининг қаҳрамон ўгли Умарни мен билан таништирган киши Сенегал ёзувчиси Сембен Усмон бўлди.

Сембен Усмоннинг ўзи ҳам бизнинг яхши дўстимиз. У Тошкентда ҳам бўлган. Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент конференциясида қатнашган, конференциянинг юксак минбаридан янграган ошанин нутқи, Тошкент Давлат университети студентлари билан учрашувдаги самимий сўзлари, Мирзачўлни ўзлаштириб, саҳрода бўстон яратган шуҳратли колхозчилар тухфа қилган чуст дўппини кийиб ўтириб, Совет деҳқонларига ватанидаги деҳқонлар ва балиқчилар ҳақида қилган ота-



шин суҳбатлари ҳамон эсимда. Ушандан бери, мана, уч йилдан зиёд муддат ўтди. Бу ўртада Усмоннинг ҳам, бизнинг ҳам дўстларимизнинг сони ортиб кетди. Ўша дўстларимиздан яна бири ҳам кечагидай кўз олдимда. У Мисрдаги Искандария университетининг профессори. Тошкент конференцияси ўз ишини тугатаётган кунда араб ёзувчилари номидан конференция минбарига кўтарилиб, Осиё-Африка ёзувчиларининг иккинчи конференциясини Қоҳирада чақиришни таклиф қилди...—Келинглар, бизнинг зангор Нилимиз сувидан баҳраманд бўлинглар. Зеро, Нил сувидан бир марта ичган киши, албатта, яна келади,— деди.

Унинг сўзлари гулдурос қарсақлар билан қабул қилинди, бу қарсақлар араб дўстларимиз миннатдорлик ва истиқболдаги учрашув, ёзувчилар бирдамлиги, ҳамкорлиги гоямизни яшаб кетишига ишонч шодлиги эди.

Юракнинг интилиш, фикрлаш, хотирлаш ва орзу қилишдан ўзга нима иши бор!

Мана, дарҳол хотиралар бундан беш йил нарига олиб кетди.

1956 йилнинг декабри. Деҳлида Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференцияси ўз ишини тамомлар эди. Бу ёзувчиларнинг биринчи йиғилишида Осиёнинг 17 мамлакати ёзувчилари қатнашди. Бу ерда Совет делегатининг таклифи билан Осиё Ёзувчиларининг иккинчи конференциясини Тошкентда чақириш ҳақида таклиф киритилди ва ишонтирилди, ўзбек тупроғига бир бор қадами етган кишининг яна қайта-қайта қадами етиб турмоғи турган гап.

Таклиф шодлик билан қабул қилинди.

Биз Совет ёзувчилари меҳмонларни қабул қилишга тайёрлана кетдик. Энди бир минутга Қоҳирага бориб келайлик.

1957 йилнинг охирида (Ҳиндистон ҳам, Миср ҳам, иқлими иссиқ мамлакатлар бўлгани сабабли халқаро учрашувлар одатда қишқи мавсумлари ўтказилади, бу ҳам меҳмондўстлик) Қоҳирада Осиё-Африка халқларининг бирдамлик конференцияси бўлди. Ана шу конференция делегатлари халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда ёзувчиларнинг тутган ўрнига юқори баҳо бериб, Тошкентда ўтадиган конференцияга фақат Осиё ёзувчиларинигина эмас, энди янги ҳаётга вулқондек отилаётган қайноқ Африка қитъаси ёзувчиларини ҳам таклиф қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу ёзувчиларнинг ҳамкорлик ҳаракатлари ўзини оқлаётганининг, халқларнинг ўз ёзувчиларига бўлган ишончларининг буюклигини кўрсатадиган далил эмасми?

Тошкент конференцияси ҳаммамизнинг эсимизда. Тошкент конференцияси қабул қилган олижаноб, ҳаётий кучга эга бўлган қарорлар мана шу ўтган давр ичида деярли тўлалигича бажарилиб келинди — негаки, бу қарорларни қабул қилган ёзувчилар ўз ижодлари ва ҳаётларини халқ хизматига бағишлаган, ҳеч қандай тўсиқ олдида тўхтаб қолмайдиган, ҳаётнинг сахийлигидан яйраб, бўронидан қалқиб кетмайдиган метин иродали, жасур кишилар... Тошкент конференцияси юракларга ташлаган ажойиб дўстлик ғоялари уруғларидан яхшигина ҳосил олишга қодир кишилар... Улар Сенегалда ва Деҳлида, Бирмада ва Кубада, Қоҳира, Япония ва Суданда...

Биз уларни кўриб турибмиз, қадамлари тез-тез ўзбек тупроғига етиб турмаса ҳам, уларнинг овозлари гоҳ ҳикоя, гоҳ шеър, гоҳ роман, гоҳ дўстлик мактублари, гоҳ мустамлакачилик занжирларига қарши исён нидоси, гоҳ ғалаба қаҳқаҳаси бўлиб бизга етиб турибди.

Биз учрашувларнинг ҳамма имкониятларидан фойдаланамиз: чунки ҳар бир учрашув, бир ҳинд ёзувчиси айтгандек, биз учун янги дўстларга, янги дунёга очилган яна бир дераза. Биз ҳаммамиз учун зарур тинчлик ҳақида, тараққиётга хизмат қиладиган китоблар ҳақида, дўстлик ришталарини мустаҳкамлайдиган кинофильмлар ҳақида гапир-япмиз.

Бу айрим кишилар томонидан ўйланиб топилган жарангли, аллакимлар назарида даҳшатли сиёсатдан иборат бўлган сўзлар ва тушунчаларгина эмас, ҳозирги замоннинг энг ҳаётий масалаларидан бири.

Ҳозир газета ўқиб, радио тингламайдиган одам йўқ юртимизда. Ҳозир барча мамлакатларда кино санъати тараққий этяпти. Бу санъат халқлар ҳаётини бир-бирига таништиришда энг яхши воситалардан бирига айланмоқда. Демак, ҳаммага аёнки, ҳали айниқса, Африканинг талай мамлакатларида империализм ўзининг мустамлака деб аталган оғир ва даҳшатли тошини маҳкам босиб турибди. Тош қанча оғир бўлса, унинг тагидаги тирик жоннинг тоза ҳаво ва қуёшга бўлган интилиши шунча кучли. Оғир зулмат тоши остида қанча инсонларнинг тақдири бор. Қалб кўзи тошда ҳам, тоғда ҳам ўта ҳақиқатни кўради. Қуёш ўлкасида нурга чанқоқ

кишиларнинг кураши ва кутарилган қалблари у тошларни вулқондек бирин-кетин отиб ташлаяпти. Бу воқеаларни гоҳ фильмларда кўриб, гоҳ китобларда ўқиймиз. Бидамизки, улар интилишлари бир бўлган кишилардан мадад истайди, уларга суянади. Дунёда бўлаётган ҳамма воқеалардан хабардор бўлиб яшамоғи керак. Шундагина Ватанни ўзида ифода этувчи шахсга айланади.

Мен сўзни китоблар ва китоблар орқали орттириладиган бойликлар ҳақида бошлаган эдим. Бу масала ҳаммани бирдай қизиқтиради, қаерга борманг, ҳар бир саводли танишингиз сиздан ўз тилида чиқарилган китобни сўрайди. Наҳотки, Ўзбекистонда ёки Тожикистонда Бирма ёки Сенегал тилида китоб чиқарилмаслигини билмаса, деб ҳайрон қоласиз, бир нафас. Лекин тушунамиз, ахир, у шунчаки чиройли сўз ёки ҳавас эмас, хайрихоҳлик, ўқиш, яхшироқ билиш учун бўлган хоҳишнинг бир ифодаси-ку. Китоблар энг яхши сайёҳ ва энг яхши суҳбатдошлардир, яхши, ҳаққоний ёзилган роман ёки ҳикоя, қалбнинг тебранишлари бўлган шеърлар ёзувчи ва ўқувчилар ўртасига дарҳол кўприк ташлаш қувватига эга — бу кўприк орқали сенегаллик Умарга ўхшаган дўстлар орттирамыз. уларнинг халқлари ҳаёти, маданияти ва курашларидан огоҳ бўламиз. Дилларни бирлаштиришнинг бу йўллари борган сайин гавжум бўлишига ишончимиз комил.

Осиё-Африка адабиётининг энг яхши намуналарини Совет Иттифоқи халқлари тилларига таржима қилиш ишлари таҳсинга лойиқ. Европа ва Осиё-Африка ёзувчиларининг Иттифоқимизда нашр этилган бу китоб-

ларини бу ерда санаб ўтирмайман. У китоблар юксак бадий дидга эга бўлган кўп миллионли китобхонларимизнинг кутубхоналарида Навоий ва Пушкин, Толстой ва Шолохов, Ҳамза ва Самад Вурғун, Ғафур Ғулом ва Микола Бажан асарлари ёнидан жой олган, кишилар қалбининг самимий йўлдошлари бўлиб қолган. Бу китоблар, саҳроларга суви чиқариб, кишилар учун нон олиб бераётган деҳқонлар ҳақидадир... Чакалакзорларни тозалаб, қанд заводлари қураётган бинокорлар, ишчилар ҳақидадир... Ўз халқининг келажagini тарбиялаб, тинчлик ҳақида алла айтаётган оналар ҳақидадир...

Тинчлик, дўстлик, қардошлик, меҳнат, бахтиёрлик! Мен бу сўзларни ёзаётиб, қалбим ёрқин бир иссиқлик билан яйраб кетганини сезиб қолдим. Чунки ўша йўллардан қалбимга оқаётган ҳароратли туйғулар барча халқлар учун энг азиз ҳаётий туйғулардир: бу тинчлик, дўстлик, биродарликнинг қудрати ҳақидаги туйғулардир. Бу туйғуларни куйлашни ҳар биримиз ўзимизнинг гражданлик бурчимиз деб биламиз. Бу йўллар ҳаминиша очиқ ва сўнгсиз бўлади.

## ЯГОНА ОИЛА ТУЙҒУСИ

Уйлар гоҳ осмону қирғоқ аксини хиёл тебратиб, бир зайлда оқадиган сой сувларига ўхшаса, гоҳ тоғдан тўполон билан тўкилган шалодадай пўртанали тўлқинни тўлқинга қоради. Бу мазмунли тигиз ўйлар суронли, курашли, қурбонли ғалабани воқеаларнинг ёки сени гоҳ кўкларга кўтарган, гоҳ жарларга қулатган кучли эҳтирослар қудрати бўлади.

Бутун совет халқи жаҳонда энг улкан мамлакатимизда бутун жаҳонга татирли, асрларга етарли, тарихий воқеалардан энг тарихийси бўлган Октябрь инқилоби ғалабасининг 60 йиллигига кириб келяпти.

Бутун Совет халқи! Октябрь ғалабаси деганда «бутун» деган ибора ҳам унинг самарасидай туюлади менга. Мамлакатимиздаги катта-кичик миллат ва халқлар энди бутун совет халқи деб ном олганидан бери тақдири бутун, бағри бутун, нони бутун, осойишталиги бутун бўлиб, ўз юртида яшайди. Лекин энди унинг юрти ниҳоятда буюк, бутун совет мамлакати, унинг тақдири эса ёрқин совет тақдиридир.

Байрам арафасидаги ўйлар тўфонининг қайноқ ҳаяжонини босиб, ўтган воқеалар тизимининг фақат бир кечасига тўхтаимиз.

Зеро бунда совет йилларида ўтилган йўлнинг, қилинган меҳнату қўлга киритган ютуқларнинг мужассами бор. Эртанги вазифаларимизнинг негизи бор. Бунда бу йиллар давомида Коммунистик партиямиз ва Совет давлатимизнинг социалистик қурилишнинг гигантлари, ички ва ташқи сиёсат бобида синовдан ўтган доно раҳбарлари фаолияти ва тажрибаси, меҳнаткаш халқ оммасининг бу ишга садоқатли меҳнати ва шуҳрати бор.

Иттифоқ Конституциямизда СССР Олий Советига сайловлар ва сессиялари вақтида ҳамisha мени ҳаяжонга соладиган бир пункт бор. СССР Миллатлар Советига барча республикалардан территориясининг катта-кичиклиги ва халқининг нуфузидан қатъи назар, тенг миқдорда депутат сайланади. Совет Иттифоқидаги ҳамма автоном республикаларда ҳам шундай. Бу чин маънода, буюк моҳиятга эга кунлик, давлатни бошқаришга оид муҳим масалалар ҳал этилишида баробар овоз билан қатнашиш демакдир. Дўстона қардош оилада фарзандларнинг катта-кичик бўлишига қарамай, бир хилда ота-она меҳрига ҳақли эканидай бир ҳақиқатдир. Чет элдан келган меҳмонларнинг кўпини бу ҳақиқат жуда ҳайратга солганини ҳам биланман ва ғурурланаман.

Яқинда Осиё, Африка ёш ёзувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган халқаро учрашувида совет делегациясининг аъзоси, узоқ Тундрадан келган чукот шонраси Антонина Қимитвалга сўз берилди. Минбарда ёш, лекин ўзлигини яхши билган, буюк совет давлатининг ҳар бир граждани сифатида ҳамма ҳақ-ҳуқуқ ва бахту саодатга дахлдор, совет ёзув-

чиси деган жарангли ва масъулиятли унвон-га эга эканлигидан ифтихори иссиқ қиёфасида нурланиб турарди.

Шоира ўзининг кичик халқи, ёзма адабиёти 1932 йилдагина яралгани ва ҳозир чуқот ёзувчиларининг асарлари ўз тилларидан ташқари рус тилида 14 минглик аҳолилари сонидан анча зиёд тиражда нашр этилишини сўзлади. Уни тинглаб туриб, менга ҳозиргина тақдим этгани «Музыка тинглаганда» номи рус тилида Магаданда нашр этилган китобига қарадим. 20 минг нусха.

— Кечирасизлар, ҳаммага аён ҳақиқат ҳақида сўзлаяпман,— деди у.— Бу менинг халқим учун янги туғилиш тарихи. Ўзини бутун бир халқ деб билиши тарихи, агар Октябрь революцияси бўлмаса, бир кийик боқувчининг қизи бу халқаро минбарда турмас эди, бу минбардан ҳеч ким қўшиқ айтмаган бўлса керак. Ҳозир менинг қалбим куйлаяпти, халқимнинг саодатли қўшиғи қалбимга сифмаяпти. Мана, эшитинг... Чуқот шоираси Антонина Қимитвалнинг қўшиғи майин, тундранинг дириллама изғирин шамоллари гўё севгига дуч келгандай майин. Худди кийик кўзидай булоқлардан кўтарилаётган шаффоф ҳовурига ўхшаш ҳарир, она алласидай сеҳргар, шоир сўзидай қайноқ эди. Кейин у ҳар бир халқ адабиёти ва маданияти ривожини учун ўша халқнинггина тинчлиги етмайди. Бутун ер юзида осойишталик бўлмоғи, уруш оловлари сундирилмоғи даркор. Ҳар бир гўдакнинг улғаймоғи, маданиятнинг тараққий этмоғи учун жаҳонда тинчлик зарурлиги ҳақида гапирди ва бу эзгу ният учун курашга чақириб, шеър ўқиди:



Ҳар мушкул, ҳар дардга бера оламан тоб,  
Тўплар овозини ўчиринг фақат!  
Шовқин солманг, утинч, бор бўлса инсоф,  
Қизларим уйқусин бузманг, марҳамат...

Мен биламанки, шу минбарга чиққан рус ҳам, қозоқ ҳам, тожик ҳам, қумуқ ҳам худди шу тарзда сўзлар эди. Қитъалар ва мамлакатлардан келган юздан зиёд делегатлар ва меҳмонлар бу сўзлар таржимасини тинглаб, шошилинич ён дафтарларига ёзиб олар эдилар. Бу совет кишиси, унинг ёзувчилари ёшларининг овози эди. Октябрь революциясининг ғалабаси овози эди.

Ўзбекистон, хусусан Тошкент халқаро ва Иттифоқ миқёсидаги турли соҳадаги учрашувларнинг макони бўлиб қолгани ҳаммага аён. Яна шу сўзларни такрорлайман. Қадим маданият ва тарихий ёдгорликлар ўлкаси — Октябрь ғалабаси янги тараққиёт босқичига кўтарган Ўзбекистоннинг бу кунги қиёфаси ҳамма қардош республикаларимиздек, социалистик тузумнинг бениҳоя афзалликлари ҳақида, халқлар дўстлигининг бетаққос қудрати ҳақида энг гўзал ҳикоядир.

Янги социалистик тузумнинг янги анъаналари тобора ҳаётимизга узвий кириб бориб, халқлар тенглиги, қардошлиги, дўстлигини мустаҳкамлашда катта моҳият касб этаяпти. Бу анъаналар орасида социалистик жамиятда халқлар иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатдан ниҳоятда ўсиб бораётгани, ўзига хос миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда мундарижа жиҳатидан социалистик тараққиётга бебаҳо ҳисса қўшаётганини намойиш қиладиган анъаналар ҳақида гапирмоқчи-

ман: қардош адабиёт ва санъат кунларининг ҳали у, ҳали бу республикада ўтказилиши қувончлидир.

Фақат кечагина ўтган РСФСР адабиёти кунларининг завқи ва руҳимизга бахш этган маънавий неъматининг лаззати, ҳаяжони тингани йўқ. Чақмоқ каби рақслар, дарё каби тиниқ қўшиқлар, илиқ сўзлар ҳамон бизнинг хаёлимизда. Ниҳоят, ҳафта чақмоқ тезлигида ўтдию якунловчи тантанали кечага йиғилдик. Мен СССР халқ артисти, машҳур, суюкли санъаткор Юлия Борисованинг ҳаяжонли, санъаткор юрагининг туб-тубидан чиққан самимий, қайноқ сўзларини ҳеч қачон унутмасман. Юлия Константиновна илгари ҳам Тошкентда бўлган. Лекин дала кезмаган, фабрика цехларида юриб, дастгоҳлар овозини босиш учун ишчиларнинг нақ қулоғига гапириб бўлса ҳам суҳбат қурмаган, нозикниҳол, лекин қиёфасидан қудрат сезилиб турган механизатор, теримчи қизларнинг куз шамолидан дағаллашиб қолган қўлларини тутиб, далаларда сўзлашмаган — ёлғиз театр билан гастролга келиб кетган эди.

«Ўзбекистонлик менинг ватандошларим!» Юлия Борисованинг улуғ рус халқи, бутун меҳмонлар қалбидаги ҳис-туйғуларининг қуйилмаси бўлмиш бу ҳаяжонли, қардошларча айтилган самимий сўзларни сиз телевизор ва радиоларингиз орқали эшитдингиз. Ўзбекистоннинг қардош совет оиласида яшаб, жаҳонга машҳур маҳсулотлар бераётганини, шу жумладан, энг юксак сифатли тилла толалар бераётгани ҳақида гапириш керак-у, лекин лойиқ сўз тополмаганини айтиб, бутун дўст-

лик ифтихори, таҳсину таъзимини фақат бир ибора: «Ассалому алайкум!» деган сўзлар билан ифода қилиш мумкинлигини тан олди. «Ассалому алайкум»да жуда катта маъно бор эканини биларди у. Сиз яшаётган уйда, меҳнат қилаётган ерда, фарзандлар ўстириб, орзу умидлар билан яшаётган элда тинчлик бўлсин демакдир, омонлик бўлсин демакдир.

Бу оташин нутқнинг эртаси тонгда маҳсус поезд билан расмий делегация бошлиқ ҳафталик қатнашчилари ўзлари билан бизнинг меҳру миннатдорчилигимизни олиб, жўнаб кетмоқда эдилар. Вокзалда кутиб олгандагидан ҳам кўп одам тўпланган. Тунда бошланган ёмғир тинмай ёғиб турибди. «Пахта-лар нима бўлади?» дейди Людмила Қасаткина. «Бу ёмғирдан кейин пахтани машиналарда териб бўладими?» деб сўрайди Ленинград область Ижроия Комитети муовини ўртоқ Елисеева.

Бўлади. Ҳаммаси териб олинади, азиз дўстлар! Сизлар ўз ижодий меҳнатингиз, дўстлик туйғуларингиз бериб кетаётган ғайрат ва қудрат ҳамма қийинчиликларни енгишга бизга мададкор бўлади, деймиз ва шундай бўлишига ишонамиз.

Бундай ноқулай об-ҳаволи куз биринчи эмас ва охири ҳам эмас. Далаларимизнинг томи йўқ, дейдилар. Ягона томи бўлган осмон ёзда қайноқ нурларни фавворадай сочган бўлса, энди тинмай ёмғир ва қорларини сочмоқда далаларнинг устига. Далаларимизда эса ҳали «оқ олтин»имиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анча миқдори сочиқ. Назаримда, қорнинг ҳар бир оқ учқуни ҳаммамизнинг қайноқ ватанпарвар-

лик туйғуларимиз устига қўрғошиндай оғир ботяпти. Лекин не-не қийинчиликларни енгмаган халқимиз!

Бизнинг совет кишиларимиз қаҳрамонлиги немис-фашистларининг ўқлари ёмғири остидан халқимиз гўдаклари ва момоларини омон олиб чиқиб кетган. Бизнинг кишиларимиз қаҳрамонлиги тошқинларнинг беаёв ўпқонлари ва зилзилалар таҳдидидан жонни ҳам, молни ҳам омон сақлаб қолган. Бизнинг кишиларимиз қаҳрамонлиги шуҳратли меҳнаткашларнинг узоқ муддатли меҳнати ҳосили, пахталаримизни ҳам қор тагидан дурларни авайлаб териб олгандай териб оладилар. Шунинг учун ҳам мушкулликлар билан эгизак келган бу йилги байрам арафасида республикамизнинг энг юқори партия ва Совет ташкилотлари раҳбар ходимларидан тортиб, деҳқонгача, шаҳарли ёшларгача бугун далада. Далада ҳал бўлмоқда миллий ифтихоримизнинг бу йилги салмоғию, партия ва халқ олдида берган ваъдамизнинг вафоси.

Биз табиат билан жангга кирмаймиз, баҳслашмаймиз ҳам, негаки, ўзимизни ундан кучли эканлигимизни биламиз ва унинг инжиқликларини писанд қилмасликка журъат этамиз. Энг юксак сифатли тилламиздай қиммат «оқ олтин»имизнинг бир донасини ҳам, бир толасини ҳам увол қилмай, териб олиб, давлатга топширамиз. Ана ўшанда буюк Октябрь байрамини ўзбек халқи яна бир бор тантана билан байрам қилади. Ана ўшанда «Ассалому алайкум!» деб мурожаат қилган дўсту қардошларимиз «Ҳорманг, яна байрам муборак!» деб табрик сўзларини йўллайдилар. Бизнинг даламиздаги, бизнинг

кўксимиздаги ҳосил байрами ягона оиланинг катта-кичик оға-инилари уйида ҳам тантанага айланади. Ягона оила туйғулари тантанасининг туғилиши ҳам Ленин даҳоси, Октябрь революцияси ғалабасининг бизга берган табаррук, қудратли ва бедахл мулкидир.

1977

## КОЛОМБО КАБУТАРЛАРИ<sup>1</sup>

Тинчлик ва биродарлик!

Бизнинг замонамизда бу сўзларнинг тим-соли, ифодаси бўлиб тинчлик кабуатарлари бутун жаҳон бўйлаб тилларда, дўстлик мак-тубларида ва кенг осмонда парвоз қилиб юрибди.

Шу йилнинг 10—16 июнида Жаҳон Тинч-лик кенгашининг Коломбода бўлиб ўтган сессияси қатнашчиларининг ҳам делегатлик белгиси шу кабуатарлар эди. Бу кабуатарлар Шри-Ланканинг қайноқ қуёши нурлари, мам-лакатни ўраб олган Ҳинд океанининг тўлқин-лари нафасини ўзига сингдирган каби қиз-гиш тусли эди. Улар мамлакатдан мамла-катларга ўтиб юриб чиниққан, кучга кириб кетган кабуатарлар эди.

Жаҳонда тинчлик ғоялари ҳам халқлар орасида борган сари мана шундай катта қа-нот ёзиб, қудратли кучга айланиб бормоқда.

«Осиёнинг дурдонаси» деб аталган Шри-Ланканинг пойтахти — Коломбода бўлиб ўт-ган бу сессияга шу вақтгача мисли кўрилма-ган даражада кўп вакил иштирок этди: 74 мамлакатдан 500 га яқин машҳур давлат ва

<sup>1</sup> Жаҳон Тинчлик кенгашининг Коломбода ўтган сессияси ҳақида ёзилган. (Ред.)

жамоат арбоблари, фан ва маданият ходимларининг намояндалари, ишчи-деҳқонларнинг вакиллари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларининг вакилларидаан иборат турли эътиқоддаги, турли миллатдаги, турли ёшдаги кишилар бир ерга йиғилдилар. Тинчлик тарафдорлари инсоният учун энг зарур масалани—дунёни уруш хавфидан, водород ва термоядро урушлари хавфидан ҳимоя қилиб қолиш масаласини муҳокама қилиш учун денгизлар ва дарёлар ўта, тоғлар ва шаҳарлар оша турли қийинчиликларни енгиб келганлар.

Чунки уруш хавфи инсоният тепасида ҳаётга таҳдид қилиб, қора калхатдай учиб юрибди. Империалистик давлатлар янги уруш очиш учун зўр бериб қуроолланмоқда. Бир неча давлатлар бирин-кетин ядро қуроллини портлатиб синашни давом эттирмоқдалар. Табiiйки, бу синовлар кўп халқларнинг ҳаётига ва соғлигигагина таҳдид солиб қўймай, зўр бериб ядро қуроолларини ишлаб чиқаришни ҳам тезлатади.

Бу зўр бериб қуроолланиш кўп мамлакатларнинг мустақиллигига путур етказди, чунки ҳарбий қуроол базалари кўпинча бошқа қарам мамлакатларнинг территориясига қурилади, бу мамлакат халқларига шу ерда бошланадиган атом урушида ҳаммадан олдин қурбон бўлиш хавфини туғдиради. Атом бомбалари халқлар бошига қандай фалокат, мамлакатга қандай вайроналик етказишини Хиросима фожиаси бутун дунёга яққол кўрсатиб берди. Энди бундан буён бундай даҳшатли фожиаларнинг такрорланишига йўл қўйилиши асло мумкин эмас, инсоният тотув

ва осойишта яшашни хоҳлайди, ўз ватани тупроғининг ноз-неъматлари билан тинч ҳаёт кечиришни истайди.

Ҳарбий шартномалар ва ҳарбий базалар инсониятга ривож ва тараққиёт, болаларга нон ва ёрқин келажак келтира олмаслигига дунёдаги халқлар энди қаттиқ ишонадилар.

Атом бомбаси ўтидан энг кўп жафо тортган қитъада — Осиёда чақирилган бу сессияда шунинг учун ҳам атом бомбасига қарши кураш ва термоядро қуролини тақиқлаш масаласи қизғин муҳокама қилинди.

— Агар урушни инсонлар ҳалок қилмаса, уруш инсонларни ҳалок қилади,— дейди Ҳиндистон вакили бутун сессия қатнашчиларининг фикрини ифода этиб.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши сессиясининг яна муҳим аҳамияти унинг Осиё мамлакатларининг бирида ўтишидадир.

Ер юзи халқларининг ярмини ташкил этган Осиё уйғонди. Африка ва Лотин Америкаси халқлари ўз озодликлари ва мустақилликлари учун қаҳрамонларча курашга қўзғолдилар, бу уйғониш ва кураш Осиёни дунёга танитди.

Шри-Ланка делегацияси аъзоси ўз нутқида:

— Илгари биз билан ҳеч ким ҳисоблашмас эди,— деди.— Эзилган инсоният ўз қаддини ростлаб олмоқда, озод бўлмоқда. Бундан буён унинг тақдирини биров ҳал қила олмайди...

Шри-Ланка территория жиҳатидан кичик мамлакат, ҳарбий блокларни бекор қилишга ва тинчликни сақлашга жуда катта ҳисса қўшиши қийин, лекин у қуролсизланиш ҳақидаги совет таклифини қувватлайди...



Коломбо ва Канди кўчаларида юрган киши ажойиб дарахтлар ва хушбўй мевалар, эртактаги каби гўзал гулларнинг ҳиди ва бу гўзалликни яратган тинч халқ бомбалар урушини хоҳламаслигига, бирон ҳарбий уюшмасида иштирок этишни истамаслигига ишонади:

Ҳиндистоннинг янги қурилиш йўлига чиқиб олиши Осиёнинг уйғониши демакдир.

Мисрга қарши уч ёқлама таҳдиднинг — Исроил, Англия ва Франция таҳдидининг барбод этилиши араб халқларининг уйғонгани, катта кучга айлангани демакдир.

Туниснинг сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришиши Осиёнинг уйғониши демакдир.

Лотин Америкаси халқларининг мустақилликка интилиши Осиёнинг уйғониши демакдир.

— Энди ғарблик дўстларимиз тинчлик учун курашда биз, Осиё халқлари ҳам уларга йўлдош эканлигимизга ишонишлари мумкин, — деди бир вакил.

Коломбо сессиясида хотин-қизларнинг овози ҳам баланд жаранглади. Биз жаҳонда тинчлик учун курашнинг машҳур намоёндалари бўлган инглиз аёли Моника Фельтон ва бельгиялик Изабелла Блюмни, уруш инвалиди Мария — Роз Оливер ва бошқаларни президиум ҳайъатида кўрдик. Сессия залида тинчлик ҳаракатининг ғарблик машҳур намоёндалари қатори энди уйғонган Осиёнинг — Ҳиндистон, Бирма ва Индонезия, жафокаш Япония ва Вьетнам, қаҳрамон Араб мамлакатлари ва Лотин Америкаси мамлакатларидан келган шонли аёллар оз эмас эдилар.

— Биз онамиз, — дейди делегат аёллар.

дан бири,— биз халқларимизга келажак берадиган ва уни тарбиялаб ўстирадиган оналармиз, болаларимиз нафас оладиган ҳавонинг атом бомбаси билан заҳарланишини истамаймиз!

— Биз болаларимизнинг етим қолишини хоҳламаймиз. Урушнинг болаларимиз оғзиданги ошни, ҳаётдан бахтини ва келажакни тортиб олишини истамаймиз. Биз бутун ҳукуматларни бу фалокатни келтирадиган атом бомбаларини чиқариш ва уларни синаб кўришни дарҳол тўхтатишга чақирамиз.

Бу овоз бутун сессия қатнашчиларининг овози, бу овоз халқлар овози эди. Бундай сўзлар Катта Шарқ меҳмонхонасининг шифтида эллиқдан ортиқ шамоллатгич айланиб турган кенг залнинг минбаридан ва фойеларида ўтаётган қизгин мажлислар орасидаги суҳбатларда жаранглар эди. Тинчлик ва дўстлик сўзлари мажлислар орасида бўлиб ўтган сўнгсиз учрашувларда жаранглар эди.

— Совет?— деб сўрайди, тишлари садафдек оппоқ, юзлари мисдек йигит, узун бармоқлари билан бизни кўрсатиб.

— Москва!— деймиз биз ва ўзини сўраймиз.

— Сенегал,— дейди яна бармоғи билан ўзини кўрсатиб. Суҳбат қизиб кетади, адреслар ёзиб олинади. Кўкракларга тинчлик кабутарлари тақилади. Бундай учрашувларнинг поёни йўқ эди.

Шри-Ланка экваторга яқин жуда гўзал тропик бир орол. Биз умримизда кўрмаган ажойиб дарахтларнинг ҳар соатда қуйиб ўтадиган муссон ёмғиридан зилол ҳуснига

мафтун бўлсак ажаб эмас. Биз ҳалигача кўрмаган манго ва папайя меваларининг лаззати оғзимизда қолган бўлса ҳам ажабланарли эмас.

Тўрт аср мобайнида чет эл империалистлари мустамлакаси бўлиб эзилиб келган Шри-Ланка халқи яқиндагина ўз тақдирини ўз қўлига олди. Мана шу халқнинг қуёшдан ҳам қайноқ меҳри ва дўстлик туйғулари юрагимизда абадий сақланади десак шубҳа келтирманг. Биз бу муносабатларни «Орол дарвозаси» деб аталган Коломбога келиб тушган соатимиздан ҳис қила бошладик.

— Жаҳон Тинчлик Кенгаши навбатдаги сессиясининг бизнинг Коломбода ўтказилаётганлиги билан фахрланамиз,— деди сессияни ўтказиш комитетининг аъзоларидан бири,— меҳмонларни кутиб олиш учун бутун халқ тайёрланди.

Биринчи мажлисдан кейин Шри-Ланка санъат намояндалари сессия қатнашчиларини ўзларининг янги балетларини томоша қилишга таклиф этдилар. Балет «Тинчлик тантанаси» деб аталади. Улар бу асарни бир ярим ой ичида ижод этиб саҳнага қўйдилар.

— Бизнинг балетимиз тарихида қизлар билан йигитлар илк бор саҳнага бирга чиқдилар, буларни тинчлик учун курашнинг муқаддас байроғи остига тинчликнинг буюк ғояси бирлаштирди,— деди дўстларимиздан бири.

Санъатнинг таржимонсиз ҳам барчага тушунарли тили — рақс — балет тили жаҳоннинг ҳамма вакилларига англашиларли эди.

«Тинчлик тантанаси»нинг мазмуни шундай: Қуёшли далада ҳаёт гуркирайди. Ёшларнинг қалбида тоза, илк муҳаббат жўш

уради. Эл меҳнат билан бахтиёр. Осмон беғубор эди. Бирдан уни қора булут қоплади. Яшнаган далани хазон уриб, ҳозиргина кишиларни ҳаёт, муҳаббат ва бахт қувонтирган ерда гуё офат урмалайди. Аммо, дунёда халқнинг кучидан, муҳаббатнинг қудратидан, онанинг қайноқ меҳри туйғуларидан кучли нарса йўқ. Ҳақиқат зулмат устидан ғалаба қозонади: яна ер юзида тинч ва осойишта ҳаёт бошланади.

Ёш ижрочилар маҳорат билан кўрсатган бу балет ўз халқининг кураш, орзу ва умидларини жуда яхши ифода этган эди. Шунинг учун ҳам сессия вакиллари бу асарни бутун дунёда намойиш қилинишини таклиф этдилар, тинчлик ғояларига, худди тинчлик кабултарлари сингари жаҳон бўйлаб тантана қилиб кетиши учун янги қанот бердилар.

«Шри-Ланка — совет дўстлиги» жамиятида бўлган учрашувлар сира эсдан чиқмайдиган учрашувлар бўлди. Бу жамият зали оппоқ кийимли эркаклар билан тўла (бу ерда ҳамма эркаклар қордай оппоқ кийимда юрдилар). Фақат олдинги уч-тўрт қатордагина будда диндорларига хос сариқ кийимдаги кишилар ўтирар эди.

Саҳна столи олдида ёниб турган бир неча шамли қандил. Бу ернинг одатича ҳурматли меҳмонларнинг энг кексаси уни ўчириши керак. Бу шараф совет делегациясининг кекса аъзоси — ёзувчи Николай Тихоновга лозим кўрилди. У чироқларни ўчиргунча уч йиғит уч миллий ноғорада халқ куйини чалиб турди.

Самимий дўстлик ва биродарлик сўзлари билан шу жамиятнинг ранси бизга мурожаат қилди. Улар бизнинг делегациямиздан совет

кишилари ҳаётидан сўзлаб беришимизни, Урта Осиё халқлари ҳаёти ҳақида гапириб беришимизни сўрар эдилар.

Менга сўз бера туриб:

— Бизнинг аёлларимиз энди кўтарилиб келмоқдалар,— деди раис,— уларга савод беришимиз керак, сизлардай парвоз қилишлари учун қанот беришимиз керак. Биз сиз орқали онгли, мустақил совет шарқи хотин-қизларига саломимизни йўллаймиз.

Совет хотин-қизларининг ёрқин тақдиридан сўзлаб бериш кимни фахрлантирмайди. Бу — буюк бахтиёрлик ва шарафдир.

Бу дўстлик ва тинчлик, биродарлик ва ҳамкорлик ҳақидаги сўзлар узоқ давом этди, бизнинг ҳар биримизга пальма дарахтининг хушбўй баргидан тўқилган поёндозлар тақдим этишар экан шундай дедилар:

— Бу — дўстлик йўли бўлсин, халқларимиз ўртасидаги қардошлик ва тинчлик йўли бўлсин!

Бу йўллар на денгиз, на тоғни биледи ва на узоқ масофани!

Мана шундай кўзга кўринмас йўллар билан сессиянинг қарор ва мурожаатлари бутун дунё бўйлаб, инсонлар юрагига йўл олиб кетди. Коломбо сессиясининг тинчликни мустақамлашга чақирган оташин ва кескин сўзлари Коломбо кабутарлари бўлиб инсонлар кўксига, юрагига парвоз қилиб кетди.

Бу кабутарларга янада кучлироқ парвоз берайлик, улар болаларга нон ва маърифат, кексаларга ором ва осойишталик, далаларга ҳосил ва дарахтларга мевалар бериб жаҳон бўйлаб дадил ва ишонч билан эркин парвоз қилсин.

## ҲАМИША МЕН БИЛАН БИРГА БАЙРАМЛАР

Ҳамма нарса ўтиб кетади, дейдилар.

Ўтади. Лекин ўтмайдиган, юрагингнинг туб-тубига тушиб, сенинг билан ҳамишаликка қоладиган таассуротлар, кечинмалар бўлади.

Қон-қардошимиз диёри Россияда санъат ва адабиётимиз ўн кунлиги йўллари ўтилди. Дўстлар билан дийдор қувончлари, фикрлашув, баҳслашув лаҳзаларига тўла ажойиб ўн кун орқада қолди. Аниқроғи, ҳам хизмат, ҳам иззат, ҳам мактаб, ҳам саёҳат бўлди бу ўн кун.

Лекин, мана, уйимизга қайтиб келиб ҳам ҳеч нарса ўтиб кетмаганини ҳис қилиб турибмиз.

Ўн кунлик — учрашувлар демакдир. Аллақачонлар ўқиганинг тарих билан учрашув, ёшлигингда мутолаа қилган китоблар билан, шаҳарлар билан, одамлар билан учрашув.

Горький шаҳридан бошланиши керак эди бизнинг бу ўн кунлик йўлимиз.

Тарихий шаҳарлар билан учрашув мен учун ҳар гал ҳаяжон тўла уйқусиз тунлар, чанқоқ сайр билан ўтувчи мароқли кунлар бўлади. Шаҳарнинг тарихи бугунги кун билан ёндош намоён бўлади. Унинг бутун борлиғи-

ни билиш, ўрганишга бўлган қизиқишим тобора кучаяверади.

Горький шаҳрида адабиётимизда раҳнамолик қилгандай бизни гуё Горькийнинг ўзи бошлаб юрди. Ўзи туғилиб, мушкул болаликни ўтказган Нижний Новгород ҳақида эмас, ўсган саноат шаҳрига айланиб кетган Бугунги Горькийнинг ўсиб, тараққий топган кўркамлиги ва унинг бахтиёр кишилари ҳақида ҳикоя қилиб юрди. Биз, унинг шогирдлари ва фарзандлари, бу саодатдан ифтихор қилиб, бутун борлигимиз кўз ва юрак бўлиб, муқаддас тупроқда юрамиз, дўстлар билан суҳбат қурамиз, умумадабиётимиз тараққиёти муаммоларини муҳокама қиламиз. Адабиётимизда миллий хусусият, янгилик ва анъаналар, маҳорат масалалари ҳақида фикрлашамиз ва ҳамма ишимизда горькийча дўстлик, горькийча ростгўйлик руҳи бизга кўмакдош.

\* \* \*

Киши ҳамиша орзу билан яшайди. Орзу бўлмаса эртанги куннинг на жозибаси, на латофати бор! Лекин баъзан ҳаёт сенга орзудан ҳам зебо, орзудан ҳам юксак шодликлар туҳфа қилади. Бу Ленин туғилган тупроқ — Ульяновскда бўлиш бахти эди.

Биз Ленин замони авлодлари Лениннинг буюк ҳаётини яхши биламиз. Лекин у юрган кўчаларда сайр этиш, яшаган уйларини зиёрат қилиш шодлигига муяссар бўлганлар ҳавасга лойиқ кишилар.

Назаримда, шу кунлар ҳамма бир ҳаяжон оғушида эди. Оёғимиз билан эмас, қалбимиз

билан одимлар эдик бир чоғлар Ульяновлар оиласи яшаган даргоҳда.

Оила жамиятнинг бир шуъбаси. Лениннинг энг инсоний, энг олижаноб, энг катта қудратга молик ғояларидан аҳиллик, бир-бирига ҳурмат ва дўстлик туйғулари шу оилада туғилгану бутун бир жамиятни бир байроқ остига жипслаштирган ҳаётбахш кучга айланган экан. Бу ерда ҳамма нарса, ҳамма буюм, руҳ, инсон фикрининг тўла парвози меҳнаткаш халқ ҳаёти билан яшаш, меҳнат қилиш учун заррача бўлса ҳам халал бермайдиган, энг зарур эҳтиёжни қондирувчи буюмлар.

Мактаб ёшимиздан бошлаб китоблар, кинолар орқали ўзимизга таниш буюмларга қўлимизни теккизиб кўргимиз келади. Гўё бу буюмларда улуг даҳо қўлининг кучли тафти қолгандай... Бутун ҳаётини сенинг тақдирингни ўзгартириш, ёруғлаштириш учун сарфлаган инқилобчилар — Ленин сафдошларининг овозлари сингиб қолгандай бу хоналар деворларига. Биз сукутдан шу қудратли овозларни қалб билан ҳис қилиб хонадан хонага ўтамиз. Жаҳонга Владимир Ильич Ленинни ато қилган буюк она — Мария Александровнанинг ақлли нигоҳларини, меҳрли юрагини туяман бу хоналарнинг барчасида. Бутун бахтим ва саодатим, Ленин даҳоси юксакка кўтарган инсонлик қадрим ва совет тақдирим билан шу она руҳига таъзимда тураман.

Ленин шу онадан, шу шаҳарда туғилдию бутун Россияни шуҳратга ўради ва инсонлар тақдири бўлиб мангуликка яшаб қолди.

Ульяновск шаҳрини Волга нақ елкасида



кўтариб турганга ўхшайди. Бу шаҳар менга ниҳоятда гўзал шаҳарлардан бири бўлиб кўринди. Назаримда, бу шаҳарлиларнинг каттадан кичиги Лениннинг ҳамшаҳари эканини бир дақиқа ҳам унутмайди — ҳаммага камтарлик, самимийлик ва интизом фазилат бўлиб қолган.

Зотан, мен ҳам унутмайман Ленин даври кишиси эканимни, Ленин юрти граждани эканим менинг кўксимни тоғдай кўтаради.

\* \* \*

Қозон! Мен Қозонда илгари ҳам бўлганман. Шаҳарни ҳам дўстларим сингари жудияхши биламан. Волгадай дарё соҳилида бўлган шаҳарларнинг кўркини тасвирлашга қалам ожиз.

Нақадар қайноқ эди дўстлар давраси! Бизнинг даврамизда Навоий ва Горький ҳам, Тўқай ва Ҳамид Олимжон — Тохтош ва Ғафур Ғулом ҳам, Муса Жалил ва Ойбек ҳам ҳаёт эди. Татар ёзувчиси Ғозий Қашшоф Ҳамид Олимжон билан учрашгани ҳақида ҳикоя қилса, машҳур шоир Тўфон Ғафур Ғулом шеърияти ҳақида сўзлайди. Уйғун Тохтошнинг шеърларини ўқийди.

Ҳамид Олимжон ўзининг севги туркуми шеърларига Ҳоди Тохтошнинг:

Муҳаббат у — эски нарса,  
Ҳар бир юрак уни ёнгарта,—

мисраларини эпиграф қилиб олган эди.

Уйларим янги ўйларни бошлаб келади: адабиёт ҳам қадим нарса. Лекин у ҳақиқий

лдабиёт бўлса, ҳар бир авлод уни яратган санъаткорни ўз қалбида тирилтираверади. Адабиёт ҳам муҳаббатга ўхшаш самимиятни, софликни, фидойиликни, ҳаётни бағишлашни талаб қилади. Ҳақиқий санъаткор бутун қалб чўғини, ҳаётини бағишлаб, асар ёзиб, ўзига мангуликни таъминлаб кетади, ўзига ҳайкал қўйиб кетади.

Ҳа, ҳайкал қўйиб кетади! Халқ ўз фарзандларини, озодлиги ва бахти, саодатини кўйлаб, курашларда ҳимоя қилган фарзандини нақадар севгани, эъзозлаганига ҳам ҳайкал қўяди. Татар халқи ўзининг шўҳрати, фахри бўлган қаҳрамон шоири Муса Жалилга муносиб ажойиб ҳайкал қўйибди.

Учрашувлар, дўстлар, мулоқотлар!

\* \* \*

Москва! Москвадаги учрашувларни унутиб бўладими? Биз Москвага қалбимизда рус тупроғига, рус халқига янада катта ҳурмат ва муҳаббат туйғулари билан келдик. Декада ўз муваффақиятларининг дўстлар билан баҳам кўришига эмас, ҳамниша ҳаётни ўрганиш, дўстлар орттириш, маънавий бойишдир. Ана шундай тўлиқ туйғулар билан келдик барча эзгуликларимиз маркази Москвага.

Ленин мақбарасига гулчамбар қўйиш учун Қизил майдонга кириб келамиз. Биринчи марта гул қўяётганимиз йўқ, бу мўътабар киши руҳи ҳурматига. Лекин ҳар сафар бирдай ҳаяжон. Ҳамма бир яхлит қалбга айланган, буюк сукунат. Кимдир туфлиси сезиларли тиқиллаганидан хижолатда оёқ учида одимлайди. Бу ерда фақат юраклар уришиги-

на эшитилса бас, ялпи тақдиримиз ижодкори бизнинг юракларимиз уришини, мамлакатимиз халқлари юрак уришини тинглаб, мамнун, осойишта ётибди. Нотинч жаҳон юрагини тинглаб, чуқур ўйга ботиб ётибди.

Ҳа, сиз бизга берган ҳаётни, социалистик давлатни, саодатни кўз қорачиғидай сақлаймиз, азиз Владимир Ильич! Бахтиёрлик учун, маданиятимизнинг янги равнақи учун ташакур Сизга! Биз билан бир сафда бораётган дўстларимиз нигоҳида шу сўзлар ёзилган. Буларнинг ҳеч бири янгилик эмас, лекин ҳар сафар қалбимиз, фикрларимизни янгилашга қодир учрашувлар.

Таассуротлар ҳали ҳануз фикрларга ҳоким, ким билади, шеърлар ёзармиз, лавҳалар, йўл хотиралари ёзармиз. Нима ёзмайлик, ҳаммаси қардошлик, дўстлик туйғуларини илҳом, куч берган самимий сўзлар бўлади.

Негаки:

Озодлик чашмасин,

саодат наҳрин

Қазиш алифбоси қўшган бошимиз,  
Масофа кўпригин меҳрдан солиб,  
Дўстликнинг йиқилмас яшил чинорин  
Авлод-авлодларга эккан қардошимиз.  
Аҳил онламиз кенгайиб кетди,  
Осмондай бепоён ватан ва тупроқ,  
Қаерда бўлсак ҳам, бирмиз,

бош узри

Қардошлик, садоқат,

муҳаббат — байроқ.

## АЛАНГА

Нақадар бир-биримизга ўхшаймиз биз аёллар! Онамиз, хотинмиз, фарзандмиз.

Аёл, сен қачон яралдинг бу қадим оламда? Сенинг дунёга келишинг оламнинг бошланиши эмасми!

Сенинг оламга келишинг мангуликнинг туғилиши эди, негаки, сен ҳамиша ҳаётни янгилаб, унга давомат бахш этиб турадиган ҳаёт бўлиб дунёга келдинг.

Фараз қиламан. Сен инсон зотидан биринчи бўлиб дунёга келдинг! Лекин яшаш учун курашни сенга ким ўргатди? Сенинг оналигинг ўргатди. Инсондаги туйғуларнинг энг эзгуси ва ҳароратлиси, энг заифи ва қудратлиси бўлмиш сенинг оналик меҳринг тақозо қилди бурчни.

Фараз қиламан. Сен инсон зотидан биринчи бўлиб она бўлдинг. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат ўз жисмингдан, ўзингдан фарзанд шакллантириб, ҳаёт ва ўлим жари ёқасида туриб, курашиб, ғалаба қилдинг, сен Она бўлдинг. Балки ғалаба калимаси ўз илк маъносини шу ердан, сендан олгандир?!

Ҳа, сен она бўлдинг, қўлингда сенинг ҳаётинг, замонлар ва маконлар ўта инсоният деб ном қозонадиган буюк ҳаётнинг бошла-

ниши — тамшаниб турган гўдагинг. Атрофингда эса табиат, қуёш, сув, тоғ, тоғлар. Ҳаммаси чуқур сукунатда. Ана шу буюк конотдаги сукунатни биринчи бўлиб гўдак йиғиси, кулгиси, овози уйғотди. Сен фарзандингга сукунат қўйнига чуқиб ётган табиатдан емак изламадинг. Уриб турган қалбинг устидаги иссиққина кўксингни тутдинг. Она сути, нақ қалб устидан оқиб чиққан меҳрдан иссиқ, кўнгилдай оппоқ жилғаси фарзандга ҳаёт бағишлади. Менинг назаримда, аёлларга хос, жаҳонга бергусиз фидойилик ана шу маъсум, муқаддас дақиқадан бошланди.

Аёл! Сенинг мана бу фидойилигинг қаршисида жаллоддан бошқа ҳамма тиз чуқади. Шундан бери қанча давр, йўл босиб, турли туман ижтимоий тузумларни бошдан кечирдинг, гадолар, чўрилар йиғлаб ўтдилар. Табиатнинг жазавали офати ҳам, ёвуз одамлар ўйлаб чиқарган қирғин урушлар ҳам қанча-қанча фарзандларингни олиб кетди. Доғли, жароҳат сийнали сен яна ўзингдан, бутун жисмингдан малҳам юлиб, инсониятга истиқбол беришдай буюк бурчингдан чарчамадинг.

Фақат шуми, сенинг бурчинг? Ўша ўзинг бор этган ҳаётни сақлаб қолиш, уни вояга етказиш учун кураш-чи? Рўёбга чиқмаган орзу-умид, интилиш, азоб-уқубат, марҳумликлар-чи? Буларнинг ҳаммасига бардошини сенинг ҳалиги энг мумтоз бурчинг шодлиги бериб турар эди.

Бизнинг ҳаётимиз, жамиятимиз, тараққиётимизнинг ҳаммаси ана шу сен ҳаёт берган ҳамма даврдаги фарзандларнинг ақл-заковати, кураш ва иродаси, меҳнати ва тафаккурининг мевасидир.

Агар Вьетнамда қон тўкилиб, яшаш учун туғилган гўдаклар қирилаётган бўлса, ишонинг, бу оналарнинг айби эмас, мусибати, жароҳатидир.

Она — ҳамма ерда она. Бир умрга битмас жароҳат билан яшайдиган оналардан бирини яқинда Тошкент область, Оққўрғон районида учратдим.

Район марказига кираверишда ўнг томонда Октябрнинг 50 йиллиги арафасида қўрғон ўсиб чиқди. Уни оққўрғонлик оналар, оталар, фарзандлар кўтарди. Фарзандлари, оталари, эрлари, акалари Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган дили жароҳатлилар уларнинг киндик қонлари тўкилган жойларнинг тупроғидан олиб келиб, мангулик қўрғонини кўтардилар.

Шундай, шодлигимиз жам, қайғумиз ҳам яхлит буюк социалистик Ватанимизда. Ана шу қўрғон устида бир ҳайқал бор. Рўмолларини бўйни ўта орқаларига ташлаган кекса аёл ўнг қўлини нақ қалби устига қўйиб, ҳузурда ёниб турган оловга термилиб ўтирибди. Сийрак киприкларида ёш қотиб қолган, аёлдаги бардош, матонат ва тоғдай мустаҳкам чидам тўхтатиб турибди бу кўз ёшини. Олов эса ўша ҳалок бўлган қахрамонларнинг ҳамиша тирик юраги бўлиб ловиллаб ёниб, аланга бериб турар эди. Аёлнинг икки ёнида бир-бирини суяган, бир-бирини ардоқлаган бир неча жангчи мардоналик, она ўз сути билан индирган фидойиликнинг тимсоли бўлиб, жонсиз тупроқни, ҳаётни ўлимдан ҳимоя қилиб турар эди. Назаримда, аёл қалбидаги доғни ҳам, аламни ҳам, ёшни ҳам ҳимоя қилиб туришар эди улар. Атрофда-чи, гуллаган дала. Қуёш, сув ва тупрок, инсонлар, бахтиёр, озод, ҳур

инсонлар. Мен ёдгорлик бағридан мангулик сўзларини тинглайман, бу қурбонлар юраги сўзляпти, мангу уриб турган тирик юраклар. Узоқдан қўшиқ эшитилади:

Мен ўзбек қизиман, қалбда аланга;  
Шарқдан қуёш бўлиб боқдим оламга...

Бу Совет Шарқи аёлининг овози эди. Назаримда, бу ёрқин, мағрур овоздан жасорат ва мусибатнинг мужассами бўлиб турган ҳайкал лабида ҳам маънос табассум пайдо бўлгандай сезилади менга.

Бу овоз сенинг овозинг, Аёл, бу сенинг фарзандларинг овози!

Қаерларда янграмаяпти бу мағрур овоз бизнинг давримизда? Октябрь революцияси тенгсизликнинг, маҳрумликнинг ҳамма зашжирларини парчалаб ташлаб, қора қонунларни ер билан яксон қилгандан кенг янграб кетган, совет кишининг овози, социализмнинг бутун ғалабаларини дунё кўзида намоён қилиб, қўшиқ тили билан, рақс тили билан, музика тили билан ҳимоя қилиб юрган совет санъаткорларининг овози. Бу овоз Нодирабегим ва Увайсийларнинг дилдан қаламига тўкилолмай қолган эзгу орзуси, Нурхоннинг куйлолмай қолган овози.

Бу овоз бахтиёр Ҳалимахоним, Лутфихоним, Сорахоним, Мукаррамахоним овози. Улар сафдошларининг қодир, ҳеч нарса мене бўлолмайдиган, бутун жаҳон бўйлаб эркин қанот ёзиб янграётган Совет Шарқи санъатининг парвози.

Совет Шарқи эса, буюк совет мамлакатининг ҳамма республикалари сингари инсон

тарихи кўрмаган тараққиётга эришди. Халқларнинг ҳаёти эса, инсон, ҳатто ўзининг ҳаёлида эртақ, жаннатни ярата олган инсон орзу қилолмаган даражада гўзал бўлиб ўзгариб кетди. Мана шу инсонлар учун энг муносиб бахтиёр ҳаётни бизга совет тузуми берди. Ҳали кечагина остона ҳатлаб кўчага чиқолмаган Шарқ аёли ана шу тузум туфайли қанот чиқариб, юртлар, мамлакатлар аро парвоз қилиб, жаҳон кезадиган бўлиб қолди.

Аёл, бу сенинг парвозинг, сенинг эркинлигинг.

Бу демак, ўз мамлакатимизда халқимизга қиладиган ишимиз тугаб, энди сайр қилиб юриш пайти, деган сўз эмас, аксинча халқимизга қилаётган фидокорона, беминнат хизматимиз, Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида аёлларга хос фидойилик, сидқидиллик билан қилаётган юмушимизнинг ажралмас бир бўлаги, холсс.

Ватанимизнинг азамат ўғлонларининг Ватан, халқ учун қилаётган хизматлари, қаҳрамонликлари, фидойиликлари таърифга сиймайди! Эркаклар! Сиз биз суянсак йиқилиб кетмайдиган тоғдай таянчимиз, оталаримиз, оғаларимиз, эрларимиз, ўғлонларимизсиз!

Мен ҳамишадаги сингари аёл ҳақида, эркакларимизнинг оилада ҳам, жамиятда ҳам, бир маслак йўлида бирга қадам ташлаб бораётган сафдошлари бўлган аёллар ҳақида сўзлаяпман.

Мен санъаткорлар ҳақида сўзлаётганимнинг боиси — ҳалиги монумент олдида туриб эшитганим қўшиқ.

Санъат халқ ҳаётини ўзида акс эттиради. У халқнинг ўтмиши ҳақида ҳам, кураши,



орзуси ва бугунги куни ҳақида ҳам, дунёдаги барча одамлар таржимасиз тушунадиган тилда гапириб бериш қобилиятига эга. Санъатимизнинг жаҳон бўйлаб парвозига, биринчидан, санъаткорларимизнинг маҳорати, санъатимиз дилбарлиги бўлса, иккинчи боиси — уша ўзига хос тили.

Мана, бизнинг давримизда бутун дунёга маълум ва машҳур «Баҳор» рақс ансамбли. Меҳнатқаш, совет замонида гуркираб кетган ўзбек санъатининг ажойиб заҳматқоши Мукаррамахоним раҳбарлигидаги бу ансамблнинг қадами етмаган жаҳоннинг қайси мамлакати қолди? У ўзи ва бир даста баҳор гуллари, лолалари билан бизнинг ҳаётимизни, пахтакорларимиз ва пиллакорларимиз, тўқувчиларимиз ва бинокорларимиз меҳнати, муваффақияти, ғалабасини, маҳоратини олиб юради. Улар бизнинг ҳаётимиз, гоёларимиз, бахтиёрлигимиз, интилишларимиз ҳақида дстон сўзлаб юрадилар узоқ қитъалар ва мамлакатларда.

Асрлик курашимизнинг ғалабаси ҳақида «Озодлик» рақси сўзлаб берса, меҳнатимиз ҳақида «Пахта» рақси, «Пилла» рақси ҳикоя қилади. Шугинами? У бизнинг рақс маданиятимиз, қадим халқ санъатимиз ниҳоятда бой, ранг-баранг эканлигидангина эмас, Октябрь ғалабаси туфайли, ленинча миллий сиёсат туфайли, халқлар ўз маданиятини нақадар юксак босқичга кўтариб, янги мазмун ва шакллар билан бойитишга имкон олганликларини намойиш қиладилар. Бу муҳим катта сиёсий омил. Аёл! Бу сен, сенинг меҳнатинг, маҳоратинг, фарзандлигинг, буюк социалистик мамлакатга!

Мен ўзбек қизиман, қалба аланга,  
Шарқдан қуёш булиб боқдим оламга.

Мана бундай мағрур овозларимиз қаерларда янграмайди дейсиз! Кейинги икки йилни оламан. «Баҳор» ўз сеҳргар рақси, музикаси билан кезиб чиққан Осиё, Африка мамлакатлари, Алишер Навоий номли опера ва балет Катта театримиз ўз юксак санъатини намойиш қилган Бирлашган Араб Республикаси, маданият арбоблари дўстона ташриф буюрган Болгария, Венгрия, Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон ва ҳоказо.

— Қандай қилиб миллий санъатининг бутун ранг ва жозибаларини сақлаб қололдинглар? — сўрайдилар Мукаррамахонимдан.

— Ленинча миллий сиёсатнинг ғалабаси деб шуни айтамыз, жаноб, ҳамма даврда ишон даҳоси, халқ санъати яратган барча гўзалликларни, санъат асарларини, яхши одагларни кўз қорачиғидек сақлаймиз ва уни янги тараққиёт босқичига кўтариш йўлларини излаймиз, — деб жавоб беради Мукаррамахоним.

— Бу жуда муҳим. Айниқса, бизнинг энди мустақилликка эришган ёш давлатлар учун сиз босиб ўтган йўл жуда ибратли, ўз миллий маданиятини ривожлантириш йўлларини излаётган халқлар учун ёрқин намуна, — дейди жаноб.

Яқинда Ҳиндистонда бўлдик. Ўзбек қизининг овози баралла янгради бу ерда ҳам. Бизнинг классик мақомларимиз ҳам, совет композиторларимиз яратган дилбар шўх қўшиқлар ҳам, момоларимиз бизга қолдирган «Тановор» ҳам, янги «Табассум», «Гулноз» рақсла-

ри ҳам кишиларнинг дилини бир хилда мафтун қилар эди. Ҳалимахоним ва Мукаррамахоним, Галия Измайлова, ва Бернора Қориева, Қундуз Миркаримова ва Клара Юсупова... Мен дилбар хонандаларимиз, сеҳргар раққосаларимизнинг ҳаммага таниш, юлдуздай ярқираб турган номлари рўйхатини давом эттиришим мумкин.

Мен Ҳиндистонда бўлдим, араб шоираси билан учрашиб қолдим. Балет театримизнинг Қоҳирада бўлиши араблар онгида катта тунтаришлар ясаб юборгани ҳақида гапирди у. «Театрингиз ўзбек миллий балети ва жаҳон классик балети санъатининг дурдоналарини олиб келди. Ижрочилик маҳоратига қойилмиз, лекин бир мўъжиза — сизларнинг катта тараққиётингиз ҳақидаги бир далил — ҳаммамизни ҳайратда қолдирди. Бизнинг мамлакатимиздаги одатга кўра дирижёр ўз сеҳргар таёқчаси билан томоша залидан ўтиб боради. Қарасак, дирижёрлик минбарига мўъжазгина, худди араб қизларига ўхшаган жувон, дирижёрлик таёқчаси билан ўтиб бораётир. Тасаввур қиласизми? Мўъжизанинг мўъжизаси эди бу! Мен совет мамлакатининг кадрдон дўсти бўлганим сабаб жуда-жуда ифтихор қилдим. Дирижёр ватандошингиз маҳорат билан Чайковский асарини ижро этиши керак бўлган катта араб оркестрига дирижёрлик қилди. Дирижёрлик музыка санъатининг энг юксак тури бўлади».

Бу ерда сўз Дилбар Абдураҳмонова ҳақида борар эди.

Аёл! Сен ҳақингда, ёрқин чўққилардан дунёга маҳоратли боққан сен ҳақингда борар эди сўз, Совет Шарқи аёли!

Ҳиндистондаги концертларимизни томоша қилиб ўтириб, Ассом штатининг мўтабар кишиларидан бири шундай деди:

— Тараққиётда бундай босқичга кўтарилиш учун, назаримда, ўша халққа Лениндай фарзанд керак. Ленин тузиб берган сизларнинг тузумингизга ўхшаган янги тузум керак.

Мен санъатнинг таъсирий кучини, халқ қалбининг, ҳаётининг энг муҳим эзгуликларини акс эттира оладиган кучини кўрдим ва Ленин яратиб берган, партиямиз раҳнамолигидан гуллаб, равнақ топаётган давримиз ва кишиларимизнинг янги тақдирини кўрдим.

Адабиёт-чи? Аёл, сен нақадар дилбар шонрасан! Сен шеър ёзиб, роман битмаган эсангда, шеърсан, илҳомсан. Лекин эрлар билан басма-бас меҳнат қилиб қалам тебратиши ҳам биласан! Адабиётнинг қаноти санъат қанотидан ҳам серпарвоз. Ёзувчининг китоблари, бадий сўзи учун чегара ҳам, чек ҳам йўқ. Ҳақиқий асар чегараларга чап бериб, кишилар қалбига йўл топиб кетаверади. Мен буни ҳамма ерда кўрдим, эшитдим. Эй, Нодира, Маҳзуна, Увайсий, азиз шоираларимиз! Сизнинг авлодларингиз сизнинг овозингизни, умидларингизни олиб юрипти ўз асарларида!

Яқинда Венгрияга маданият арбоблари делегацияси сафида шоира Эътибор Охунова борди. Сўхбат ва мушоиралар қурди венгер адабиёти арбоблари билан. Адабиётимизнинг равнақи ҳақида, адабиётимиз янги қурувчиларнинг ёрқин образларини яратишда қандай ишлар қилнаётгани ҳақида билим ва ғурур билан сўзлаб берди. Бу Совет Шарқи қизининг ғурури. Бу Совет Шарқи аёлининг

ҳикояси. Мен ўз сафарларимда кўриб, қувондим, мен борган ерларда ўзбек шоирларимиз, адибамиз Саида Зуннуова асарларини ҳам биладилар. Нақадар ажойиб ёшлар келиб келди адабиётимизга. Гулчеҳра Нуруллаева, Гулчеҳра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Ҳамида Каримова. . .

Аёл! Мен ҳамон сенинг ҳақингда сўзлайман. Мана, кўрдингми, бу сенинг авлодинг. Сенинг эринг, аканг, фарзандинг фашизмдан, ўлимдан ҳимоя қилиб қолган фарзандларинг ҳаётни давом эттираётир. Сенинг фарзандларинг, қизларинг, партия ва Совет давлати берган имкониятлар ардоғида, Ленин гоёларидан нурафшон бўлиб, социализм ғалабаларини, Инсон деган буюк ноёб номга энг муносиб бахтиёр ҳаётни пропаганда қилиб яшнаб юрибди.

Аёл! Она ва Ватан! Сенинг фарзандларинг энг озод, гўзал ҳаётни тинчлик учун, дўстлик учун, инсоният учун хизмат қиладиган маданиятни тараққий эттиришда, коммунистик қурилишнинг юксак завқ-шавкатини келажак авлодларга олиб ўтишга хизмат қилишда сира толмайди, сен бошлаб берган ҳаётни қуйлайди, тараннум этади.

Аёл! Мен сен ҳақингда ўйлайман ва кўзим олдида ўша коинот сукунатига биринчи бўлиб хотима берган гўдак онаси келади. Биринчи Тўмарис, Нодирабегим. . . Оққўрғондаги ҳайкал гавдаланади. Марғилон шаҳрида актриса Нурхонга қўйилган ҳайкал мағрур туради. Лекин ҳаммаси қаторида ёрқин нур таратиб, менинг бугунги замондошим сиймоси қад кўтаради. Агар шеърини қувватим етса эди, шунча узоқ йўллари босиб ўтиб, шу бахтиёр

замонда яшаётган сенга лойиқ монумент қўяр эдим. Монумент қўяман дейману, қиёфани нимадан йўғираман!

Аёл! Сенинг қадим ўтмишдаги хўрликларинг, маҳрумликларинг, қадди дуто, қалби тутунлигинг, боши эгик, ҳоли забунлигингга Октябрь хотима қўйиб, сени қуёшга тутди. Мен ҳаётимизни, бахтимизни ана шу қуёш деб атайман. Аёл, сен ҳозирги юксак босқичга Совет давлати ғамхўрлигида, партия раҳнамлигида ҳалол, фидокорона меҳнатинг, ўткир заковатинг туфайли эришдинг.

Ёзувчи — ўз халқининг виждони. У агар аёл ёзувчи бўлса, уни халқининг меҳрибон қўли ҳам дейди. Мен ҳалиги ўзим шеърятда яратажак монумент ҳақида эмас, бошқа — ҳамма эзгуликларга қодир, ўзининг асосий маслағи, бутун иши халқ ҳақидаги ғамхўрликдан иборат бўлган, меҳнатни муносиб равишда тақдирлайдиган давлатимиз, партиямиз ташкилотларида етилаётган бир эзгуният, олиб борилаётган ажойиб иш ҳақида хабар қилиб қўймоқчиман. Бу менинг ўқтамлигим, бахтиёрлигим, миннатдорлигим берган жасоратдир.

Партия ташкилотларимизда Тошкентда Озод совет аёлига монумент қўйишга тайёргарлик борапти. Мен биламан, бу Аёл мусибатдаги она эмас, ўтмишдаги оналарнинг орзусида тасаввур қилинган Озод, бошини мағрур кўтариб, жаҳонга ҳозирги биздаги очиқ кўзлар билан боққан бўлади. Бу монументда аждодларимизнинг орзуси, Совет давлатини мустаҳкамлашда курашган аёлларимизнинг жасорати ва қаҳрамонлиги, оналарнинг меҳрибонлиги, меҳнат донгдорларининг

ғурури, кексаларнинг донолиги ва ёшларнинг жушқинлиги ифода этилган бўлади!

Аёл! Бу — сен ҳақингдаги ғамхўрлик, ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром! Сени Коммунистик партиянг Совет давлатинг, халқинг қуёшли ҳаётга олиб чиққан.


Раҳмат! Қуёшли саодат учун, мағрур бўйбаст учун, жаҳон ҳавасини келтирган намунали тақдир учун, ташаккур!

1968

---

VI

Таржима





## Александр Гинзбург

### ТАМ-ТАМ САДОЛАРИ

Икки бўлимдан иборат драматик достон

Там-там — африкаликларнинг телеграф думбирасидир. Унинг товуши Африкадаги турли қабилаларнинг тил талаффузига мос бўлиб, уларнинг ҳаммалари бу тилда бериладиган баёнотларни англайдилар. Ҳар бир қабиллага тушунарли тилдан ташқари фақат думбирачиларгина англайдиган халқаро тил бор. Бунда Африканинг ҳамма вилоятларидаги думбирачилар ўзаро сўзлашадир. Бизнинг замонамизда там-там негрларнинг ўз озодликлари учун олиб борган курашларидаги умумий қуролдир.

Тим қоронғуликда там-там садо беради. Саҳна олдидаги қора танли думбирачининг қиёфасини нур ёритиб турибди.

### Д у м б и р а ч и

Эшитдингми? Гумбирлар там-там...  
Бир жим бўлар, гумбирлар яна.  
Бу --- бахтсизлик, йўқлик фарзанди —  
Там-там тили бўлиб қилади даъват.  
Майсалар тутайди, йиғлар гўдаклар,  
Кулбалар ёнмоқда, ўлмакда она,  
Очлик ўзи қуруқ, қақшоқ қўллари  
Қора дуд қоплаган кўкка чўзади.  
Эшитяпсанми бўғуқ зарбларни?  
Қоқ тупроқ юзини тутар томчилар,  
Қон ва қор, кўз ёши томчилари бу!..  
Эшитяпсанми ўлим, даҳшат товшини?  
Азоб-уқубатда инграб тўлғонган

Бу — менинг Онамдир, менинг Африкам!  
Кора танли синглим, курашчи оғам!  
Ботқоқликлар бағрида йиғла,  
Йиғла, платина конлар қаърида,  
Тўқайликлар, ўрмонлар аро,  
Оқ танлилар учун дур излаб,  
Сен шунғийсан океан тагига.  
Йиғла, қора танли, эй оғам!

Бўрон ўкиради. Денгиз узра қоя. Чеккасида аёл.  
Шамол унинг кўйлагини юлқилайди. Аёл гумбирлаётган  
қоронғуликда олға иштилган ҳолда тик турипти. Хо-  
тин-қизларнинг сўзсиз куйи. Куйда умидсизлик ва  
чақириқ, ғазаб ва фиғон мунги. Аёл тилга киради.  
Бу Неда эди.

## Неда

Денгиз!  
Денгиз нақ қутурган ҳўкиз сингари  
Кенг гавдасин уриб отар соҳилга.  
Гарданин кўтариб, кўпиклар сочиб,  
Увиллаб, тўлғониб қалқиб қайтади  
Ва тўлқин ёллари бўялар қонга!  
Қора шамол изғир қора тун ичра,  
Чақалоқлар йиғлар мудҳиш зулматда...  
Денгизнинг тубида инжу, дурдона  
Изловчи шўрликка шафқат йўқ зарра!

Хотин-қизларнинг куйини бўрон гувиллаши ютиб ке-  
тади. Бўрон фарёд чекади, чақиради, аёл қўлини  
денгизга чўзиб чақиради.

Неда. Ҳе. Бе. Бе. Си...

Дўмбирачи. Қимни чақиряпсан, аёл?

Неда. Наҳотки билмасанг?

Дўмбирачи. Денгиздагилар озми?

Неда. Мен биргинасини кутаман!

(Бўрон ўкиради.)

Дўмбирачи. Юр, кетамиз, бўрон кучай-моқда.

Неда. Мен кетмайман.

Дўмбирачи. Юр дейман!

Неда. Кетавер, мен кутаман.

Дўмбирачи. Ҳа, сен кутавер, кутмоқ — эътиқод демакдир.

Яна хотин-қизлар куйи эшитилади. Қоя устида танҳо Неда мағрур тик турипти. Дўмбирачи там-там чалади, бу садога бўйсунгандай бўрон пасаяди. Тим қоронғуликда ўчоқда милтиллаб ёнаётган олов кўринади.

Кулба. Олов атрофида марварид изловчилар утиришибди.

Биркўз (секин хиргойи қилади).

Ёнгинангда мен борсам,

Сен нима дейсан?

Ёнгинангда мен борсам,

Отанг не деркан?

Дуэду (қулоқ солиб). Афтидан бунинг ниҳояси бўлмайди.

Акко. Бу ҳали-вери тугамайди.

Дуэду. Гувиллайди... ҳамон гувиллайди...

Акко. Паноҳи олий биздан ғазабга келди.

Еру осмонни туманга ўраб чақмоқ билан кесиб ташляпти. (Ўзича ғўнғирлайди.) Э... денгиз қаърига ошён қуриб, ҳамма нарсадан воқиф яшовчи Нган, бизларга раҳминг келсин!

Дуэду. Бу ҳеч қачон тугамайди.

Акко. Бизларга ўзингнинг раҳминг келсин!

(Шамол увиллайди. Сукут.)

Б и р к ў з (куйлайди).

Кумғонингни мен олсам,  
Сен нима дейсан?

Кумғонингни мен олсам,  
Отанг не деркан?

Д у э д у. Нафасингни учир! (Ҳамма қулоқ  
солади. Шамол чийиллайди, тўлқинлар қир-  
фоққа урилади.)

Б и р к ў з (яна куйлайди).

Кўкрагингга қўл солдим,  
Сен нима дейсан?

Кўкрагингга қўл солдим,  
Отанг не деркан?

А к к о. Э, ҳар сирдан воқиф паноҳи олий,  
бизларга шафқат қил!

Д у э д у. Э, лаънати бўрон!

А к к о. Ўзингинг раҳминг келсин!

Д у э д у. Минг лаънат бундай тирикчилик-  
ка! Минг лаънат бундай қашшоқликка.

А к к о. Қашшоқлик. Қашшоқлик...

Д у э д у

Наҳанглар қанот-ла кесар тўлқинни—шўнғий-  
миз бизлар,

Тиш билан қиймаланг бизнинг танларни—  
шўнғиймиз бизлар.

Бўгилиб қоламиз денгиз тубида — шўнғиймиз  
ҳамон.

Суяклар сиғади тош тўлқинида — шўнғиймиз  
ҳамон.

А к к о. Фақирлик... муҳтожлик... мен бу аблахни яхши танийман. Тупроқ узра санқиб юрадиган бу аблах қашшоқликдан ҳеч кимга омонлик йўқ. Мен сенга айтсам, қашшоқлик малъун жодугар, малъун очофат, ҳайвон, фақирлик, иблис, қашшоқлик! У очликдан ўлдиради, ақлдан оздиради, қотил қилади. Биласанми, унинг увадалари ичига пичоқлар яширинган. Номинг ўчсин, қашшоқлик! Туф! Сен лаънати яна ўйласа кишининг кўнгли гумиради. *(Жимлик. Яна ҳамма қулоқ солади. Биркўз секин куйлайди.)*

Б и р к ў з

Қалбинг урар қандай дард билан,—

мен билиб олсам,

Сен нима дейсан?

Қалбинг урар қандай дард билан —

мен билиб олсам,

Отанг не деркан?

Д у э д у. Бўрон келаётгани аён эди-ку, нега энди уларни юборди?

А к к о. Бир зангги ортиғу, бири кам, уларга нима!

Б и р к ў з *(хўрсиниб)*. Ҳа, уларга нима ғам!

А к к о. Қора танлиларга завол келяпти. Чигирткани ҳеч кўрганмисан? У ҳамма нарсани кемириб қуритади. Булар ҳам айнан шундай. Африкага оқ танлилар чигирткадай ёпирилди. Нега учиб кетмайди дейсанми? У бўкиб қолди. Қорнини кутаролмаяпти, учолмайди. Яна оч қолганларида бошқа ерга учишади. У ерда ҳам ҳамма нарсага ғорат келтиради.

Д у э д у. Ҳа, ҳамма нарсани ютади, у юҳоқ.

Қаттиқ шамол ёриб киради. Қичқириқ. Ҳамма қулоқ солади. Эшик очилади. Чақмоқнинг қоронғиликни кесган тили ярқирайди. Биркўз эшикка отилади. У ердан Неданинг: «Йуқол, менинг ўзим!» деган овози эшитилади. Неда кулбага ҳушидан кетган Небунни судраб киради. Ҳамма сукутда уларни қуршаб олади.

А к к о. У... ёлғиз эдимиз?

Неда (зўрға). Қўлида, танасини тўлқин тошларга ураётганини кўриб ўзимни отдим.

Тим қоронғиликдан дўмбирачи пайдо бўлади.

Д ў м б и р а ч и.

Қуйида, тубанда. Мудҳиш қаърда  
Тўлқинлар қутуриб ўрлаган тубда  
Тўлқин қояларга урарди уни.

Азиз кишимизнинг севимли танин  
Оғушига олмоқ бўларди гирдоб...

Аёл ўзни тўлқин қўйнига отди.

Ана, унинг бўйни, ана қўллари,

Яраланган танин тортар куч билан.

Ҳамон тортар, тортар танин қирғоққа,

Фақат жингиллайди билакузуклар

Ва инграйди қирғоқ!

О, аёл, сен шундай севишга қодир!

Жимлик. Биркўз Недадан кўз узмай тикилади.

Биркўз (шавқ-завқ билан). Эҳ, Неда!

Неда. Нима дединг?

Биркўз. Ҳеч нима!

Неда. Нега тикиласан?

Биркўз. Мумкинмасми?

Неда. Нима мумкинмас?

Биркўз. Қараш?

Не да. Мени энди кўряпсанми?  
Бир кўз. Кўрганман... (жимлик).  
Дуэду. У ёлғизми?

Не да бошини қуйи солиб жим утирипти.

Акко. Ҳамма сир-асрордан воқиф Олийзон, ўзининг раҳминг келсин!

Дуэду. Бу нима? (Небунинг беҳуш гавдаси устига эгилади.)

Не да. Кафтини очолмадим.

Дуэду Небунинг қаттиқ муштланган панжасини ёзади.

Дуэду. Чиганоқ.

Акко. Оч уни.

Дуэду чиганоқни пичоқ билан очади... Унинг кафтида ажаб рангда дурдона жилваланади.

Йирик экан.

Дуэду. Чағалайнинг тухумидай бор.

Бир кўз. Шу битта дурдонаси билан ҳамма нарсага эга бўлиши мумкин.

Не да. Ниҳоятда гузал.

Небу қаттиқ ингроқ аралаш кўзини очади, зўр-ба-зўр ўрнидан туради. Бир қўли билан Неда елкасига таяниб, бир қўлини Дуэдуга чўзади. Дуэду унинг кафтига дурдонани солади. Небу дурдонага узоқ тикилиб қолади.

Небу (секин ва осойишта). Мен буни тошларнинг орасидан топиб олдим.

Акко. Жуда йирик экан.

Небу. Денгиз қаърида... тик қиррали катта тошлар орасида ётган экан.

Д у э д у. Мен ҳали бундақангисини кўрган эмасман.

Н е б у. Ўзи ҳам битта экан.

Б и р к ў з. Бунга ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин.

Н е б у. У чиганоқ орасида ярқираб ётганини ўша ерда, денгиз тубидаёқ кўрдим.

Н е д а. Жуда ҳам чиройли, Небу.

Н е б у. Мен матропни шундай ташлаган эдим, бошқа чиганоқлар...

А к к о. Жуда йирик...

Д у э д у. Чағалоқнинг тухумидай бор.

Н е б у. Ўлжам билан тўлқинлар босиб кетди мени. Денгиз ўз дурдонасини мендан тортиб олмоқчи бўлди... Кейин нима бўлганини билмайман.

Н е д а. Худди ойга ўхшаб, кумуш ранг сочади. Лекин жуда хавфли.

Н е б у. У — меники!

Б и р к ў з секин ўзини ташқарига уради. Унинг ғойиб бўлганини ҳеч ким пайқамайди.

Н е б у. Мен энди бадавлат кишиман!

А к к о. Энди нима қилмоқчисан?

Н е б у. Мен бадавлатман. Милтиқ сотиб оламан.

А к к о. Кейин?

Н е б у. Недага, худди оқ танли аёлларники сингари либослар олиб бераман. Кейин... кейин албатта, ўзимга милтиқ оламан.

А к к о. Бу дурдона сеники эмаслигини унутдинг.

Н е б у (даҳшатда). Нима?!

Д у э д у. У хўжайинники эканини унутдинг, чоғи.



Небу. Йўқ! Дурдона меники.  
Дуэду. Хўжайин бари бир уни сендан  
тортиб олади.

Небу. Йўқ! Уни мен топганман. Ёлғиз  
ўзим топганман. У ердан бир мен омон кел-  
дим. Мени тангри ярлақади. Бошқа ҳеч ким  
омон қайтмади у ердан, ўша қайтмаганлар  
қони эвазига денгиз буни менга инъом қилди!

Дуэду. Уларга бари бир. Улар йўқ энди.

Небу (*пичирлаб*). Улар йўқ энди...

Сскин, узоқ ерда там-там тақиллайди... Унинг овози  
тобора кучая боради. Небунинг кўксидан фиғон кўта-  
рилади, инграйди.

Ой-э-э, хийлла-аэ--э-э аао  
Улар қайтиб келмас. Йўқ улар.  
Рухин саломат қил, э тангрим!  
Туя бардошини ато қил менга,  
Фалокат босса ҳам тўкмайин кўз ёш.  
Арслон овозини ато қил менга,  
Унинг жасорати элтсин муродга,  
О, тангрим, сен узун пичоқ бер бизга.  
Узун пичоқ даркор олмоқ-чун қасос...  
Ойи, хийло о-о-э-э-э-э О-о о...

Ҳаракат ортиб, рақсга айланади. Маросимий рақсга  
бошқалар ҳам қўшилади. Ихчам гавдали, қора таили  
кишиларнинг рақси тобора авжга кўтарилади. Там-  
там жаранглайди. Эшик очилиши билан там-там жа-  
ранги ва рақс бирдан тўхтайди. Эшик олдида — хў-  
жайин. Унинг орқасидан илондай жилпанглаб Бир-  
кўз сирғилади. Ҳамма даҳшатли сукутда. Небу сак-  
рашга ҳозирлангандай букчаяди.

Хўжайин. На хушхабар?

Акко. Ҳеч ким қайтиб келмади, соҳиб.  
Биргина у... (*Небу томонга ишора қилади*).

Хўжайин. Биламан... (Жимлик. Хўжайин осойишта Небуга қўл чўзади.) Хўш? (Небу жим.) Мендан яширмоқчи бўлганмидинг? (Небу жим.) Узоқ кутаманми? (Небу жим.) У меники.

Небу. Йўқ!

Хўжайин. Сен яхши биласанки, у меники...

Небу. Йўқ, меники!

Хўжайин. Уғри!

Небу. Йўқ, бу ўзимники.

Хўжайин. Ҳали шундайми!..

Тўппончани қинидан чиқаради. Тўсатдан Небу қичқириб юборади, ҳаракати кескин... Унг қўлида нимадир ярқираб кетади... Эшикда, хўжайиннинг боши ёнига пичоқ санчилади.

Шундайми? (Шошилмай Небунини нишонга олади. Бир сакраб Неда Небу ёнига ўтади.)

Нари тур, қиз!

Неда. Йўқ! (Гавдаси билан Небунини тўсади.)

Небу (қизни четлатади). Қоч, Неда.

Неда. Йўқ, йўқ!

Хўжайин. Нарини тур!

Неда. Йўқ, соҳиб, йўқ!

Небу. Қоч дейман! (Қизни итариб ташлайди. Қиз деворга урилиб йиқилади.)

Хўжайин. Дурдонани ҳозироқ менга бермасанг, қизни отиб ташлайман. (Ҳамон тўппончани қизга ўқталиб турипти. Небу бир неча дақиқали ўз-ўзи билан курашдан сўнг дурдонани хўжайинга узатади. Неда қичқириб юборади.) Олинглар дурни! (Ҳеч ким жойидан қимирламайди.) Олинглар, деяпман сиз-

ларга! (Ҳамма жим, беҳаракат. Хўжайин Биркўзга ишора қилади.) Сен ол! (Биркўз қўрқув ичида Небуга яқинлашади. Унинг кафтидан дурдонани олиб, хўжайин олдига боради.) Боракалло! Сол қинга. (Биркўз дурдонани тўппонча қинига солади.) Энди боғланглар уни! (Дуэдуга тўппончани тўғрилайди.) Сенга айтаяпман (Дуэду жим). Хўш! (Дуэду жим қимирламайди. Хўжайин тўппончани Аккога йўллайди.) Хўш! (Акко қимирламайди.) Эҳ... Иблис!.. Бўлмаса сен боғла, эшитдингми, сенга айтаяпман! (Биркўз хўжайиндан кўзини узмай Небуга яқинлашади. (Хўжайин камарини ечиб Биркўзга ташлайди.) Боғла! Қаттиқроқ! Боракалло... қани, чуқурга йўл ол. (Небу қимир этмайди.) Хуш келмайдими? Захми у ер? Тумов бўлиб қоласанми? Шалаббо бўлиб кетасанми, ҳечқиси йўқ! Полиция михлаб қўйса қуриб қоласан. Жўна!

Небуни кулбадан итариб чиқаради. Неда унинг орқасидан ташланади.

Неда. Азизим, Небу!

Хўжайин (Недага). Кечроқ бориб, менга ўрин сол!

Кетади. Эшик қаттиқ ёпилади. Узоқдан гулдирак ва тўлқиннинг гувиллаши эшитилади. Эшик олдига йиқилган Неда йиғлайди. Ҳамма сукутда, бош эгади. Қиз ўрнидан туради, Биркўзга ғазаб билан тикилганча тикка унинг олдига боради. Биркўз тисарилади. Улар саҳна олдигача суриладилар. Акко ва Дуэду улар орқасидан юрадилар.  
Саҳна олди.

Биркўз. Менга нега бундай қарайсан?  
(Неда ундан кўзини узмайди.)

Нега тикиласан? (*Неда жим.*) Мени энди кўра-  
раяпсанми? (*Неда жим.*) Сенга нима керак  
ахир? (*Неда жим.*) Тикилма менга, эшитдинг-  
ми? (*Неда жим.*) Уқрайма!

Не да а. Кўзлари заҳарли илоннинг кўзига  
ўхшайди.

Неда кескин бурилиб, қоронғилик ичига кириб гойиб  
булади  
Ҳамма сукутда.

Бир кўз. (*Ҳамма сукутда. Аккога муро-  
жаат қилади*). Мен шундай қилишга мажбур  
эдим.

(*Акко жим. Биркўз Дуэдуга дейди.*)

Мен шундай қилишим керак эди. Небу —  
ўғри. (*Дуэду жим.*) Ҳа, ҳа! Небу ўғри. Дурдо-  
на хўжайинникими, ё йўқми?

(*Ҳамма сукутда.*)

Небу пичоқни отмаслиги керак эди... Тўғрими?  
(*У Аккога ўгирилади. Акко жим.*)

Сен ҳозир: «Небу довиорак жангчи!» дей-  
сан. Сен ҳозир: «У, денгиздан қайтиб келма-  
ганлар учун қасос олмоқчи эди!» дейсан. Би-  
ламан! Нима бўлганда ҳам у пичоқ отмаслиги  
керак эди. Энди у чуқурда чирийди... (*бақи-  
ради*). Мен чиришни хоҳламайман. Биласанми,  
истамайман. Тангрим қора танлиларни оқлар-  
дан қўрқадиган қилиб яратган. Ҳаммамиз  
қўрқамиз! Биласанми, қўрқамиз. Қўрқамиз!  
Сўйлоқ тишинг бўлмаса йўлбарслигингдан ни-  
ма фойда!

Бойқуш ноласи ва тўлқинга тўлиқ тун. Узоқдан там-  
тамнинг серташвиш садоси эшитилади.

Бунгалло. Гамакда хўжайин ётипти. Хузурида Биркўз. (*Хўжайин билан Биркўз дурдонани томоша қиладилар*).

Хўжайин. Ноёб.

Биркўз. Бунга ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин, соҳиб. Бунақасини ҳали кўрган эмасман...

Там-там садо беради. Хўжайин ва Биркўз қулоқ соладилар.

Хўжайин. Ер ютсин у дўмбираларини. Биркўз (*қўрқувда*.) Жуда яқинда чалишяпти дўмбирани.

Хўжайин. Ҳа, жуда яқин... эшитяпсанми?

Биркўз. Эшитяпман, соҳиб, эшитяпман.

Хўжайин. Бу ноғоралар нима деяётганига тушунасанми?

Биркўз. Йўқ, соҳиб... Ноғора тилини фақат ноғорачи билади.

Хўжайин. Ана. Яна садо беряпти. Эшитяпсанми!

Биркўз. Бирон нарса ҳақида тил бириктиришяпти.

Хўжайин. Тил бириктиришяпти? Нима ҳақида? Эҳтимол биларсан, а? Мени алдамоқчисан!

Биркўз. Қўйинг, соҳиб. Сизни алдашга менда журъат қайда.

Хўжайин (*Биркўзни диққат билан кузатиб*). Сенларни билиб бўладими? Сиз қора ялоқлар ҳаммангиз бир гўр. (*Дурдонани завқ билан томоша қилади*.) Эртага буни Арунга олиб борсам бас... Лаънатилар яна тақирляптилар дўмбирани.

Биркўз. Бу дўмбирачилар, соҳиб, ҳамма нарсани элдан олдин биладилар.

Хўжайин. Шундай дегин? Эҳтимол,  
дурдона ҳақида ҳам билишар.

Биркўз. Эҳтимол, соҳиб.

Хўжайин. Ҳа... Эртага албатта Арунга  
олиб бораман.

Там-там аниқроқ эшитила боради. Хўжайин бармоқла-  
ри билан қулоқларини беркитади.

Эшитишга тоқат йўқ! (*Жимлик. Фақат там-  
там эшитилади.*) Сен бўлсанг...

Биркўз. Безгагим.

Хўжайин. ...Тўнғиз!

Биркўз. Безгагим қийнаяпти.

Хўжайин. Сен — ифлос тўнғизсан.

Биркўз. Ёмон қақшатапти.

Хўжайин. Қора ялоқларингни қутурти-  
риб юбординг.

Биркўз. Ёмон қақшатапти, вой...

Хўжайин. Сени аллақачон ҳайдаб юбо-  
ришим керак эдику-я!.. (*Жимлик. Хўжайин қу-  
лоқларини очиб тинглайди: там-там товуш-  
лари тинмоқда.*) Мен сени аллақачон ҳай-  
дашим керак эди.

Биркўз. Сабаб, соҳиб?

Хўжайин. Қора ялоқларингни ҳаддан  
ошириб юбординг... Мен сенга нима учун пул  
тўлайман? Дарвоқе, сендан нега сўраб ўтириб-  
ман? Сен ҳам ўша тўнғизларнинг бирисан-да.

Биркўз. Айб менда эмас, соҳиб... Улар-  
дан қўрқаман.

Хўжайин. Нафасингни ўчир! Ичиб юма-  
лаб ётишни биласан... Қуй менга ана шу ши-  
шадагисидан. (*Биркўз қуяди ва уни хушома-  
дона хўжайинга тутуди.*) Бекор сўзингга ки-  
рибман. (*Бир-икки ҳўплайди.*) Уларни бекор-

га юборибман, барометр бўрон кўтарилишини кўрсатиб турган эди-ку.

Биркўз. Юбормасангиз бу дурдона қаёқда эди, соҳиб?

Хўжайин. Бошқа кун топишарди...

Биркўз. Тополмасликлари ҳам эҳтимол.

Хўжайин. Эҳтимол топмасдилар... Тасодиф! Бугун ҳам тополмасликлари мумкин эди.

Биркўз. Бу негрни гирдоб денгизнинг қаърига тортиб кетган. Бундай чуқурликка ҳали ҳеч ким шўнғимаган.

Хўжайин. Эҳтимол... Эҳтимол... Аммо дурдона менга жуда қимматга тушади. Тўрт кишини денгиз ютиб кетди. Тўрт киши! Фаросатинг етадимми? Энди бошингга яна не фалокат келишини кутиб ўтир!

Биркўз. Улар мени ўлдиришаёзди, соҳиб!

Хўжайин. Афсуски, ўлдиришмапти (*ичади*). Ушанда йигит менга пичоқ отди-я, дурдонани бергиси йўқ эди... Нима дединг?

Биркўз жим.

Нима, нотўғрими? Биладан, сен қиз йўриғидан шундай қилди, деб ўйлайсан. Бўлмаган гап. У дурдонани бергиси келмади ва ҳалок бўлган дўстлари учун қасос олмоқчи бўлди. Афсуски, қиз учун қасос олишга ҳали унда асос йўқ. Афсус... Минг афсуски, асос йўқ, афсус. Қуй шишадагидан... Ҳа, сенга нима бало бўлди?

Биркўз. Безгак қақшатапти...

Хўжайин.. Ҳа, майли, ўзингга ҳам қуя қол. (*Биркўз ўзига қуяди.*) Сен қизнинг кўксига назар солдингми... Офатижон-а? Ҳа... йигит мени ўлдираёзди... Ўлдириши мумкин

эди. Ҳаммасига сен сабаб! Сен бу қора ялоқларни ҳаддан ошириб юбординг.

Ичади. Там-там қаттиқроқ тарақлайди. Қулоқ солади.

Яна тақирлатяпти. Тўрт марварид тутувчининг ҳалок бўлганидан хабар топганга ўхшайди у, аблаҳлар... (Жим тинглайди.) Уз шеркларини озод қилиш учун чуқур устидаги тушамани бузмоқчи ҳам бўлаётгандирлар... а? Бўлиши мумкин! Сен эҳтиётни қилиб қўйдингми?

Б и р к ў з. Тепасида Сем милтиқ ушлаб ўтирипти-ку.

Х ў ж а й и н. Милтиқли Сем... Милтиқли Сем, дейсан... Сем милтиғи билан ҳам ҳеч нарса қилолмайди. Қора ялоқлар жуда қутуриб кетишган, бир милтиқли Семнинг кучи нимага етади? Бир қишлоқда ўнтасини харига михлаб қўядиган вақтлар ўтиб кетди. Ушандай қилса мулла бўлиб қолишардику-я! Аммо ҳозир замони эмас. XX асрда яшаяпмиз. Кўнглимиз тусаганини қиладиган замон эмас. Энди биз маданиятли кишилармиз, ҳамма нарсани қонун йўли билан бажарамиз.

Б и р к ў з. Тушунмадим, соҳиб?

Х ў ж а й и н. Отни эгарла, Арунгага шошил! Қора танли йнгит мени ўлдирмоқчи бўлганини полицияга етказ, яна шуни ҳам айтки, қора ялоқлар қутуриб кетишибди, тинмай лаънати там-тамларини тарақлатадилар. Улар бир кор-ҳолни бошламоқчилар... Эгарла отни, жўна!..

Б и р к ў з. Ҳозир, соҳиб!

Х ў ж а й и н. Ҳозироқ жўна! Акс ҳолда гафлатда қоламиз. Уқдингми? Милтиқли Сем



бу ерда бўлса ҳам бари бир тезроқ қайт...  
Тезроқ полицияни бошлаб кел!..

Б и р к ў з. Хўп бўлади, соҳиб!

Там-там шиддатлироқ садо беради. Хўжайин асабий юради. Чироқнинг пилигини баландроқ кўтаради. От туёги товуши эшитилади. У ҳамон узоқлашади. Там-там ҳам тинади. Ваҳимали сокинлик. Хўжайин тик туриб нимагадир қулоқ солади... Кескин бурилади.

Х ў ж а й и н. Қим?!

Қоронғиликдан нозик қоядай Неда чиқиб келади.

Неда. Мен, соҳиб!

Х ў ж а й и н. Сенми... *(енгил нафас олади)*.  
Ишинг бормиди?

Неда. Қелиб ўрнимни, тўшаб бер дедингиз.

Х ў ж а й и н. Ҳа... тўшаб қўй.

Неда гамакка йўл олади.

Тўхта, аввал эшикни ёп. *(Неда эшик томон юради.)* Эшикда ким бор?

Неда. Ҳеч ким соҳиб.

Х ў ж а й и н. Ёп эшикни.

Неда. Ёпдим, соҳиб.

Х ў ж а й и н. Тамбала.

Неда. Тамбаладим, соҳиб.

Хўжайин эшикка яқинлашади, қулоқ солади, кейин қиз ёнига келади.

Х ў ж а й и н. Йигитинг чуқурдами?

Неда. Чуқурда, соҳиб.

Х ў ж а й и н. Ўша учун мендан хафа бўлмадингми?

Неда. Йўқ, соҳиб.

Х ў ж а й и н. У дурдонани мендан яширди... Мени ўлдирмоқчи бўлди... *(Неда сукут)*

да.) У ёмон йигит. (*Неда сукутда.*) Жуда ёмон йигит, уқдингми?

Не да. Уқдим, соҳиб.

Хўжайин. Сен уни севасанми?

Не да. Йўқ, соҳиб.

Хўжайин. Сен яхши қизсан. Нега мендан қўрқасан? Қочганинг қочган.

Не да. Билмадим, соҳиб.

Хўжайин. Мендан сира қўрқма, яхши қиз. Сўзимга кирсанг чиройли кўйлақлар олиб бераман, хоҳлайсанми? Сенинг ҳам чиройли кўйлақлар кийгинг келадими? (*Неда жим.*) Бор, бор, ўрин сол. (*Неда гамакка йўл олади. Хўжайин шишани олиб стаканга қуюди.*) Бунча ивирсидинг.

Не да. Ўрин соляпман.

Хўжайин. Бери кел!

Неда келади. Хўжайин синовчан кўзларини ундан узмай стакан узатади.

Ич!

Не да. Ичмаганман, соҳиб.

Хўжайин. Ич!

Қизнинг сочларини ғижимлаб, бошини орқага тортади, кўзларига тикилиб, иккинчи қўли билан стаканни унинг оғзига туттади.

Ич! (*Неда ичади. Хўжайин стаканни ерга улоқтиради.*) Сочларинг ипакдай мулойим... Оқ аёлларникига ўхшайди... Мунча лабларинг чиройли! (*Ўнмоқчи бўлади. Неда унинг қўлидан қутулиб чиқади.*) Сен менинг сўзимга киришинг керак. Бери кел! (*Неда қимирламайди.*) Эшитмадингми? (*Неда бирдан қаттиқ кула бошлайди.*) Нимага куляпсан?

Не да. Айланяпти... Ҳамма нарса айланяпти! Мен мастманми?

Хўжайин. Жуда соз. Кел менинг олдига!

Бирдан бир қарорга келгандай Неда кескин хўжайин олдига келади. Хўжайин қучоқлайди.

Сен ҳам... сен ҳам қучоқла мени.

Неда қучоқлайди... Бир неча дақиқа шу суратда турадилар... Кейин Неданинг қўли хўжайин ёнбошидан пастга сирғала бошлайди... Қўли хўжайиннинг киссасида... Калитни маҳкам ушлаб турипти. Хўжайин қимир этмай сўзлайди.

Қўй жойига... *(Неданинг қўли гўё шол бўлиб қолгандай.)* Қўй жойига деяпман, қулогинг борми?

Неда унинг қучогидан чиқишга интилади, лекин хўжайин маҳкам қучоқлаб туриб, сўзида давом этади.

Демак, сенга чуқурнинг калити керак бўлган экан-да? Мен дурдона учун келдинг деб уйлабман. *(Мулойим.)* Қанжиқ... Қора қанжиқ... Сизларнинг ҳаммангиз бир гўр! Қўй калитни, қанжиқ!

Неда. Асло!

Хўжайин. Лаънати, қора қанжиқ!

Тўсатдан орқага тисарилиб, қизнинг юзларига шапалоқ солади, Неда инграб йиқилиб, ҳолсиз ётади. Хўжайин қиздан кўзини узмайди. Бориб чироқни ўчиради. Сим-сиёҳлик. Неданинг чинқириғи. Нимадир сиёҳлик... Жимлик... Ойнинг кумуш нури ерга тўкила бошлайди... Гамак ёнида хўжайиннинг чалқанча ётган гавдаси. Унинг устига қўлида пичоқ билан Небу эгилган... Нарироқда Неда қотиб турипти. Уларнинг кўзлари жасадга тикилган. Небу аста қаддини ростлайди... Муштини ёзади: кафтида дурдона хира жилваланади. Йигит билан қиз бир-бирига тикиладилар... Саҳна олдига ўтиб тўхтайдилар. Уларга Акко билан Дуэду келиб қўшилади. Улар жимгина йигит билан қизга кўз тикадилар.

Саҳна олди.

Небу (секин). Ұлди. (Жимлик.) Нега сен унинг олдига келдинг? (Неда жим.) Нега унинг олдига келдинг? (Неда калитни тушириб юборади. Калит оғир тақирлаб ерга тўшади. Небу калитни ердан олади.) Калит учун келганмидинг?

Неда (бошини қуйи эгиб, секин.) Ҳа...

Сукунат. Небу кўз узмай қизга қарайди.

Небу. Сен жасоратли қизсан, Неда...

Неда. Асло...

Небу. Сен жасоратли қизсан. (Акко билан Дуэдунни кўрсатиб.) Булар милтиқли Семни боғлашипти, кейин тўшамани кўтарганларида мен сенинг чинқирганингни эшитиб қолдим. Кейин мен уни ўлдирдим...

Ҳамма жим.

Акко. Энди нима қилмоқчисан, Небу?

Небу. Билмайман.

Акко. Энди икки қатла жинояткорсан: биринчидан, дурдонани ўзингники қилдинг. Иккинчидан — оқ танлини ўлдирдинг.

Небу. Ҳм.

Акко. Шу туфайли, икки қатла танангни харига тортадилар.

Небу. Нима қилишим керак?

Акко. Қочиб кет!

Дуэду. Юр, биз билан, Небу, ҳозир ҳамма қора танлилар бир ёқадан бош чиқарадиган вақт келди.

Небу. Менга нима? Ўзим биламан! Менинг дурдонам бор! Менга ҳеч ким керак эмас!

Акко. Биз билан бўл, юр, Небу!

Небу. Йўқ! Менга ҳеч ким керакмас. Менинг дурдонам бор, бўлди.

Д у э д у. Эҳтиёт бўл, яна дурдонанг бо-  
шингга етмасин, Небу!

Небу. Етмайди. Мен бадавлат бўлиб  
кетаман. Неда билан қишлоғимизга кетамиз.  
У ерда ҳеч ким тополмайди бизни... Бир оз  
вақт утгач, дурдонани сотаман, энг бой киши  
бўламан.

А к к о. Охирги марта сўраяпман сендан —  
юр биз билан!

Небу. Йўқ!

Д у э д у. Бу қилмишингдан ўзинг пушай-  
мон бўласан, яхши қол!

А к к о. Хайр!

Небу. Хайр! Қирғоқ ёқалаб кетинглар.

А к к о. Хўп.

Кетишади.

Небу. (*худди энди кўраётгандай Недага  
тикилади*). Сен жасоратли қизсан, Неда...

Қиз бирдан йигитнинг пинжига киради.

Неда. Қўрқиб кетяпман!

Небу. Жим бўл!

Улар қулоқ соладилар. Узоқдан итларнинг вовуллага-  
ни ва от туёғи товуши эшитилади. Дўмбирачи  
пайдо бўлади. У саҳнанинг бошқа томонига ўтади.

Д ў м б и р а ч и. Ҳой, бунча имиллайсизлар.

Неда. Нима бўлди?

Д ў м б и р а ч и. Келишяпти. Гапимга қу-  
лоқ сол, дўмбирачининг ўғли, ҳозир қочишинг  
керак. Там-там садолари сенга раҳнамо бўла-  
ди. Сен унинг тилини биласан, сен дўмбирачи  
ўғлисан, Небу!

Небу. Ҳа, мен там-тамнинг тилига тушу-  
наман, негаки, мен дўмбирачи фарзанди Не-  
буман.

Д ў м б и р а ч и. Ундай бўлса жўнанглар.  
Не да. Ҳа... қочиш керак!..

Д ў м б и р а ч и. Зудлик билан! Улар яқинлашиб қолишди.

Ғойиб бўлади.

Не бу. Жим!

Яқинлашиб келаётган ит акиллаши ва от туёғига доғ қотиб даҳшат ичида қулоқ солишади.

Не бу. Ўтиб кетишди.

Не да. Ҳа...

Не бу. У томонга ўтишди.

Не да. Мен жуда қўрқиб кетяпман.

Не бу. Узоқлашишди, қўрқма.

Не да. Ҳа, узоқлашишди.

Не бу. Юр энди, уйга етиб олишимиз керак.

Не да. Йўқ.

Не бу. Нима учун?

Не да. Изимиздан боришади.

Не бу. Тўғри айтасан...

Не да. Улар орқамиздан қишлоққа ҳам боришлари мумкин.

Не бу. Боришлари мумкин.

Не да. Уларни чалғитмоқ керак.

Не бу. Қандай қилиб?

Не да. Сен бир ўзинг кетасан.

Не бу. Сен-чи?

Не да. Мен у томонга кетаман. (*Қўли билан кўрсатади.*) Улар менинг изимдан боришади. Шундай қиламан. (*Жимлик.*) Сенинг олдингга етиб бораман. Албатта, бирга бўламиз. (*Небу жим.*) Бу кунлар ўтиб кетади, Небу, албатта бирга бўламиз. Мен сенга яхши, вафодор хотин бўламан. Бер менга дурдонани!

(Небу иккиланади.) Бер-а, менда бўлса уни ҳеч ким тополмайди. (Небу дурдонани беради. Неда уни кўксига яширади.) Мен кетдим.

Узоқда ит акиллайди.

Небу у. Яхши бор!

Неда а. Яхши қол, Небу.

Кетади. Небу қиз орқасидан тикилиб туради.

Шамол билан ой нури  
Ўйнар тун қучоғида.  
Қеламан кўнглим дурн,  
Қалбинг кутган чоғида.

Қимсасиз йўлда танҳо  
Қетай кулфатни олиб...  
Қайтаман, севикли ёр,  
Ишқинг дилимга солиб.

Қўшиқ узоқлашиб, сўнг тинади. Анча вақтгача итларнинг ҳуригани эшитилиб туради. Небу чуқур хўрсиниб қоронғилик ичига кириб кетади. Дўмбирачи там-тамни тарақлата бошлайди.

Дўмбирачи. Сен учун... Қора танли инсон, сен учун...

Чироқ ўчади. Узоқдан там-тамнинг сийрак садолари эшитилиб туради. Ой шуъласи секин-аста ялангликни, у ердаги ўртаси қирра томли капаларни ёрита бошлайди. Яланглик ўртасидаги қудратли Баобаб ёнида қишлоқ дўмбирачиси. Атрофини негрлар ўраб ўтирибди. Давра ўртасида сеҳргар. Ҳамма там-тамга қулоқ солади.

Қишлоқ дўмбирачиси эшитганларини такрорлаяпти.

Қишлоқ дўмбирачиси. Сен учун... Қора танли инсон... Сен учун!.. Қаерда бўлсанг ҳам уқиб ол, инсон! Ётибсанми, турибсанми, юрибсанми, қулоқ сол, ғафлатда қолма бу замон. Офтобнинг ловиллаган машъали кўпикли тўлқинлар орасига чуқиб сўнган томон-

дан елкаларига милтиқлар осиқ оқ танлилар келмоқда. Улар биз томонга, соҳилга, қадим Игара қабиласига, тобе кишилар кулбалари мингашган Рўё дарёси томон йўл олганлар.

Узоқда там-там садоси тинади. Энди қишлоқ дўмбирачиси дўмбирасини чала бошлайди. У узоқдаги там-тамнинг садоларини такрорлайди.

Сеҳргар. Улар бу томонга келишмоқда...  
Уларга нима керак ўзи?

Қишлоқ дўмбирачиси. Ҳозир биламиз.

Чалишдан тўхтади. Яна узоқдаги там-там садо беради, унга қулоқ солиб шарҳлайди.

Оқ танлилар қора йигит изига тушган.  
Неча кундир давом этар бу мудҳиш қувғин.

Яна ўз дўмбирасини тарақлатади.

Сеҳргар. Нега энди буёққа келадилар?

Қишлоқ дўмбирачиси. Улар қора танлининг изига тушганлар. Из шу ёққа олиб келяпти-да.

Сеҳргар. Оғайнилар, ишонаверинг, у бизга бир балони келтиради. Мен шаҳарда оқ танли жаноб Смайло ҳузурида бўлганимдан хабаринглар бор. У менга: «Сеҳргар, менинг ишим бошимдан ошиб ётипти, қабилаларни сен назорат қилиб турасан!...» деди. Ҳа, худди шундай деди. Яна: «Баъзи бир қора ялоқлар бизга итоат қилмаяпти, ўшаларнинг таъзирини берамиз!..» деб таъкидлади. Бизнинг қабилаларимизда ҳаммавақт осойишталик бўлиши керак. (*Дўмбирачига*) у қора йигит нима гуноҳ қилди? (*Дўмбирачи жим.*) Сўзла!

Қишлоқ дўмбирачиси. Ўлдирди.  
Сеҳргар. Ўлдирди? Қимни ўлдирди!



Қишлоқ думбирачиси. ...оқ танли-  
ни ўлдирди...

Жимлик.

Сеҳргар. Барча думбирачиларга жар  
сол, «Бошқа йўлдан бор, биз сени танимаймиз!» деб айтсинлар унга.

Оломонда саросималик.

Қишлоқ думбирачиси. Мен бу иш-  
ни қилмайман.

Сеҳргар. Сабаб?

Қишлоқ думбирачиси. У яқинлашиб  
қолди... Келиб қолди...

Тўсатдан сим-сиёҳликдан Небу пайдо бўлади. Гап-  
дираклаб аранг ўртага келиб, йиқилади.

Небу (*хириллаб*). Келдим...

Оломонда саросима, одамларнинг шивири, хазонни  
шамол титиб ўтгандаги овозларни эслатади. Ҳамма  
Небуга яқинлашади.

Сеҳргар. Қайтинг орқага. (*Тумор ва  
мунчоқларини шилдиратиб оломонга ташла-  
нади.*) Қайтинг орқага. Акс ҳолда ҳаммангиз-  
ни қўтир сиртлонга айлантираман.

Оломон ғўнғирлаганча орқага тисарилади... Узоқ  
жимлик. Сеҳргар ҳамон юзтубан ётган Небуга яқин-  
лашади. Оёғи билан итариб чалқанча ётқизади. Энга-  
шиб уни диққат билан кўздан кечиради.

А, сенми?! Сенмидинг, Небу?

Небу (*аранг ўзига келиб*). Ҳа... Мен...

Сеҳргар. Ҳа, сенсан... сен... сенсан...  
(*Ҳаммага.*) Кўряпсизларми, оғайнилар, бу  
Небу!

Жимлик.

Сен одам ўлдирдингми? Гапир!

Небу. Ҳа, одам ўлдирдим.

Сеҳргар. Нега ўлдирдинг?

Небу. Оқ бўлгани-чун.

Қишлоқ дўмбирачиси. Қора тан-  
лининг ҳам, оқ танлининг ҳам томирида бит-  
та қон, қизил қон айқириб юради...

Небу. Оқ танлининг томирида қора қон  
юради.

Сеҳргар. Жон ўғирламоқ — катта гу-  
ноҳ.

Небу. Йўқ, заиф қуллик — катта гуноҳ.

Сеҳргар. Уни нега ўлдирдинг?

Небу. Ҳамма учун! У менинг оғайнила-  
римни дур учун денгизга ўлимга юборди, у  
қора танли қиз Недани шармисор қилмоқчи  
бўлди...

Қишлоқ дўмбирачиси. Сен уни аёл  
туфайли ўлдирибсан... Сен Недани шунча  
севасанми, Небу!

Небу

Уни севмай бўларми, ахир,  
Гўзал қора танли Недани.  
Ниҳол чирмовуқдай унинг қўллари,  
Кўзларини нақ юлдуз дейсан.  
Дудоқлари қизил гулсифат,  
Уни севмай бўларми ахир!..  
Дунёда йўқ ундаги қомат:  
Сарв дарахтдек тик, итоаткор,  
Бадани мулойим тонгги шабнамдан —  
Уни севмай бўларми, ахир!  
Эшитганинг борми тун палласида  
Қора танли қизнинг чақириғини!  
Қайноқ қон, ўтюррак эҳтиросдир у!..  
Унга жавоб бўлиб менинг танимда

Үт ёниб, нақ вулқон қуюни бўлиб  
Отилади кўксимдан қалбим.  
Там-там каби урар гурсиллаб...  
Севмай бўлармикан шу қора оташ  
Чирмовуқдай гўзал Недани?

Жимлик. Небу бошини қуйи солади.

Мен... ўлдирдим...

Сеҳргар. Энди биздан ҳимоя излаб келдингми?

Небу. Мен ўз кулбамга келдим.

Сеҳргар. Сенинг кулбанг йўқ! Сен қабилани ташлаб кетдинг, сен орқангдан аёлини эргаштириб кетдинг, сен оқ танли одамни ўлдирдинг.

Небу. Қабиланинг низомида «Хотининг-ни тортиб олмоқчи бўлган одамни ўлдири» дейилган. Шундай эмасми?

Сеҳргар. Ҳа, а-а... (сакраб туриб ҳаммага ғолибона боқади). Эшитдингларми? Қабиланинг низоми энди эсига тушипти! Лекин, оғайнилар, унинг ўзи Недани мендан тортиб олганини унутди, чоғи. Демак биринчи бўлиб қонунни бузган — у! Лекин сен ҳали тириксан-ку! Сўзла!

Небу. Неда меники. Сеҳргар, у сени эмас, мени севади.

Сеҳргар. Неда менга хотин бўлиши керак эди.

Небу. Сен унга кексалик қиласан, Сеҳргар.

Сеҳргар. Овозингни учир!

Небу. Уни менга беришингни сендан илтимос қилдим, сен бермадинг. Мен олиб кетавердим...

Сеҳргар. Оғайнилар! Қулоқ беринглар!

Бу одам икки қатла гуноҳкор: Биринчидан, қабиланинг, иккинчидан, оқ танлиларнинг қонунини бузди. Уша Неда исмли аёл ҳозир қаерда эканини айт менга...

Небу. Билмайман.

Сеҳргар. Эшитдингларми, оғайнилар? Бу одам мендаги аёлни ўғирлаб олиб кетди. Энди қаердалигини билмас эмиш. Қаллоб! Оғайнилар! Оқ танлилар унинг гуноҳидан ўтмайди, улар бу ерга келиб: «Қани бизнинг одамимизни ўлдирган?» деб сўрайдилар, нима деймиз? Биз: «Ана, олинглар уни!» деб жавоб қилишимиз керак. Акс ҳолда, бизнинг болаларимизни битталаб ўлдирадилар, кулбаларимизга ўт қўядилар.

Қишлоқ дўмбирачиси. Ўзимизни жуда хўрлаб юбордик-ку, Сеҳргар!

Сеҳргар. Жим бўл!

Кичик дўмбирачани олиб жазавага тушиб чалиб даврада айланади. Рақсга тушади, қичқиради. Анча вақтгача дўмбирасини така-тумлаб юради. Кейин бирдан тўхтади. Жимлик... Давра ўртасида Небу ҳаракатсиз ётипти. Сукунатда секин-аста ўрмон ва туннинг товуши эшитила бошлайди. Мана, галати, қулоқни батангга келтирадиган чинқириқ... Бу нима? Бориб-бориб барча товушлар бир-бирига қоришиб арслоннинг кучли наърасига айланиб кетади. Сеҳргар қаттиқ чинқиради.

А-а-А-а! Нидо келяпти... Эшитинглар, тангриларнинг сўзларини! Улар: «Бу одам оқларнинг қўлига топширилсин!» дейишди. Тангрилар шундай дейишди. Шундай бўлади!

Небу. Йўқ! (Сакраб туради.)

Сеҳргар. Ушланглар уни!

Небу бир томонга ўзини уради, кейин иккинчи томонга. Лекин ҳар томондан ҳам уни найзалар қаршилайди, қўлига пичоқ олади.

## Қочириб юборманглар!

Там-там шиддатли садо беради. Давра ҳамон торайиб бориб, Небу уртада қолади. Даврага Сеҳргар отилиб киради. Қаттиқ ураётганлари кўриниб турипти. Кучли чинқириқдан сўнг жимлик. Давра тарқалади. Небу гўё михлангандай боғланган. Атрофи найзалар билан гир айлантириб тўсилган.

У қочиб кетмоқчи бўлган эди. Жазосини тортсин. Қани жароҳати газак олиб кетиб, бу ёмон одамнинг танасидан заҳарли сассиқ алафлар ўссин! (Авраб сеҳрлайди.) Энди ҳамманглар кетинглар. Бу худо қарғаган муртад, йўлдан озганнинг ёнида қолиш гуноҳ. Унга ҳеч ким яқин бориши мумкин эмас. Қасамёд қилинг!

Сеҳргар кичкинагина қизил тошни кафтида тутиб туради, ҳамма эркаклар бирин-кетин тошга қўл теккизиб ўтадилар.

Тарқалинглари.. кетинглар ҳамманглар...

Ҳамма кетади. Сеҳргар Небунинг нақ юзи олдига келиб, хахолаб қийқириб кулади.

Энди ора очиқ бўлди, азизим Небу!

Кула-кула кетади. Небу беҳаракат. Секин музика овози эшитила боради. Аёлларнинг сўзсиз мулойим мунгли куйи қирра томлар устида ёйилади, янги ойнинг ўроги қалқиб чиқиб, тўхтади. Қўшиқ узилади. Небу инграб бошини кўтиради.

Н е б у.

Нурли ҳилол... Янги ой!..  
Чоҳ устига чодир бўл

Самоннинг тинч кўксида.  
Ҳилол, ҳилол, сен тезроқ  
Овоз бер, мен маҳбусга.  
Тун келини, янги ой!

Ойнинг ўроғи томлар орқасида гойиб бўлади... Баобаб орқасидан қиз пайдо бўлади. Бу Неда қиёфасидаги ой. Қиз эғнида илгариги кийими. Лекин у ойнинг нури билан кумушланган.

Ой. Мен бу ердаман!  
Небу. Сенмисан, Неда!  
Ой. Йўқ! Мен ой. Чақирганинг учун келдим. Тилаганингни сўйла.

Небу.

Оҳ, еру кўк нур маъбудаси!  
Ҳар кун тонгдан ўлим етаклаб  
Атрофимда тинмай кезувчи  
Офатлардан, азоб-кулфатдан  
Халос бўлмоқ йўлини ўргат!

Ой. Офатлардан халос бўлмоқ ўзингга боғлиқ, суюкли Небу!

Небу. Аммо инсон жуда ожиз!

Ой

Сўзларинг тўғри эмас!  
Инсонда зўр қудрат доим яшармиш!..  
Тунги осмон қоралиғи у,  
Денгизларда кўринган ҳубоб  
Чақмоқларнинг чарақлаши у,  
Буғдойларнинг бошоқланиши  
Тўлқинларнинг гулдираши у,  
Ғорликларда дам олган жимлик!  
У — кўринмас бизга ҳеч қачон,  
У ҳаётдир ва ҳамда ўлим.

У — йироқда, ҳам ҳузурингда  
Сен у билан тириксан муқим...

### Н е б у

Оҳ, янги ой, янги ой,  
Сен янги кун кафтида  
Ҳозир эриб кетасан,  
Айтгил, бир нарсани айт!  
Мен билайки, томирда  
Ёшлик қони тинмайди.  
Қандай қилиб, уч олиб?!

### О й

Менга қараб ўрнак ол!  
Ўз кучингга ишон сен.  
Душманларнинг устидан  
Ғалабага ишон сен.

Ой баобаб орқасига яширинади.

### Н е б у

Эй, янги оқ нурли ой.  
Мени қолдириб кетма!  
Э, кумуш шуълали ой,  
Узоқ мунтазир этма.

Томлар устидан яна ойнинг уроғи кўришиб, аста  
нарига сирғала бошлайди.

Қетяпсан самодан,  
Аранг кўриб турибман...

Ой ғойиб бўлади. Шамол туриб баобаб шохлари шовирлайди... Небу ҳолсиз осилиб ётипти. Дарахтнинг шохи секин силкиниб унинг бошига эгилади. Дарахт шохларидан бири—қиз. Бу баобабнинг Неда қисфаси-

даги қалби, энди унинг кийимлари гўё барглардан  
туқилган.

Баобаб. Салом, Небу!

Небу. Бу ким?

Баобаб. Менман.

Небу. Ким? Сенмисан, Неда?

Баобаб. Йўқ. Мен — баобабнинг юра-  
гиман.

Небу. Сен жуда Недага ўхшар экан-  
сан...

Баобаб. Неда ҳамма ерда — у ойнинг  
шуъласида, шаббоданинг нафасида, япроқ-  
ларнинг шитирлашида, ҳамма ерда у!

Небу. Ёлғон айтма, мен кўрмаяпман!

Баобаб. У ҳамиша сенга ҳамроҳ. Атро-  
фингга назар сол!

Небу. Йўқ. У мени ташлаб кетди. Мен  
танҳоман. Ҳаёт шунақа: ҳамма ўз ҳолига...

Баобаб. Бундай эмас. Атрофингга боқ.  
Ҳар бир майса — Неда, майсаларни баҳра-  
манд қилиб турувчи ҳар бир шабнам — у Не-  
бу... Эркак ва аёл ҳаммавақт ёнма-ён. Қаер-  
да ҳаёт бўлса, аёл ўша ерда. Аёл она тупроқ  
сингари. Ёмғир ерни баҳраманд қилади, ер  
ҳосил беради, ер туғади. Сен атрофга назар  
ташла, ёмғир билан кўпчиган бу ерлар тезда  
кўкаламзор бўлиб кетади. Тупроқ худди аёл  
сингари ҳаёт чашмасидир.

Небу. Лекин унинг кўзини кўрдим.

Баобаб. У оқила.

Небу. Йўлбарсга ҳам, кийикка ҳам ер  
ўз кўксидан ўрин беради. Йўлбарс заиф ки-  
йикни ютиб юборади... Тупроқнинг кўзи кўр!

Баобаб. Бир кун келиб йўлбарсни ҳам  
қуртлар ейишни унутдинг, чоғи?



Небу. Йўқ! Аёлнинг ҳам кўзи кўр. Оқ танлига ҳам, қора танлига ҳам бирдай сасийлик билан ҳаёт бағишлайди. Демак, аёл туққан оқ танлилар бошқа шўрликлар қора танли бўлгани учунгина уларни ютиб юбордилар. Қора инсон — туғилади, йиғлайди. Вояга етиб эр киши бўлади — йиғлайди, ўлаётиб ҳам йиғлайди. Нима учун бундай? (*Жавоб кутади.*) Йўқ, жавобни сен беролмайсан. Минг лаънат шундай тирикчиликка! Менга ҳаёт керак эмас!

Баобаб. Асло ундай эмас, ўғлим Небу! Инсон саодат меваларини ўз тишлари билан узиб олиб, ундан баҳраманд бўлиш учун туғилади, инсон азобдан сирқираш учун эмас, қувониш, кулиш учун туғилади...

Небу. Йўқ! Инсон бошқаларни еб юбормоқ учун туғилади... Йўқ! Мен улардан нафратланаман. Оқлардан, қоралардан нафратланаман. Оқ танлилар худди чиябўрининг орқасидаги қузғундай менинг изимдан қолмайдилар, қора танлилар эса мени сотадилар... Нафратларим бўлсин ҳаммасига! Мен яшашни истамайман. Қачон мени ажал олар экан!

Баобаб. Сен ажални шоширма... Унинг ўзи келади. Ўлим мисоли чақирилмаган меҳмон.

Небу. Йўқ. Ўлим — ташна учун унинг чанқоғини қондирувчи обиҳаёт, гўдак учун она кўксида тирсиллаган сут! Ўлимни кутган кишига ажал ана шундай ноёб нарса!

Жимлик.

Баобаб. Сен уни шунчалик кутяпсанми, Небу?

Небу. Билмайман... чарчаб кетдим...

Баобаб. Чарчагансан... Ҳаёт сенга жуда разил зарба етказди.

Небу. Чарчадим...

Баобаб. Ҳаёт кишининг бошига мусибат келтираверса, у ҳам зарба билан жавоб бера бошлайди.

Небу. Нега керак у?

Баобаб. Яксон бўлганни тикламоқ учун. Яшашнинг маъноси шунда.

Небу. Ҳаёт зарба беришдан тўхтамасачи?

Баобаб. Сен ҳам тўхтама.

Небу. Қилолмайман!

### Баобаб

Чарчагансан, қаттиқ чарчагансан.

Сен мисоли сайёҳ — ташна ва чарчагансан.

Сайёҳ борар чул, сахро ошиб.

У чарчайди,

Қуриган дармон.

Лекин тинмай йул босар ҳамон.

Ҳамон олға, олға босар йул.

Небу. Нима учун?

### Баобаб

Сабаб шулки, биледи аён;

Узоқ барханларнинг ортида

Шаффоф чашма қилар замзама.

Йул босади, етади... аммо...

Небу. Чашма қурипти.

## Б а о б а б

Ҳа... Чашманинг қурипти суви.  
Сайёҳ қулар,  
Бутун умиди  
Чукиб кетар чашма тубига...  
Қувват ҳам йўқ тушса йўлига,  
Небу. Шундан кейин не қилсин сайёҳ?  
Баобаб. Яна туриб, йўл олсин олға!  
Небу. Нима учун?  
Баобаб. Топмоқ учун бошқа чашмани.  
Небу. У ҳам қақраб қолган бўлса-чи!  
Баобаб. Қаддинг ростлаб яна олға юр.  
Небу. Ҳамон йироқ, йироққа! Нечун?  
Баобаб. Топмоқ учун! Тур,  
Олдинга боқ!

Небунинг боши беихтиёр қуйи эгилади. Баобабнинг шохлари аста-секин кўтарилади. Қиз ғойиб бўлади. Сукунат... Узоқ-узоқдан Неданинг қўшиғи эшитилади...  
Овоз тобора яқинлашади.

### Н е д а н и н г қ ў ш и ғ и.

Шамол билан ой нури  
Ўйнаб тун қучоғида.  
Келаман, кўнглим дури,  
Қалбинг кутган чоғида.  
Қимсасиз йўлда танҳо  
Кетай кулфатинг олиб...  
Қайтаман, севикли ёр,  
Ишқинг дилимга солиб!

Қоронгиликдан қизнинг келишган қадди-қомати кўрилади. Бу — Неда. У бу сафар ўзининг асл қиёфасида. Оҳиста ҳар томонга аланглаб Небуга яқинлашади.  
Юзига юзини қўяди. Небу инграб кўзини очади.

Небу. Ким бу?  
Неда. Менман, мен...

Небу. Йўқ...

Неда. Менман. Небу!

Небу. Сен? Оҳ... Қўланкалар кетдими?  
Сенми?

Узоқдан итларнинг акиллагани эшитилади. Неда қич-  
қириб Небу боғланган арқонларни еча бошлайди.

Неда. Тезроқ... Тезроқ.

Небу. Қўй мени... Қўй ўз ҳолимга, мен  
истамайман.

Неда. Қўзингни оч, Небу. Бу мен ахир.

Небу. Тегма менга. Мени ўз ҳолимга  
қўй. Ҳеч нарса керак эмас.

Итлар овози жуда яқиндан эшитилмоқда.

Неда. Тур, тезроқ тур... тез.

Небу. Мен чарчадим... Тинчгина ўлишга  
қўйгин.

Неда. Йўқ, Небу! Қетамиз бу ердан!

Небу. Чарчаганман... Шундай чарчадим-  
ки...

Неда. Қўзингни оч, Небу!

Итлар овози жуда яқиндан эшитилмоқда.

Яқинлашиб қолишди! Менга кўмак бер  
ахир, Небу. Ўзингни тут.

Небу (аранг эшитиларли). Йўқ... йўқ!..

Неда. Небу! Небу деяпман! Ўзингни тут,  
мен сени эплаёлмаяпман ахир! (Ҳамон уни  
еча олмайди.) Худойим, ўзинг кўмак бер!  
Тангриларим, ўзингизнинг раҳмингиз келсин.

Итнинг жуда қаттиқ вовиллагани эшитилади. Неда  
даҳшатдан қичқиради.

Не да. Қўзингни очсанг-чи, ахир, Небу!..

Қоронғилик. Итларнинг ҳуриши тақ тўхтайтиди... Қимнингдир йиглагани, қимнингдир доди эшитилади. Таниш яланглик. Баобаб теварагини энди полиция комиссари, қўлда қамчи тутган бир неча полиция кишилари ўраб олган. Қишлоқ дўмбирачиси бир томонда. Бирқўз бошқа томонда писиб турипти. Дарахтга боғланган киши бошини кўтаради. Бу — Сеҳргар. Ялангликда бошқа ҳеч қим йўқ.

Комиссар. Қани у?

Сеҳргар. Бу дарахтга боғлиқ эди...

Комиссар. Қани у, деяпман?

Сеҳргар. Биз уни шу дарахтга боғлаб ташлаган эдик...

Комиссар. Айт, қаерда у?

Сеҳргар. Жуда ёмон одам... Биз боғлагандик уни.

Комиссар. Қаёққа ғойиб бўлди?

Сеҳргар. Биз билмаймиз, соҳиб.

Комиссар. Эҳтимол, сиз уни боғламагандирсиз, балки у шу ердадир, эҳтимол, дарахтлар ичига яшириб қўйгандирсиз-а?

Сеҳргар. Йўқ, соҳиб. Биз уни дарахтлар орасига яширганимиз йўқ, эҳтимол уни руҳлар олиб кетишгандир.

Комиссар. Уни сенинг қора ялоқларинг олиб кетган, биласанми? Сен мени ғофил деб ўйлама!

Сеҳргар. Йўқ, соҳиб, қабиладан бирон жон бу ишни қилмайди. Улар қизил тош ҳаққи қасамёд қилганлар.

Комиссар. Йўқми қора ялоғинг?

Сеҳргар. Йўқ.

Комиссар. Ер ютипти бўлмасам.

Сеҳргар. Фармон бер, мени ечиб қўйсинлар, қўлларим увишиб кетди.

Комиссар. Ечинглар, бу аблаҳдан иш чиқмайди.

Сеҳргарни дарахтдан ечиб оладилар. У полициячилардан кўз узмай қўрқа-писа бир чеккага ўтади.

Сеҳргар (қўрқа-писа). Қизларимиз сизларга ўйнаб берсинлар...

Комиссар. Лаънати ўлка. Мудҳиш замон. Э, иблис негрлар, ҳаром ўлинглар!

Полициячи. Бизни бу пучмоққа ажал ҳайдаб келди.

Комиссар. Нима ҳам қилардик. Биз қонунга итоат қиламиз. Қора танли оқ танлини ўлдирди. Энди ўзи осилиши керак. Мен қонун қулиман, биласанми?

Полициячи. Сиз заҳарланган камон ўқи нималигини биласизми, жаноб комиссар? Сиз ҳали янгисиз... мен сизга айтсам, хиёл тирнаб ўтса борми, қуёнчиқ тутгандай ғужанак бўласизу, икки дақиқадан кейин жонингизни тангрига топширасиз.

Комиссар. Менга нега гапиряпсан бунинг ҳаммасини?

Полициячи. Нега дейсизми? Сиз у йигит орқасидан қувиб юриб, марварид тувчилар айтгандек, бўрон яқинлашиб келатганини сезмай қолдингиз.

Комиссар. Нима бўпти? Нима дегани бу!

Полициячи. Шу деганимки, бу ишларнинг ҳаммаси менга сира ёқмайди. Қоралар бир балони бошламоқчи. Ёмон ҳид сезяпман.

Комиссар. Нима демоқчисан, очиқроқ гапир!

Полициячи. Шуни демоқчиманки, мен

сизнинг ўрнингизда бўлсам, аллақачон орқага қайтган бўлар эдим.

Комиссар. Бас қил. У йигитни топмагунча қидираверамиз.

Полициячи. Ихтиёр сизда.

Комиссар. Очигини айтсам, из искаб юриш ўзимнинг ҳам жонимга тегди! Аммо начора? Ҳаммамизнинг бола-чақамиз бор. Уларни боқиш керак.

Биркўз (Комиссарга яқинлашиб). Айбга буюрмайсиз, жаноб комиссар, йўлимизни давом эттиришимиз керак... Ҳадемай бу ерда муттасил ёнгарчилик бошланади, кейин уни сира ҳам топиб бўлмайди, соҳиб.

Комиссар. Муттасил ёмғир фасли дейсанми. Шу етишмаётган эди. Ҳаммасига сен аблаҳ сабаб бўлдинг.

Биркўз. Соҳиб, холис ният билан яхшилик қилмоқчи эдим.

Комиссар. Нега қизнинг орқасидан олиб бординг бизни?

Биркўз. Мен уни қиз билан деб ўйлادим...

Комиссар. Қиз тоза адабимизни берди (Сеҳргарга). Қиз бу ерга келмаганига аминмисан?

Сеҳргар. Бу ерга келмаган, соҳиб.

Жимлик.

Комиссар. Узоққа кетишга ақлим етмайди. Жароҳатли деганмидинг?

Сеҳргар. Қочиб кетмоқчи бўлган эди, мен қаттиқ урдим. Кейин олиб келиб у дарахтга боғладик...

Комиссар. Яна дарахтдан гапиради-я!

Гап шу! Менга одамларингдан берасан, бир-га боришади.

Сеҳргар. Ҳеч ким бормаиди, соҳиб. Ҳозир ҳеч ким менга бўйсунмай қўйган.

Комиссар. Қишлоқда интизом бўлишига сен мутасадди. Тополмасак борми, келиб қишлоғингга ўт қўямиз, сени бўлса шаҳарга олиб бориб оқ ҳокимнинг оёғига ташлаймиз, фаҳмладингми?

Биркўз. У бошқа қишлоққа кетиб яширинган бўлса ҳам ажаб эмас.

Комиссар. Туғри айтади. (*Дўмбирачи-га.*) Ҳаммаёққа жар сол: «Небу отли қора одам оқ танлини ўлдирди. У қонунга хилоф иш қилди. У — оқ танлиларнинг ҳукмига топширилиши керак. Яширганнинг боши кетади. Тутиб берган катта пул олади» деб жар сол!

Дўмбирачи там-тамни чалади.

Комиссар. (*Сеҳргарга*). Нима деяпти?

Сеҳргар. Билмайман, соҳиб. У ҳозир фақат дўмбирачилар тушунадиган тилда сўз-ляяпти.

Чироқ ўчади. Там-там садоси тобора секинлаша боради. Нурнинг тиллари саҳна олдидаги Небу билан Недани ёритади. Ўнгит қизнинг елкасига суяниб зўрға турипти. Улар дўмбиранинг овозига қулоқ соляптилар.

Саҳна олди.

Небу (*эшитганини такрорлайди*).

Шошингиз, шошингиз, шошингиз!

Небу, там-тамга қулоқ сол... Қоч!

Оқ танлилар изингдан қувиб келмоқда...

Шошил! Итлар изингни искаб ҳурмоқда.

Қоч!



Чакалакзорлар орасига кириб яширин... Тезроқ қоч!

Там-там садоси тақ тўхтайди.

Не да. Кетиш керак.

Не бу (*ерга ўтириб.*) Ха...

Не да. Юр.

Не бу. Йўқ.

Не да. Нега?

Не бу. Бир узинг кетавер!

Не да. Йўқ!

Не бу. Ўзинг кетавер!

Не да. Нима учун?

Не бу. Мен кетолмайман.

Не да. Биз кетишимиз керак.

Не бу. Оғриқ алами кўксимни қиймалаб ташлаяпти.

Не да. Бари бир кетиш керак, Небу!

Не бу. Нега, Неда?

Не да. Яшаш учун!

Не бу. Яшашдан чарчадим. Мени ўз ҳолимга қўй, Неда.

Не да. Йўқ, иккимиз ўрмон ичига яширинамиз.

Не бу. Топиб оқларга топширишадн.

Не да. Ўрмоннинг жуда ичкарасига кириб кетамиз, тур ўрнингдан!

Не бу. Туролмайман, Неда!

Не да. Тур, жоним!

Не бу. Йўқ! Ўзинг тезроқ кет.

Не да. Тур дейман, сенга, турсанг-чи!

Неда қутурган мушукдай Небу устига ташланиб, муштлири билан унинг юзларига уради... Яна...

Яна... Небу азот туриб қизнинг бугъзидан олади.

Не бу. Ўлдираман сени!

Неда секингина кула бошлайди. Ўнгит қизни қўйиб нари чекинади.

Не да (*Небуга қўллари чўзиб*). Небу!  
Азиз Небу! Сен кучлисан, Небу! Сен ҳақиқий  
мағрур эр кишисан, қадрли Небу!

Небу гандираклаб кетади. Неда сакраб туриб уни  
суяйди. Небу қизнинг елкасига қўлини ташлаб суяниб  
туради.

Сен менга ишон, Небу! Танангнинг оғриқ-  
лари тарқалгунча мен боқаман сени! Менинг  
кўзларимга боқ! Энг чаққон маймун сингари  
хурмо дарахтларининг учига чиқаман, унинг  
ноз-неъматларини олиб сенинг оёғингга тўка-  
ман... Менинг кўзларимга боқ! Мен ҳар иш-  
га қодирман! Тошлардан-тошларга сакраб,  
сенга жайрон овлаб бераман, дарахтларнинг  
баланд чўққиларидан зангор кўллар тубига  
шўнғиб, балиқлар тутиб чиқаман, Небу! Сен  
менинг кўзларимга боқ, Небу, мен кучли аёл-  
ман. Мен сенга ўлимни йўлатмайман, Небу!  
Кейин... кейин мен сенинг фарзандларингга  
ҳаёт ато қиламан...

Небу (*табассум қилади*). Улар кучли  
эркаклар бўлиб ўсишади...

Не да. Ва меҳрибон рафиқа бўлишади.

Небу. Бошқа кучли эркакларга она бў-  
лишади.

Не да. Ва бошқа меҳрибон хотинларга  
она бўлишади.

Яна дўмбира чалинади.

Небу. Тезроқ бўл, Неда, тезроқ. Оқлар  
сенга келишяпти, қоч!

Не да (*дўмбирага жавоб қилгандай, кес-  
кин.*) Қетяпмиз!

Узоқдан итларнинг овози эшитилади. Неда йигитни  
қучоқлаб олади. Улар томошабинга орқа ўгирган ҳол-

да саҳна ичи томон юрадилар. Улар орқасидан чирмовуқ парда тушади... Момақалди роқ гулдираб, чақмоқ чақилади... Улар ҳамон кетиб борадилар. Яна бир парда тушади. Чақмоқ яна кучлироқ чарақлайди. Небу билан Неда энди кўринмайди — энди уларни қалин ўрмон бағрига яширгандай. Шамол эсиб ўтади, чирмовуқлар илонлардай тўлганишади. Итларнинг ҳуриши жуда яқиндан эшитилади... Жала қуя бошлайди.

Ҳамма нарсани ёмғирнинг қалин пардаси тўсади.

Томоша залида секин чироқлар ёна бошлайди.

Парда

Саҳна олдида — прожекторнинг нурида қора дўмбирачи кўринади. У там-там чалади. Қоронғиликдан Небу билан Неда чиқиб келади.

Небу. Бизни сен чақирдингми?

Дўмбирачи. Мен.

Небу. Нима дейсан?

Дўмбирачи.

Эҳ, умр йўли қисқа...

Небу, қайга олдинг йўл?!

Небу. Буни қачон билди ким?

Дўмбирачи. Борар мазгилинг қайда?!

Небу. Билолмайман.

Дўмбирачи.

Умр йўли кўп қисқа.

Қолурми сендан нишон?

Небу. Билолмайман.

Дўмбирачи

Сен ишон.

Беҳудага ўтган ҳар ҳаёт,

Из қолмаган йўлдаги сароб.

Небу. Менга унинг сира дахли йўқ.

Дўмбирачи

Из қолмаган йўл — у йўл эмас.

Шундай ҳаёт кечирки, Небу,  
Бўрон ҳам изингни йўқотолмасин.  
Ўша сендан қолган из билан  
Ўзгалар ҳам йўлга тушсинлар,  
Сени олға олиб ўтсинлар.

Небу

Ўзга? Ўзга билан ишим йўқ!  
Ҳар ким ўз йўлига, ўзи-чун яшар.

Дўмбирачи.

Лекин ҳаёт сўқмоқларига  
Танҳо кирган қоқилур.

Небу

Бекор.

Дўмбирачи

Беқарорсан қувғин ҳайвондай!  
Сен таъқибдан қочасан, Небу!

Небу

Мен қочаман ҳамма одамдан,  
Оғир ҳаёт, там-тамингдан ҳам.

Дўмбирачи

Лаззатлардан...

Небу

Ёвуз ҳаётдан.

Дўмбирачи

Кураш ишқи тўла ҳаётдан!

Узоқдан там-там садо беради.

Ана эшит, там-там урар бонг,  
Сени чорлар одамлар томон.

Не да (Ғазабда)

Уз ҳолига қуй! (Бақиради.) Там-там  
жим бўл!..

Бу меники, танҳо меники,  
Биз биргамиз — керакмас ҳеч ким!  
Жим бўл энди, бақироқ там-там.  
Қулоқларни келтирдинг батанг,  
Юракларга солдинг ғулғула.

Дўмбирачи.

Дўмбиралар гумбирлар, тингла,  
Ҳаёт сари чорлайди сизни.

Не да

Жим бўл! Бизлар қолмаймиз бунда,  
Бу ерлардан кетамиз дарҳол.  
Инсонларнинг кўзидан нари,  
Кетиб — икков ахтарамиз бахт.  
Қани кетдик, севикли Небу!

Небу. Кетдик!

Кетадилар.

Дўмбирачи. Нетай... кетаверинглар...

Қоронғилик. Там-там тобора пасайиб боради. Тамом  
тўхтаганда бутазор пайдо бўлади.  
Тонг. Қуёш кутарилмоқда. Хурмо дарахти остида  
Небу ётипти. Дарахтнинг бошида Неда чайқалиб  
утирипти. Неда бананлар узиб Небуга ташлаб, қўшиқ  
қуйлайди.

## Неданинг қўшиғи

Атрофларга ташла нигоҳ, менинг суюклим,  
Унга ҳеч ким,  
Сўлда ҳеч ким,  
Қайноқ қучоғингда танҳо, яйрайман ўзим!

Бизни ҳеч ким кўрмай қолган он,  
Қалбимизга ишқ кирди пинҳон.  
Умр бўйи ахтарсанг, зинҳор  
Тополмайсан мендай мунис ёр!  
Атрофларга ташла нигоҳ, менинг суюклим,  
Унга ҳеч ким,  
Сўлда ҳеч ким,  
Қайноқ қучоғингда танҳо, яйрайман ўзим!

Неда хурмо дарахтидан тушиб, Небу ёнига чуқади.  
Узоқ муддат жим утиришади.

Небу. Сен менга жон бағишладинг, Неда!

Неда. Жуда бахтиёрман, Небу!

### Неда

Сен дарёдай тошқинсан мудом,  
Дарёсимон бағишлайсан жон.  
Сен қоядай тиксан ва мағрур,  
Атрофингда ўкирар бўрон.  
Сен қамишсан, эсар қуюнлар,  
Лекин қаддинг буколмас зинҳор...  
Азиз Недам, севаман сени!..

### Неда

Севги гўё сўқмоқдир... сўқмоқ —  
Тирик унда юрганда одам!..

Небу

Шу сўқмоқда юраман мангу.

Неда

Шундай бўлсин, илоҳим, Небу!

Небу

Шундай бўлар! Сен чиройликсан.

Қуйма устун сингари бўйнингнинг яланғочлигини севаман. Сенинг қўшиқ сингари энгил хиромон юришингни севаман. Там-там оҳанги сингари ёқимли овозинг ҳушимни элитади, қуёш бўса олган баданингнинг қайноқлигини ва фусункор кўзларингни севаман... Ана, кўзингнинг кўзгусида қуш парвоз этиб ўтди...

Неда. Йўқ. Қуш сенга сайраб бермоқ учун қўнди.

Небу. Менга?

Неда. Иккимизга. *(Неда Небунинг ёнига чалқанча ётади.)* Қара, хурмолар устида шафақ яллиғланди.

Небу. Ҳа, қуёш нурлари хурмонинг сариқ наваларига ўхшайди... Навдалар кучга кирмоқда, тебранади, куч йиғади.

Неда. Қуёш ҳозир хурмолар устига ястанади.

Небу. Ҳа, тун зулмати фарёд тортиб чекинади. Чекинсин, мен сени севаман, Неда. Мен сени аёл сифатида севаман!.. Аёл!.. Оҳ, аёл! Сен кимсан-а... аёл...

Неда. Мен айтиб бера қолай. Аёл — эркакнинг бир қисми. Унинг орзу-умидларига қанот бўлади. Шу орзулари яшаб қолсин учун унинг фарзандларига ҳаёт беради. Аёл

эркакнинг юрагида яшайди. Аёл ҳақида эр-так айтиб берайми, истайсанми?

Небу. Эртакка айт, келсин!

Неда. Бўлмаса, кўзларингни юмиб қулоқ сол.

Ойнинг оппоқ нурлари ер юзига қўйилган ажойиб бир тунда табиат гўзал бир гулни кўриб қолиб, уни аёлга айлантирмоқчи бўлибди...

Қоронғилашади. Қуёш ғойиб бўлиб, ой чиқади. Ойнинг кумуш нурлари тукилади. Мусиқа эшитилади. Небу кўзларини юмиб, қимир этмай ётади. Унинг ёнида Неда. Атрофдаги ҳамма нарса ғойиб бўлади... Фақат катта гул пайдо бўлиб, худди рақсга тушгандай бир маромда чайқалади. Қоронғилик ичидан инсон қиёфасидаги табиат кўринади. Бундан кейинги юз берадиган ҳамма воқеа рақс, ниқобларнинг имо-ишорали рақслари. Табиат гул атрофида рақс қилади, гул аста-секин гўзал қоратанли аёлга айланади... Аёл жуда Недага ўхшайди.

Рақс Неданинг ҳикоясини баён қилиб боради.

Ўз санъатидан мамнун Табиат шабада сингари мулойим ва жарангли сўзларда аёлни мадҳ этипти, лекин аёл дилини бу сўзлар ром этмапти, аёл қаерда яшайяжагини билгиси келар экан.

— Тоғликлар орасида яшашни истайсанми?— сўрапти ундан Табиат.

— У ерда жуда совуқ!— жавоб айтибди аёл.

— Ундай бўлса денгиз сатҳига қаср қуриб берай!— дебди Табиат.

— Денгизнинг зўр тўлқинлари бўлади,— жавоб айтибди аёл.

— Бўлмаса сенга саҳрода сарой тухфа қиламан.

— У ерда кучли шамоллар доимо дарбадар кезади!— шикоят қилибди нозанин аёл.



Табиат нима қилишни билмай юрган экан, бир кун аёлни эркак кўриб қолибди.

Қоронғиликдан қора танли эркак пайдо бўлади, у жуда Небуга ўхшаб кетади. Эркак ва аёл муҳаббат рақсини ижро этади.

Эркак аёлни севиб қолибди. Шунда Табиат аёлга эркак юрагида яшаб қолишга ижозат берипти.

Ниқоблар ғойиб бўлади... Қуёш чиқади, хурмо дарахти тагида боягидай Небу ва Неда ётипти.

Шундан бери эркакнинг юрагида тоғликларнинг музи, денгизнинг тўлқинлари ва саҳронинг мудҳиш шамоллари яшайди... Аммо аёл ҳаммасига бардош қилади. Чунки бу эркак юраги, аёл бошқа ерда яшай олмайди.

Жимлик. Небу кўзини очади.

Небу. Эртақ кетиб қолдимми? Жуда гўзал эртақ экан...

Неда. Чиройли.

Небу. Бундан чиқди сен менинг юрагимда яшар экансан-да, Неда?

Неда. Мен сенинг қалбингда яшайман, Небу... Эркакнинг юрагида яшайдиган ҳар бир аёл каби совуққа ҳам, иссиққа ҳам дош бераман...

Небу (ўйчан). Ҳа, шундай.

Сукут.

Муттасил ёмғирлар фасли ўтди. Менинг таним худди хурмо дарахти сингари ҳаёт ва қудратга тўляпти. Тезда мен яна кучли ва жасоратли бўлиб оламан. Мен сен учун ов қиламан, балиқ тутаман... Сен ўчоққа ўт ёқасан.

Неда. Ўчоққа ўт ёқаман, мен унинг ҳароратини ҳимоя қиламан.

Небу. Оиламиз ҳароратини сақлайсан.

Неда. Иккимиз сақлаймиз. Оиламиз чи-роғини фақат икковлашиб сақлаймиз... Там-там жим бўлди.

Небу. Хавф ҳам нари кетди... Энди се-нинг юрагингни ҳеч қандай ташвиш таҳлика-га солмайди. Мен дўмбирачиман-ку, Неда.

Неда. Йўқ! Сен менинг эримсан. Сен ёл-ғиз мен билан бўласан, бизга ҳеч кимнинг кераги йўқ.

Небу (*бир нафасдан кейин*). Ҳа... бизга ҳеч кимнинг кераги йўқ. Аммо одам танҳо яшай оладими? Одам ёлғиз бўлса ов қилиб, овқат топа оладими, йиртқич ҳайвонлардан ўз уйини ҳимоя қила оладими, ҳаётда шод-лик топа оладими? Одамнинг бир ўзи оиласи ўтини ҳимоя қила оладими? Сўйла, Неда?!

Неда. Сен авваллари бундай ўйламас эдинг, Небу!

Небу. Нечукки, муттасил ёмғирлар фас-ли яна бошланиб ҳайвонлар ин-инларига ки-риб кетадилар, ов ҳам қилиб бўлмайди... Бе-шафқат жалалар кулбамизни кўмиб кетади... Ушанда биз тамом танҳо қоламиз, Неда!

Неда. Сен мард кишисан, азизим Небу! Мен кучли аёлман.

Небу. Тўғри айтасан. Агар жуда қийна-либ қолсак дурдонамиз бор.

Неда. Дурдона... Улоқтириб юбор уни, Небу, у бизга бир фалокатни бошлаб келади.

Небу. Асло! Ҳеч қачон!

Жимлик.

Мен энди ҳеч қачон там-там садоларини эшитмайман.

Не да. У сенга керак эмас, унут там-тамни. Ёнингда мен борман.

У бирдан қичқириб қорнини ушлаб қолади. Худди бир нарсани тинглаётгандай бир нафас жим туради. Кейин жимгина ширин кулади.

Не бу. Сенга нима бўлди, Неда?

Не да. Қимирляпти... У ҳаёт талаб қил-япти...

Не бу. Ҳаёт талаб қилляпти? Нима деяпсан ўзинг, қизми у?

Не да. Кичкина Небу...

Не бу (*сакраб туради*). А, аёл, нима деяпсан ўзинг!

Не да. Тезда уч жон бўлиб қоламиз, Небу!

Қоронгилик тушади. Чироқ қайта ёнганда қуюқ чирмовуқларни кўрамиз. Чакалак ўрмоннинг ўз ҳаёти давом этмоқда. Ҳашаротлар чийиллайди, қушлар чуғурлайди, маймулар минғирлашади... Бирдан инграш, дард ва алам тўла инграш эшитилади. Эр киши инграйди. Яна жимлик. Ўрмон ичидан Небу чиқиб келади. У чирмовуқларни ҳар томонга итариб чопиб келмоқда.

Саҳна олди.

Небу қорнини чангаллаб дарддан тўлғанади. Ўзи ўзига савол бериб жавоб қилади.

Не бу. «Сенга нима бўлди, Небу? Нега бунча қичқирасан?» Оҳ. Шундақаям оғрияптики, ич бағримни қийма-қийма қилиб ташляпти. «Ачинамиз сен шўрликка, Небу! Биз ҳамма қариндошларинг жуда ачинамиз».

Оҳ, бу қандайин дард эди ўзи! «Бахт. Қаттиқроқ қичқира бер! Хотининг қичқира олмайди!» Оҳ!.. Мадад беринг менга. Кулбалар кунжагида кун кечираётган қашшоқлар-

нинг хонаси вайрон бўлмасин! «Эҳтимол, айёрлик қилаётгандирсан, Небу? Эҳтимол, қирчиллама тимсоҳ каби соппа-соғдирсан?» Йўқ-йўқ деяпман-ку, сизга. Қорним жуда ёмон оғрияпти!.. Эҳтимол, қичқирганим стар энди? «Йўқ. Удумга бўйсун. Туғиш дарди буюк дард, аёл буюк иш — мардликдан маҳрум. Шунинг учун буюк дардни эркак ўз зиммасига олади». Вой-вой... Қанақа оғриқ ўзи, қорнимни фил тепкилаётганга ухшайди-я, Вой-вой... Энди тўлғоққа айланди!

Етиб дарддан тўлганиб типирчилайди.

Мен қанча тортсам, қанча қичқирсам, хотинимга шунча осон бўлади. Биргалашиб дард тортамиз. (*Даҳшатли қичқиради.*) А... А... ҳило...О.

Бу қичқириққа акс-садодай ўрмонда чақалоқнинг йиғиси эшитилади. Небу ўрнидан сакраб туриб бўзрайиб қолади. Сонларига уриб хахолаб кулади, ерга ётиб юмалайди. Кейин ўрмонга қараб қичқиради.

Дунёга келган инсон ўғилми, қизми, Неда?!

Ўрмон ичкарасидан Неданинг мулоим бахтиёр овози эшитилади.

Неданинг овози. Ўғил, Небу!

Небу яна сакраб-сакраб қичқиради.

Небу. Ўғил! Ўғил! Ўғил!

Жимлик. Небу қулоқ солади.

Нега ўғил жим бўлиб қолди, Неда?

Неданинг овози. Эмаяпти, эмаяпти, Небу!

Небу. Унинг кўкрагини эмаяпти, унинг

кўкрагини эмаяпти янги одам. (*Қичқиради.*)

Не да, семизгина, каттагинами, ўғил?

Не да. Каттакон, семиз, Небу!

Не бу. Менга ўхшайдими, Неда?

Не да. Секинроқ, Небу, ухляяпти...

Ўрмон яна товушга тўлади.

Не бу (*секин товушсиз кулади*). Ово-  
зингни чиқарма, Небу, у ухляяпти. (*Кўллари*  
*ишораси билан қушларни ҳайдайди.*) Жим,  
ўғил ухляяпти. Жим, инсон ухляяпти, жим!

Қоронғилик. Яна чакалакзор. Аммо хурмо дарахти  
остида тепаси хурмо дарахти барглари билан ёпилган  
кичик кулба. Кўкда булут сузади. Кулба остонасида  
қўлида гўдак билан Неда ўтирибди. Улар тепасига  
Небу эгилган.

Не да (*болани тебратиб*)

Сен уйқуда, ўғлим, ўтиб борар ҳаёт,

Сен уйқуда, кунлар учар ёйиб қанот.

Бу ҳаётда умр йўли қисқа, болам.

Ўз изингни қолдирасан унда сен ҳам.

Илк изларинг енгил бўлур одимингдай,

Ёшлик ўзи шундай бўлур тонг елидай.

Улғаясан, йиллар ўтиб кетар қатор,

Изларинг ҳам қум устига чуқур ботар.

Кекса инсон ҳаёт йўлин шундай ўтар.

Сен уйқуда, ўғлим, ўтиб борар ҳаёт.

Сен уйқуда, кунлар учар ёйиб қанот...

Алла болам... алла... болам... алла...

Не бу. Ухладими?

Не да. Ухлади.

Не бу. Ҳадеб ухлай бераркан-да?

Не да. Гўдак шундай бўлади. (*Она гў-  
дакнинг қорнига қўлини қўяр, ота гўдак оёқ-  
ларини силайди.*)

Небу. Бирам юмшоқ... Худди момик,  
танли жониворга ўхшайди.

Неда. Ундай дема, у инсон.

Небу. Бунча ҳам юмшоқ-а!..

Неда. Тегма, Небу, уйғотиб юборасан.  
Оёғини қўйвор!

*(Небу оёғини қўйиб, қўлини бола қорнига  
аста қўяди.)*

Небу. Қара, қорни қўлимни кўтаряпти.

Неда. Нафас оляпти-да.

Небу. Нафас оляпти дегин. *(Аста кула-  
ди.)* Қўлингни қўйсанг, қорни худди сознинг  
торига ўхшаб титрайди. Назаримда, ҳаёт  
жилғаларидан тўкилаётган кумуш гўзал ша-  
лолага ўхшайди. Биз худди ана шу кумуш  
сувларга қўлларимизни тутиб турган бола-  
ларга ўхшаймиз.

Неда. Бола катталарни ҳам бола қилиб  
қўяди.

Небу. Юраги қандай ураётганини кўр-  
гим келади.

Неда. Нарироқ ўтир, унга халал берма.

Небу. Йўқ, Неда. Бу буюк мўъжиза.  
Сен унинг жажжи қўлларига, оёқларига на-  
зар ташла, даханларига қара. Энг нозик,  
мулойим меваларга ўхшайди. Дунёда бу  
мўъжизадан гўзалроқ нима бўлиши мумкин?

Бу қандай зўр мўъжиза

Дунёга келди одам.

Бир бурда эт, бир иссиқ жон

Лекин овози бардам.

Ҳадемай у улғаяди,

Тинчиш билмайдиган мард,

Худди шу кун туғилганни

Бир кун севиб чекар дард.

Қизча бугун ўзи каби,

Бир парча эт, иссиқ жон.  
Лекин бир кун буйга етиб  
Топишади икковлон...  
Бир сўқмоқдан борар ёндош  
Иккимиздай улар ҳам,  
Бу муъжиза! Эшит, қуёш,  
Дунёга келди одам!..

*(Гўдак уйқусида хўрсинади.)*

Небу. Унга нима бўлди?

Неда. Туш кўряпти.

Небу. Туши кўрқинчлими?

Неда. Йўқ, гўдак эзгуликларни туш кўради.

Небу. Нима дединг, Неда?

Неда. Гулларнинг атри ва она сутининг лаззати тушига киради.

Небу. Буларни сен қайдан биласан, Неда?

Неда. Мен онаман... Оналар болаларини яхши биладилар. Бу кичкина Небу, менинг жон ва жисмимнинг бир парчаси.

Небу. Иккимизники, Неда... Қўкрагинг-да сутинг кўпми?

Неда. Учаламизга етади.

Небу. Жуда кўп эмас экан-ку!

Неда. Сенга ўхшаган нафси ёмон-да.

Томга ёмғир томчилайди... кўпаяди. Неда билан Небу ваҳима аралаш кўкка қарайдилар.

Бу нимаси?

Небу. Ёмғир... Қулбага кир, Неда, мут-тасил ёмғирлар фасли бошланаяпти.

Қоронғилик. Жала қамчилайди... Чироқ яна ёнади. Қулба ичи, остона олдида ўчоқ, Неда боласини тебратиб ўтирибди.

## Неда

Йиртқич ҳайвонлар ўкириб,  
Тун бошингга солса фалокат.  
Ваҳималар дилинг кемириб  
Қувганда, қувганда ҳам тарк этма ҳеч вақт.  
Хонадонинг чироғин сақла!

Тажовуздан сақлар ўша,  
Ёвузлардан сақлар ўша,  
Ёмон нафас, ёмон кўздан,  
Ваҳшийлардан сақлар ўша.

Адоватлар қуршаб тегранг,  
Кўпик сочса чироғингга  
Ўша ёвнинг ҳолин эт танг,  
Йўлатмайин ўт ёнига,  
Хонадонинг чироғин сақла!

У сенинг хонангга берган ҳарорат:  
Ёрқин алангасин, қора тутунин.  
Рақсига таъзим қил, одатига боқ.  
Лекин сен, бир унинг қарғишидан қўрқ.  
Она ер ўтига қилсанг хиёнат  
Кулбангга келтирар йўлдан озасан.  
Сен сарсон, саргардон гадо қоласан!  
Зарба берса сенга ҳаёт найзаси  
Жисмингни қийнаса азоб ва алам  
Сен она тупроққа бағринг бер шу дам,  
Унинг дарё меҳри, ҳароратини,  
Ширин эркалашин танда сезасан.

Ҳар қачон эсда тут:  
Зайф эканингда  
Ўша бўлди жон.  
Нимжон эканингда



Уша берди жон.  
Хонадонинг чироғин сақла!

Бола йиғлайди.

Оч қолдингми, бечора бола,  
Нима берай, кўксимда сут йўқ...  
Ҳозир азиз отанг келади,  
У мард, сени тинчитар дарҳол,  
Овқат топиб келади сенга...

Небу киради. Камон ва ўқини ерга ташлаб, ўчоқ  
олдига ўтиради.  
Бошини қўллари орасида қисиб сукут қилади.  
Бола яна йиғлайди.

Неда. Небу, ҳеч нарса олиб келолма-  
дингми?

Небу. Ҳеч вақо.

Неда. Овинг ўнгидан келмадими, Небу?

Небу. Лаънати ёмғирни кўрмайсанми,  
тирик жоннинг ҳаммаси ўрмонни тарк этип-  
ти. Бола очликдан ўлмаса яхши эди.

Неда (*даҳшатда*). Асло!

Небу. Унга нима едирасан... Ўзинг нима  
ейсан? Мана бу ўтдай сўниб қолади у ҳам.

Ўчоқда ўт милтиллаб ёнмоқда.

Неда. Сўнмайди. (*Шошилинч ўчоқ олди-  
га ўтириб оловни пуфлайди, олов яллиғлана  
бошлайди.*) Ана, ўтимиз ўчмайди, ёняпти.  
Мен унга яна мадад бердим.

Небу. Қанчага етар экан, Неда?

Неда. Тилингни тий!

Небу (*қўллари билан юзини беркитади*).  
Лаънати танҳолик... Ёлғизлик ўлимдан ҳам  
мудҳиш...

Ёмғир аста томни қамчилай бошлайди. Унинг овозига узоқдаги там-там садолари уланиб кетади. Небу бир дам қулоқ солиб, бошини кўтаради... Там-там садоси тобора яқин. Қоронгилик ичидан қора танли дўмб-рачи чиқиб келади. У Небу ҳузурида тўхтади.

Қ о р а д ў м б и р а ч и. Хуш, Небу, бахтингни топдингми?

Небу жим.

Уйладингки, там-тамлардан қочасан, Небу!  
Уйладингки, қутуласан барча одамдан!  
Тингла Небу, ҳар томонда гумбирлар там-там!

Там-там жар солади.

Эшитяпсанми?

Дўмбиралар гумбурлашиб чақирар тинмай,  
Бу — Африка! Бу дўмбира — негр овози.  
Қон-қонига сингиб кетган ҳар бир негрнинг.  
Кўкрагида узиб бўлмас қалқондай ўсан!  
Сен-чи, Небу, шу там-тамдан қочмоқ истайсан.

Сен бир ўзинг якка-ёлғиз қолмоқчимисан?  
Ана эшит, ҳар томонда қўзғалди негр,  
Қора танли оғайнилар, опа-сингиллар...  
Шу тўғрида жар солмоқда там-тамлар, Небу!

Небу кескин ўрнидан туради.

Небу. Дўмбиралар тақирляпти, унинг овози бағримни тилка-тилка қилади. Юрагимга гулгула солади. Мен бораман.

Неда. Йўқ! Қўймайман.

Небу. Мен одамлар олдига бораман, Неда. Мен уларга дурдонани сотиб қайғиб келаман. Сизларга овқат олиб келаман.

Не да. Йўқ, Небу, сени ўлдиришади. Қоралар сени тутиб беришади, оқлар эса дурдонангни олиб, ўзингни қиймалаб ташлайди, қўймайман сени!

Небу. Агар мен бормасам боламиз очликдан ўлади, ахир.

Не да. Йўқ!

Жимлик. Неда изтиробда. Бола йиглайди. Неда қўлини узатиб.

Дурдонани менга бер. *(Небу дурдонани унинг кафтига солади.)* Мен бораман.

Небу. Сен хотин кишисан, Неда!

Не да. Ҳа, мен аёлман. Абжир ва айёр аёлман. Мени ҳеч ким таний олмайди.

Небу. Йўқ, бормаيسان!

Не да. Бораман! Боришим керак, Небу! Агар сен борсанг, у одамлар қўлидан омон қайтмайсан, мен сендан жудо бўлишни хоҳламайман.

Небу. Мен сени юбормайман, хотин!

Не да

Ижозат берасан, менинг суюклим,  
Ишонгил, дам ўтмай қайтаман яна.  
Ахир, сенинг билан қолади ўғлим,  
Келаман... сен ўйла, борми жаҳонда  
Фарзанди ёнига қайтмаган она?!  
Она талпинаркан фарзанд қошига  
Ҳеч бир куч, ҳеч нарса бўлолмайди гов!  
Рухсат бер, жонгинам, суюклим, Небу!

Қора дўмбирачи. Йўлини тўсма,  
Небу! Бу аёл эътиқодли аёл, қўй, уриниб  
кўрсин!

Небу турган жойида қимирламайди. Неда унга болаши узатади.

Не да. Боришим керак! Хонадонимиз ути  
ёнига, сенинг ёнингга албатта қайтиб кела-  
ман!

Неда кетади. Қоронғилик ичида ғойиб бўлади. Том-  
га ёғаётган ёмғир овози эшитилади, Неданинг тобора  
узоқлашаётган қушиғи.

Шамол билан ой нури  
Уйнар тун қучоғида.  
Келаман, кунглим дури,  
Дилинг кутган чоғида.

Кимсасиз йўлда танҳо,  
Кетдим кулфатни олиб...  
Қайтаман, севикли ёр,  
Ишқинг қалбимга солиб...

Қушиқ тинади. Небу қулида бола билан ҳаракатсиз  
турибди. Ёмғир ҳамон қуяди. Қора дўмбирачи саҳна  
олдига чиқади.

Саҳна олди.

Дўмбирачи сўзлайди, сўз давомида денгиз қирғоғида  
майхона—бар пайдо бўлади, дўмбирачи айтаётганлари  
томошабинларга кўриниб туради.

### Қ о р а д ў м б и р а ч и

Қора тўлқинларни қувлайди шамол,  
Тўлқинлар кўпиклар сочади ошпоқ.  
Фонус чайқалади сочиб учқунлар,  
Учқунлар гўёки сўнувчи чақмоқ.  
Соҳилда майхона, столлар... шиша.  
Шишалар... шишалар... ва стаканлар.  
Пичоқлар ярқирар... тамаки дуди  
Ичра қичқиради бадмаст биттаси.  
Биров оғушида қандайдир аёл  
Итоаткорона, аянч инграйди.

Кўксига кўк нақшлар солувчи эркак  
Бақириб зорланар азоб дардидан.  
Қичқирар ҳижрондан, мардлик, шавкатдан.  
Ёт портлар қиссасин сўйлар бақириб.  
Қоралар, оқ, сариқ, бошқа танлилар  
Ватанли, ватансиз, нонли, нонсизлар  
Тер босиб ўтирар. Дарбадарларми?  
Сарсонлар! Оддий бир денгиз одами.  
Бири соққа ташлар стол устига,  
Бошқаси кир эски карта сузади.  
Столлар, курсилар, сонсиз шишалар  
Шишалар, шишалар ва стаканлар.  
Хўжайин ўтирар қовоқ солиб, жим.  
Ҳаммаёқни босган туз билан ғурбат.  
Ҳаммаёқни тутган эҳтирос ва ҳирс.  
Ҳаммаёқни тутган денгиз нафаси  
Ҳаммаёқ мудрайди даҳшат ичида...

Дўмбирачи қоронғиликда ғойиб бўлади. Денгиз соҳи-  
лидаги майхона. Қора таили денгизчи бочка  
устида тебраниб ўтириб қўшиқ айтади.

Денгиз.

Шамол.

Чайқалиш.

. . . . .

Чайқарди,

Чайқарди,

Чайқарди ёмон.

Қадрдон соҳил йироқ,

Пешонамда нелар бор?

Денгиз қилади хароб.

Бизни куйдирар офтоб!

Мен қораман, қоп-қора,

Қоп-қорага бахт қайда?

Бахтми? Денгиз қаърида!

Денгиз.  
Шамол,  
Чайқалиш,  
Хелло-хиллоҳи...  
Чайқарди,  
Чайқарди,  
Чайқарди ёмон.  
Ёт соҳил туман ичра,  
Нелар бор пешонамда.  
Бошда бегона осмон.  
Мен қора, қора инсон,  
Қоп-қорага бахт қайда?  
Бахтинг қайда, э қора!  
Бахтми? Денгиз қаърида!

Майхонада фақат денгизчилар. Бир стол ёнида жулдур кийимли бир киши ўтирипти. Бошини қўллари орқасига тикиб ухляпти.

Не да киради. У атрофга таҳликали назар ташлайди ва бир қарорга келгандай майхона хўжайини олдига боради.

Хўжайин. Сенга нима керак бўлиб қолди? (Неда жим.) Иш қидириб келдингми?

Не да. Ҳа.

Хўжайин. Қўлингдан нима келади?

Не да. Ҳамма нарса.

Хўжайин. Майли, қабул қилдим. Ёлғизмисан?

Не да. Ҳа.

Хўжайин. Чиройли қиз экансан... Идиш ювасан-да.

Не да. Майли.

Хўжайин. Э чиройли қиз-э, ишга кираман дегин!

Не да. Ишлашни хоҳлайман.

Хўжайин. Овқат бераман, холос. Пул тўламайман. Хоҳлайсанми?

Не да. Майли.

Хўжайин. Бўлмасам, бошла ишни. Анави стаканларни йиғиштириб юв. Ҳа, нимага қараб турибсан?

Не да. Қорним оч.

Хўжайин. Аввал ишла... Стаканларни йиғиб анави ёққа олиб кир.

Неда стаканларни йиғиб, ичкарига кириб кетади.

Оқ сочли негр... Бепоеи далалар, ҳосилдор водийлар, олтин буғдойзорлар қани? Тош, тош, ҳаммаёқ тош.

Оқ денгизчи (*хиргойи қилиб*).

Мен далада учратдим бир кун

Оташ нигоҳ соҳибжамолни...

Оқ сочли негр. Баланд хурмо дарахтлари орасидаги кулбаларимиз қайда? Вайрона. Вайрона бўлди.

Қора денгизчи. Менинг уйим ҳам йўқ, меҳрибонларим ҳам. Булут-булут подалар ўтлаб юрган биёбон яйловлар қани? Тош. Тош, ҳаммаёқ тош.

Оқ денгизчи. Менга қара, йигит, сенинг уйинг қаер?

Қора денгизчи. Менинг уйимми? Менинг уйим йўқ.

Оқ сочли негр. Хурмачалар тула сутлар қани! Ҳеч нарса йўқ. Қуюқ ўтзорлар қани-я! Ҳаммаёқ тош, тош, тош-ку!

Қора денгизчи. Менинг уйимга сенга ўхшаган оқ танлилар ўт қўйган.

Оқ денгизчи.

Менга ўхшамаганлар қўйган.

(*Хиргойи қилади.*)

Мен далада учратдим бир кун  
Оташ нигоҳ соҳибжамолни...

О қ соч ли не гр. Қадимги қонунларнинг донолиги қани? Кўкка совурилди, кўкка. Ҳамма ялангликлар бизники! Ҳамма тоғ-тошлар бизники. Қонун бўйича ҳаммаси бизники! Дарёлар ҳам! Ўрмонлар ҳам! Жонворлар ҳам!

Қора не гр. Йўқ менинг уйим. Менинг уйим ҳам йўқ, меҳрибоним ҳам! Бегона юртларда саргардон ўлиб кетаман.

*(Хиргойи қилади.)*

Мен қораман, қоп-қора  
Мен қорага бахт қайда?  
Бахтинг қайда, э қора?  
Бахтми, денгиз қаърида!

Столлар орқасидаги эшикдан Неда чиқади ва хужайиннинг олдига келади.

Хужайин, Ҳа?

Неда. Ҳаммасини бажариб қўйдим.

Хужайин. Тез-тез! Ана шишаларни йиғиштириб ол.

Неда. Озроқ овқат бергин.

Хужайин. Шишаларни йиғиштира.

Неда, шишаларни йиғиштириб, кириб кетади. Жулдур кийимдаги киши энди икки қўли билан бошини ушлаб ўтирипти.

Оқ денгизчи. Виски!

Қора денгизчи. Ром!

Оқ денгизчи. Виски!

Хужайин олиб келиб тутади.



Оқ сочли негр. Менга бировнинг раҳми келса-чи... менинг елкаларим ва қўлларим соғиниб қолган милтиқни ато этса-чи... у менга қудрат бағишлайди.

Неда яна пайдо бўлади ва хўжайин олдида тўхтайди.

Хўжайин (*бармоғини ўқталиб*). Шишалар, ана шиша, ана стаканлар, йиғ уларни!

Неда ҳаммасини йиғади.

Оқ сочли негр. Оқ танлилар бу ерга келиб, нуқул ўз юртларининг бойлигини мақтайдилар. Нимага энди бу масхаралаб, таҳқирлаб ташланганлари — мамлакатимизни ўзимизга қолдириб жўнаб қолмайдилар.

Неда депгизчилар ўтирган стол устидаги шишаларни йиғиштира бошлайди.

Оқ депгизчи. Чиройли қиз экансан. (*Недани қучоқлаб, хиргойи қилади.*)

Мен далада учратдим бир кун  
Оташ нигоҳ соҳибжамолни...

Неда унинг қучоғидан юлқиниб чиқади.

Э, яхши қиз, келинг, биз билан ичинг!

Неда шишаларни йиғиб кетади.

Жуда такаббур-ку?!

Оқ сочли негр. Негрлар бамисоли кўкат. Босиб ўтсанг ётиб қоладию яна дарров кўтарилади.

Қора депгизчи. Қани, сен менга айтчи, оқлар бизни таҳқирламоқчи бўлсалар, нега мазах қилиб куладилар. Биз жирафа ёки маймун эмасмиз-ку?

Оқ денгизчи. Ҳамма оқ танлилар ҳам бир эмас.

Оқ сочли негр. Оқ танлилар мисоли қоплон. Йиртқичларнинг энг хашакиси. Уларни на ўрмоннинг, на саҳронинг подшоси деб бўлади. Яшириниб туриб, устингга ташланишади, мажруҳ ва заифларни ўлдиришади.

Оқ денгизчи. Ҳамма оқлар ҳам бир эмас.

Оқ сочли негр. Оқ танлилар пичоқ келиб бўғизларига тақалгандагина яхши одам бўлиб қоладилар.

Қора денгизчи. Нима, ҳамма оқ танлилар ҳам қоралардан нафратланадиларми?

Оқ денгизчи. Йўқ.

Қора денгизчи. Нега улар жим қараб турадилар.

Оқ денгизчи. Бугун уларнинг овозларини бўғиб туриптилар, лекин эртага улар ҳам баралла гапирадиган бўладилар.

Қора денгизчи. Бизга бошқаларнинг юрти керак эмас, бизнинг юртга келганлар ҳам одат ва қонунимизни ҳурмат қилсинлар, бўлмаса, табиат шамолига бош эгмаган дарахтларни қандай қўпориб ташласа, биз ҳам уларни шундай яксон қилиб ташлаймиз.

Хўжайин. Овозингни ўчир, чол! Сен бошимга бир балони бошлайсан. Деворнинг ҳам қулоғи бор! *(Бошларини ушлаб қимирламай ўтирган жулдур кийимлига ишора қилади.)*

Қора денгизчи. Бу қоралардан...

Оқ сочли негр. Қораларнинг ҳам ҳар хили бор.

Оқ денгизчи. Оқларнинг ҳам ҳар хили бор.

Қора денгизчи. Ром!

Оқ денгизчи. Виски!

Оқ сочли денгизчи (секин). Ҳамма-миз бир ёқадан бош чиқарадиган вақт келди. Ҳамма қоралар... Ҳамма қоралар оғанини, опа-сингил.

Қора денгизчи. Лекин бир ириган банан бутун шохни чиритади.

(*Утирганга ишора қилади.*) Виски!

Оқ денгизчи. Виски!

Хўжайин келтиради. Неда кириб, хўжайин олдида тўхтади.

Хўжайини. Ҳа?

Неда. Озроқ овқат бергин, кейин мен кетай.

Хўжайини. Ишлашни хоҳламайсанми?

Неда. Озроқ овқат бер, ахир, мен қайтиб келаман.

Хўжайини. Йўқол! Ҳали ишламасдан туриб...

Неда. Озгина овқат бергин... дарров қайтиб келаман, кейин ҳамма айтганингни қиламан.

Хўжайини. Йўқол, йўқол!

Неда. Кетмайман! Овқат бер менга!

Хўжайини. Йўқол деяпман!

Неда. Овқат, овқат бер, тезроқ!

Хўжайини. Улоқтириб ташлайми, йўқол!

Қўлидан силтаб эшик олдига олиб боради, Неда унинг қўлидан чиқмоқчи бўлади.

Оқ денгизчи. Қўй ўз ҳолига қизни.

Хўжайини. Сенинг ишинг бўлмасин, аралашма!

Недани тортқилайди. Оқ денгизчи келиб хўжайинни бўйнидан бўғиб йиқитади. Неда бурчакка биқинади.

Энди мудроқ кўзларини очиб муштлашишни кузатаётган жулдур кийимли одам — Биркўз эди. У Недани таниб яширинади. Хўжайин ғиқ этмай ётипти.

Оқ денгизчи унинг устига эгилади.

Оқ денгизчи. Сув берайми? (*Сув ичиради.*) Бир оз дурустмисан?

Хўжайин. (*Аранг ўрнидан туриб*). Мени ўлдирмоқчи эдингми?

Оқ денгизчи. Аёл оч.

Хўжайин. Ҳамма очларни мен тўйдиролмайман.

Оқ денгизчи. Тўғри айтасан.

Хўжайин. Раҳмат, қўйвора қолинг.

Оқ денгизчи. Энди дурустмисан?

Хўжайин. Кекирдагим оғрияпти... Ҳечқиси йўқ, тузалиб кетади.

Оқ денгизчи. Бўлмаса биз кетаверамиз.

Хўжайин. Бораверинглар, кетганларинг яхшироқ.

Оқ денгизчи. Кечир мени!

Хўжайин. Ҳа, ҳечқиси йўқ.

Оқ денгизчи. Юринглар, йигитлар.

Кетишга йўл олади, орқасидан оқ танли денгизчилар юришади. Оқ денгизчи кета туриб Неданинг олдида тўхтайти, қизга пул узатади.

Ол. (*Хўжайинга.*) Унга овқат бер, есин.

Кетади. Ташқаридан унинг қўшиғи эшитилади.

«Мен далада учратдим бир кун,  
Оташ нигоҳ соҳибжамолни...»

Қўшиқ тиниб, жимлик чўқади.

Қора денгизчи. Оқ танлилар ҳам ҳар хил бўлади...

Неда пулни хўжайинга узатади. Хўжайин унга икки  
банка консерва беради.

Неда. Бу жуда оз-ку...

Хўжайин. Қўп беролмайман. Пулига  
яраша.

Биркўз бир чеккада писиб ўтириб, ҳаммасини диққат  
билан кузатиб боради, узоқда там-там садо беради,  
негрлар қулоқ солишади.

Оқ сочли негр. Там-там садолари...

Қора денгизчи. Нима дейишяпти?

Оқ сочли негр. Чақиринишяпти.

Қора денгизчи. Сен дўмбираларнинг  
тилига тушунасанми?

Оқ сочли негр. Ҳа.

Қора денгизчи. Нима дейишяпти?

Оқ сочли негр. Улар ҳамма негрлар  
бир ёқадан бош чиқаришсин дейишяпти. Ку-  
рашиш пайти етди дейишяпти.

Там-там садолари тобора баландроқ жаранглайди.

Юринглар, бизни кутишяпти, юринглар!

Там-там садолари жар солади. Оқ сочли негр  
эшикка йўл олади, орқасидан қора денгизчилар.  
Майхона бум-буш. Хўжайин стол орқасида. Биркўз  
қоронгиликка яширинган. Неда бир оз ўйлаб турган-  
дан кейин қўйнидан дурдонани олиб, кафтида хўжа-  
йинга узатади. Там-там садолари пасайиб бориб,  
денгиз тўлқинининг шовуллаши эшитилади.

Хўжайин. Бу нима?

Неда. Дурдона.

Хўжайин. Дурдона?.. (Ҳайратда.) Дур-  
дона?.. (Диққат билан кўздан кечиради.) Ҳа...  
Дурдона! (Недага ҳадиксираб тикилади.) Сен  
буни қаердан олдинг?

Неда. Ўзимники.

Хўжайин. Ўғирлаб олгансан!

Неда. Йўқ, ўзимники.

Хўжайин. Сеникимми? (Завқ билан дурдонани томоша қилади ва ғўнгиллайди.) Ажойиб экан... Мен ҳали бунақасини кўрган эмасман. Нақ чағалоқнинг тухумидай-а!.. Сотмоқчимисан?

Неда. Ҳа.

Хўжайин. Қанчага сотмоқчисан?

Неда. Овқат... Кўп овқат керак менга.

Хўжайин. Нима хоҳласанг шуни берман дурдонангга.

Қоронғиликдан Биркўз чиқиб бир сакраб Неда ёнига келади. Неда қичқириб юбориб, дурдонани маҳкам муштумига қисиб, саҳна олдига ўтади. Бир кўз унинг орқасидан келади. Майхона хўжайини ҳеч нарсага тушунмай саросимада.

Хўш, сизга йўл бўлсин, хоним?

Қоронғилик. Саҳна олдида Неда ва Биркўз жим туриштипти.

Неда. Нега менга қарайсан?

Биркўз. Сени кўпдан бери кўрмаган эдим.

Неда. Йўқол!

Биркўз. Нега энди?

Неда. Бўлмаса мен кетаман, қўй мени!

Биркўз. Йўқ, сен энди ҳеч қаёққа кетолмайсан.

Неда. Йўлимни тўсма, дейман!

Биркўз. Сен Небуни чакалакзор ўрмонга олиб кетдинг, мен изингизни йўқотиб қўйдим, шунинг учун мени ишдан ҳайдашди, худди сасиган банандай улоқтиришди. Очдан ўлмаслик учун қораларнинг нима тўғрисида гаплашаётганларини зимдан эшитиб оладиган бўлдим.

Неда. Яна сотқинлик йулига кирибсан-да, сени ўлдириш керак экан.

Биркўз. Ҳа... Там-тамларнинг нима деяётганини зимдан эшитиб оладиган ва оқ танлиларга етказадиган бўлдим.

Неда. Сени ўлдирмоқ керак!

Биркўз. Ҳа... *(Секин кулади.)* Бир кун келиб сизлар чакалакзордан чиқишингизни билардим... Мен билардим! Мана шу кун келди. Энди мен уз бахт қушимни учуриб юбормайман! Мен бир вақтлар жуда бой одам эдим... Бир вақтлар мен жасоратли аскар эдим... Сен мен қабила доҳийсининг ўғли эканимни биласанми? Менинг отам оқ танлиларга бўйсунгани истарди, уни ҳалок қилишди... Оқлар кучли... Шунинг учун мен уларга хизмат қила бошладим... Лекин энди иш бошқача бўлади! Сен менга дурдонани берасан, мен яна бой одам бўлиб кетаман. Оқлар мени ҳурмат қиладиган, қоралар қўрқадиган бўлишади. *(Яна товушсиз кулади.)* Сен менга дурдонани берасан. Ўшандагина мен Небу изидан юрмайдиган бўламан.

Неда. Йўқ, дурдона Небуники!

Биркўз. Бер уни менга! Бер деяпман, сенга.

Неда. Йўқ!

Биркўз. Бари бир тортиб оламан!

Недага ташланади. Неда унинг қўлини тишлайди. Биркўз қичқириб Недани қўйиб юборади. Неда қочиб кетади.

Яхши... Мен изингдан бораман. Оқларни бирга олиб бораман... Мен Небуни топаман... Унинг қўлидан дурдонани ситиб олиб, ўзини

оқларнинг нафратига топшираман. О, дурдона... дурдона! Мен, албатта, сенинг изингдан бораман, аёл!

Неда қочиб кетган томонга югуради. Қоронгилик. Хурмо дарахти ёнида кулба. Небу ҳамон қўлида бола билан ўтирипти. Бола чинқириб йиғлайди. Ёмғир шариллаб қуйиб турибди. Олов ҳамон милтиллаб ёнмоқда.

## Небу

Ёмғир, ёмғир,  
Фақат ёмғир, бушлиқ атрофинг.  
Атрофингда ҳеч нарса йўқ ёмғирдан ўзга  
Йўқ, кечаги кунинг ҳам йўқ,  
Бўлурми эрта?

Ҳеч ким билмас. Неда... Недам, сен қайда  
Неда?

Қўрқув босиб баданларим музлаб бормоқда.  
Ёмғир каби сирғалмоқда елкамда даҳшат.  
Неда, сендан қўрқяпман! Бормисан тирик?  
Фарзандимиз йиғламоқда, қулоқ сол, Неда!  
Эшит, Неда! Ёмғир, ҳамон қуяди ёмғир,  
Ёмғир... Неда, ўчоқдаги олов ўчмоқда!

Бола йиғлайди.

Биз сўқмоқда икков қолдик, ўғлим, йиғлама,  
Ойинг келар... ўғлим йиғлама. Бас қил!  
Эркак киши йиғламайди! Ёмғир... Ёмғир,  
Сен қайда, Неда?

Неда. Мен... мен келдим. Мен шу ерда,  
мен...

Неда гандираклаб аранг оёғида турипти. Қийимлари бурда-бурда бўлиб кетган. Унинг қўлларидан консерва банкалари гурсиллаб ерга тушади. Неда Небу томонга бир-икки қадам ташлайди... Кейин отилиб унинг қўлидан болани олиб бағрига босади. Боланинг ҳамма ерларини пайпаслаб кўради. Эркалайди. Бола шу замон овунади.



Менинг Небугинам, кичик Небугинам!  
Менинг угилгинам... қоронғи тунларимнинг  
чироққинаси.

Небу консерваларни кўздан кечиради.

Небу. Ҳаммаси шуми?

Неда. Шу.

Небу. Бутун бошли дурдонага-я?

Неда (*дурдонани унга узатади*). Ма...

Ол. У бошимизга битган бало бўлди.

Небу. Нима бўлди?

Неда. Биркўз ўша ерда экан... мени таниди... Дурдонани тортиб олмоқчи бўлди... Бермадим... Қўлидан зўрға қочиб қутулдим... Югуриб бу ерга келдим. Улоқтир у дурдонани, Небу!

Небу. Йўқ. (*Дурдонани яширади.*)

Неда. Йўқот уни.

Небу. Йўқ, у меники!

Сукутда ўтиришади. Ёмғир қуяверади. Бола йиглайди.  
Неда уни эмизади.

Неда. Кўкрагимда сут йўқ... У қонимни сўряпти.

Небу жим. Кўзларидан ёш тирқирайди. Неда бошини кўтариб Небуга тикилади.

Йиғлаяпсанми, Небу! Йиғлама! Эркаклар йиғламайдилар, Небу!

Небу. Бу кўз ёшларимас... ёмғир томчилари...

Неда. Кўряпман-ку... Йиғлаяпсан!

Небу. Ҳа, бу заифлик аломати.

Бу кўз ёшлардан ўзим ҳам номус қиламан.

Ёмғирнинг шариллаши товушига там-там садолари қўшилади.

Там-там садо бермоқда. Эшитяпсанми, Неда?

Не да. Нима ҳақида жар солишяпти?

Не бу *(Там-там садоси оҳангида унинг сўзларини таржима қилгандай)*.

Зудликда қочинглар, яширининглар,  
Изингиздан келмоқда оқлар,  
Қочинглар, қочинглар, тезроқ қочинглар.

Не да. Биркўз уларни менинг орқамдан бошлаб келяпти...

Там-там жар солади.

Не бу. Қочинглар... Қочинглар!.. Ҳа, қочиш керак!

Не да. Қаёққа қочамиз?

Не ду. Катта йўл билан.

Не да. Йўл қаёққа олиб боради?

Не бу. Ҳаётга... Ҳар қандай йўл ҳаётга олиб боради. Ҳар қандай йўл одамлар орасига олиб боради. Биз одамлар орасига қайтамиз. Улар бизни ҳимояга олишади. Юр, Неда!

Неда ўрнидан туради. Учоқдаги олов ўчган.

Не да. Учоқдаги ўтимиз ҳам сўнди...

Не бу. Оиламизнинг чироғи ўчди.

Биз бошқаларнинг гулханлари ёнига.  
Ўз катта гулханимизни ёқамиз... юр, Неда!

Улар жўнайдилар Итларнинг акиллаши борган сари авжга чиқади. Қоронғилик.

Қамишзор. Икки кишининг оғир ҳарсиллаши эшитилади. Итлар ҳуради. Қамишнинг учидаги попуклари тебранади, қуруқ қамишлар шитирлайди. Небу кўринади. У қўлида Неда билан боласини кўтарган. Тўхтади.

Неда. Мени ерга қўй, Небу, чарчаб кетдинг!

Небу. Бўлмайди... Юриш керак... Улар яқинлашиб қолишди.

Неда. Мени ерга қўй деяпман, эшитдингми?

Небу. Бўлмайди!

Неда. Чарчадинг ахир, бор кучингдан айрилдинг.

Небу. Йўлга чиққан одам юриши керак.

Етиб бориши учун юриши керак.

Неда. Қўй мени ерга... Мен ўзим юраман... Урмалаб бўлса ҳам етиб бораман.

Небу. Йўқ, бўлмайди.

Неда. Қўй, дейман, сенга, биз борайлик.

Мушукка ўхшаб Небунинг тимдалаб унинг қўлидан тушмоқчи бўлади, кўкракларига муштлайди.

Небу. Йўқ... Неда, жонгинам, бўлмайди!

Улар бир ерга йиқилишади. Оғир нафас олиб қимирламай ётишади. Бола йиғлайди.

Неда. Жим... жим менинг кичкинам Небу.

Ўлим яқинлашиб келмоқда... жим бўл!

Жим бўл, шўрликкинам йиғлама!

Жим, жим.

Боланинг оғзини қўли билан бекитади.

Қамишзорлар ичига кириб,  
Яширинамиз, тополмас ҳеч ким.

Итларнинг акиллаши узоқлашади.

Эшитяпсанми, Небу, улар бизнинг изимизга тушолмадилар.

Небу қулоқ солади. Кейин диққат билан ҳавони ҳидлайди.

Небу. Бу нимаси?

Неда. Нима?

Небу. Дуд, тутун ҳиди.

Неда. Демак яқин ерда хонадонлар бор.

Небу. Билмайман, Неда, (*Осмонга қарайди.*) Қандайдир ғалати булут.

Неда. Рост айтасан!

Небу. Ёмғир булутига ўхшамайди.

Неда. Ўхшамайди, Небу. Нима бўлиши мумкин?

Небу. Ёнғин... Қаердадир ўт қўйишган.

Бўғиқ овозлар. Небу қулогини ерга қўйиб тинглайди.

Небу. Оҳулар безовта чопишяпти.

Неда. Нима дегани бу?

Небу. Қамишзорга ўт қўйилган.

Неда. О, худойим-ей!

Небу. Тутун ҳамон юқорига буруқсаяпти, Небу, қуёш юзини булут тўсиб қўйди.

Неда. Болагинам! Небу!

Небу. Олов! Ҳаммаёқда олов. Унинг тиллари еру осмонни ялаб кетяпти.

Неда. Тезроқ! Тезроқ юр, қочамиз!

Аранг турадилар. Бирдан хириллаган кулги эшитилади. Қамишлар орасини йириб Ёркўз бошини чиқариб турипти. Саргайиб кетган тишларини тиржайтириб, кулади. Хахолайди. Хахолаши ҳамма овозни босиб кетади.

Б и р к ў з. Ҳа, Небу, бунча менга тикила-  
сан? Кўрмаганингга кўп бўлди-а?  
Мана мен. Келдим.  
Н е б у. Қоч йўлдан!

### Б и р к ў з

Йўқ, йўқ,  
Йўлларимиз туташди энди,  
Мендан қочиб қайга борасан.  
Дурдонани менга бер энди,  
Эвазига тирик қоласан.  
Битта дурга — бутун бир ҳаёт  
Арзон сотиб олдинг ҳаётни...

Н е д а. Бер унга, Небу, бер!

Б и р к ў з. Бер, буёққа! Кейин мен оқлар-  
ни бошқа йўлдан олиб кетаман.

Н е д а. Бер, Небу!

Н е б у (*Иккиланиб туради, кейин дурдо-  
нани Биркўзга отади*). Ол. (*Биркўз дурдона-  
ни илиб олиб, очкўзлик билан уни кўздан  
кечиради.*)

Б и р к ў з. Ўша, худди ўшанинг ўзи. (*Яна  
хахолаб кулади.*) Энди меники бўлди. Мени-  
ки, меники!..

Н е б у. Ҳа, у — сеники бўлди энди. Сен  
унга эга бўлишни жуда истардинг. Бой бўлиш-  
ни истар эдинг, Биркўз. Энди бахтиёрмисан?

Б и р к ў з. Ҳа, жудаям!

Н е б у (*пичоқни қўлидан олиб*). Бўлмаса  
энди ўл!

У Биркўзга ташланади. Кураш. Иккиси олиша-олиша  
қамишзор ичига кириб кетади. Қамишлар шитирлаб  
тебранади. Кимнингдир хириллаши, кейин инграгани  
эшитилади.

Не да (даҳшат ичида чинқиради). Небу!  
Менинг Небуим! (Йиғлайди.)

Ҳаммаёқ қизил рангга киради. Қамишзорни аланга олади, аланга ичидан қўлида пичоқ билан Небу чиқади.

Небу. Энди у бахтиёр. У қамишзорда лаънати дурдонани қисимлаб, осмонга қараб ётипти. (Пичоғига қарайди.)

Ота-боболардан қолган мерос бу,  
Бегуноҳ бировнинг тўкмаган қонин.  
Бахтга интилганнинг йўлини тўсган  
Ҳар кимга қақшатғич зарба берар у.

Яна яқин ерда итлар ҳуради, отишмалар. Небу  
Неда билан боласини қўлига олади.

Қишлоқ яқин қолди, Неда,  
Одамлар кутмоқда... кетдик илгари

Чакалакзорлар ичида ғойиб бўлишади. Қамишзор ёнади. Урмонга ўт кетган. Отишмалар ва итларнинг акиллашлари авжга чиққан. Қоронғилик. Яна чакалакзор. Фақат бу аввалги эмас. Ёнаётган қамишзор четда қолган... Итларнинг акиллашлари даҳшатли даражада янада авжга чиқади... Қамишзорлар ичидан эмаклаб. Не да чиқиб келади. Бир қўли билан боласини бағрига босган, иккинчиси билан кучсизланган Небуни тортиб чиқяпти. Неда беҳол бўлиб муккаси билан ерга йиқилади... Бола йиғлайди. Неда бўғиқ, заиф овоз билан дейди.

Не да. Жим! Жим! Жим!

Бола жим бўлади. Бир неча муддат Неда Небунинг ёнида ҳаракатсиз ётади. Небу дармонга киради.

Небу. Ҳаёт кўршапалакдай учиб ўтди.  
Уёқ-буёққа қарагунингча — йўқ!

Не да. Гапирма!

Небу. Қуёш ботиши билан тана музлайди.

Не да. Сен яшайсан, яшашинг керак...  
Ундай дема!

Небу

Улар сени қучган бу қўллар,  
Улар кезган бу оёқларим.  
Юрак тўхтар энди уришдан,  
Бугун бизнинг учун сўнгги тун,  
Кундуз олиб кетади нари.

Неда

Ундай дема! Шукур! Нафас олиб турибсан,

Небу!

Наҳот, эшитмайсан нафасинг,  
«Яшаш, яшаш» такрорлар қалбинг.

Небу.

Доим, қалбим... тунлар там-тами,  
Умринг битди деса уради тинмай.  
Ҳаммасини унут, азизим Неда.  
Янги ҳаёт бошла қайтадан.

Неда

Унутишга ҳақлимас инсон.  
Жим бўл, жим бўл, албат яшайсан.

Небу

Қайғу-аламингни куйдирсин қуёш.  
Қумлар бўйлаб олға қараб юр!  
Ўрмонларни босиб-янчиб ўт,  
Олға, олға, шамол қулатган,  
Дарахтлардан ўтиб олға юр!  
Инсонлар ичига топасан сен йул.

Не да. Сен борасан менинг ёнимда.

Не бу. Йўқ, Неда. Йўқ, кўзим тинмоқда, сен қайдасан.

Не да. Мен шу ерда... Мен ёнингда... бир умр сен-ла.

## Не бу

Улим, унутилиш... йўқлик демакдир.

Абадий сукунат... тириклик — тамом.

Ҳаётим битди, менинг суюкли Недам!

Энди сен ўз йўлингдан менсиз бораверасан,

Қайрилмасдан бораверасан.

Энди сенда бошқа Небу бор... Уғлимиз Небу.

Не да. Ҳа, бизнинг ўғлимиз.

Не бу. Сиз иккингиз бирга-бирга янги туғилаётган ҳаётга, тонгга қараб борасиз. Танҳоликнинг қорнида нималар яширишиши энди сен ҳам биласан!

Не да. Биламан.

Не бу. Инсон танҳоликда яшай олмаслигини энди сен ҳам биласан!

Не да. Биламан.

Не бу. Энди олға қараб менсиз боравер.

Не да. Йўқ. Сен ҳаммавақт мен билан биргасан. Худди қўшиқ сингари, там-тамнинг чорловчи садолари сингари, там-там садоларини қўллари ва танасининг ажойиб ҳаракатлари билан ифода этувчи раққос сингари, ерга уруғ сепувчи қўллар сингари, ернинг қоқ юракларига ботиб кетадиган оёқ товонлари сингари ва там-тамнинг чарм сатҳига тинмай уриб турувчи таёқчалари сингари ҳаммавақт мен билан биргасан...

Неда боласини олиб ғойиб бўлади.



Небу. Мен ҳеч нарсани кўрмаяпман, Неда, сен қаяқдасан? Овозингни ҳам эшитмаяпман. Сукунат, сукунат... сукунат...

Бирдан сукунат босди, тинди менинг там-тамим,

Атрофимни ўради сукунатнинг ҳалқаси.

Ҳаммаёқда сукунат, сукунат ва сукунат.

Бу қабрда на овоз, на баргларнинг шарпаси.

Менинг там-тамим тинди.

Сукунат ўлим демак, ўлимдан ҳам баттарроқ.

Бу кулфатни тортмоққа тоқатим йўқ, тоқатим!

Жимлик. Небу қулоқ солади. Жимликда қисқа-қисқа дукирлаш эшитилади. Бу Небу юрагининг уриши.

Бу нима? Там-тамнинг садоларими,

Ёки юрак там-там товшидай

Кўкрагимда гумбурлаб урар.

Менинг доҳим, қалбим гумбурлар,

Сукунатнинг даҳшатими бу!

Оҳ, Неда! Ғамларни кул-кул қилувчи,

Иссиқ қўлларингда мен бераман жон,

Гўё буюк заифликсимон...

Недам, бўлсанг менинг ёнимда

Бу бўғувчи ғусса тарқарми,

Ёнимда бўл, жонгинам Неда!

Қоронғиликдан Неда пайдо бўлади. Сочлари оқариб кетган. Лекин ўзи ҳамон ёш. Унинг ёнида қаддиқомати келишган ўспирин йигит. Ўспирин жуда Небуга ўхшайди.

Небу. Менинг Недам! Сен шу ердаман-сан?

Неда. Мен шу ердаман. Мен — Африкам! Сенинг онанг — Африка! Там-там садоларига қулоқ сол! Унда янги ҳаётнинг қуёши

кўтарилиб келмоқда. Мен тонгни кўргандай бўляпман. Менинг овозимга қулоқ сол, Небу!

Там-там садо беради.

Небу (*туришга уриниб*). Эшитяпман, эшитяпман овозингни. Менинг Африкам!

Неда

Эшитяпсанми?

Унда қайноқ шамол нафаси.

Майсаларнинг овози унда.

Денгиз тўлқинининг кучли долғаси.

Фил тўдаси ўтганда, қуруқ

Хазонларнинг шитирлашлари —

Табиатнинг қушиқларини!

Небу. Эшитяпман, эшитяпман, овозингни, Африка!..

Неда. Қудратли, кучлироқ садо беринг, там-тамлар.

Там-тамлар зарб билан садо беради. Уларнинг садолари Небунинг қалб уриши билан ҳамоҳанг бўлиб кетади.

Небу (*бутун кучни тўплаб азот туради*).

Қаттиқроқ, кучлироқ гумбурла, там-там!

Эшитяпман, эшитяпман ғазабга тўлган

Садоларинг тинмас зарбини!

Ана қичқиряпти:

Озодлик, озодлик, озодлик!

Небу йиқилади. Бир дақиқалик қоронғилик. Неда Небунинг жасади устига эгилади. Успирин Небу отаси бошига келади. Сукутда бошини эгиб туради.

Аввал оҳиста, кейин баландроқ ура бошлайди дум-бираларни. Унинг овозини эшитгандай Дуэду билан Акко, кейин қора думбирачи ва қишлоқ думбирачиси пайдо бўлишади. Ҳаммаси Небунинг жасади атрофига тўпланишади. Бир неча дақиқа бош эгиб туришади. Кейин секин Дуэду сўз бошлайди.

Дуэду. Бизнинг орамизга жуда кечикиб келдинг, Небу!

Акко. Жуда кечикиб келдинг... Там-тамларнинг садоларини жуда кеч эшитдинг.

Улар жасадни кўтарадилар, саҳна олдига олиб ўтадилар. Бошқалар улар орқасида.  
Саҳна олди.

### Қ о р а д ў м б и р а ч и.

Там-тамларнинг садолари тропик ўрмон — Чакалаклар қалбигача етсин бу замон:  
Мана шундай бўлар унинг товшин баёни:  
Энди негр бош эгмайди, қилмайди тоқат,  
Қора танли оғайнилар — дўстлар, қўзғолинг!  
Олтин конлар қаъридан сиз чиқинг офтобга.  
Баданингиз тошлар тилиб қонатганда ҳам,  
Эмаклаб ҳам, ўрмалаб ҳам чиқинг офтобга.  
Сасиб ётган балчиқлардан чиқинг қуруққа,  
Қамишзорлар водийсининг муте қуллари,  
Кучли қўллар билан янчиб чиқинг қуёшга!  
Дуру гавҳар овловчилар! Сувнинг остидан  
Музлаб-музлаб оқ танлига тердинг совуқ дур!  
Энди етар! Озодликнинг ҳаётбахш нури  
Кўксингизни сийпаласин, олинг енгил тин.  
Э қўзғолинг, э қўзғолинг, оға-инилар!

Акко. Халқ кўтарсин бош!  
Қўли, дили кишанланган халқ кўтарсин бош.

## Д у э д у

Бир мақсадга бирлашганлар, ҳамдамлар кучи  
Бир-бирига ҳамоҳанг қалб одамлар куйи —  
Зур курашнинг ғолибона қўшиғи бўлсин.

## Ё ш Н е б у

Ҳа, эртага ғолиб келур албатта инсон,  
Бахти кулган қитъалар ҳам бирга бўлишар.  
Оқ танлилар, қора, сариқ танлилар бари  
Худди оға-инилардай яшашар иноқ!

## Қ о р а д ў м б и р а ч и

Токи инсон — бошқа инсонни  
Қул қилишга этмасин журъат.

А к к о

Хаёлдаги гўзал инсонни.

Д у э д у. Мушкулликда қолган инсонни,

Не да. Муҳаббатга ҳамроҳ инсонни,

Ё ш Н е б у. Ким бўлмасин ҳар бир ин-  
сонни.

Қ о р а д ў м б и р а ч и. Ер юзида бирон ин-  
сонни.

Қул қилмасин ҳеч ким, ҳеч замон.

Там-там садо беради. Саҳна секин қоронгилашади.

Парда.

### Халқимга айтар сўзим

Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг,  
Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим.  
Сени сева-сева мен бойиб кетдим,  
Дунём ичра топган дунёмсан, халқим!

Юрак чақмоқ теккан осмон юзидай,  
Лекин эътиқодим, имоним бутун.  
Етмиш йил қилганим кўпим-озимдан  
Сенга ҳисоб бериб турибман бу кун.

Менга Навоийдан айтинг алла деб,  
Лутфийдан онгимга зиё таратдинг.  
Қийналган оламга бўлсин далда деб,  
Асли ўзинг мени шоир яратдинг.

Пушкинни ўқидим — танидим эркни,  
Ленинни ўргандим — ҳақни танидим.  
Аёзинг, ўтингга кўксимни бериб,  
Армонни танидим, бахтни танидим.

Ёш шуур, курашчан туйғулар билан  
Сенинг тақдирингга маҳкам туташдим.  
Уруш томирингга оғу қуйган дам  
Кўлнинг бири бўлиб малҳамга шошдим.

Сарғайган даштларга бердинг яшил қон,  
Тупроқ тепаларда шаҳар кўтардинг.

Ҳар бир ғалабангни кўрган суюк он  
Дилдаги ўз ғамим қуйи чўкарди.

Йўл юрдим, соғиндим, тўкилди байтим  
Хорижнинг шомлари, саҳарларига.  
Эзгу истакларинг жаранглаб айтдим  
Осиё, Африка минбарларида.

Пахта хирмонининг ўсди бўйлари,  
Таниди, тан олди яқину йироқ.  
Фурурдан денгиздай тўлиб куйладим  
Толелар тиладим бундан ёрқинроқ.

Мактублар ёздинг сен, мактублар битдим,  
Гоҳ кўзга нам қалқиб, гоҳида хушбахт.  
Шеър билан, сўз билан қалбингга етдим,  
Уша қалб мен учун энг шарафли тахт.

Кўзим устидасан бу тугёнли дам,  
Сен билан тақдирдош кундузли бўлдим.  
Сени деб сийлади партия, Ватан,  
Эъозли бўлдим мен, юлдузли бўлдим.

Ҳали бор олдинда ўтмаган бурчим,  
Утайман кўзимда тирик турса нур.  
Урмимдаги барча фасллар учун  
Халқим, жоним, сенга буюк ташаккур!

1985 йилнинг 1 декабри

## МУНДАРИЖА

### I

#### Юрагимга яқин кишилар

Ҳаёт варақларим . . . . .	4
У яшашни севарди . . . . .	11
Миртемир ёди . . . . .	22
1. Тирик шеърят . . . . .	22
2. Бир умрлик эътиқод . . . . .	26
Шоира бўлиб улгурмади . . . . .	36
Ерқин йўлда. Очерк . . . . .	45
Ешликнинг қулочи. Очерк . . . . .	82

### II

#### Адабий суҳбатлар

Юртим харитаси — менинг юрагим . . . . .	125
Ҳаёт ва сўз . . . . .	141
Гўзаллик яшаган қалб . . . . .	171
Буюк даврга ҳамоҳанглик . . . . .	186

### III

#### Дўстлик ва қардошлик чамани

Халқ юрагининг ифодаси . . . . .	197
Ҳамиша тирик ҳислар куйчиси . . . . .	203
Тош устида унган гул . . . . .	212
Қалбларга тошқин бўлиб кираётган овоз . . . . .	216
Халқ куйчиси . . . . .	220
Кутиш шодлиги . . . . .	225
Оташранг . . . . .	230
Табрикнома . . . . .	235
Меҳримиз дилларда . . . . .	239
Бир дарёнинг икки қирғоғи . . . . .	249

## IV

### Ватанимнинг келажаги — менинг келажагим

Ғами ҳам, қувончи ҳам шеърида . . . . .	257
Туйгун уйлар, тошқин ҳислар куйчиси . . . . .	262
Хуршид Давроннинг шеърий тупламлари ҳақида .	266
Журъатли қизғалдоқ . . . . .	269

## V

### Янги дунёга очилган деразалар

Қоҳира анжумани . . . . .	277
Осиё аёллари — адабиёт равнақида . . . . .	292
Учрашувлар — янги дунёга очилган деразалар .	302
Ягона онла туйгуси . . . . .	309
Қоломбо кабутарлари . . . . .	317
Ҳамиша мен билан бирга байрамлар . . . . .	325
Аланга . . . . .	331

## VI

### Таржима

<i>Александр Гинзбург.</i> Там-там садоларн. Драма- тик дoston . . . . .	344
Халқимга айтар сўзим . . . . .	428




На узбекском языке

## ЗУЛЬФИЯ

Собрание сочинений в трех томах

Том III



РАДУГА

Очерки, воспоминания,  
литературные статьи, перевод

Редактор *М. Кенжаблеев*

Рисунки *Ю. Габзалилов*

Размлар редактори *М. Карпузас*

Тех. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *Ш. Муҳиддинсва*

ИБ №3211

Босмахонага берилди 16.06.86. Босишга рухсат этилди. 15.10.86.  
P.02198. Формати. 70×90<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 1. Адабий  
гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л 15,79 + 0,29 вкл. + 0,22 фо-  
рзац Шартли кр. — оттиск 16,22. Нашр л 15,08 + 0,3 вкл. Тиражи 10000.  
Заказ № 1921. Баҳоси 1 с. 40 т. Шартнома № 72—86. Гафур  
фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент,  
Навои кўчаси, 30

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
Давлат Комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлаш-  
масининг Бош корхонаси. Тошкент—700129, Навоий кўчаси, 30.

